

# Ботирхон АКРАМОВ

---

*МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ*



# **МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ**

**БОТИРХОН АКРАМОВ**



Тошкент  
«MUMTOZ SO‘Z»  
2012

УДК: 821.512.133(083)

КБК 83.3(5Ў)

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:  
**Гули АКРАМОВА**

Масъул мухаррир ва сўзбоши муаллифи  
Филология фанлари доктори, профессор  
**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ**

Такризчилар:  
Филология фанлари доктори, профессор  
**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ;**  
Филология фанлари номзоди  
**Абдумурод ТИЛАВОВ**

83.3(5Ў)6

A15

**Акрамова, Гули.**

Маърифат фидойиси: Ботирхон Акрамов / Тўплаб, нашрга тайёрловчи Г.Акрамова; сўзбоши муаллифи ва масъул муаррир Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2012. – 176+8 б.

УДК: 821.512.133(083)

КБК 83.3(5Ў)

ISBN 978-9943-398-82-6

© Б.Акрамов, 2012  
© «MUMTOZ SO‘Z», 2012

## НАВОИЙ БАХРИДАН БАХРАМАНДЛИК

Инсон доим юксакликка интилиб яшайди. Бу йўлда унга илм ва иймон, инсонийлик ва тафаккур ҳамроҳ бўлса, у янги юксакликларни забт этишдан чарчамайди. Айниқса, бу маънавий йўлда улуғ ажсадодларимиз эътиқодига таянса, уларнинг руҳи албатта қўлла-гусидир. Мумтоз адабиётда худди тасаввуф таълимоти сингари тири увайс тушунчалик бор. Унга кўра шогирд (мурид) фақат ўз замондошлиаридан эмас, балки ўзигача ўтган улуғлардан бирини тири тутиши ва унга эътиқод қилиши мумкин. Агар таъбир жойиз бўлса, мавзумиз боиси профессор Ботирхон Акрамов Ҳазрат Навоийни ўзига ана шундай улуғ тири муршид сайлаганлардан бири эди. Ҳар сұхбатда, ҳар жойда – хоҳ кўчада бўлсин, хоҳ уйда, ёки машгулот пайтида ва ё дўстлар зиёфатида доимо Улуғ Навоий ёди билан яшаши одат қилган эдилар. Шундай экан, улуғлар ёди қўллаб, оддий мактаб ўқитувчиси Миллий университетнинг профессори даражасига кўтарилди, эл-юрт эътиборини топди...

Ботирхон Акрамов илмий фаолиятининг икки муҳим қирраси эътиборли. Улар учун мумтоз адабиёт ва унинг улуғ даҳолари ҳам, XX аср ёки замонавий адабиётдаги ийрик истеъодлар ҳам бирдай илмий мақолаларига мавзу эдилар. Улуғ Навоий баҳридан баҳрамандлик олимни Бобур, Фузулий, Машраб сингари туркий дунёнинг муҳташам вакиллари ижодига бошлаган бўлса, худди шундай эҳтиром билан Ҷўлпон ва Ойбек, Абдулла Орипов ва Рауф Парфи ижодига юзланади. Ҳатто бу ижодкорлар дарёсидан баҳра олган Мирза Кенжабек ва Азиз Саид каби шогирдлар ҳақида ёзганда ҳам улуғлар ижодига муносабатда бўлган турвиқорлик, инжса калом ва баланд пардан сақлайди. Буни баландпарвозлик деб эмас, балки шеърга, бадиий сўзга бўлган юксак ҳурматдан деб билиш лозим. Ана шундай эътиқод домланинг “Шеърият гавҳари”, “Оlam бутунлиги”, “Фасоҳат мулкининг соҳибқирони”, “Навоий шоҳбайтлари” сингари китобларининг ички руҳини ёритиб туради. Кези келганда айтиши лозимки, улуғ шеъриятдан ҳайратланиши натижасида “сўз гуҳари”, “илоҳий калимот”, “мўъжиз лавҳалар”, “қасидавор тасвир”, “руҳият мусаввири” каби сўз бирикмаларидан фойдаланади, улуғ санъатга баҳо бершида улуғвор жумлалар тузишдан ийманмайди.

*Сўз сеҳридан ҳайратланиш домлани бадиий ижсод билан машгулликка ундалган. Ушбу тўпламда илк бор нашр этилаётган ижсод намуналари ҳам ўшандай мумтоз жсанрларда битилган шеърий машқ ва тажрибалар деб қаралиши керак. Бу муаллифнинг ўзи ёзганидек, “янги бир ижсодий иштиёқ... қалам маъбути Аторуднинг илк мужсадаси”дан руҳ олган муҳиблик билан ижсодга киришишадир.*

Ботирхон домла жуда кўп олим ва ижсодкорлар билан ҳамсуҳбат бўлганлар, бироқ негадир уларнинг бирортасини ҳам матбуотга олиб чиқмаган экан. Бу ўринда Б.Акрамовнинг мунакқид Маҳкамам Маҳмудов билан бўлган сухбатини ҳавола қилиши орқали ўқувчиларимизни ана шундай адабий сухбатлар ҳам домла фаолиятидан ўрин олганини эсга олмоқчи бўлдик. Ва ниҳоят, адабиётшунос олим асарларининг қисқа рўйхатини бериш орқали улар ёзган мақола ва китобларнинг умумий мундарижасидан ҳам китобхонларни хабардор қилишини ният қилдик.

Мазкур тўпламнинг иккинчи бўлими адаб ва олимлар, шогирд ва яқинларининг диг сўзларидан ташкил топган. Улар ўта турлича (ҳатто эл билган машҳур адаб эътирофидан тортиб қўшилар эсдалигигача) бўлишидан қатъи назар бир жиҳат бу ёдномаларни бирлаштириб туради. У ҳам бўлса – самимият. Булар самимий, ҳиссиётга берилган инсонга нисбатан ўз самимиятини изҳор қилиши ниятида ёзилган диг сўзларидир.

Умид қиласизки, Ўзбекистон Миллий университети профессори, навоийшунос олим Ботирхон Акрамов ҳақидаги ушбу мўъжаз эсдалик китоби ўқувчиларни беътибор қолдирмайди.

*Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,  
профессор*

---

## МУХТАСАР ХАСБИ ҲОЛИМ

Каминанғиз – фақири ҳақири Ботирхон Акрамхўёжса эшон ўғли 1932 йилнинг 20 ноябринда Фарғона водийсининг қадимиий Ўш шаҳрида (араб манбаларида: “Хайрул баладон”, водийнинг зиёратгоҳларидан – “Маккаи Ажам”), дехқон-богбон хонадонида таваллуд топганман.

Аввал етти йиллик мактабда (собиқ Султон мингбоши – олим ва драматург Иззат Султоннинг бобоси қурдирған иморатларидан бирида), сўнгра вилоят педагогика билим юртида, Ўш ўқитувчилар институтида таҳсил олдим. 1952-1954 йилларда Тошкент Низомий номидаги педагогика институтида ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқишини давом эттиридим.

1954-1963 йилларда Ўш шаҳри мактабларида ўзбек тили, адабиёти ва тарих фанларидан дарс бердим. Адабиёт ва тарихга муҳаббат ўша пайтларда шаклланган, шаҳар ўқитувчилар уйида – халиқ театрида, сўнг вилоят театрида ўриндошлиқ асосида фаолият кўрсатганман, республика (Қирғизистон) фестивалида қатнашганман ва фахрий ёрлиқ олганман.

1963-1966 йилларда Низомий номидаги пединститут аспирантурасида ўқишини давом эттиридим. Қадрдан институт даргоҳида устоз олимлар: Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Натан Маллаевлардан, муттасил таҳсил, таълим, маърифий ва маънавият сабоқларини олдим. 1966-1969 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим бўлиб ишиладим.

1967 йилда “Навоий лирикасида мажозий образлар” мавзуида номзодлик диссертациясини ёқладим. Устозим профессор Ҳамид Сулаймон билан Тошкентда ва Санкт-Петербургда бир неча вақт илмий муроҷуларда бўлганим бир умр унунтилмас хотираларимдир.

1969-1977 йилларда Тошкент давлат университетида доцент ва катта илмий ходим – докторант лавозимларида фаолият кўрсатдим. Докторантура муддати тугагандан сўнг университетдан

кетишига түгри келди. Нихоят, 1991 йилда Абурайхон Беруний номидаги Тошкент техника университетида докторлик диссертациясини ёқладим, икки йилдан сўнг профессорлик лавозимини олдим.

1999 йилда, шукрки, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасига ишига қайтдим.

Аспирантик йилларидан то 1991 йилгача учта монографик рисола нашр этилди (“Шеърият гавҳари”, “Оlam бутунлиги”, “Фасоҳат мулкининг соҳибқарони”). Кейинги йилларда турли нашриётларда учта китоб қўллэзмаси чоп этилиши навбатини кутиб ётибди (“Сўз гуҳари”, “Жаҳон гул ичинда нихон”, “Бир шеър шарҳи” туркумидан). 2007 йилда “Навоий шоҳбайтлари” чоп этилди. 1969-2002 йиллар орасида Навоий, Бобур, Ҷўлтон, Усмон Носир, Миртемир, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи ва кўп бошқа шоирлар ижодини тадқиқ ва таҳдил этувчи 100-120 дан ортиқ илмий-танқидий мақолалар газета ва журнал саҳифаларида эълон қилингган.

Бошқа бир янги ижодий иштиёқ: дафъатан, каминада уйгонган орифона шеър “дагдагаси” (Бобур) ва қасида-достон разғбати, балким бу – қалам маъбуни Аторуднинг илк муждасиодир...

2010

**"СЎЗ ГУҲАРИ" НИНГ ИЛОХИЙ БАҲОСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2000 йилнинг бошларида Олий Мажлис минбаридан туриб, Ватан ва миллият шаъни, аждодлар шукухи, авлодлар ғурури, ҳакки-хурмати, давлат аҳамияти мақомида юксак эътибору буюк меҳр-иҳлос ила қилинган: "Навоийни англаш" даъвати ҳақида, унинг маъно салмоги, асл моҳияти ҳақида дафъатан – аввалига, ҳар биримиз лоақал зоҳиран ўйлаб кўрмогимиз ("ўз вужудининг тафаккур айлагил..."), яъни дастлабки таассуротлар, майли, шахсий мулоҳазалар тарзида бўлсин, муайян тасаввур ҳосил қилмогимиз тўгрироқдир... Бу борада ҳазратнинг ўзлари қўлимиздан тутиб етаклагандай бўлади.. Ибтидо, беназир болаликнинг ҳайратбахши машқлари, сўнгра Мавлоно Лутфий билан ўша унтилмас мулоқот чоғидан ёдгор тамсил-байт ва ниҳоят, ўсмирлик, навниҳол йигитлик йилларининг мавжвор шавқу рағбатидан шоҳиди бурхон нодир шоҳбайтлар... (уларни баъзур "англаш" мумкин!...) Биз "Бадоеъ ул-бидоя" дебобчасидан айрим гаройиб байтлар тамсили билан кифояланамиз:

*Ранж кўрмай киши топарму фароғ,  
Кўнгли ўртанимайин ёнарму чароғ?..*

*Тухум ерга кириб, чечак бўлди,  
Курт жондан кечиб, ипак бўлди.*

*Лола тухмича гайратинг йўқму,  
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!.*

Воажаб! "Етти-саккиз ёшлар" (Навоий эътирофи, "Дебоча"), борингки, тўққиз-ўн ёшларда бўлсин, "хомай тақдир" кудрати-ла битилган, тонг шабнамидай тоза, бокира байтлар, аслида мургак хирад, маъсум хаёл тухфаси эканига иштибоҳ билдириш ўзи гуноҳи азим эмасми? Боз устига, уларда азалий зиддиятлар: түғилмоқ ва ўлмоқ, илохий ворислик, ҳаётнинг мўъжизакор давомийлиги ("авлодлар алоқаси") фалсафаси шунчалар аниқ тафсилу тимсолларда ифодаланиши... Ҳаётнинг бокий конунияти – машаққату риёзатлари ("ранж кўрмай киши", "кўнгли ўртанимайин...") ҳам жуда эрта – бола тафаккурида тажалли этиши-чи?!

Алқисса, "Навоийни англаш" жараёни шу тариқа аста-аста, охиста-охиста содир бўлмоги лозим. Сўнгра, не ажабки, ўша "болалик ғаройиботлари" ("Ғаройиб ус-сигар")дан эътиборан, Навоийнинг ўзи кейинчалик "одамийлар одамийси" деб тавсифлаган саховат, ҳиммат – нафъ еткўрмак", "халқ ғами", "аёлу Ватан" йўлида жон фидо қилишдек олий сифот (сифатлар) васф этилади. Демак, биз, биринчи навбатда, улуг мутафаккир, улуг гуманист шоиримизнинг "барча эл"га мақбулу манзур, аникроғи, назаргоҳда аён ("олти жиҳат" ва "тўрт унсур"га мансуб) ҳодиса, ҳолат ва аломатларни яхширок билиб, англаб олмоғимиз лозим бўлади. Мана бошқа ёркин тамсил-байтлар:

*Гул вақти муяссар ўлса гулфом қадаҳ...  
Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз...*

*Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиши...*

(Учала маълуму машхур рунонининг давоми китобхон ҳофиза қувватига ҳавола).

*Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёши...  
(бу байтнинг иккинчи сатри ҳам!..)*

*To тузди Навоий ояти шиқ,  
Ишқ аҳли аро наво булубтур...  
Яҳшироқ бил они улус ароким,  
Етса кўпрак улуска нафъ ондин.  
Нафъ текурмакни шиор айладинг,  
Ўзунгга ул нафъни ёр айладинг.  
Тенгри эҳсонига шод ўлғон килур,  
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам...  
Бирорким, жаҳонда керак ком анга,  
Эмас яхши бир ерда ором анга...*

Хуллас, биз нисбатан яхширок англаған байтлар Навоий оламини таҳқиқ этишда дастлабки маърифий-бадиий сабоқ вазифасини ўтайди. Яъни Навоий даҳосининг сир-синоати, асл моҳияти, улуг шоир яратган тимсолларнинг руҳий теранликлари, мўъжизий аломатлари, жумладан, ғайб олами (руҳлар, фаришта-малойиклар даргоҳи) ва ниҳоят, мутлок руҳият – Аллоҳининг чексиз ва мұқаддас мулкига сайру саёҳат қила бошлаймиз... Адбатта, бундай муборак илохий тушунчалар, раббоний қадриятлар талқини ва тахлилида

дунёвий ҳодисалар, ҳаётай ҳакиқатлар тавсифу тафсиллари ёнма-ён ёки тадрижий давомийлик силсиласида, рамзий-мажозий усул ва воситалар, азалий ранг ва оҳанглар ила уйғунликда, мутаносибликда намоён бўладики, биз бу серқирра, мураккаб жараён ҳакида эндиғина очик сўзлай бошладик: зоҳир ва ботин, суврат ва сийрат, моддий борлиқ ва руҳият оламининг узвий бирлиги, бутунлиги, азалий қонунияти... Турли даражалар ("Макомот") – категориялар (юононча аслиятда: "категориус") нисбати, уларнинг бадиий тимсолларига хос хусусиятларни таҳлил этмасдан, бир қадар шарҳлаб бермасдан "Навоийни англаш"дек бугун адабий-бадиий ва илмий муаммога айланган мушкулот тутунини ечиш амри маҳол...

Ҳеч муболағасиз, Машрику Мағрибда, алал хусус, фасоҳат мулки – шеърий санъатда назири ва нисбати йўқ сўз Даҳоси тасарруф этган, тўёки ғайришурор – мўъжизакор шеърият, илохий ижодхона ҳакида, ўша самовий хилқат – Аторуд (қалам ва аҳли қалам маъбути) тили билан айтганда: "балогат кишварининг нуктадони, фасоҳат мулкининг соҳибқирони" ("Бадоेъул-бидоя" лебочаси) ин-кишоф этган мислсиз нафису дакиқ тимсоллар – "сўз гуҳари" намуналари ҳакида баҳоли имкон мусоҳаба ва мубоҳаса юритмоқ учун, аввало, комил эътиқод, шайдойи муҳиб назари лозим бўлади. Қолаверса, махсус маърифий ҳозирлик, зарифона баланд дид-хуштаълик, шоирона нозикхాёллик – ўзгача сўз туйгуси, эҳтимол, хос воизлик салоҳияти, нутқ санъати тақозо этилар... Хуллас, "Алишерий" (Бобур) "илми балога" ва "саноеъ нафиса" – юксак бадиият ва санъат макомига муносиб сўз юритмоқ қанчалар бошариф ва масъулияти вазифа бўлса, шунчалар ҳузурбахш, ҳатто руҳни поклантирувчи бир машғулотдир... Мен камоли ифтихор туйғуси билан айта оламанки, улуғ валиуллоҳ). шоирнинг ўзлари эътироф этганидай: "ишим ўлмишдур эҳтиёт этмак, нуктанинг тору пудига етмак" каби анчайин оғир вазифани улдалай олишимиға, назаримда, ҳазратнинг муборак руҳоний сиймолари мадад ва рағбат берайтгандай, қолаверса, ўша "Алишерий" шоҳбайтларнинг шунчалар жозиблиги, "кўб ва хўб" (Бобур)лиги журъатимга журъат кўшаётгандай туюлади, не ажабки, ҳар гал Навоийнинг сўз даҳоси билан мулокотда бўлган чогимда бу сирли-мўъжизий ҳолат мени тарқ этмайди...

Мустакил мушоҳада ва изланишларим, шахсий мулоҳаза ва мубоҳасаларимни (ҳа, балким, баҳсталаб фикрларимни...) катта ал-

лома Алибек Рустамовнинг илмий мулокот услубидан андоза олиб, "Улуг Амир Алишер Навоийнинг сўз олами ҳақида сұхбатлар" деб атадим...

**БИРИНЧИ СУХБАТ.** "Низомул миллати вад-дин Алишер" (Жомий баҳоси) Навоий шеъриятининг илоҳий моҳияти ҳақида. Жаҳонда тенги йўқ сўз (шеър) санъаткорининг мўъжизакор байтлари, том маънода сирли-сехрли бир дунё, ажаб руҳий хилқат эканлиги (бу хусусиятни ҳазратнинг ўзлари фаҳрия усулида неча бор эътироф этган) қачон, кай шаклда бўлмасин, имконият даражасида ҳаққоний талқин этилмоғи ва муносиб баҳоламоғи лозим... Мана илоҳиёна мазмунда битилган, маҳсус қудсий талқинни тақозо эта-диган икки шоҳбайт:

*Навоий, сеҳр эмас, гўё "Каломуллоҳ" асосидур,  
Бу мӯъжизларки, зоҳир ўлди килки нуктапошингда...*

*Бўлмаса эъжоз маҳомида назм,  
Бўлмас эди Тенгри каломида назм...*

Биринчи байтдан бир бирини тўлдирувчи икки маънони англашимиз мумкин: (1) сенинг чиндан-да мўъжиза кўрсатишга қодир қаламинг шунчалар теран ва рангин, нозик ва сирли-сехрли маъно ~ нуктадонликлар яратса олдики, бунинг далолати: зоҳиран, қандай мазмунда бўлмасин, барча байтларинг моҳиятида "Каломуллоҳ" руҳига, унинг асосларига риоя қилинганига ҳеч шубҳа йўқ; (2) Эй Навоий, сенинг шеърларинг қанчалар ҳайратбахш, жозибадор бўлмасин, улар қандайдир сеҳр-афсун самари эмас, балки "Каломуллоҳ" оятлари илоҳий мўъжизалар сифатида ғойибона нозил бўлгани каби сенинг соҳир байтларинг ҳам инсон тафаккури ва шуури меъёрларига сиғдириб бўлмас, ақлни ҳайратта соловчи руҳий ҳолатлар, илоҳий жараёнлар маҳсули бўлса не ажаб!..

Иккинчи шоҳбайт ҳам ўша анъанавий мажозлар орқали, гайришуурий тафаккур усулида яратилган: ҳамоно, шеърият (том маънода теран, илоҳий шеърият!) сеҳрли хилқат, моҳиятан фавқулодда гаройиб бир ҳодиса, руҳий ҳолатлар, жараёнлар маҳсули экан, бунинг ўз ҳикмати бор; илло, Куръон оятлари (уларнинг аксарияти)... фасоҳат қонунлари, илми балога, илми бадеъ, аруз меъёрларига монанд нозил бўлган бўлса не ажаб!..

Бунинг мўътабар илмий далили сифатида "Муҳокамат ул-луғатайн" рисоласидан иқтибос келтириш жойиздир: "Андоғки, ҳақ суб-

ҳонаҳу ва таолонинг Каломи мажидида кўп ерда (!) назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди (коидалари) била ростдур... Ва расули саллогоҳу алайҳ-васаллам аҳодиси (ҳадислари)да ҳам доғи бу тариқ тушубтур..." Демак, иккинчи шоҳбайтдан ҳам шеърият руҳидаги илоҳий ибтидо... англашиладики, бу бизни беихтиёр ўйга толдиради...

Бошқа бир мисолни "Ҳайрат ул-аброр"нинг иймон шартларини шарҳлаган маҳсус муқаддимасидан келтириш мумкин. Боб сарлавҳасида қайд этилган "Ал-ийману ан-ту ману биллаҳи" ("Аманту") сурасидан иймоннинг олти шартидан учтасини муҳтасар шарҳлаб ўтамиз: "... ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва расулиҳи...", яъни назаргоҳдан пинҳон малоика-фаришталар (ва руҳлар) дунёсига иймон келтирмоқ; муқаддас китобларга иймон келтирмоқ; пайғамбарларга (Куръонда зикр этилгандарига) иймон келтирмоқ... Шу тариқа, биз мана эндинга очиқ эътироф ва зикр этиш ҳуқуқига, чинакам маърифат олиш имкониятига эга бўлганимиз гайб олами, унинг ўзгача қонунлари, сир-синоати, сўнгра раббоний билимлар мажмуи -- илоҳий китоблар, уларга ёзилган шарҳлар, талқинлар ва ниҳоят, турли эътиқоду маслак-матлабларнинг байналмилал миқёсларда жаҳон тан олган раҳнамолари – набиуллоҳ сиймолар ҳақидаги бокий Ҳақиқатлар... ҳар бир комилу солим (соғлом) инсон учун мукаррам ва муқаддас эканлиги уқтириладики, бу лавҳа Навоийнинг сўз ва тафқур даҳосини, унинг илмий-фалсафий, бадиий теранликларини "англаш"дек янги давр тақозоси, Истиклолият тамойиллари билан руҳан яқин, ҳамоҳангдир...

Яна бир ёрқин тамсил-байт. Бу – иймоннинг иккинчи шарти – гайб олами тимсоллари буюк сўз санъаткори қалами-ла, бадиий санъатлардан ифрат ва хусни таълил (фавқулодда муболага ва имконга сифасабаб) усууллари орқали зийнатланган камёб шоҳбайтлардан бири ва унинг муҳтасар шархи:

*Навоийнинг физон ўти куйдирди жаҳон аҳлини,  
Малойик хайлини ул ўтиуғ физондин асрагил, ё раб!..*

Алишер Навоий ижодиётидан, айниқса, икки тенгсиз бадиият қомуси: "Хазойин ул-маъоний" куллиёти ва маснавиёти ("Хамса" ва "Лисон ут-тайр" достонлари)дан, майли, умумий тарзда бўлсин, боҳабару мутаассир, хуштаъб мухиб, маъруф ва зариф китобхон (бундай сифат ва салоҳиятсиз Навоийни биламан, дейиш ўзи абас!)... шоирнинг лирик қаҳрамони, унинг умумлашма образи – тимсоли

мужассами ҳақида қанчалик тасаввур қилар экан? (Магриб шеърия-тининг даҳоларидан бири, файласуф шоир Гёте лирик қаҳрамон тимсолига ҳайратомуз аниқ, муҳтасар таъриф берган: бу – шоир шахсияти билан "коллектив даҳо"нинг хос йўғурмасидан иборат умумлашма тимсоли мужассам... "Шеърият ва ҳақиқат" рисоласидан). Мутафаккир ва тенгсиз мураббий, поклар ичра пок, валиуллоҳ шоир Навоийнинг лирик қаҳрамони улуғ Гёте тасаввур қилган лирик қаҳрамон билан муштарак ва айни чоғда яна бошқа кўпгина жиҳатлари билан ажралиб турса не ажаб?..

Мана бизнинг бир қадар умумий ва нисбий тавсифимиз: фав-кулодда шавқу рағбат ва ҳайрат волийси; фасоҳат мулкининг султони – санъаткор шоир; заковат ва маърифатда орифи жаҳон мутафаккир; "умри азиз"га шайдою вола, ҳаёт "чапмазори"нинг ҳамиша маъмур, айни чоғда хушёр соқийси – ринд; дарду ҳасратлари ёруғ дунёга сифас армонли ошиқ; "икки жаҳон" мулкидан мосуво, жаҳонгашта сойир-қаландар; фазлу камол ичра нодири даврон, фариштасифат вали зот; эл-улус ғами, нафъи, амнияти (тинч-омонлиги), юрт маъмурлиги (ободонлиги) посбони, назири йўқ адолатпаноҳ ва ҳақиқатпеша; "тengri эҳсони", умр неъмати ҳаққи, ҳадсиз шукронаю сабр, "тавбаи комил", саною муножот соҳиби... Ана энди юкоридаги шохбайт шарҳига ўтсак бўлади. Ва баралла айта оламизки, ўша умумлашма тимсол – образ, унинг энг муҳим ва мумтоз сифоти (сифат аломатлари) мажмуи: ошиқ, шоир, вали, ориф, сархалқа-мураббий, ниҳоят, энг одил ҳакам ва ҳақиқат-паноҳ сиймо – зотикиром, яъни Навоий қаҳрамонининг фифон ўти (ё "ўтлув фифони") шунчалар самовий шиддат кучига, баайни тўхтатиб, тўсиб, ихоталаб, қайтариб бўлмас талотум тўлқинига, беомон ёлқин, аёв билмас босқин оқимига айлангуси, бундай фожеъ оқибатбутун "жаҳон аҳли"ни куйдириб, кунпая-кун этгусидир... Бироқ кавнайн (икки жаҳон) маъноларида мушоҳада юритувчи Навоийнинг қаҳрамони учун бу ҳали фожианинг интиҳо нуктаси эмас. Асло! Унинг "икки жаҳон" (ҳам моддий борлиқ – назаргоҳ, ҳам гайб олами)нинг дардларидан, сир-асроридан воқиф валиуллоҳ зот вужуди ва руҳиятига туташган, асли бу фоний дунё ғам-андухлари, армонлари боис аланг олган "фифон ўти" фақат боқий дунё – самовотнинг етти (ё тўқиз) буржи узра эркин-эмрин кезиб, барча неъматлар, мавжудоту мӯъжизот бунёдкори – Холику Қодир Аллоҳ ҳақига ҳамду сано ва салавотда бўлган даҳлсиз "малоик ҳайли"га

бирор зиён, шикаст етказмасин, илоҳим!.. Бильзакс, мислсиз даҳшат, ниҳоясиз ваҳшат юз бериши мумкин... Эътибор беринг-а: Навоий қаҳрамонининг "ўтлуғ фифони" нечоғлик миқёсга эга бўлса, унинг "... асрағил, ё раб!.." нолавор илтижо сўзларида шунчалар пурдард маънолар тажассум этади!.. Мумтоз ифрот, хусни таълил санъатлари воситасида муттафаккир шоир даҳосининг намоён бўлиш тарзи, ҳолати, даражаси, кўлами бизни ҳайратга солади, ўйга толдиради...

**ИККИНЧИ СУҲБАТ.** Фалсафий ҳикматлар ҳақиқатидан – бадиият оламига. Бундан кузатилган мақсад: сўзнинг илоҳий маъно-моҳиятини талқин ва таҳлил этиш оркали фасоҳат сирларини, унинг ўзгача-рангин, дакиқу нафис кирраларини бир-бир инкишоф қилиш. Ёхуд орифона ҳаёлларнинг шеърий тажаллиси – зариfu нафис тимсоллари:

*Нидо еткурди ногоҳ мунҳийи роз –  
Ки: "Эй, афсунгари афсона пардоz!  
Сўзунг бор авж уза чекди аламни  
Ки, сурдунг Ариш лавҳига қаламни  
Агарчи ахтаредур ҳар сўзунг пок –  
Ки эврилур онинг бошига афлок"...*  
(*"Бадоеъул-бидоя "дан*)

Аторуд йўллаган фаришта-элчи ("мунҳийи роз") тилидан айтилган, Навоий қаламининг қудрати ҳақидаги бундайин қудсий мазмундаги васф замиридан ("балоғат кишвари", "фасоҳат мулки", "Ариш лавҳи", "ахтар боши" рамзий тимсолларининг маъно-моҳиятидан) англашиладики, Навоий сўзи чиндан ҳам фаришта-малоикалар, руҳлар даргоҳи – самовотнинг авж нуқтаси, яъни Арши Аълонининг сирли-ғаройиб тоқи-гумбази узра ўзининг музaffer байробиги ни тикмаганида, "ҳар сўзи" бир юлдуз мисол порлагувчи боқий сеҳр-жозиба касб этармиди?!.. Унинг бошидан осмон-фалак "эврулур" даражада олий қадр, юксак баҳога молик бўлармиди? Анъана-вий фахрия усулида фавқулодда муболага (ифрот) санъати заминида яратилган бундай фалсафий-лирик лавҳа, Навоий руҳига, даҳр шеърият руҳига кира олган, демак, маълум иқтидор, тұғма салоҳият баробарида, маҳсус маърифий ҳозирлик дарсларини ҳам ўтган, хуштаъб ва заковатли китобхонда, шубҳасиз, бирор иштибоҳ, уй-

ғотмаса керак... (Бу қутлуг мавзуда, биринчи навбатда, Е.Э.Бертельс, Ойбек, Шайхзода каби ҳассос аллома-тадқиқотчиларнинг, хусусан, Навоий ижодхонасига оид мушоҳада-мулоҳазалари эътиборли ва кимматлидир. Жумладан, фидойи аллома Ҳамил Сулаймоннинг ўз устози Бертельс ҳақида, якин дўстлари, зукко мутаржимлардан А.Иванов, Л.Пенковский, В.Державинлар билан ижодий мулоҳотлари ҳақида ўзига хос ҳузур ва ғурур ила айтган хотирот сўзлари ҳануз кулоғимда...Очиғи, "Навоийни англап" юқорида зикр этилган ва этилмаган етук алломалар, ҳалқимизнинг чин зиёлилари, фузалю зурафоларига хос фазилатлар мақомида, савиясида бўлмоғи менинг ҳам узоқ йиллар давомида кўнгилда авайлаб ва ардоклаб юрган, аста-аста амалланиб, тобора етила борган ва қарор топган эзгу орзуим, комронлик муродим, безовта ўй-хаёлимдир...).

Сўнгра "Ҳайрат ул-аброр" достонининг "Сўз таърифида", сўзда "маъни гуҳари"нинг баҳо мезони ва салмоғи тӯғрисидаги маҳсус саҳифаларида тажаллиёт фалсафаси – "ваҳдатул вужуд", Аллоҳнинг биру борлиги, икки олам билан бутунилиги – "Тавхид" таълимотига оид шархлар, "сўз баҳри", сўз дуржи (сандири), "сўз буржи" (мехвар уки) каби рамзий тимсоллар бетакрор фалсафий-лирик лавҳалар яратилади:

*Ул киши сўз баҳрида гаввос эрур –  
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.  
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,  
Етти фалак ахтарининг буржи ул...*

Сўнгра "Лайли ва Мажнун" достонида Сўзга берилган таъриф ўзининг қуйма ва теран нуктадонлиги, бизнинг милллий тафаккур тарзимизга хос зарифлиги билан ҳайратга соладики, уни ҳеч иккиланмасдан, умуман, шеърият — фасоҳат олами учун фалсафий иқтибос, рамзий дебоча ўрнида қабул килиш мумкин:

*Эй Сўз, не бало, ажаб гуҳарсен!  
Гуҳар неки, баҳри мавжварсен...  
Айтиб совумас тарона – сенсен,  
Олиб қурумас хизона – сенсен...*

Воажаб!.. Кўчирилган иқтибос-банднинг аввалги байти англатган, зоҳиран оддий, одатий ҳол бўлиб туюладиган, ўзаро муқобил маънолар нисбати ўз мантиқи билан ўйга толдирмайдими?.. Зиддиятли-муқобил тимсолларнинг нечоғлик ҳаётий ва хаққоний эка-

нини бир мушоҳада этиб кўринг-а: Сен, эй Сўз, не бало, ажаб гуҳарсен!.. Бир сатрда ҳам "кандоғ бало", ҳам "таройиб гуҳар" – икки кутб қарама-қарши маънодаги чуқур рамзий нисбатни ёнма-ён қўйиш... Ҳа, авваламбор, биринчи шоир, суханвар воиз ҳам, сўз меъмори, заршуноси ҳам халқдир. Ҳар гал бу тенгсиз даҳо яхши сўз, марғуб ташбеҳ ахтариб, саралаб, баъзан энг номарғуб, майли, энг қалтис, энг аёвсиз, аччиқ, ҳақиқатни ифодалаган шафқатсиз сўз, ибораларга ҳам мурожаат қиласи. Ҳазратнинг ўзлари ҳам она халқининг ўша қадимона, синалган армонли, кинояли нисбатлаш усулига таяниб, ўлмас тимсоллар яратмаганми: (Ё раб!..) Яхшилик қилки, нотавонингман, Ёмон ўлсам ~ сенинг ёмонингман!"; "Лутфу малоҳатда жаҳон офати, дема жаҳон офати, жон офати...". Ёхуд Самарқанд ҳижратидан кутлуг ёдгор, покдоманлик ва заковатда беназир, фариштасифат йигит Мирзобекнинг бемахал ўлимидан: "Во дариг" "Во ҳасрато!" дея ортиқ куюниб, унинг руҳияти учун кейинчалик бутун бир ғазал шаклига келтирган: "Кўзинг, не бало, қаро бўлубтур, ким жонга қаро бало бўлубтур" матлаъ-байтига шунчалар меҳр-ихлос, эътиқод-эътимод билдирганида, Сўзниг бокий маъно, баҳо, оро, нафосат баҳш эттувчи муқаддас кудрати, жозиба сеҳридан хайратга тушиб, вужуди, қалби, руҳи ларзага келмаганик?!.. Ва хусусан, иқтибос-банд таркибидаги: "Айтиб совумас гарона ~ сенсен, Олиб курумас хизона (кон) – сенсен!.. каби том маънода ўлмас бир қўшиқ, алёр усулида яратилган, олтин ёмбими-сол қўйма шоҳбайт ҳам асли анъанавий такрир ва мусажжаъ (ички сажъ-кофиялар – "зулқодиятайн") санъати билан музайян лавҳа халқасини шунчалар муборак мақомга кўтарган "Алишерий" тимсоллар ҳам моҳиятан халқона (туркона) тарона бадиий сайқал на-мунаси эмасми?!. Сўнгра "Сабъаи сайёр"да Сўзниг фалсафий-бадиий талқинига оид, унинг руҳий хилқати ҳақида шундай жозиб лавҳа яратилади:

*"Гулшани келди жисми инсоний  
Нутқ – анинг булбули хушиҳоний...  
Айла гулзори гулларин тоза,  
Булбулин қил баланд овоза!  
Гулининг шамъини мунаввар қил,  
Атриидин даҳрни муаттар қил,  
Назми авроқини пардаи жондин,  
Ҳам сиёҳини оби ҳайвондин..."*

Бу иктибоснинг, хусусан, охирги икки байтида Сўз гулшанинг баҳорий тароват ва малоҳати, файзи сафоси, инсон хаёти ва руҳиятига кўрсатган маънавий нафи, фасоҳат зевари (зийнати)нинг қадри-баҳоси, демак, уни асраб-авайлаш эҳтиёжи-муҳофазаси жондек азиз, ҳаётдек бокий ҳақиқатлар даражасида улуғланиши ўз ҳикматига, мантиқий заминига эга; илло, сўз гулшанинг ҳар бир гули сўнмасин, аксинча, кундузи офтоб мисол, тунлари шабчироқдай ўзидан нур таратсан... Сўз гулининг хушбўйлиги – бокий атридан нафақат васл боғи маҳбублари, балки барча ошиқ-суханварлар димоги оролансин... Шоир анъанага биноан сўз оҳангини Аллоҳга қарата (иккинчи шахс – "сен"га давват-илтико усулида) ифода этиши бежиз эмас. Бундаги жозиб бадиий мантиқ такозоси билан бу гулшан куйчиси бўлмиш ошиқ-шоир Навоий ўз шеърий девони ё назмий рисоласининг "авроки" (вараклари) ҳатто унинг сиёҳигача мўъжизавий воситага айланниши, яъни бокийлик рамзи бўлиб қолишини ҳақ Таолодан илтижо қилиб сўради. Ҳаҳазрат бунга ҳар жиҳатдан (ҳам тенгсиз валиуллоҳ сиймо, ҳам сўз даҳоси сифатида) ҳакли эди...

Сўнгра, достоннинг саккизинчи бобида шуурий идрок, мантиқий тафаккур ҳайратга тушадиган ("акл боши айланар") сирли-сехрли лавҳалар, тенгсиз санъаткор хаёлининг юксак парвози, "замин қаърию тоқи чарх авжи" кўзлаган теранликларини инкишоффетиш Навоий қалами учун оддий, одатий бир ҳолатдай ўз ифодасини топади:

...Ё раб, иши мушкилу бу ҳаста заиф,  
Пашшага фил иши эрур таклиф:  
Чарх томига нардбон ясамоқ,  
Меҳр шамъига шамдон ясамоқ  
Қилибон анга бут итини каманд  
Айламак аждаҳо анинг била банд.  
Заррада меҳрни ниҳон айлай,  
Баҳрга қатрани макон айлай.

**УЧИНЧИ СУҲБАТ.** Моддий борлиқ – "вужуд кошонаси, бадан мулки шаҳристони" дин гайб оламига, аён назаргоҳдан кўздан пинҳон хилқаттага... Бундай илоҳий робита замирида "мажоз – ҳақиқат" фалсафаси ("Мажоз ҳақиқат куприги" – "Ал-мажозу қантаратул ҳақиқат", Навоий. "Хамсат ул-мутаҳаййирин") зуҳур этади. Бу фалсафий таълимотга Навоий муҳтасар қилиб, шундай шарҳ берган:

"Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз". Мавзу қанчалик мураккаб бўлмасин, унинг қудсий-илохий жозиба сири шундаки, бокий ҳақиқатлар – мутлоқ Руҳиятга дахлдор. "Файб олами", не ажабки, "барчадин шариф" инсоннинг асли мувваққат яратилган ҳаёти, умр қисмат йўли учун ҳам бегона эмаслиги, одам наслига умр вафо қилмас экан, у ўзидан бирор яхши от, кутлуг хотирот қолдирмоғи учун, аввало, бу фоний дунё – шунчалар рангину жозибадор хилқатни ҳам, сўнгра, кўздан яширин ғаройиботу мўъжизот оламини ҳам – "барча"сини билмоғи лозим, деган муқаддас ақида ажабтовур ғайришуворий тимсолларда ўз ифодасини топади:

...Кетурдилар ҳакими нуктадони,  
Билик бирла жсаҳон ичра жсаҳони...

Қилиб тунни ёргу, кунни қоронгу,  
Сувда ўт ёндируб, ўтдан сепиб сув –

Ғаройиб кўп хувайдо бўлгусидур,  
Басе, анда шакл пайдо бўлгусидур:

Кўрунуб ҳар замони кўзга бир шакл,  
Кўз олгоч, бўлгусидур ўзга бир шакл.

Чу бўлди жиљвагар ашкол юз навъ,  
Анга ҳам бўлгуси тимсол юз навъ...

("Фарҳод ва Ширин "дан)

Достонда фазлу камол ичра солиму расо, тафаккур бобида нодири даврон, Навоий яратган қаҳрамонларнинг мумтозу комрони – Фарҳоднинг заковатини ўзига сиғдирган, ҳатто XIX-XX асрлар илму фани (хунару техникаси), кашфиётлари (фотография, рентген, автомеханизмлар, кино, телевидение, видеотехника, жумладан, компьютер...) билан, албатта, ижодий-хаёлий изланишилар, илмий фаразлар орқали, ботиний робиталар-ла боғланган фавқулодда журъаткор фикр-гоялар "Хамса"нинг бошқа достонларида, чунончи, "Сабъай сайёр" ва "Садди Искандарий"да ривожлантирилганни кузатиб, хайратимиз ортади.

...Ки, ани фалак меҳрин дебон,  
Вале, халқ "оиниаш Чин" дебон...

Ҳакимики они тилсум айлабон,  
Намойиш анга ики қисм айлабон.



*Бу даъвода эмас гувоҳ эҳтиёж,  
Эрур кўзгу сари нигоҳ эҳтиёж:  
Агар сўзи чиндур – кўринур юзи,  
Кўринмас юзи – бўлса ёлғон сўзи...  
(“Сабъаи сайёр”дан)*

Яна бир ажойиб тамсил-байт. "Фавойид ул-кибар" девонида "ок-қаро" мукобил нисбатларидан ҳосил қилинган, лирик қаҳрамон – ориф инсоннинг фавқулодда драматик ҳолати тажалли этган фалсафий-лирик лавҳада... аввало, фотография ва рентгенга алоқадор, сўнгра, кинода, телевидениеда, видеотехника воситаларида ҳам кўлланадиган... негатив тасвир (ок-қора график сурат) кўринишларини эслатувчи, чиндан-да гаройиб манзаранинг гувоҳи бўламиз.

*Нега маркинг этмай, эй чарх, ки шому ахтарингдин –  
Қародур юзунг ва лекин оқ эрур юзунгда холинг...*

Не ажабки, бошда "Хамса"дан олинган, илмий-ижодий фаразлар самари — "намудори" (кўринишлари) бўлган гаройиб лавҳалар, Навоий тахаййулининг ҳайратомуз сувратлари китобхонни хушнуд этиб, уни орзулар канотида энтиқтириб, руҳига хузур, фарах, бағишилагани ҳолда, кейинги лирик байт, аксинча, унинг кўнглига парзакор ғулғула, таҳлика солади...

**ТЎРТИНЧИ СУҲБАТ.** Мантикий тафаккурдан – интуитив-хиссий идроқ, кўнгил мулки, ботиний ҳилқат, яъни руҳият жараёнларига...

Фақат инсон қалбига дохил, миқёс-масштаби ҳад-худуд билмас, моҳиятда "икки жаҳон" аро Руҳият олами мавжуддирки, алалоқибат бу мутлоқ ҳақиқат салтанати (Аллоҳ мулки) билан бевосита – руҳан ва билвосита – мажозан боғланган, аниқ-аён назаргоҳдан ташқари ҳилқатдир.

"Ҳайрат ул-аброр" достонининг "Кўнгул таърифида" ҳамда уч ҳайрат бобларида, жумладан, кўнгил мулки шундай тавсифланади:

*Буни кўнгул дерсен, эрур бу – юрак,  
Исл кўнгул бирла анга муштарак.*

*Солик ани Арии Муалло деди,  
Сўфий ани олами Кубро деди...*

*Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ андоғки, кўнгул каъбаси –*

*Ким бу – халойиққа эрур саждагох,  
Ул бири Холиққа эрур жиљвагох...  
(“Хайратул-абор “дан).*

(Достоннинг "Учинчи ҳайрат" бобида кўнгул ҳиссий олам – "беш ҳавос" (сезги) бир-бир таърифлаб ўтилади:

*Басира-у самиъа-у ламиса,  
Заиқа-у шамъиа-ла хамиса –*

*Ҳар бири бир равзада топиб маҳал,  
Ҳар бирига ўз фанида йўқ бадал...*

*Фатҳ, ўлуб мулк ила кишивар анга,  
Балки жаҳон мулки мусаххар анга –*

*Мулк ўзи-ю, таҳт ўзи-ю, шоҳ ўзи,  
Борча – ўзи, барчадин огоҳ ўзи...*

Сир эмаски, "икки жаҳон" ҳақиқатини: фоний дунёнинг турфа ажойиботи, боқий дунё мўъжизоти, сир-асрорини дилдан ҳис қи́лувчи тариқат жамоаси: аҳли хол, аҳли дил, аҳли сидқ, аҳди сафо, аҳли дарқ, хулласи, солик, суфий, мутасаввиф (пири муршид) зотлар, сўнгра, илми балога ва фасоҳат олами – бадиий ижоднинг турли соҳа, тармокларига мансуб соҳиби табънинг ҳар бири кўнгил мулкининг сultonидирки, уларнинг муроду аъмоли, дарди ва шавқининг ифодаси – тимсолларда, рамзу мажозларда ўша ботиний салтанат (кўнгул) тажалли этиб туради...

**БЕШИНЧИ СУҲБАТ.** Бу – улуғ Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг бошариф номлари, қудсий унвонлари ва биз тушунгандан кўра кўпқиррали маъно берадиган муборак тахаллуслари ("Низомул-миллати вад-дин", "ал-фақирул-ҳакир Алишер ул мутахалис-бин Навоий...") ила муштарак, дунёда назири йўқ даҳо яратган, бадиий санъатлар билан музайян шоҳбайтларнинг муҳтасар шарҳидан иборат. Ҳазратнинг Самарқанддан Ҳиротта, устози Саййид Ҳасан Ардашерга йўллаган мактубида шундай байт бор: "Агар "хоса маъни", гар "ийҳом" эрур, Онинг кунда юз байти ҳалвом эрур..." Бу анъанавий фаҳрия усулида битилган байтдан ҳам англашиладики, "кунда юз байт" яратиш Навоий учун катта мушкилот ҳисобланмаган, икки турдаги санъат аслида анчайин мураккаблиги учун камёбу нодир ҳисобланади...

Мана, "Алишерий" шавқ-рағбат самари сифатида шакл-шамо-йил топган шоҳбайтлардан бири:

*Жон етибдур оғзима, дермен: лабингга топширай,  
Лутф этиб қилгил мени жсон бирла миннатдор, кел!..*

Байтда сирасиға уч, ҳатто түрт бадиий санъат: хоса маъни, яшириңган талмех, ирсол-ул-масалу ийҳом... Улар бир-бирини шарҳлаб, тўлатиб келади. Аввало, биринчи мисра охирида, шартли ра-вишда, "Эй Масих"ни ортирадиган бўлсак, талмех аён бўлади (бу бадиий мантиқ такозоси). Ана энди байтни бир-бир шарҳлаш мумкин: Эй, Масихмонанд ҳабибим сенинг ишқинг ўти сўзонидан ву-жуудимда шундай бир дард пайдо бўлдики, ортиқ қийноқлар туфайли жон жиссимиң тарқ этмоқчи, ҳалқумимдан оғзимга келдики, лабларим видо титроғида, изтироб ичиди... Сен сўнгги нафасда ха-лоскорим бўл, кел, лабларимга лабингни бос, жон олдидағи қарздорлик асоратидан мени ўзинг ҳалос эт, токи субҳи Маҳшаргача руҳим чирқирамасин, яратувчи Аллоҳ ҳузурига иймон билан борай... Айни шу аснода, ўша муножот орасида, илохий парда ортига яшириңган видо бўсасиға ишора қилинадики, бунда ийҳом санъати зухур этади! Зеро, бу истак-илтижо ("жон етибдур оғзима, дермен: лабингга топширай") хос ошиклар учун сўнгти имдод, ягона мукофотдир... Шу тарика, дунёвий-мажозий ишқ, талқини муайян такомил жараёнини ўтаб, илоҳий ишқ мақомида таҳқик этилади. Ва ниҳоят, ҳалқимизнинг "жони оғзига келди" каби ғоят ҳазин-драматик нақли заминида ирсолул-масал санъатининг ноёб намунаси яратилади.

Бошка бир шоҳбайт:

*Ёрур холинг хаёлидин оқорған кўзларим, гўё –  
Кўйибтур килки сунъ ул нуқтани кўзлар қаросидин...*

Бунда ҳам икки уч бадиий санъат ўзаро бир-бирини шарҳлаб келади. Гуё маҳбуба ҳуснига ҳусн бахш этган "хол" тақдирни азал амри ё Аторуд истаги – нафосат тақозоси-ла асли ошик "кўзлари қароси"дан олинган бўлса не ажаб, деган ғаройиб хаёл заминида тутилмаган тимсол-лавҳа яратилади, аникроғи, "оқорғон кўзлар – кўзлар қароси" муқобил (контраст) нисбатидан тазод усули ҳосил бўлади. Иккинчи санъатга келсак, бу – "хоса маъни" бўлиб, том маънодаги бадиий мўъжиза, ноёб кашфиёт сифатида маҳсус, экти-мол, давомли таҳлилни тақозо этгани ҳолда, биз факат муҳтасар шарҳ билан чекланамиз: Эмиш, муҳаббат қисматида ошиқнинг амо-

(күзлари күрмас) бўлиб қолиши... не ажабки, азал мусавирининг иши... Илло, "килки сунъ – азал қалами маҳбубанинг тенгсиз ҳуснжамолига оро бераётган ўша илоҳий яратиш жараёнида унинг юзидағи хол каби илоҳий зевар-жонли безак – оро учун ошиқлар сардори бўлмиш бир фидойи йигит (у Навоийнинг қаҳрамони бўлиб чиқса не ажаб?) ўша малоҳат малагига ўз "кўзлари қароси"ни садқа қилган экан. Шунинг учун ҳам бечора, нотавон йигит маҳбубаси юзидағи ҳолни хаёл кўзгусида жонлантирганда, гўё мўъжиза юз бергандай, унинг нигоҳи ёришиб, қоронгулик чекинади – нурафшон дунёга айланади, демак, ошиқ кўзларига нур, кўйига сафо, жисмига кувват, жонига ором баҳш этади. Холнинг "ул нуқта"га нисбатидан таносуб санъати ҳосил бўлади... Алқисса, зоҳиран (мажозан) анчайин алам-озорли лавҳа ("окоргон кўзлар")дан пировард моҳият эътибори-ла ишқи ҳақиқат тимсоли – кўнгилга фараҳ, руҳиятга сафо – ёруғлик баҳш этувчи ҳам нозик нуктадон, ҳам кудсий-илоҳий лирик лавҳа яратилади...

### **"СЎЗ ЛАВҲИ"ГА БИТИЛГАН МЎЪЖИЗА**

Туркий тилдаги биринчи рубобий-лирик куллиёт “Хазойин ул-маоний”нинг иккинчи девони “Наводир уш-шабоб” таркибидағи 457 ракамли, аъсанавий унвон-сарлавҳа остида: “Нун” ҳарфининг нозанинларининг нози – “Наводир”дин...” муҳтасар таърифи берилган “ҳазажи мусаммани мақсур” (“мафоилун мафоилун мафоил”) баҳрида яратилган шоҳбайт шарҳи-талқини:

*Ёрур ҳолинг хаёлидин оқаргон кўзларим, гўё:  
Кўйубтур килки Сунъ ул нуқтани кўзлар қаросидин...*

1. Мумтоз адабиётшунослик фани намояндаларидан бири, профессор Ҳамид Сулаймоннинг давомли илмий изланишлари самара сифатида бунёд этилган – илмий-танқидий матн асосида нашрга тайёрланган, тўрт жилдлик жуда салмоқдор шеърий мажмуя – “Хазойин ул-маоний” таркибидағи 2600 дан зиёд ғазаллардан бальзилиари турли сабаблар билан бир девондан бошқасига ўтиб қолган.

Куйида биз шарҳи-талқинини бермоқчи бўлган шоҳбайт олингандан ғазал ҳам, айни шу қисматни кечирган: “Фавойид ул-кибар”дан “Наводир уш-шабоб”га “кўчиб” ўтган (бу – ғазалиётнинг хроно-

логик-даврий таснифига дохил битта мисол, холос). Ҳазратнинг ўзлари “Дебоча”да ёзади: “Тўртинчи девониким, умрнинг охирларида юзланган ишқ дарду ранжи фойдалариким, жонсўз оҳ урмоқ ва жон топширмоқдурким, кишининг адам (фано) йўлига кириб, замон аҳли била хайрбод қилишидур, анинг дуосида “Фавойид ул-кибар” била ниҳоятка етказдум...”

“Назири йўқ” (Бобур) улуғ бобомизнинг бундай дилҳоҳу узрҳоҳ сўзлари боис, заҳматкаш ва жафокаш устозимизни ёдга олиб, кичик бир чекиниш қилиш жоиз деб ўйлайман (фақат ўқувчилар маъзур тутсалар, бас). Эҳ, ноҳақдан ноҳақ жабр тортган – ваҳшатангез бадарға балосидан Аллоҳ ўз паноҳида асрраб, эсон-омон она юрти Ўзбекистонга, Тошкентга қайтгач, аввал, яхшироқ даволаниш лозимлигини ҳам ўйламасдан, жуда катта, бағоят савобли ишга бутун вужуди билан киришиб, гўё ўлжага қолган “умри азиз” йиллари, ойлари ва кунларини ғанимат билиб, тортган дарду аламлари жароҳатига фақат бетиним илмий тадқиқотлар, фақат шу соҳа заҳматкашлари ўзи биладиган меҳнатдан дармон ва малҳам излаб, улкан ташкилий тадбирлар устига, яқину олис демай, том маънода, миллатпарвар, ватанпарварлик сафарлари – илмий экспедицияларга маҳкам бел боғлаб (азиз устозимиз, соҳибқирон Амир Темур ардоклаган ҳадисмонанд даъват: “Сано базабон, камар дар миён” калимаси – ҳақ йўлида камарбаста инсонлар шиорини бизга ҳам тез-тез эслатиб ўтарди), ҳар бир сафардан қайтгач, яна бардавом изланишлару янги кузатишлар, талқинлар: сахифама-саҳифа, сўзма-сўз, ҳатто ҳарфма-ҳарф қиёсий таххил жараёнлари натижаси – кутилгандан ортиқ самаралар ўлароқ, жамики қўлёзма, тошбосма манбалар, бошқа тансиқдан-тансиқ – нодир топилмалар... Биргина мисолнинг ўзи кифоя қиласи: напр этилажак танқидий матнлар учун энг мўътабар ва мусаллам (ортиқ эътиrozга ўрин колдирмайдиган) беш таҳрир: (1) Илк девонлар; (2) “Бадоев ул-бидоя”; (3) “Наводир унниҳоя”; (4) тўрт катта жилдли “Хазойин ул-маоний”; (5) Навоий вафотидан сўнг турли тоифа-табақотга мансуб ихлосманд-муhibлар тузган терма девонлар...

Бас, азиз номи сўнмас улуғ жафокаш ва чин маънода жаҳонгашта инсон, “назири йўқ” (Бобур) фидойи олим, “мехрию қаҳри” вобаста, сурати сийратига ярашган устозимиз Ҳамид Сулаймон... Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг, эҳтимол, жаҳонда тенги топилмас куллиётнинг лирик девонларида қалам ва барча қалам ах-

лининг маъбути Аторуд назари тушган устод хаттот-котиблар, монийсифат наққошлар – хусниҳат ва китобат санъатининг баркамол, зариф намояндалари тартиб берган аксарият шеърларидан то турли сабаблар билан (эҳтимол, кўчирилган айрим нусхаларда) бошқа жилдга “кўчиб” ўтган ё тушиб қолган, қисқаси, турли даражада шикастланган сатрлар устоз ўзлари бош бўлган, сабр бардошу синчковлик бобида “тенги кам” (Миртемир), зуқко боболаримизнинг ифодали тили билан айтганда, “темир тирноқ” таҳририят жамоаси пазаридан ўтганлиги, шак-шубҳасиз, албатта.

2. Юкорида келтирилган шоҳбайт чиндан-да, сирли-сехрлидир: ўзингиз тасаввур этиб кўринг-а: бир умр ечилмас, иложсиз туюладиган муаммо (“оқарғон кўзлар”) – ожизлиқдан аччиқ қисматга аллақачон кўнинкан бечора ошиқ учун кутилмаган тарзда, ғайришурдий бир ҳол содир бўлади, масъуд кайфиятни кечиради – бирданига кўз олдида дунё қоронғулиги тарқалиб, борлиқ яна ёришиб кетади... Хўш, бу илоҳий мўъжиза қандай юз берди экан? Биринчи мисрада ўз ифодасини топган хайрли мужда (“Ёрур холинг хаёлидин...”), бунинг сабаби иккинчи мисрада аста аён бўлади; фалсафа тили билан айтганда, зоҳиран мушкулдан – мушкул кўринган сабабият илоҳий мўъжиза курдати-ла баҳайр, айни дилҳоҳ оқибатга айланади... Воажаб! Бу – “Навоийвор” (ҳазратнинг ўз ташбехи) сўз даҳосининг ноёб кашфиёти (“холинг хаёлидин”) бор-йўғи икки қалима – шеърий нисбатнинг мантиқий-бадиий тафаккур тақозоси-ла ўзаро вобасталиги боис, мазкур шоҳбайт силсиласининг шу қадар нуктадону бетакрор ҳалқасига айланади... Ана энди баҳоли имкон ожизона шарҳ-таҳлилимиздан кузатилган асл “муддао” – “Алишерий” “хоса маъни”нинг нозик нуктаси: тимсоли мужассами – ажабдан булъажаб “сўз гуҳари” бирикмаси: “Қўйубтур килки Сунъ ул нуқтани кўзлар қаросидин”, шоҳмисрадан англашилган ғаройиб ҳол-илоҳий “вазъ”ият замиридаги ҳақиқат... асли, бу “мутаффакирлар мутафаккири, шоирлар шоири, валилар валиси” идрок этган боқий муҳаббатнинг фақат Аллоҳга ва ҳазратнинг ўзига аён сирру синоати эмасмикин?! “Қўйубтур килки Сунъ”... бу – илоҳий қаламнинг мўъжизакор қашфи, ўша сирли ҳақиқат таҳқиқи эканини росмана мақомда фақат Мустақиллик йиллари илмий мушоҳада-мубоҳаса жараёнларида билиб олдик (аввалрок, “илиқ насим”, сўнгра “қайта қуриш” тамойиллари боис, бу анчайин умумий-нотамом гарзда кўрина бошлаган эди). Хусусан, “ул нуқта”ни “кўзлар қаро-

сидин” каби ажиб сирли-жозиб калималарни қандай тушунмок кепрек? “Ул нүкта”-ку шоҳбайт тагматидан маҳбуба холига нисбат сифатида олинганини билса бўлади. “Кўзлар қароси”-чи? Бу икки ташбеҳдан яратилган, аввал бошда анчайин пинҳоний-сирли кўрининг умумлашма-мужассам мақом олган бадиий тимсол нафакат ўзининг кейинги, ортиқ ачинарли ҳолати (“оқарғен кўзлар”) билан мазмунан ва шаклан қарама-карши қутблар ифодасига айланиши (яъни, кўз қорачиги-гавҳари ўрнида оқ парда пайдо бўлгани), балки ҳар қандай қийноклар, азобли маҳрумликларга (кўзлар нури-ёргуғлик зиёси ўрнига нурафшону гўзал назаргоҳ томошасидин бебахра зулмат даҳшатига) мардона дош берган муҳаббат дарди, шавқ-рафбати ўша жафокаш ва балокаш ошиқ қалбига кутилмагандан умид, нажот, руҳиятига қуввату мадад, хаёлига қанот баҳш этмаса, ўзининг нолавор-ҳазин аҳволи зиддига, “икки жаҳон”га бергувсиз – “жону жаҳони” бўлмиш маҳбубининг холини хаёл қилармиди?! Ана, том маънода, “мажозий” (зоҳираң дунёвий, ҳаётний) ишқнинг “илоҳий ишқ” мартабасига кўтарилиши! Зотан, бу – Навоий орзу қилган, шахсий-оилавий саодат чироғини ҳам “таксайул мулки сultonи”нинг бокий нашида-сурурлар масканига садқа этган фидойи ошиқнинг афсонавий Ҳотам Той ҳимматидан зиёд жасорати! Улуг мутафаккир шоиришимиз бир шоҳбайтида бор фалсафий теранлиги, рамзий-истиоравий умумлашма фасоҳати-ла талқин этганидай, эътиқод мақомидаги комил муҳаббатнинг боқийлик сирру синоати шундаки: “Гар сен идрок айласанг – айни ҳақиқатдир мажоз”. Айни шу боисдан бўлса ажаб эмишки: улуғ Навоий хаёлидаги ошиқ йигит кўнгли “истаса-да топилмас” ўша парирух маҳбуба “холи... хаёлидин...” унинг кўзлари шунчалар ёришиб кетадики, тортган ҳамма ранжу аламлари эвази – бадалига “Тенгри эҳсони” – инояти сифатида ўша “хол” нисбати: “ул нүкта” яна ошиқ “кўзлари қароси” гавҳарига айланади! Алқисса: мазкур шоҳбайт мўъжизу нуктадон ҳикмати ва бутун фасоҳати-ла алал-оқибат ажаб умидбахш ва “навобахш” (муродбахш) руҳда интиҳо топади...

Энди, шоҳбайт сайқали – бадиий зийнати учун хизмат қилган усул-воситалар шарҳига ўтамиз. Байтда “маъни” (мазмун) ва ифода (шакл) таносиби ва бутунлигини таъмин этган дастлабки асос: маҳсус бадиий унсурларни, ўқувчи яхшироқ англасин учун, шартли равишда маълум гурухларга бўлиб таҳлил қилсак, шундай манзара пайдо бўлади: (1) “оқарған кўзлар” – “кўзлар қароси”. Бу шеърий

нисбатларниң ўрин алмашуви тарзида юз берган “тарди акс” санъати; бунда зохирان тазод усули мавжуд бўлса, моҳиятда гўёки ошиқнинг анчайин мушкул-бахтсиз қисмати: кўзига оқ парда тушиб, дунё қоронгу зимистонга айлангани-ю, гойибдан, лаҳзалик мўъжиза боис, кутилмаган баҳт – сафобаҳш кайфият банд этади... (2) “хол” ва “ул нукта” (кўзлар қорачиги), бу – ташбех санъатининг, зохиран анъанавийдек туюлса-да, руҳан чин маънода мўъжиз, умумбаҳш вазъиятнинг илк хайрли муждаси... (3) “Ёрур ҳолинг хаёлидин...” ... Бу ажабдан бульажаб сирли-жозиб лавҳа байтга ўзгача умидбаҳш рух олиб келади. Эҳтимол, бундан аввалги соғинчми, илинжми, ўқинчми, балким, навмид алам-изтироб, чорасиз-нишоний исён сўнггида уйғонган, фойибона-нажоткор тахаййул хабарчиси олиб келган мужда (“хол хаёли”) боис, насиб этмиш масъуд лаҳзалар шукуҳи, шукронаси... Ва, ниҳоят, (4) шоҳбайт руҳига сингдирилган “ишқ сирри” нима эканини бир қадар англаб олиш учун иккинчи мисрани қайта кўчириш тақозо этилади: “Кўйубтур килки Сунъ ул нуктани кўзлар қаросидин...” Зотан, ҳазрат Навоий англаган ва шавқу рағбат, ҳасрату ифтихор ила талқин ўтган муҳаббат қисматининг фақат бизлар учун анчайин мураккаблиги, ҳатто зиддиятли ҳақиқат сир-синоатини тадқиқи этиш имкон қаҳдар чукурроқ талқин қилиш учун айрим байт ё бутун бир ғазал шархи кифоя килмаса керак. Негаки, Навоий сўз даҳоси ҳакида, унинг улуғ ижодхонаси унсурлари, чексиз манбалари, руҳий-илюхий илдизлари, хосу ўзгача жараёнлари, кенг маънода, қомусий маърифат мутафаккири, устоз мураббий, тенгсиз саховатпеша, тахаййул мулки... Ўз тасаррӯфоти-ла не ҷоғлиқ мавжвар, катлам-бақатлам, силсилама-силсила “сўз гуҳари” тимсоллари самовий буржари, заминий иқлиmlари-ла, “икки жаҳон”га сиғмас, “олти жиҳат”-га баробар меъёрлари, “ҳавоси ҳамиса” (беш ботиний сезги) мезонлари андозасида ёндашганда: (а) хоҳ: “Кўйубтур килки Сунъ” курдраги ва имкониятлари, (б) хоҳ: “ул нуктани кўзлар қаросидин...” сирли-жозиб нисбатлари замиридаги маънолар, нуктадонликлар моҳияти ва сабабиятини, лоақал, бир қадар англай олгандай бўламиз ва хайратдан, яна-да, чукурроқ тааммул қилишга интиламиз, чоғланамиз... Бас, ҳамоно, шу мушкул ишга журъат этган эканмиз, келинг, азиз китобхон, ушбу шоҳбайтнинг “жон риштаси”, “дил (кўнгил) банди”, “баҳр (жигар) пораси-ю” томир-томири-ла вобаста ўша иккинчи мисра зимнидаги “маъни” жавҳарини биргалашиб, ба-

хамжихат талқину иложи бўлса, чукурроқ таҳлил қилишга уриниб кўрайлик.

Не ажабки, шунчалар ўзига жазб этувчи ушбу шоҳ мисра руҳига сингдирилган, ахли шуаро орасида фақат ва фақат Низомиддин Алишер Навоийга мушарраф бўлиши мумкин бир ҳол, бу – қисмат амридирикни (уни, балким, улуг зоти киромнинг ўзлиги – шахсияти, покзоду покдоман хилқати, “жисбили” (Бобур) тийнати, тажсарруд (ёлгизлик) табъи мижози билан изоҳласа тўғри бўлар), “васли мумкуни йўқ” муҳаббат қисмати... Айниқса, бугун, ҳар қалай, мушкул муаммо, тўғрироғи, фақат, сирли-пинҳоний ришталар орқали, шартли равиша талқин этиши йўли билан шоҳбайтнинг шарҳимиз аввалида қайд этилган, “садр” деб юритиладиган: “Ёрур...” ташбеҳи (“...холинг хаёлидин”) – сўз бирикмасини такорран келтириш зарурати борки, шоирнинг лирик қаҳрамони – ошик Навоий мантиқан имконсиздай туюладиган вазият зиддига, гўё илохий мўъжиза боис, ғойибдан имкон яратишга мушарраф бўлади, бу, шубҳасиз, тансиқ маънавий санъатлардан “хоса маъни”нинг камёб намунасидир.

## ИЛОХИЙ КАЛИМОТ ТИМСОЛЛАРИ

Эй кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур...  
(Алишер Навоий)

Абдураҳмон Жомийдек пири муршид (муҳиблар ҳазратни “нури хирад”, “Махдуми Нуран” деб атаганлар) нафаслари-ла “низамул миллати вад-дин” муборак унвонига молик бўлган Навоийнинг шеърий кулиётини кудсий оятлар, ҳадислар билан мунаввар шоҳбайтларсиз аниқ ва тўлиқ тасаввур этиш, унинг фикрий терандикларини, фасоҳат сирларини таҳқиқ қилиш имконсиз, албатта.

Не надоматлар бўлсинки, неча ўн йилликлар мобайнида илохий муқаддимот (ҳамду наът, саною муножот) матни каби уларнинг талқини, таҳлили ҳукмфармо даҳрий мафкура таъқиби ва тазийига учраган, таҳқирланган эди. Шунинг учун ҳам муқаддас оят, ҳадис калималари бевосита – айниятда ё билвосита – ҳарфи ўзгарган, руҳи сақланган ҳолда “сўз лавҳи” – шеърий сатрлар қатига жойланган, бири биридан зарифу дақиқ байтлар ҳақида лом-мим дейилмай

(түёки руҳоний нуктадонликлар, илохий оҳанглар Навоий дунёсига хос, аҳамиятли эмасдай), худрисандларча совук-тунд муносабат ҳукм сурди... Тангрига ҳазор шукрким, турли табақот-тариқотга мансуб шоирларнинг исломий фалсафа, ахлоқ, фасоҳат тажаллиси бўлмиш бокий сатрлари сингари, Навоий шеъриятининг самовий буржлари ҳам бугунги истиқлолият ва амният ҳавосидан эрк ва сафо тоғди. Бас, уларни баҳоли имкон шарҳлаб бериш, қай даражада бўлмасин, таҳқиқ ва таҳлил қилиш ишини ортиқ пайсалга солиш ҳам гуноҳ...

Шарҳ аввалида, мантиқан, Навоийнинг насрый-илмий мушоҳадаларидан намуналар келтириш жоиз. Чунончи, улуғ мурабабий “Мезон ул-авзон” муқаддимасида ёзадилар: “Андоқки, Ҳақ субҳонаху ва таолонинг “Каломи мажид”ида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аruz қавоиди (қоидалари) била ростдур. Ул жумладин бири оятдурким: “Лан таналул-бирра хата илан” (хуш кўрган нарсаларнингиздан сарф этмагунингизча яхшиликка эриша олмайсиз)дур, рамали мусаддаси маҳзуб (баҳрида) воқеъ бўлубтур. Ва яна будурким: “Вал-мурсалати урфан, фал-асифати асфанд” (эзгу амаллар буюрилган (фаришталар номига қасам, кучли эсган шамолларга қасам)дур, вазни мағбулу фоъилотун фоъилотундур, ахраб (баҳрида) воқеъ бўлубтур... Ва “Каломуллоҳ”да кўп ерда бу навъ воқеъдур. Ва расул саллаллаху алайҳи вас-салам аҳодиси (ҳадислари)да ҳам даги бу тариқ тушубтур”.

Бу табаррук кўчирмадан, фикри ожизимча, икки жиҳатни ажратиб кўрсатиш эҳтиёжи бор. Биринчидан, “Каломуллоҳ” оятлари, ҳадис сўзларидан “кўп ерда назм воқеъ” бўлган, хусусан, улар “аруз қовоиди била рост” экан, демак, чиндан-да исломиятнинг Навоийдек аркону аҳкомларидан бири шаҳодат беришича, бунда гаройиб ҳол яшириндир. Илло, Мухаммад Мустафога нозил бўлган оятларда, у зоти шарифнинг ҳадисларида аруздек маҳсус ва мураккаб шеърий илм қоидаларига тўғри келадиган мисраларнинг мавжудлиги шундан далолат берадики, асли Араб заминида қашф этилган аruz вазни ҳам шеърий истеъдод каби тангри илоҳийнинг инъом-оҳсонидир (не ажабки, ҳазрати Расулуллоҳ на умумий илмий тахсил, на маҳсус шеърий-адабий маърифат кўрганлар). Зотан, улуғ жафокаш олим Димитрий Лихачевнинг фикрича, гўзаллик қонунлари илохий моҳиятга эга...

Иккинчидан, туркийзабон шеърият мулкининг соҳибқирони Навоий ўз асарларини, шак-шубҳасиз, мукаддас оят ва ҳадислардек

каломи фасиҳнинг теран мантиқий фикр, бадији ифода (хусусан, мусиқий уйғунлик, таносиб) меъёларида, баравж пардаларда яратишга қодир даҳосини жумлаи оламга аён этди: “Сўзунг бир авж уза чекти алам (байроқ)ни, Ки сурдунг ариш лавҳига қаламни. Агарчи ахтаре (юлдуз)дур ҳар сўзунг пок, Ки эврулур онинг бошига афлоп”. Улуғ шоирнинг маънавий жиҳатдан тўла ҳақдор фаҳрия-байтларидан яна бири: “Навоий сеҳр эмас, гўё Каломуллоҳ асосидур. Бу мўъжизаларки зоҳир ўлди килки нуктапошингда”. Биз Навоий шеърий даҳосининг руҳий илдизларини бир қадар таҳқиқ этишга, аникроғи, исломий фалсафа, ахлоқ ва фасоҳатга доҳил шоҳбайтлар шарҳига уруниб кўрамиз. Даставвал, муқаддас калималар-ла музайян байтларни кузатайлик. Бежизмаски, Навоийнинг асосий рубобий куллиёти “Хазойин ул-маоний”нинг биринчи девони, биринчи газалининг матлаи – аввалги байти Ҳакни танимокнинг тўғри йўли – “ҳидоят нурлари” билан мунаvvар этилган:

*Аирақат мин акси шамси-каъси анворул-ҳудо,  
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо.*

Шоҳбайт шарҳидан аввал биринчи мисранинг маъносини билиб олайлик: куёш косасининг акси – инъикосидан ҳидоят нурлари (“анворул – ҳудо”) таралди. Бу бошариф тамсил-лавҳанинг фазовий миқёси қанчалар кенг, сарбаланд! Иккинчи мисрадаги “жом”, “май” рамзлари-ла боғлиқ, бадији мантиқ тақозосига кўра, субҳидам уфқидан аста кўрина бошлаган куёшнинг шакл-шамойили гулгун май тўла косага мукояса этилиши ўзиёқ (кун уфқдан юксала боргандана на унинг аниқ доира-чизигини илғаб бўлади, на гулфом рангини!) мазкур байт мансуб бўлган ғазал шоирнинг бошқа ошиқона, риндана шеърларидан ўзгача эканлигига ишорадир. Демак, шоҳбайт (ғазал ҳам) моҳиятан орифона, тўғрироғи, илоҳиёна тимсоллар сил-силасини ташкил қиласди: зоҳирдан (мажозан) риндтабиат ошиқ кўлидаги жом ва май мўъжиз кўзгуга айланади, кўзгу бўлганда ҳам, бамисоли доир – айланувчи дунё – муazzзам миръот сифатида ўзида тангри илоҳийни тажалли этади. Бас, Навоий талқинида мўжизакор жом – ваҳдат жоми, яъни мавжуд оламнинг тангри илоҳий билан бирлиги, воҳидлиги рамзи, май – бу фоний дунёнинг барча аччиқ ва ширин маъноларини, ибратомиз синов-сабоқларини озми-кўпми идрок қилиш, чуқурроқ таҳқиқ этганда, бу – Навоий англаб етган ҳақиқий (илоҳий) ишқ маҳмурлиги, бунинг хос руҳоний бокира кайфияти-ла ўзлик кишанларидан халос бўлмоқлиқ (“менда қўйма,

ераб, “мен”ликдин нишон...”), шу тариқа, ҳақиқат мөхиятини идрок үтиш йўли Ҳақ васлига етишмоқ тадоригининг ўзгача тажассуми... Ана энди байтнинг хос маъносини кузатилган мақсадга яқин иборалар-ла шарҳлаб бериш мумкин: “ёр (мөхиятда яратувчи) аксин майдада кўр”моқдек ғаройиб бир ҳол ишқ йўлининг мажоз кўпригидан ҳақиқат (“ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқат” – “Хамсат ул-мутахаййирин”) манзилига ўтиш жараёнида, ҳажрнинг турфа ситамлари сўзонида жисму нафсу ҳавонинг шайтоний худкомликларини ўлдириб, руҳни поклантирган, фазлу камол мақомини эгаллаган зот – Ҳақнинг чин ошиғигагина мушарраф бўлиши мумкин... Хуллас, Навоий талқинича, жом, шубҳасиз, ваҳдати жоми (моддий ва руҳий оламнинг бирлиги рамзи), май – “васли мумкуни йўқ” ишқ фидоийиси учун бокий ҳидоят ва иноят майдидир. Зотан, бундай мўъжиз аломати қуёшнинг ҳар субҳ оламга таратган, Ҳақ йўлини ёритувчи шурхайр иши – аъмолига тенг... Бу анъанавий мажознинг фазовий талқини, маҳбуб тимсолида илоҳий гўзаллик тажаллисини кўриш, “ёр аксини” ўзгача сувратлаш санъатидир.

Мана “Каломуллоҳ асоси”ла тартиб ва сайқал берилган бошқа бир байт:

*Ҳар ён, Навоий, сунма қўл, не келса Ҳақдин рози бўл,  
Мен ожизу ҳокимдур ул, “ал фажру лаа, ал ҳукми лаҳ”.*

“Ал фажру лак”: тонг ёришуви – сенинг уйғонмоғинг, янги кундан воқифлигининг, унинг насиба-неъматидан баҳравир бўлмоғинг учун; “ал ҳукми лах”: сўнг нимаики воқеъ бўлса – илоҳнинг ҳукмида. Шоҳбайтнинг тўлиқ маъноси: одамзод умрнинг ҳар бир куни Аллоҳ етказганига шуқр келтириши – боридан ҳаволаниб, нафс кўйига кирмаслиги (“Қачон нафс ўз кони этти ҳаво, Қилур элни кўп нафъдин бенаво”) ва аксинча, йўғига ё камига ношуқр бўлмаслиги, мушкул соатларда ҳам ғамгинлик умидсизликка тушмаслиги керак (“ўзингизни меҳнат куни овутинг, не ғам келса даврондан осон тутинг”), кенг маънода, мусулмони комилнинг босган қадами, борингки эзгу ният йўлида кўрсатган жасорати, топган эътибору мартабаси Яратувчининг хоҳиш иноятига, ҳидоят ва химоятига мухтождир.

Навоийнинг соҳир қалами – хомаси-ла “зоҳир ўлған мўъжизлар” ҳақида янада ёрқинроқ тасаввур туғилиши учун “кўнгул лавҳи”га чизилган дунё – шеърий тимсоллардан айрим намуналарини

кузатамиз. Табиийки, бу гал ҳам ўзига хос мұқаддимотга зарурат сезилади: Аллох “...инсоннинг сойири маҳлукотдин мумтоз ва мажмұы оғариниши (яратилиш)қа сарвар ва сарафroz қылдиким, оят: “Ва лақад каррамно бани одама” (одам авлодини азизу мұкаррам қилиб яратдик) анга мушъир (оғох этувчи)дир...” Чин инсонликни фақат күнгил гавҳари мезони билан баҳолаш мүмкін. “Хадиси шариф”-дан: “Инсон жиссимида бир парча эт бор, агар у тузалса, аъзоларнинг барчаси тузалгай, агар у бузулса, аъзоларнинг барчаси бузулгайки, бу – унинг қалби, юраги”. Навоий шарҳи: “Күнгүл бадан мулкининг подшоҳидур, анга сиҳҳат – мунга ҳам сиҳҳат, анга табоҳи (шикаст) мунга ҳам табоҳи. Бас, улким, күнгүл мулкининг соҳиб жоҳи бўлгай – шоҳлар шоҳи бўлгай”.

Байт:

*Мулк учун солим керактур ҳасрати кишивар паноҳ,  
Тан учун ул узв (аъзо) ким, бўлди бадан мулкида шоҳ.*

Ва ниҳоят, улут валиуллоҳ шоир күнгил ва кўз васфида “бир неча паришон байт” (ҳақирона камтарлик мисоли!) тартиб бергани ҳақида шундай дейди: “Аммо “ал-маъмуру маъзурун” (буюрилган иш маъзур тутилмоги лозим) ҳукми била ўтлук оҳи дудидин ашкбор кўз суви бирла мураккаб қилиб, күнгул оташингезлиги била кўз ашкрезлиги шарҳида бир неча паришон байт мураттаб қилилди”. (“Муншаот”дан). “Маҳбуб ул-қулуబ”да тил ва күнгил таърифи узвий берилади: “Масихоким, нафас била ўлукка жон берди, гўё бу жиҳатдин эрди. Аҳли саодатлар руҳбахш зулолиға манба ҳам – тил. Тилиға иқтидорлиғ – ҳакими хирадманд. Тилки, фасих ва дилназир бўлғай – хўброк бўлғай, агар күнгул била бир бўлғай...” “Дардлиғ кўнгул – шуълалиғ чароғ... Тили ариғ ва кўнғли ариғ (бокира)ни мусулмон деса бўлур”, дейилади ўша китобда.

Мана кўнгил тимсоли мұқаддас оят-ла йўғрилган шоҳбайтлардан бири:

*Халқдин навмидлик етқурди роҳат кўнглума,  
Эй Навоий, билдим: “Иҳдарроҳатайн” эрканин яъс.*

“Иҳдарроҳатайн”: икки роҳатнинг бири. Яъс – навмидлик дегани; энди байт шарҳига ўтсак бўлади. Ҳаёт отлиғ азалий хилқат шунчалар мураккабдирки, ёлғиз киши – айрим шахснинг бутун халқ жамоаси билан муносабати ҳар доим ҳам одилона месъёрда бўлиши қийин. Халқ деганда табиий, ижтимоий, руҳий-маънавий бир

кулратнинг тимсоли мужассами намоён бўладики, (“Халқ дengизdir, халқ тўлқинидир, халқ кучдир. Халқ исёndir, халқ оловдир, халқ учдир..? – Чўлпон) унинг шаънига баъзан ранжу аламлар сўзонида марғуб-номарғуб мулоҳазалар билдириш алал-оқибат беҳуда, ҳатто мангиқсиз бўлиб чикиши мумкин. Начора, ҳазрати Навоийнинг ўзлари бежиз айтмаганлар: “Халқдин ҳар ярамас келса, хуш ул ким, Ҳақға деса бўлмас: “Менинг учун яна бир халиқ ярот”. Бас, муқаддас оят билан далилланган юқоридаги байт моҳиятида ҳаёт ва қисматнинг турли озору шафқатсизликларига қарамай, инсон сабри билан улуғдир, деган пурмъяно, боумид (“навмидлик”ка зид) ақида зухур ўтади. Айниқса, сабр-қаноат, сабот, андиша, кечириш, тийиқлилик тўйғулари билан кучли чин мусулмон учун тан бермаслик, кўник маслик имконсиздай туюлган бир ҳол гўё осонлик билан (“Ишга неча саъблиқ имкон эрур, Ким ани осон тутар – осон эрур”) – камоли кўнгил равшанлиги, табъ равонлиги, рух енгиллиги билан ифодаланади: “Халқдин навмидлик еткурди роҳат кўнглума”. Тўғри, халқимизда энг чорасиз – најотсиз дакиқаларда ҳам “ноумид шайтон” дейилгувчи доно нақл бор. Лекин халқона таскин сўзи билан Навоий сатри замиридаги сўнгсиз дарду фидойилик ўртасида каттагина масофа ётади. Бу, эҳтимол, валийсийрат зотларгагина мушарраф бўладиган хос руҳий кудрат тимсолидир: навмидлик азоби түгёшга келган, ақл чироги сўниб, кўнгил пораланган кезларда ҳам бундайин фожеъ ҳолни... роҳат ўрнида қабул қилиш ҳар қандоқ иродали кишига мұяссар бўлавермаса керак...

Навоий қаламининг мўъжизавий кучи шундаки, муқаддас калималарга эҳтиёж туғилганда улар беихтиёр дунёвий мазмун касб ётиши – инсонпарварлик, услубпарварлик ғоялари учун хизмат қилиши мумкин:

*Ҳақ ким, йўқ нафъ ичинда поёни анинг,  
Бўлгуси қиёматқача жавлони анинг.*

Шубҳасиз, “нафъ ичинда” иборати жамики жонли-жонсиз маҳлукоту мавжудотга таалтуқли. Лекин моҳиятда уларни яратиш ва паноҳида асрардан мурод – инсон, унинг эҳтиёжи, манфаати. Бундай саховат, иноят манбаи асло камайиш билмайди. Илло, Ҳақнинг лутфу карами – кенг, “ҳидоят нурлари” офтобдай барчага баробардир. Бежиз эмаски, улуг шоир ҳатто болалик даври машқлари – илк шеърларидаёқ сахий табиатдан лола уруғию пилла куртини муқояса

учун олиб инсон меҳнатига нисбат берган эди: “Тухм ерга кириб чечак бўлди, Қурт жондин кечиб ипак бўлди. Лола тухмича файратинг йўқму? Пилла куртича ҳимматинг йўқму?” Бошқа бир байтда “ипак” ташбехи, “бол” тимсоли билан уйғун берилади: “Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоғни хаёл, Япроғни ипак қилур, чечак баргини бол”. Ҳадисмонанд “Арбайн”да: “Яхшироқ бил они улус ароким, Етса кўпрак улусқа нафъ андин” дейди раиятпарвар шоир. Эл-улус қайғуси бошқа бир шеърда анчайин беаёв оҳангда ифодаланади: “Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас, Анга раҳм айламас Раҳиму карим”. Илоҳий қалом ила дунёвий сўз уйғунлиги қанчалик табиий ва самимий руҳда, ҳаққоний ва одилона талқин этилган!...

Навоий илоҳий қудратга хоҳ бевосита – муқаддас оят сўзлари орқали, хоҳ билвосита – бадиий тимсоллар, рамзу мажозлар тилида муносабат билдирганда баъзан исломий акоид сарҳадидан ўтади – қадимий фалсафа, умумбашарий тафаккур меъёrlарида мубоҳаса юритади:

*Азал ҳам – Сен, Адаб ҳам – Сен, не аввал бирла охирким,  
Анга йўқ – ибтидо пайдо, мунга йўқ – интиҳо пайдо.*

Бу мисралар қатида қанча оламлару турфа меъзонларни, робитаю усувларни ўзида жобажо этган моддий ва руҳий хилқат ҳайратомуз мухтасар шаклда ифодаланган. Чиндан ҳам шеърий нисбатлар миқёс – самовот буржлари қадар теранлиги – уммонларга тенг: не ажабки: на “азал-аввал”нинг ибтидоси, на “абад-охир”нинг интиҳоси бор! Янада чуқурроқ ўйлаб, яхшироқ идрок этиб кўрганда, бу оламнинг “ҳайъати” – киёфаси, “вазъи” – тузилиши (“Назар айла бу коргаҳ вазъигаки, ортар тамошасида ҳайратим”) ақл ”боши айланар” даражада сирли-сехрли эмасми?!.. Надоматлар бўлсинки, биз неча ўн йилликлар мобайнида даҳриёна моддиион фалсафаси исканжасида гумроҳликда, ғофилликда, куфрона-шаккок “ёлгон даъво” (Яссавий) алдовларига қойим-махлиё бўлиб, ўзимиз англаб-англамай айюҳаннос солиб, жаҳонга кулгу-шармсor бўлган эдик...

Беназир сўз дахоси “ирсолул масал” бадиий санъати (халқнинг доно удумларини, турхикмат мақолу маталларини бадиий ўзлаптириш усули) орқали уларни хоҳ аслиятда, хоҳ ўзгарган шаклда келтириб байтга бошқача зийнат беради. Мана шулардан бири:

*Кўнгул жон бирла бўлди, ҳамраҳингмен, дард ила юрдум,  
Сенга жон бирла кўнглумни, сени – Тангрига топиширдум!*

Одатда ҳаётнинг иссиқ-совуғини кечириб, аччиқ-чучугини то-тиб кўрган дўст-душман, яхши ва ёмон билан синашиб маълум да-ражкада сабоқ олган кўзи очик, эхтиёткор, айни чоғда, боумид одам-лар аксарият яқинларидан кимнидир сафарга кузатаркан ё ўзлари йўлига чикиш олдидан яхши истак-тилаклари ўзгача меҳр билан, дили-дилдан тавалло қилиб, “Худога омонат, паноҳига топширдим” қабилида самимий муножот сўзларила изҳор этадилар, иймон нури билан йўғрилган, Яратувчига ҳамду саною илтижо мақомидаги бундай халқона оқ фотиха калималари, аввало, ўша хайрбод тилаклар тилагувчи мўътабар зот (ота-она ё устоз, меҳрибон дўст ё ғамғусор жигарбанд)нинг шахсияти ҳар қандай таъмаю миннатдан холи, пок хилқатидан далолат беради. Колаверса, бундан қутлуғ иборатлар ҳар икки тараф (сафарга отланувчи ё кузатиб қолувчи)нинг кўнглида, фикру хаёлида ажаб бир ёргулик – умид, ишонч-эътиқод, шукrona, миннатдорлик, меҳру вафо, ғурур-ифтихор, фидоийлик, ҳўтимол, ўқинч-армон, тазарру эзгу ҳислар уйғотади, руҳни поклантиради... Навоий халқимизнинг ана шу олийжаноб удуми тажас-суми – “топширдим” сўзининг бениҳоя гўзал, зариф, истиоравий қирраларидан фойдаланиб (бир якин одам тақдирини бошка бир яхши одамга мутлоқ ишониб, дахлсиз омонат ўрнида “топшириш” ўна омонат тимсоли ва унга жавобгар – соҳиби хонадон ё раҳнома йўлдошини ҳам Тангри ҳимоясига “топшириш” замираida қанчалар инсонийлик зухур этади!), муҳаббат оламининг зоҳиран фожиъ қисмати (“жонни топширмоқ”) – “ишқи мажоз”га кутилмаган ҳолда бокий-ўлмас маъно баҳш этади, “ишқи ҳакикат” мақомини беради... Не ажаб, маҳбуба дардида ошиқ кўнгил шайдолиги шу даражага етиб бордики, ҳатто кимга мансублигини, ўзлигини унутди, оқи-батда фақат “кўнгул жон бирла бўлди”, ошиқ эса бамисоли сояға – жонсиз, кўнгилсиз вужуд-суратга айланди. Лекин (водариф!) бундай фожиъ қисмат учун ҳасрат шикоят эмас, розилик, илтижо, тавалло сўзлари изҳор этилади! Илло, ошикнинг бу алдамчи дунёдаги сўнгги тилаги ҳам шу: муҳаббат қисматида “жон бирла кўнгилни” якаю ягона умидвори, ҳалоскори, маҳбубага, маҳбубани – “Тангрига топшириш” не чоғлиқ андуҳли бўлмасин, бу – чин мурод – абадий ишқ баҳтига эришмоқнинг пурмаъно ва зарифона ифодаси эмасми?! Зотан, бундай талқин Навоийнинг васлсиз – илоҳий ишқ идеали билан уйғун-ҳамоҳанг: “Ошиқки, муроди ком ўлгай – ошиклиқ анга ҳаром ўлғай”...

## КҮНГИЛ ЧАШМАСИДАН ҚАТРАЛАР

*Күнгүлда нақшы андоқ бөглөнмиши бир нозанин сурат  
Ки мумкин эрмас андоқ тортмоқ наққоши Чин сурат.*

Алишер Навоий лирикаси ўз замирида нафис, пинхоний түйғуларни, катта умумлашма фикрларни мужассамлантирган миниатюр образларга бой. Навоийнинг мумтоз муддаоларини ифодаловчи бундай шеърий накшлар табиатдан, ижтимоий ҳаётдан сайлаб олинган нисбатларда тартиб этилгаи. Нарсалар, ҳодисалар, уларнинг хилма-хил жинслари, ҳолатлари лирик қаҳрамон – ошиқнинг мураккаб кечинмаларини, маъшуқа қиёфасини ёрқин суратлаб беришга хизмат қиласиди. Файласуф шоир лирик манзарадар чизища табиат қонуниятларини, предмет ва воеалардаги ўзаро боғланиш, ўзгариш жараёнини диққат-эътиборда тутади.

*Ранж кўрмай киши топарму фароз,  
Кўнгли ўртанимайин ёнарму чароз?*

(«Хазойин ул-маоний», IV т., 768-саҳифа)

Бу байтда халқ, донолиги, унииг ўзига хос оддий, лекин чукур фалсафаси, айни замонда, қадимги юонон ва Шарқ файласуфлари диалектикасининг таъсири аник, сикиқ шаклда аксланиб туради. Навоий чирокнинг нур бериш сабабиятини ташқаридан – бирор сирли құдратдан эмас, унииг хос захматидан, ўз ёғида қоврилиши, «ўртаниши»дан қидиради. Худди шунингдек, киши ғойибдан «фа-роғ топмайди», хеч бир роҳат меҳнат-машқатсиз келмайди. Замирида соғлом дунёвий эътиқод ёттан халқ нақлини шоир ижодий ишлайди, чирок рамзи билан қайта кашф этади (Жазб этувчи жойи шуки, чирок ўзи бадиий нисбат бўла туриб, унииг хусусияти инсонга хос руҳий туғён – «кўнгил ўртаниши» орқали очилади). Навоий нима тўғрида қалам тебратмасин, унииг табиийлигига, ўз қонуниятiga назар солади, табиийликда мантиқийликни кўради. Бу – образнинг, унда зухур қилган фикрнинг ҳаққонийлигини, таъсир кучини белгилайди.

Шоир яратган биргина кўнгил образи устида баҳс юритиб ҳам унииг лирик даҳоси ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлиш мумкин. У кўнгил тасвирида гунча, ўт, шуъла, куш, вайронা, кишвар (мамлакат), уммон, мардум, кўзгу ва бошқа ташbihлардан шеърий детал

сифатида фойдаланади. Бир типдаги нисбат ҳам ҳар қайси конкрет ҳолда ўзгача лирик манзара чизади. Чунончи, умуман, мардум маънисидаги ташбиҳ гоҳ сайёд, гоҳ шўх бола ё мусофирни, гоҳ шоҳ, гоҳ гадо ё Мажнунни ифодалагани ҳолда кўнгил нисбатига айланади. Бугина эмас, айни маъ-нодаги ўхшатиш, неча дафъя учрашига қарамай, ҳар гал кўнгилнинг янги тасвирини яратишга хизмат килади.

Кўнгилнинг лирик миниатюрасини ишлашда шеърий детал бўлиб келган бир неча тур ташбиҳ намунасини кўздан кечирайлик. Гунча ташбиҳидан бошлаймиз:

*Гунчадек бўл қон ютуб қулмакка монанд, эй кўнгул...*

(IV т., 782-саҳифа.)

Кўнгилнинг анъанавий ғунча тимсолида суратланишигина ёмас, ундаги табиий ўзгариш (гулга айланиш) ҳолатини инсон руҳиятига тақ-қослашда шоир кузатган муддао дикқатни торгади. Гунча тўлмагунча ранг бўй бериб очилмайди, албатта. Бунда ўзига ярапса заҳмат бор, лекин, барибир, табиатнинг бу хусусияти инсон ҳаёти, кайфияти учун айнан нисбат бўлолмайди. Негаки, одамзод ўз кўнглининг ғунча янглиғ «тўлиб очилиши»га оддий заҳмат чекиб ёришуви кийин. Тўғри, ошикнинг ҳажр қийнокларидан шикастланган, эзилган ҳолати унинг висол напъясига, ҳаёт завқ-шавқига бўлган эҳтиёжини, ҳаққини мустасно этмайди. Бироқ шоирнинг лирик қаҳрамони ёлғиз севгининг табиий, пинҳоний дардларини кечирса кошки эди! Унинг мазлум-у маҳрумлигини, давр, давр ахлидан топган озорини Навоийнинг бошқа қатор сатрларидан укиб оламиз. Юқоридаги мисрада шоир бунга ишора қила туриб ҳамон ўрлиқдан ҳоли табиатдан, унинг мўъжизали одатидан ибрат олишига чакиради. Аслида, энг мушкул пайтда ҳам киши кўзлари оламга кулиб боқиши қобилиятини йўқотмасин, деган бу даъват Навоийнинг ҳаётга, инсонга, ижодга бўлган буюк меҳридан, дунёвий эътиқодининг мустаҳкамлигидан шаҳодат беради. Демак, ҳақиқий санъаткор бир-икки сатрдаги мўъжаз образ доирасида ҳам ўз муддаосини, дунёқарашини муҳтасар ифодалаши мумкин. Шоир икки сўзга: «қон ютмоқ» ва «кулмак» антонимларига катта гоявий вазифа юклайди, бундан классик поэтикамизда тазод санъати деб ишталган шеърий усул келиб чиқади.

Гунча ташбиҳи кўнгилнинг аксини кўрсатувчи лирик деталь сифатида янги-янги вазифаларни бажаради. Мана нодир намунашарнинг бири:

*Сендин айру хўблардин очилур кўнглим vale,  
Гунча янглигким очарлар куч била атфолани.  
(1 т., 624-саҳифа)*

Ҳижрон таҳхоликка ташлаган, ошиқ кўзига кенг дунё тор, қоронгу қафасдай кўринган дамларда яхшилар, ошнолар уни дарҳол йўқлайдилар, дилини ёритишга уринадилар. Бироқ, на чораки, уларнинг самимий меҳрибонликлари ёш болаларнинг гул фунчасини куч билан очмоқ бўлиб порлаганларини эслатади. Фунчанинг замину офтоб ардоғига эркаланиб ўсиб, ўз майли билан очилмоғига не етсин! Кишига унинг кўнгил маҳрами, ёлғиз дилдори баҳш этадиган сурурни, меҳрни ундан ўзга ҳеч кимса бера олмайди! Чиндан ҳам бошқа бирор зот унинг илтифотичалик марҳамат кўрсатишга кодирми? Навоий кўнгилнинг табиий нурағшон бўлишини, висол хушнудлигини ғунча воясига етиб гуллашига ўҳшатиб, жозибали бир сурат яратади. Бунда тажнис санъатидан (омоним сўзлар маъносидан) маҳорат билан фойдаланади, яхши кишиларга нисбатан олинган ёш болалар ташбиҳи орқали байтни мазмунан бир бутун қилувчи таносиб усулини кўллади.

Бошқа бир жойда ғунча ташбиҳи кўнгил таърифида яна мураккаброқ, вазифани ўтайди:

*Гунбазин қилди иморат ғунчанинг ёз ёмғури,  
Телба кўнглум уйи савдо селидин вайрон ҳануз.  
( 1 т., 225-саҳифа)*

Шоир кўнгилнинг шикаста ҳолатини кўрсатиша дафъатан унга нисбат учун олинган ғунчанинг шаклини гумбазга ўҳшатади. Бинобарин, максад «савдо селидан кўнгил уйи вайрон»лигини чизиб беришдан иборат экан, уй ташбиҳи айни вақтда ғунчанинг тузилишига монанд келиши лозим. Анъанавий шеърий мантиқ конкретлик ҳам ошиқ киёфасини табиат фонида очишни тақозо этади. Ғунча нисбатига мослаб олинган ёмғирли ҳаво одамлар учун табиий оғат билан боғланади: селдан уйлар вайрон бўлганидай, хаёт савдосидан, унинг аччик-чучук алғов-далғовларидан, ишқ ғавғоларидан кўнгил қаттиқ шикастланган. Шоир ташбиҳи том (тўла ўҳшатиш) воситасида ёркин, тугал лирик сурат чизади. Деталлари (ғунча, ёмғир, сел, вайрона) фоят мутаносиб келган бу миниатюр образ замирида аниқ фикр, муддао – лирик қаҳрамоннинг давр зиддиятларидан чеккан озори, кўнгил зори ётади. Маънонинг чукурлиги лирик кўринишга таъсирчанлик ва жозиба бағишлийди.

Табиатдан сайлаб олинган нисбат шоирнинг истаган ниятига хизмат килиши мумкин. Бунда, масалан, ғунчанинг табиий белгилари билан инсон ҳолатида маълум мутаносиблик, ички мантиқийлик бўлса бас. Навоий лирикасида бу шеърий детал қанча кўп учраса, шунча рангтин манзаралар аён бўлади:

*Эйки, кўнглунг сиррин, истарсенки, пинҳон асрасанг,  
Даҳр боғи ичра очма гунчадек зинҳор оғиз.*

(IV т., 123-саҳифа)

Бу мисраларда, аввало, ёлғиз икки маҳрам кўнгилнинг ўз дарди, қувончи ва фахри саналган, пинҳонийлиги билан жозиба кўзғатадиган муҳаббат ҳақида, кенг маънода, умуман, одамларнинг ўзаро муносабатларидаги маълум норма, нозик нукталар зикр этилади. Албатта, ўз сирлари ва сирдошларининг бўлиши уларнинг табиий хукуқидир. Киши шахси том маънода эркинлик олганида ҳам ўзига хос юрак асрори унинг индивидуал дунёсидан далолат бериб яшайди. Лекин юқоридаги байтдан кўнгилни очадиган чин дўст, сирдош тоғилмайди, деган аламли оҳанг, замон ва аҳли замондан шикоят сезилади. Аслида жаҳон борида ғунча ким учундир етилиб гуллани, қадрланиши, дил ўз маҳрамини учратиши керак. Бироқ оламда вафо йўқ экан, кўнгил ўз бойликларини елга совурмагани яхшироқ... Бундай ғоя Навоийнинг кўпгина лирик сатрлари руҳига сингдирилган. Файласуф шоир шуни ҳам биладики, ғунча оқибати нима кечишидан хабарсиз очилгани каби ошиқ кўнгил ҳам изтироблари, ҳатто пинҳоний ёнишлари билан ғайри ихтиёрий равишда ўз дардини – муҳаббат туйгуларини ошкор қилмай иложи йўқ. Демак, лирик қаҳрамоннинг нолишлари замирида турли ҳислар кураши мавжуд. Бу аслида табиат қонуни билан адолатсиз ижтимоий ҳаёт (ғунча билан ошиқ ҳолати) ўргасидаги, қолаверса, санъаткор дунёқарашидаги зиддиятлардан туғилган. Шоир ижодида goҳ умидворлик ва ҳар қандай бедодликка қарамай, саботли бўлишни, фидойиликни улуғловчи, goҳ аксинча, ҳазин ва маҳзун мотивларнинг ёнимаси яшаш боиси ҳам шундандир.

Навоий ғазалиётида кўнгил тимсоли дам-бадам мамлакат, мулк, турли ўрин-жой, манзил маъносини берувчи ташбихларда зухур угади.

Бунда шоирнинг хоҳ нафосат идеали, хоҳ ўз даврига танқидий муносабати хоҳ дунёвий эътиқоди бўлсин – бутун даҳоси аксланиб туради:

*Очилур күнглум қылур саир эл бузулган күнглини,  
Чүзз қылғандек тараб касбига ҳар вайронни тавф.*  
(IV т., 309-сахифа)

Бу байтда лирик қаҳрамон чин инсонпарвар, халқ ахволи, рухияти билан ҳамиша вокиф, ошно шоир-мутафаккир киёфасида гавдаланади. Унинг дили улус күнгли билан ҳамдүстликда ёзилади, ваҳоланки, элнинг юраги бутун эмас, шикаста. Навоий лирик қаҳрамон тилидан халқ ахволига ҳамдард бўлолганидан мамнунлигини айтади, бундай кайфият замираиде сўнгсиз алам-армон, аччик ҳакиқат ётади, албатта. Инсонпарвар шоирга күнгли ярим эл билан яқинлик тасалли беради – бу ҳамма улуғ ижодкор, фидойи табиат кишиларга хос хусусиятдир. Улар халқ, мамлакат мушкулини кўриб қанча изтироб чекишимасин, бу руҳий қийинокни ором ўрнида кўрадилар... Навоий элнинг күнгли бутун эмаслиги сабабиятига ишора қилиб, бойқуш ва вайронна нисбатини келтиради. Бойқуш ўз чордевори билан хурсанд. Вайроналар ўша замонда истаганча топилар, камайиш ўрнига ортиб борар эди. Шоир бошқа қатор мисраларда мамлакатнинг ҳаробалигига зулм, талон, ўзаро урушлар боис эканини очик-оидин таъкидлайди. Мана биргина мисол:

*Дамодам жавр ила буздунг Навоий күнглин андоқким,  
Бузулгай мулки бир зулм этса, шоҳи комрон ҳар дам.*  
(IV т., 400-сахифа)

Бир қараашда ситамкорлик маъшуқа табиатига кўчирилгандай. Лекин зулмнинг асл маъноси, чунончи, шоҳлар зулмидан бир лавҳа нисбатлаш йўли билан кўрсатилемаса, ошиқнинг аламнок ҳолати мавҳум бўлиб қоларди. Мамлакат ҳукмдори ҳар замонда бир зулм қилганида ҳам юрг вайронага айланади. Бу ҳаққоний нисбат күнгил тасвири, лирик қаҳрамоннинг руҳий кайфияти учун хизмат этса ҳам, барибир, шоир яшаган давр руҳи, унинг характерли белгиси кўзга ташланиб туради. Навоий ижтимоий фондан фойдаланишда бадиийлик талабларига, мантиқ оқимига қатъий риоя қиласиди. Ошиқ күнгли билан мулк (мамлакат), маъшуқа билан шоҳ ўзаро мутаносиб келиши учун «бузмоқ» феълига икки хил талқин беради, бундан тажнис санъати намунаси тузилади.

Мулк, кишвар ташбихи шоир ғазалларида кенг қўлланишига қарамай бир хиллик воқе бўлмайди:

*Олеали күнглини Навоийнинг талошур хўблар,  
Шоҳлар андоқки бир мулк узра қилгайлар талош.  
(II т., 260-саҳифа)*

*Кишивари ишқ ичра золим шаҳдур ул султони ҳусн,  
Ким кўнгуллар мулкидин жон нақдини олди ҳиројс,  
(III т., 98-саҳифа)*

Ҳар икки байтда лирик қаҳрамоннинг ҳолати кўнгил тасвирида очилади. Навоий бунда бевосита ўз даврининг ижтимоий ҳаётига, шоҳлик тузумининг хос белгиларига мурожаат этиши тасодифий ёмас. Шоир уруш-киргинларни, босиб олинган ўлкаларни шафқатсизлик билан талашни, ҳирој йиғишни шунчаки восита, шеърий безак учунгина келтирмаган, албатта. Давринг жиноий, фожиъ ҳодисаларидан Навоийнинг қанчалик аламнок бўлгани, бу балоларни иложи борича даф қилмоқ учун мислсиз ғайрат ва ҳиммат сарфлагани бизга маълум. Демак, шоир аксарият асосий муддаони, гояни воситага айлантириб, ишкий пардага ўраб бергани ҳам ҳақиқатдир, бунда ҳеч бир мубболага йўқ. Ният бадиий фон билан шундай едириб юбориладики, бу бир бутунликдан ўкувчи икки томоннама: илгари сурилган фикрдан ҳам, унинг поэтик безаги – нисбаган ҳам тенг таъсиранади. Юкоридаги сатрларда шоҳ ва кишивар ташбиҳлари, жон ва кўнгил рамзлари мутаносиблигидан шеърий мантиқ яратилади. «Талашмоқ», «ҳирој олмоқ» сўзлари ҳар қайси байтда иккитадан вазифани бажаради.

Навоий кўнгилни суратлашда бир байтда поэтик детал сифатида зиндан ташбиҳини қўллади. Бу шоирнинг ғоят нозиктаъб, чинакам нафосат заргари эканини намойиш этади:

*Оразинг нақшики чиқмас тийра кўнглумдин даме,  
Қилдилар гўёки Юсуф суратин зинданда нақи.  
(III т., 139-саҳифа)*

Лирик қаҳрамон – ошиқнинг ҳажр келтирган маҳрумликлардан ҳаётга, ёрғлилка зор кўнгли зах, коронғи зинданга нисбат берилиши ўз ҳазинлитигу янгилиги билан қанчалар кучли ва ҳакконий! Бир умр зинданбанд қилинганида ҳам инсон ўз даҳосини, юрак ўгини сўндирмайди. Зинданнинг совуқ топи деворларидаги турли сўзувлар, накшлар, унда Юсуф суратини ўйган ошиқ – рассом наҳотки фақат шоир хаёлидан туғилган бўлса! Эркесвар, исёнкор исоннинг минг бир жони, метин иродаси ҳар қандай хаёл билан

баслаша олмайдими!.. Шохлик салтанатининг элга даҳшат солиб, ўзини муҳофаза этувчи шармандали воситаларидан бири – ўрта асрлар, ҳатто кейинги даврларнинг қўркинчли зиндонларидан, уларда турли тоифа кишилар, жумладан: олимлар, фозиллар, хунар ва санъат аҳлининг банди қилинганидан тарих керагича шаҳодат беради... Санъаткор шоир ўз замони учун хос саналган энг кўнгилсиз манзарадан фойдаланади (бу ҳакиқат юракдан ҳис этилмаса, бунчалик кучли образ чикмас эди): Гуё маъшуканинг юзи тасвирини бутун Шарқка маълум ва машхур, гўзалликнинг нодир тимсоли саналган Юсуфга қиёслаб, ошиқ кўнглининг шикаста ҳолати билан боғлайди, шу тарзда зиндоннинг аянчли қўриниши муҳаббат пардасига олинади. Бунда ҳам, юқорида айтганимиздай, шоир нияти, яъни ошиқнинг оғир, лекин умидли кайфиятини бериш фикри уни ёрқин ифодаловчи восита – шеърий детал билан баравар таъсир кучига эга. Демак, Навоийнинг санъаткорлик қалами ғоя билан образнинг диалектик бирлигини таъминлайди. У лирик манзара яратишда Шарқ поэтикасида кенг тарқалган талмиҳ санъатини ишлатади («Талмиҳ» – луғавий маънода тотли, лазиз демақдир; газалчиликда турли афсоналарга, севимли идеал қаҳрамонларга нисбат бериш усули шу ном билан юритилади. Бу ўзбек шеъриятида ҳам муваффакиятли қўлланмокда).

Навоий кўнгилнинг етук тасвири учун мардум (одам) маъносидаги ташбиҳдан унумли фойдаланади. Шоҳ, гадо, мазлум, Мажнун, тилимиз (талаба), меҳнаткаш, мусоғир, сайёҳ каби нисбатлар неча бор учрашига, улардаги умумиятга қарамай, ҳар гал кўнгилнинг янги бир ҳолати кашф этилади. Чунончи, гадо табиатини берувчи ташбиҳнинг атиги икки хил вазифасини кўздан кечиралилк:

*Борди кўнглум ҳуши шиқинг ўтидин ахгар топиб,  
Бир гадо янглигки, ўлгай қиймати гавҳар топиб.*  
(IV т., 40-саҳифа)

*Етиб мунглуг кўнгул васлига ҳеч ўз ҳолини билмас,  
Ажаб эрмас гадо ўзни этурса подиоҳ кўргач.*  
(III т., 55-саҳифа)

Иккала байтда ошиқ кўнглининг беҳол бўлиши айтилади, бу мантиқан гадонинг табиатига мос. Лекин аниқ, тафсилий асос талаб қилингани учун шоир энг ўткир нақллар келтирадики, бундан лирик қаҳрамоннинг руҳий аҳволи ойдинлашади: севги ошиқни бе-

хуш даражага олиб боради; зотан ишқ гавҳари олдида у чиндан гадо ҳолатида, яъни ошик мухтожлигига қарамай, ўзи топган гавҳарнинг тасарруфидан бенасиб, баҳтиёргидан ҳатто абадий беҳуш бўлиши мумкин. Бу ўринда, шубҳасиз, Навоийнинг ўзига хос ўтиқоди зухур этган. Иккинчи байтда гадонинг подшоҳ билан тазод усулида берилиши ҳам шоирнинг маълум ниятига бўйсундирилган; ошик билан маъшука, васли оралигига гадо билан подшоҳ муносабатлари кадарли тафовут бор. Бошқача айтганда, васл ҳақида тасаввурдагина завқаланиш мумкин. Навоий ўзининг бутун фикр-муддаоси хаёл доирасида эканини кўп дафъа таъкидлаб ўтади. Кўнгил тасвирида ҳам шу таомилни тутади:

*Гўйиё қўнглум таҳайюл мулкининг сultonидур,*

*Ким хаёл ичра қилур ҳар айшиким имконидур.*

(IV т., 141-саҳифа)

Бу мисралар ижтимоий тушунчадан бадиий фон сифатида фойдаланишининг ажойиб намунасиdir. Шоҳлик қиёфасини равшан кўрсатувчи манфий маънодаги рамз («айш») мусбат хусусият олади: ҳокими мутлак ихтиёридаги чекланмаган ҳуқук ва имтиёзлар, унинг истаган номаъқулчиликни қила билиши мутафаккир шоирнинг хаёл оламига, поёнсиз кечинмалар дунёсига қиёс этилади. Диккатни торгадиган жойи шундаки, Навоий кўнгли унинг гўзал, беназир тасаввурларига, илҳоми-ла бутун даҳосига ҳукмронлик килади. Шоирнинг умумбашарий муддаолари, уларни ифодалаш во-ситалари – сўз инжулари, хилма-хил бадиий нисбатлар, рангин рамзлар манбаи – ҳаммаси кўнгил сultonининг тасарруфида, амрида... Демак, мустабид табиатидан сайлаб олинган ташбих асли улуғ шоир ижодиётининг романтик хусусиятини очиб беради. Албатта, Навоий утопизми, даставвал, буюк салафлардан ўтган ўлмас идеалларга – ворислик асосига курилган бўлса, сўнгра бевосита ҳаёт, замон такозоси билан янги руҳ касб этгандир. Давр руҳи шоир ширик қаҳрамонининг армонларида, ноласида аниқ кўринади:

*Фигонким, умрим ўтар туну кун хаёл била,*

*Хаёл орасида юз мувҳии эҳтимол била.*

(II т., 539-саҳифа)

Бундаги муңг замираида хаёл билан ҳақиқатнинг бирлиги ётганини уқиб олиш кийин эмас. Шоир хаёли чинакам инсонийлиги, эзгулиги учун ҳам унга нақд ҳаётни, реал борликни фидо қилишга ҳозир:

*Эй күнгүл, васли хаёлинин қылурсан доимо,  
Ки менинг жону жаҳоним бу хаёлингга фидо.  
(III т., 19-саҳифа)*

Навоий кўнгил тасвирида, яъни лирик қаҳрамон (опик ё мутафакир) руҳий түгёнини бадиий суратлашда шоҳ, гадо – контраст нисбатларини мазмунан чукурлаптириб, кўп ўринда золим ва мазлум тарзида беради:

*Давр зулм айлару давр аҳлию давр оғати ҳам,  
Неча золимга асир ўлгуси мазлум кўнгул.  
(IV т., 370-саҳифа)*

Бу байтда шоир – мутафаккир образи, унинг жафокаш, фидойи табиати, аламли қисмати давр муҳити фонида равшан кўринади. «Давр, давр аҳли, давр оғати» алоҳида таъкидланиши, бир сўзнинг уч карра такрорланиши тасодифий эмас. Масалан, «давр» шоирнинг кўп асарларида қўлланиб, умуман, инсон ўз муддаоларига етолмаган жамики адолатсиз замонларга ишорани унинг бебақолигидан шикоятни билдиради. Конкрет равишда шоирнинг ўзи кечирган зиддиятлар билан тўла алдамчи даврон, армонли ўтган умр зухур этилади. «Давр аҳли»ни ҳам у неча-неча бора тилга олади. Сиёсий, моддий диний, табақавий ва бошқа жиҳатлардан катта имкониятларга, юқори мавқега эга бўлиб, уларни сунистеъмол қилувчи шафкатсиз, нопок, мунофиқ, бидъатчи (зоҳид), инсофсиз, хиёнаткор, адовагчи шахслар тоифасини Навоий зўр алам, киноя билан аксари ҳолларда «давр аҳли», «аҳли замон» деб атайди, улардан тамоман умидини узади. Сўнги «давр оғати» иборасида ҳам чукур дард яширганг: кўз ўнгидаги доимий бедодлик, турли-туман талонлар, бошбошдоклик, фитналар, қатллар, урушлар, хонавайронниклар оташин инсонпарвар шоир қалбига «оғат» ёғдиради, уни сўнгсиз изтиробларга солади. Байтнинг биринчи мисрасидаги ўзаро таносиб усулида келган мана шу умумлашма маъно ташувчи сўзлар силсиласи уч золимга нисбат берилиб, иккинчи мисрадаги «асир» ташбихи билан bogланади. Бунда шоирнинг нияти аниқ кўзга ташланади, инсоннинг мазлум ҳолатига тушуви учун бир кишининг зулм ўтказиши кифоя; «неча золим» қаршисидаги мазлум эса, жамики инсоний хукуклардан маҳрум этилган асир ҳолатидаги мазлумдир. Бадиийлик эътибори билан қараганда, катта ижтимоий фикр гоят сиқиқ, муҳтасар ифодаланган золим-мазлум контраст нисбати орқали шоир анъанавий тазод санъатининг ажойиб намуна-

сипи яратади. Давр воқелиги тасвирида бу қадар очик-ошкора бўлиш, фикрнинг шеърий бўёклар пардаси ичидан бунчалар аён кўриниши Навоий жасоратидан далолат беради. Мана шу руҳдаги байтлардан яна бири:

*Дамодам етмайдур эрса ишқ зулми кўнглума,  
Хар дам ул мазлуми меҳнаткашига не фарёд эрур.*  
(III т., 87-саҳифа)

Бу гал ҳам мазлумлик ошиқ кўнглига ҳамжинс келиб, аввалги «асир» ташбиҳи «меҳнаткаш» билан алмашади. Бунинг ўз боиси бор, албатта. Маъшуққанинг бераҳмлигига таққослаб олинганидан қатти назар, «мазлум меҳнаткаш»нинг бошидаги тўзимсиз ҳақсизликларга шоирнинг ҳамдардлик муносабати сезилиб туради. Бино-барин, Навоий васл давлатидан бенасиб, «баҳти доимий уйқудаги» ошиқнинг кўнгил афғонини ифодалашда меҳнаткашлар аҳволидан қўра кучлироқ асос, ортиқрок қиёс топмайди. Бу шоир ижодининг умумий руҳи билан ҳамоҳангидир. Халқнинг қўйи, заҳматкаш табақасига килинадиган бедодлик ҳақида Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да, «Махбуб ул-кулуб»да, бошқа эпик, лирик ва насрый асарларида куюниб ёзгани, уни кескин қоралагани маълум.

Шоир ошиқ кўнгил тасвирида мардум маъносидаги ташбиҳдан фойдаланар экан, девона, шайдо, телба, Мажнун нисбатларига айрича аҳамият беради. Бундай таомил асли мухаббатнинг адабиётда, лирикада ифодаланиш тарихи билан боғланади. Анъана бўйича, ишқ таълими олдида барча илмлар, маърифату ҳикмат, дину такво ўз қучини йўқотади. Ишқ жунуни ҳар қандай нуфузли қоида ва пизомларни рад этади. Ошиқ-маъшуқларнинг идеал, умумбашарий қиёфада суратланиши ҳам мухаббатнинг ўзига хос сурури, ундаги қис-туйғуларнинг табиийлиги ва чексизлиги далолатидир. Ошиқнинг кўпинча Мажнунга қиёс қилиниши, Мажнуннинг одамлар мұхитидан, жамият тартиби, расм-русумларидан ҳоли, даштларда мақон қуриши, табиатнинг озод, беғубор, маъсум махлукларини унфат тутиши севгининг табиий эркинлиги, дахлсизлиги рамзиdir.

*Кўзларинг девона кўнглум жонибин тутти, нетонг,  
Ишқ даштида кийиклар хайли Мажнун соридур.*  
(IV т., 102-саҳифа)

Шоир кўз, кўнгил тасвирида кийиклар ва Мажнун тапибиҳидан тиисиб усулида фойдаланиб, айни бир вақтда идеал қаҳрамонларга

нисбат берип – талмиң санъатини қўллади. Тасвир предмети бадиий восита билан пайваста келиб, яхлит образ туғилади. Мухабатнинг умуман реал хаётга номувофиқ, ошиқнинг мажнунвор ҳолатда, маъшуқанинг висолдан йироқ, париваш қиёфадаги талқинига келганда, бунинг туб, объектив сабабиятини жамиятнинг адолатсиз тартиби, унда шахс эркининг хоксор этилишидан қидирмоқ керак. Дарвоҷе, бу хусусда Навоийнинг ўзи ҳам қайғурниб ёзди. Мана равшан бир далил:

*Ишқ ўти мазлумкунишур, билмас они аҳли зулм,*

*Англагил бу нуқтани Фарҳод ила Парвездин.*

(IV т., 471-саҳифа)

Навоий ғазалиётида кўпинча кўнгил ва жон, кўнгил ва бағир, кўнгил ва кўз мутаносиблигидан лирик манзаралар яралади.

*Айрма бир-биридан жон бирла кўнглумни раҳм айлаб,*

*Берурмен жонни ҳам, олгил, чу сендуурсен кўнгул олган.*

(II т., 450-саҳифа)

Ҳижрон нолишлари билан боғлиқ бўлган, кенг анъанага айланган ҳазинлик бу ерда ўкувчига ажиб завқ бағищловчи нозик ифода ўйини тусига киради. Ошиқ кўнгли маъшуқа домида, бу гайрихтиёрий ҳолдан чексиз бахтиёр, шу билан баробар у жон қийноғида. Навоий эътиқодича, ошиқ учун битта йўл бор: у ўз кўнглини олган жононга жонини ҳам бериши керак. Чунки кишининг кўнгли билан жонини бошқа-бошқа тасаввур қилиш маҳол. Лирик қаҳрамон – ошиқнинг фидойи табиати чиройли мантиқ билан, шеърий нисбатларнинг ички мутаносиблигига ифодаланади. Шоирнинг маҳорати шундаки, «кўнгил олиш», «жон олиш» иборалари ўзаро муқобил, яъни тазод усулида келиб, айни бир вақтда, тажнис санъати ҳам («олмоқ» сўзининг икки вазифада қўлланиши) хосил бўлади.

Навоий кўнгил ва жон каби рамзларга мурожаат этганида бу традицион-такрорий элементларга ижодий ёндашиб, янги конкрет тус киритишга, уларни ўзга оҳангта солишга интнлади:

*Ошнодур чу санга жон бирла кўнлум азали,*

*Не тафовут манга бўлсанг абадий бегона.*

(IV т., 536-саҳифа)

Ажиб чиройли ифода, ўйлантирувчи бир мантиқ! Маъшуқа ўзи ни қанчалик узоқ, тутмасин, ошиқ бутун борлиги – кўнгли, жони

билан унга боғланған. Бир карашда «ошно-бегона» антонимлари тизод санъати учун хизмат этишини, яъни, икки хил маъно жилваси ўзаро тўқнашиб, тафаккур доирасида миниатюр бир сурат чизилганини сезамиз. Лекин Навоий сўз ифодадаридан ҳеч качон ёлғиз широйли нақш яратиш учунгина фойдаланмаган.

Ҳар бир тасвир замирида фикр, муддао, шоир эътиқодининг шик, бир зарраси ётади. Қизиги шундаки, у ошиқнинг ошиқолигиу маъшуқчанинг «абадий бегона»лигига тафовут кўрмайди. Бунинг боиси бор, албатта. Навоий эътимодича, юксак даражадаги муҳаббат (идеал маънода) аслида ошиқнинг ўз маъшуқаси ҳажрида бир умр ёнишини, жонон васли фақат хаёл бўлиб қолишини тақозо қиради. Бу ғоя шоирнинг бир қанча эпик асарлари, кўпгина лирик сатрлари руҳига сингдирилган. Васлининг мумкин эмаслиги эса «абадий бегона»ликнинг иккинчи хил ифодасидир. Муҳаббат мана шу зиддияти билан қудратли, жозибали, Навоий яна бир байтда бу гонни бўлак йўсинда илгари суради:

*Ишқ қўнглумга тушуб нобуд бўлди руғу нағс,  
Ўт чу бир кишварга тушди – поку нопок ўртсанур.*  
(IV т., 166-саҳифа)

Ишқ-муҳаббат ошиқни охири ҳалок этажагини у яхши билади ша бундан сира чўчимайди ҳам. Аксинча, шоирнинг фидойи табиат ширик қаҳрамони ҳақиқий севги йўлида ёниб битишга рози. Жон («руҳ») билан вужуд («нағс») ҳамон ёнма-ён, пайваста экан, кўнгилига тушган оташдан улар бирга ўртаниб, тенг куя қолсин. Зотан, ўт тушган жойда ҳўлу қуруқ, поку нопок – ҳаммаси ёнади. Бу ўринла ўт ташбиҳи орқали ҳалиқ маталига мурожаат этишда кузатилган нозик нуқта бор: файласуф шоир тушунган кўтаринки-романтик муҳаббатда жисмоний қовушмоқлик («нағс») мустасно, бу унинг шиширида шаҳвонийлик, нопоклик; ошиқ қўнглининг ҳаёти, нажоти бўлмиш, бир умр ҳажр қийноғидаги жон («руҳ») эса, поклик нишопшидир. Бундай фалсафа «Лайли ва Мажнун»да янада равшан ифодаланган:

*Ошиқки муроди ком бўлгай,  
Ошиқлиқ анга ҳаром бўлгай.  
(«Хамса», 431-саҳифа)*

Бу эътиқод бўйича, мабодо ошиқ-маъшуқлар муродга етиб ўзаро қовушганларида, энди уларни аввалгидай ном билан аташ эҳтиё-

жи қолмайди. Севги қудратини, ҳароратини бирдай саклаши учун ошиқ-маъшуқлар умр бўйи висол иштиёқида ёнишлари зарур. Ҳажр оташларида тобланган, васлга етмоқ эса имкондан ташқари ҳисобланган, шу билан абадий сўнмас, жозибали туюлган мұхаббат ҳақидаги ақида аслида антик дунёдан (масалан, Афлотундан) мерос бўлиб ўтган, Навоий уни деталлаштирган ҳамда ривожлантиргандир<sup>1</sup>.

Шоир лирикасида кўнгил билан кўз рамзи ёнма-ён келган байтлар кўп учрайди:

*Чун хаёлингда кўнгул беҳол эди ўз рашикидин,  
То не ҳол ўлгай висол ичра анга кўз рашикидин.*  
(II т., 503-саҳифа)

Кўнгил шундай бир ошикка айланади: у ёрини хаёлда ҳам қизғанади. Яна кимдан? Ғойибона жонланган маҳбуба шу қадар жозибадорки, кўнгил уни ўз-ўзидан рашик қилиш ҳолатига тушади. Бугина эмас, хаёлан беҳол бўлган кўнгил висол дақиқаларида ўз кўзлари рашикига қандай бардош беради? Маҳбубанинг тасаввурдаги суврати қайда-ю, ошиқ кўзлари қаршисида бутун нафосати, таровати билан, мушкин бўйлар тарқатувчи насими, жонбахш нафаси, шўхлигу ғамзалари билан ташриф буюриши қайда? Кўнгил билан кўз тимсоли мутаносиблигида ҳижрон, висол тушунчалари тазод усулида боғланиб, севги ва рашик ҳақида чиройли фантазия туғилади. Бу рангин шеърий кўринишда лирик қаҳрамоннинг қайнок, мусаффо ҳислари мавжланиб туради.

Навоий баъзан кўнгил билан кўзни бир-бирига муқобил – контраст кўйиб, ошиқ кайфиятини қабартиб беради:

*Кўзда сув, кўнгул аро ўт, не кўрарсен охир?  
Яна аҳволин аларнинг не сўрарсен охир?*  
(III т., 92-саҳифа)

Бугунги оддий китобхон учун ҳам ойдин, услуби равон бу сатрларда қандай теран маъно, жозибали туйғу бор! Ошиқ кайфияти табиатдаги ўт билан сувнинг ҳолатига қиёс этилиши жўясиз эмас.

Навоийнинг мұхаббат ҳақидаги қарашлари оқибат натижада унинг ўзига хос прогрессив пантеизми билан боғланади. Бунинг замирида бутун объектив борлик, жумладан, инсон Тангрининг тажаллисидир, деган таълимот ётади. Шунинг учун шоирнинг ишқий фалсафаси тўғрисида мумкин қадар муфассал маълумот билан Е.Э.Бертельснинг «Суфизм и суфийская литература» (М.: Наука,

1965), В.Зоҳидовнинг «Мир идей и образов Алишера Навои (Т.: Гослитиздат, 1961) китоблари орқали танишиш мумкин.

Қанчалик гайри бўлмасин, улардаги зиддият бирлигига ҳаётнинг қудратли манбаи бор. Қалб ишқ оташидан туғёнга келмаса, кўзга ёш чикмагандек, кўз ёшларисиз юрак тафти ҳам қўтарилимайди, Демак, «кўздаги сув», «кўнгилдаги ўт» – оғир оқибатидан қатъи назар ишқ шайдоси учун табиий ҳолдир. Маъшука саволига ошиқнинг саволли жавобида, ундаги ҳазинликда нафосат ярқ этиб кўринади. Шоир кўз ва кўнгил тимсоли мутаносиблигини таъминлаш учун сув билан ўт ташбиҳидан фойдаланади, яъни бунда ҳам ишъянавий тазод усулини кўллайди. Табиат бўёклари лирик қаҳрамоннинг қалб дунёсини, ҳислари мавжини ёрқин тасвирлаб беради.

Навоий севгининг манфий, мусбат томонини, севинч ва аламларини ҳамиша бир бутунликда олади:

*Эрур кўнгулда сафо ишқ тоза дозги била,  
Нечукки, кўзда ёргулик эрур қароги била.*  
(І., 574-саҳифа)

Муҳаббат кўнгилга дард янглиғ кирмаса, дого фироғ пайдо қилимаса, унинг фароғатини, зиёсими англаб, қадрлаб бўлармиди? Зоро, кўзниг равшанлиги, унинг кўриш, туслаш, нозик туйиш, атроф-муҳитни суратлаш кобилияти ҳам қорачигида. Одатда салбий тушунчалар рамзи бўлиб келадиган “қора” сўзи ижобий маънода кўз гавҳарига нисбатланади. Лекин мантиқ тақозосига кўра кўздаги қоралик кўнгилдаги доғ билан уйгун олинади. Ошиқлик табиатига, унинг зиддиятли ҳолагига қанчалик монанд ташбиҳ танланган! Бунда фикр ўзининг ихчам ва образли ифодасини топади. Мухими, шоир ишорасида реал турмуш ҳақиқати бор: ҳаётни жўнгина, силлиқ ҳолда тасаввур этиб бўлмагани каби муҳаббат фироғидан лавзатланмаган киши ошиқлик даъво қилмагани яхширок... Навоий кўнгил, кўз рамзлари доирасида ўзаро зид маънолар бирлигини тушиб (сафо – доғ, ёргулик – қароғ), лирик тасвир яратади – бир вақтнинг ўзида таносиб ва тазод усулидан маҳорат билан фойдаланади.

Шоир кўнгил тасвирида дам-бадам күш ташбиҳини ишлатади, юкорида жой-манзил нисбати баҳсида шоир (мутафаккир) кўнгли бойкушга, эл кўнгли вайронага киёс этилганини кўрган эдик. Куйидаги мисолда яна бойкуш ва унинг ватани тилга олинади, лекин бундан кунгил нақшида айнан ўхшаш ҳол содир бўлмайди:

*Чуғаз бүймиси ганжси васлинг шавқидан күнглум қуши,  
Захми күп күнглум уйи ул чуэзнинг вайронидур.*  
(IV т., 77-саҳифа)

Күнгил бир вақтнинг ўзида ҳам қушга, ҳам вайронага нисбат бериладики, бундан бадиийлик зиён кўрмайди. Ошиқ қалбининг васл шавқида талпинган пайти қушга, айни замонда ҳажр жароҳатларидай шикаста, мажрух ҳолати вайрона жойга ўхшатилиши асосли ва мақбулдир. Кўнгил сўз, ифода гавҳарларига шунчалик бой уммондирки, ундан фойдалана билган санъаткор ҳар гал ва айни вактнинг ўзида бир қанча маъноларни тасарруф этиши, буларни шеър дурданаларига айлантириши мумкин. Бу, шубҳасиз, тасвирий воситаларнинг ўзаро ҳамжинслигини, улардаги ички мантиқийликни тақозо қиласди. Юқоридаги байтда шоирнинг бошқа ғазалларида кўп қўлланган бойкуш, вайрона нисбатлари ганж ташбиҳи билан конкретлашади, бусиз «васл шавқи» ҳакида гапириш маъносиз бўлур эди. Вайроналар ўз бағрида қимматли тошларни, дуру олтинни яшириб ётиши ҳакида ҳалқ ривоятлар тўқигани ҳам бежиз эмас. Хонандаларимиз қуйлайдиган «айлагач» радифли ғазалда нақл этилинича, сulton ўз маҳрамига ганжни яшириб қўмишни буориб, сўнг бу сирни сирлигича колдириш учун маҳрамни дарҳол, ўлимга маҳқум қиласди... Бу ўринда «эл конидан», «улус жонидан» бунёдга келган, талаб, босиб олинган бойликларнинг кўп қисми айш-ишрат, дабдаба, ҳашаматлар учун соврилса, маълум бир қисми ерга кўмилиши XV аср шароити учун хос ҳодиса эканига шоирнинг аниқ ишораси бор. Демак, хаёлан чизилган бойкуш – вайрона – ганж силсиласида Навоий даври ҳакиқати маълум даражада зухур этган. Бу лирик суратда, шубҳасизки, шоирнинг севги эътиқоди ҳам назардан қочирилмаган: хойнаҳой вайронада ганжнинг бўлиши ҳам, унинг зохирлан топилиши ҳам муаммо. Эҳтимол тутилган, фойиб бир нарса маъшука васлига ўхшатилади. Бунда бошқа қатор сатрларда илгари сурилган, васлга етмоқ амри маҳол, деган ғоя билан ҳамоҳанглик бор.

Навоий кўнгил аксини чизишда баъзан биргина қуш нисбати билан кифояланмай, мусалсал (силсилали), ташбиҳлаш воситасини қўллади:

*Шуълаи руҳсорига кўнглум қуши айлонадур,  
Тонг эмас гул шамъига булбул агар парвонадур.*  
(IV т., 94-саҳифа)

Ошиқ күнглиниң бекарор ҳолатини құш тимсоли (булбул) үзича аниқ, ифодалай олмаганидан, шоир уни яна парвонага киёс этади. Бунда, албатта, күнгил сурати рухсор тасвири билан мантикий бирликда, үйғунликда келиши, яъни булбул парвона ҳолатига кирап экан, гулнинг шам янглиғ ёниши даркор. Акс ҳолда, ошиқнинг рухий кайфияти мавхум, бўлиб қолар эди. Навоий бир байт доирасида икки силсилани кетма-кет, ҳалкали ташбиҳлашни ёнма-ён келтириади. Бизга маълум оддий рамзларда лирик қаҳрамоннинг шайдо, фидойи табиатини ғоят сиқиқ, аниқ шаклда суратлаб беради. Бу ерда шоирнинг маҳорати анъанавий нисбатлардан ижодий фойдаланишда, сўзга оз, фикрга кенг йўл беришда кўринади.

Навоий, кўпинча, тўғридан-тўғри ҳаётга, масалан, овчилар ёки қўппараст кишилар турмушидаги, болалар табиатидаги характерли тафсилотларга мурожаат қиласди. Булар шоир қалами амрида унинг муддаосига, лирик қаҳрамон рухий дунёсини очишга, күнгилни бадиий жилолантиришга хизмат этади:

*Онинг илгидадур кўнглумки, ондин айрила олмас,  
Тамом ул қуши масалликким, киши илгига ўрганмии.*

(IV т., 267-саҳифа)

Навоий бу ерда күшларда ҳосил бўладиган кўникмани кўнгилниң ихтиёrsиз ҳолатига нисбатлаб, «илик» сўзига турли маъно (биринчиси киши кўли, иккинчиси маъшуқа ихтиёри) юклайди.

Шоир аксарият маъшуқанинг шўх, беларво, илтифотсиз табиатини, етказган озорларини болалик дунёсига киёслайди. Кўнгил тасвири құш ташбиҳи орқали чизилганда ҳам болалар табиатига хос кичик тафсилотлар ёрдамга келади, бундан ажойиб шеърий нақшлар тўғилади:

*Ришитай зулғига боғлигдур кўнгул ул шўхнинг  
Тифл қуши судрар киби ҳар сори рафтори недур?*

(Ш т., 102-саҳифа)

маъносида зулғи толасига боғлаб олиб, шўх, беларво ҳолда ўйнайди, истаганча қийнайди. Кўнгилниң бу хил жисм – юрак сифати ҳар ҳолда ўз мангиқига эга (унинг тузилиши күшга ҳам ўхшайди). Бундай талкинга шоирнинг талай сатрлари асос беради, чупончи, опиқ gox ўз кўнглини узиб, маъшуқа итларига ташлашга ҳозирлигини билдиради, gox унинг шакли ёр йўлига тўкилган гул япроғига ўхшатилади ва ҳоказо. Шундай қилиб, юқоридаги байтда

«боғлиқ кўнгил» ибораси икки кўриниш касб этади, бундан илгари қайд этилган тажнис усулининг камёб бир намунаси ҳосил бўлади.

Кўнгилнинг шайдо ҳолатини домга тушган сайд (ўлжа, ов) рамзида кўрсатиш кўп учрайди. Шоир бунда бир хил анъанавий воситалардан фойдаланса-да, ҳар гал янги лирик манзара яратади:

*Тушти зулфи домига кўнглум қуши майл айлагач,*

*Ул тараф рухсори кўзгусин сув, холин дона деб.*

(III т., 40-саҳифа)

*Ғам еган кўнглум қушин туттмоққа гўё сафҳада*

*Нуқтая хат бирла сочиб дона ёймиш домини.*

(IV т., 612-саҳифа)

Иккала байтда ҳам кўнгилнинг ишиқ дардига мубтало бўлиши күшнинг домга илинишига қиёс килинади. Лекин ҳар биридан ўзгача ранг товланиб, янги лирик оҳанг таралади. Биринчи байтдаги дом – сувга ташланган дон маҳбуба ҳолига, унинг юзи эса аввал кўзгуга, кўзгу сувга қиёс этилади, мана шу тўла ташбиҳлаш билан яхлит, мантиқий бутун тасвир келиб чиқади. Иккинчи байт ўзича яна бир миниатюр дунёдир. Куш оvida баъзан сайд алданганини, домга илиниши муқаррарлигини сезиб қолади-да, кўркувдан ўзини ўқотади. Бу ошиқ кўнглиниң маъшуқадан мактуб олгандаги беҳол пайтига монанд келтирилади. Саҳифадаги сатрлар ов жойига ёйилган дом – тўр бўлса, араб ёзувида кўп қўлланадиган нуқталар унда сепилган донлар... Кўрқитилган куш – паришон кўнгилнинг ҳолатини бундан зиёдроқ, нағисроқ ифодалаб бўладими!

Домга тушган куш рамзи орқали қуидаги байтда яна бошқача манзарани қўрамиз:

*Эйки, дерсен: кўзларим кўнглунгни не навъ этти сайд,*

*Бир кабутар нетсун охир икки сайёдинг била?*

(Іт., 559-саҳифа)

Саволга саволли жавоб тарзида ғоят ихчам курилган бу мисраларда дафъатан маъшука кўзлари билан ошиқ кўнгли ўзаро уйғун келади. Лекин бу бирликда ички зиддият бор, шоир унга аниқлик бериш йўлини ахтариб, кўзларни икки сайёдга, кўргилни битта ка-бутарга ўхшата-ди. Демак, аввалги мисолларда кўрганимиз – маъшуқанинг юзи, холи, зулфи ўрнида бу сафар унинг кўзлари ошиқ кўнгли билан муқобил туради, бу сайёд – кабутар контраст нисбатида очилади. Шу тарзда ҳар галгидек тазод санъатининг янги намунаси яратилади.

Кўнгил тасвирида, кўпинча, қушнинг энг характерли хусусияти парвози шоир диккатини тортади:

*Висол авжси бийик, эй кўнгул қуши, сен паст,  
Етишмак анда не мумкин, агар ҳаво қилсанг.*  
(III т., 361-саҳифа)

Маълумки, халқ бургут ё лочиннинг парвозини юксак интилиш, катта жасорат тимсоли сифатида кўп нақл килади. Навоий тазод усулида келган «буюк – паст» муқобил нисбатлари орқали, аввало, шинана бўйича, маъшуқани, унинг васлини улуғлади. Ошикни эса, аксинча, ҳаста, хокисор ҳолатда беради. Бу номувофиқлик замирада умуман шоирнинг аксарият ғазалларига хос ҳазин рух билан ҳамоҳанглик бор. Қолаверса, бу асли Навоийнинг биз юқорида зикр этиб ўтган муҳаббат эътиқодига, ўз замонасида рўёбга чикиши мумкин бўлмаган идеалларига боғлиқдир. Яъни, ҳамон маъшука насли хаёлида доимий изтироб чекиш, «кўнгил қушининг ҳавоси наст»лиги ошиклик қисматидир, деган ғоя илгари сурилади. Бундан и ҳазинлик, ҳаттоқи умидсизликнинг туб сабабини буюк шоир шахси билан ижтимоий кайфиятларнинг номутаносиб эканидан қидирмоқ лозим.

Кўнгилни бадиий суратлашда турли-туман ташбиҳларни, шеърий деталларни Навоий ғазалиётидан керагича топиш мумкин. Биз бъязи характерли парчалар билан кифояландик. Юқорида намуна учун келтирғанларимиздан ташқари ёлғиз кўнгил сурати, тасвири учун лирик детал сифатида ўнлаб ташбиҳ турларини учратамиз. Чунончи, кўнгилнинг холислиги, рўйростлиги – кўзгуга, мусаффолиги, нозиклиги – шишага, яралангани – шафаққа ё бўлак-бўлак бўлиб турган чўққа, ундаги жароҳат излари – мармар тошга ўйилган нақнинга, ёйинки карвон кўниб ўтган жойдаги гулхан нишоналарига, ранжиган ҳолати – синган кўзага, кучли изтироблари – ўт тушган кирмонга ёки ўз ёғида ёнувчи шамга, висол севинчидан ҳаяжони – тулқин урганда безовталанган балиққа, беоромлиги – чўғ устида тинмаган шуълагага ёхуд ўтни кўзғаганда пайдо бўлган ёлқинга нисбат берилади. (Бу ташбиҳларнинг деярли ҳар бири замирада оими-кўпми ижтимоий кайфиятларни, ҳаёт, давр руҳини кўрсатишнияти ётади). Моҳир санъаткор кўнгилни гоҳ маъшуқанинг турли ҳолатдаги бир неча тасвири, тушган «хаёл суратхонаси»га – сехрли галерияга, гоҳ сафарга соппа-соғ отланиб, иқлим таъсирида бетоб

қайтган сайёхга, гоҳ ишқ қурбони – ошиқ қабри устида очилган лолага (унинг доғларини кўнгил заҳмларига), гоҳ чок-чокидан аж-ралган энгилга ўхшатади ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси шоирнинг ягона муддаосига – инсонни улуглаш, унинг беназир маънавий бойлиги, калб оташи – муҳаббатини ўчмас шеърий сатрларга кўчириш нияти учун хизмат қиласи. Уларда Навоийнинг дунёвий эътиқоди, нафосат идеали турли усусларда зухур этиб туради.

Чинакам бадиий асар, том маънодаги санъат, жумладан, нафис лирик образлар микдор билан ўлчанмайди, албатта. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий лирикасида биргина кўнгилнинг миниатюр тасвири ўнларча, ҳатто юзларча байтларда учрар экан, бу ҳайратомуз катта микдорни сифат эътибори билан битмас-туганмас бир хазина, деб билсак муболага бўлмас.

## **ҲАЗРАТИ БАҲОУДДИН ВА АЛИШЕР НАВОИЙ**

Ҳазрати Баҳоуддин даҳосила мураттаб этилган «Камар дар миён, сано ба забон» ақидасига Навоийнинг камоли эътимод-эътиқоди комилу солим, терану пурдард байтларда ўзининг тимсоли мужассу мини топгандирки, унинг ўзгача оҳанглари жилвалари қатор тамсил-байтлардан аён бўлғуси. Зотан, улуғ шоирнинг муборак ҳаёт ва ижод манзиллари эл-улус, ватан, башарият нафъи учун, Тангри илоҳийни таниш, англаш, дини ислом қуввати йўлида камарбасталик – белни маҳкам боғлаш (“камар дар миён”), шу билан баробар дилда муножоту истиғфор айтиш, тилда ҳамду сано (“сано ба забон”) ўқишининг ажойиб намунасидир.

**«Хилват дар анжуман, сафар дар ватан».** «Хилват» – ботиний-рухий дунёни билдиrsa, «анжуман» зоҳирий – суратдаги моддий ва ижтимоий дунё. Ҳар икки истилоҳ мазмунан бир-бирини тўлдиради: хилват Аллоҳ ёди-ла банд кўнгилнинг хос ҳолатидан огоҳ этса, кўнгил чироғисиз анжуман бенуру бесамардир. Сафарни ватан ҳудудида деб бил, ақидасида ҳам зоҳир ва ботин – фаною бақога доҳил маънолар мужассамланган. Яъни «сафар» – фоний умр манзиллари, «ватан» – абадий қолгувчи маъво, кенг маънода, қудратли илоҳийнинг инсоний лисон – сўзга кўчган тажаллиси, унда мажоз ва ҳақиқат унсурлари ўзаро алмашиниб туради...

Ҳазрат Навоий «Насоимул-муҳаббат»да ёзади: «Дедиларки (Хожа Баҳоуддин сўзлари), анжуманда хилват: зохир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳаноҳу ва таоло била». Яна куйироқда ўқиймиз: «Ва дер эрмишларки, бизнинг тариқимиз сұхбатдур на хилматда шұхратдур ва шұхратда оғат; ҳайрият жамияттадур ва жамият сұхбатда, бу шарт билаки, бир-бирига нағи бўлунгай ва улча ул бузурн буюрубтурки ... агар жамъи бу йўл соликлари бир-бири била сұхбат тутсалар, анда кўп хайру баракот». Демак, жамоа сұхбати – мулоқотидан мурод ўзгалар билан яқин, бақамти алокада ўзлигини англаш ва бир-бировига нағъ етказиш («...солик вақтики, Генгри дўстларидан бири била сұхбат тутса, ўз ҳолидин воқиф бўлсун ва сұхбат замонини ўзга замон била мувозана қилсун»). Бинъакс, бу хайрия жамоасининг ҳар бир мусоҳиби дилида ҳамду сино айтгани, тилида калима шаҳодатни такрорлагани ҳолда, зикру самъодан узоқдир («Яна алардин сурдиларки, сизнинг тариқинингизда зикр жаҳр ва хилват ва самоъ бўлур? Дедиларки, бўлмас»).

Ҳазрат Навоий ўз замондошларидан турли ҳунар, мумтоз ва амалий санъат аҳли, орифу алломалар, фузалою умаролар сафида ишнибандия тариқатига кучли рағбат қўйишининг сабаби ва мақсади аниқ: инсоний фазлу камолга, илмий ва бадиий тафаккурда зохирий ва ботиний уйғунликка эришмоқ. Мана шу нуктада Навоий инглаб етган, ўз ижодида юксак санъат билан таҳқиқ этган, давлатни жамоат фаолиятида амал қилган, шубҳасизки, янги маънно ва қиммат билан бойитган мажоз ва ҳақиқат бирлиги бор салоҳияти билан намоён бўлади.

Шу муносабат билан Навоийнинг «Ҳамсат ул-мутаҳайирин» рисоласидан мўъжаз ва мўътабар бир кўчирма олиш эҳтиёжи бор: «Мунча ишнинг зимнида ишқи зохир тариқиким, «Ал мажозу қантарат ул-ҳақиқат» иборат андин бўлгай». Воажаб! Мажоз ва ҳақиқат бирлиги ҳатто Ҳадиси шарифда зикр этилган экан (бунинг замини Каломуллоҳда бўлса-чи?). Иллю, муқаддас иборанинг маъниси шундай: мажоз ҳақиқат кўпригидир... Ана шундай дунёвий ва ишоҳий фалсафа нуктадон, солим мантиқ туфайли бўлса керакки, мажоз билан ҳақиқат ақидаси қанча тафаккур ва сўз даҳолари акинни банд этган, қалбидан жой олган! Бу қутлуг сўзлар Навоийнинг денону достонларида, рисола ва тазкираларида турли шақсл-шамомнида неча бор истифода этилиши, шубҳасиз, ўз қонуниятига эга. Не ажабки, Фаридиддин Атторга камоли меҳру ифодаси, та-

саввуф шеъриятининг ёрқин намунаси сифатида талқин этилаётган «Лисон ут-тайр» достони ҳақида муаллифнинг ўзи «Мұхқамат ул-луғатайн» асарида шундай таъриф беради: «Чун «Лисон ут-тайр» илхони била тараннум тузупмен, күш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида күргузупмен». Зеро, Навоий достонининг «Мантиқ ут-тайр»дан фарқли жиҳатлари ҳам ўша «мажоз суратида» эмасми? Ҳолбуки, «Маҳбуб ул-қулуб»да Аттор мансуб бўлган мутасаввиф шоирлар табақаси таърифида «мажоз» сўзини учратмаймиз.

Ана энди зоҳирий ва ботиний оламлар бирлиги – мажоз ва ҳақиқат уйғунлиги шеър санъати-ла мунакқаш этилган шоҳбайтлар таҳлилига ўтсак бўлади:

*Юзунгда зарварақ ҳар ёнки, лутфи бениҳоятдур,  
Жамолинг мусҳафида ҳар бири гўё бир оятдир.*

Навоий буюқ мутасаввиф шоирлар тариқатига мансуб, деган бир ёқлама тамойилдаги айрим тадқиқотчилар қандай даъвою далиллар билан чиқмасинлар, шоирнинг лирик қаҳрамони – ошиқ, ориф ё сойир (дунё кезувчи) каби маҳбуби ҳам, аввало, инсондир; унинг ботиний дунёси – руҳиятидан кўра кўпроқ зоҳирий аломатлари (юзи, кўзи, қоши, хатти-ҳоли, лаби, сочи, қомати бетакрор тимсоллар орқали чизилган) сурати ҳаётий, жонли жиҳатлари билан жозибадор, қадрли. У қанчалар хаёлий юксак, баркамол бўлмасин, шубҳасиз, тирик инсонга хос латофати, ёшлиқ, ҳаттоки, болалик шўхликлари, эркаликлари билан ажратиб туради. Улар шарқона, туркона, борингки, ажам муслималарига хос покдомонлик, иффату ибо, нозикфаҳмлик, андиша, шоирона киноя, мутойиба, ғамза – бундай ингичка саъжия кирралари фақат «Тангри эҳсони», унинг «барчадин шариф ва латиф» кашфиёти – инсонга хос хусусиятлардир. Зоҳирий суратга даҳлдор (мажозий) аломатларни ботиний жиҳатлардан, сийратдан ажратиб бўлмайди. Чунончи, юқоридаги шоҳбайтда маҳбуб «жамоли» муқаддас китоб («мусхаф»)га, «юзи» унинг зарваракларига ўхшатиладики, ҳар вараги «гўё бир оятдур». Бу ўз сабабиятига эга: яратувчи Холиқ маҳбуба жамолига нафакат хуснамоҳат белгиларини, балки фасиҳ маънолар оятлар китоби варакларидан нуқтадонлик жозибасини ато этган («Чу Ҳак нури юзунгда зоҳир ўлди» дейди шоир бошқа бир шеърида). Ҳақиқат билан мижознинг ўзгача нисбати ҳақида янада равшанроқ тасаввурга эга бўлмоқ учун бошқа бир шоҳбайтни кузатайлик:

*Бу навъ ўлдум жамолинг мусҳафининг сирридин огаҳ,  
Ки фиҳристида келди ики қошинг ики бисмиллаҳ.*

Жамол китобининг бу қадар зарофатли маъносини унинг муқалдимаси («Фиҳристи»)га нигоҳ ташлабоқ билиб олса бўлади: кигуб дебочасидаги муқаддас калималар (арабча ҳусниҳат усталари мұнаққаш этган сўзлар) муслима гулрўларнинг пайваста қошларига нисбат бўлиб келиши... ҳам юксак шеърий санъатни, ҳам маҳбубанинг маънавий камолини ўзида мужассамлантиrsa, не ажаб!

Ниҳоят, Хожа Баҳоуддин ақидасининг иккинчи қисми – «сафар дар ватан» ҳақида. Инсон таваллуд топишидан то сўнгги бор ердан обиги узилгунича ўтган умр ораси – бамисоли мусофирининг сафарда кепиргган мұваққат, учкур шамолу оқин дарёдай шошқин фуршатлари. Одамзот пойи қадами билан мунаввар, обод она маскан, на чораки, ўткинчи, омонат бўлса, илоҳий қудрат ҳукмида азалдан то абад собиту устувор қолгучи бу хилқат парчаси, унинг авлодлар ризқ-рўзи манбаи, қисмат улуши унсурларидир... «Ваҳдати вужуд» ски «вужуди мутлақ» бирлиги ягоналигининг бу олий, фоят сабоқли ҳақикатини бир қадар англаб етган, «эл коми», «улус нафи» учун гайрату ҳиммат камарини боғлаган, босавоб ишлар қилишга шошилган одам комрондир, дейди Навоий: «Эрур чун олам узра жоҳ фопий, яхши от бокий, Бас, эл комин раво айла, ўзунгни комрон кўргач». Бу байтда инсон ва илоҳ, мажоз ва ҳақиқат, фано ве бақо бирлиги буюк шоирларга, набиуллоҳ макомидаги валий зотларга кос комил иймон-эътиқод, эзгу хаёл, мўъжиз шеърий санъат билан пўғрилиб берилгандир. Мавзуга бевосита алоқадор икки байт:

*Мусофири бўл, аммо ватан ичра бўл,  
Тила хилвату анжуман ичра бўл...*

*Аёлу ватан узра то жони бор,  
Кииши ҳарб этар токи имкони бор.*

Биринчи байт мазмунига оид фикрлар юқорида озми-кўпми айтиб ўтилди. Фақат «мусофири» билан «хилват», «ватан» билан «анжуман», ҳар қалай, бир байтда ёнма-ён келишига эътибор беринг-а: аниавлиги икки ташбих маъноси қанчалик шахсий – ўзликка хос бўлгани ҳолда, ботиний-руҳий оламдан огоҳ этиб туради ва аксинча, кейинигилари («ватан, «анжуман»), бир қарашда зоҳирий мавжуддлик бўлиб туюлса-да, азал ва абад – бақога доҳил дейиш мумкин. Ҳемак, мажоз ва ҳақиқат нисбати ҳам ўзгармас ҳодиса эмас, улар бири-бирига ўтиши мумкин. Оламнинг жозиба сири шунда.

Иккинчи байтда, бир қараңда, мажозийлик шундокқина бүртиб туради. Инсон икки муқаддас тушунча: ахли аёл (ёр, оила) ва ватан учун, жонни фидо қиласы... Бу эр йигитта хос бирламчи сифатлар: мардлик, жасорат, номус ва диённатнинг ҳаётий, дунёвий тимсоли мужассами. Лекин, барибир, бундай ёрқин мажозийлик – оилапарварлык ва ватанпарварлык заминида Яратувчи Холик сунган иймон жавҳари («Ватан хубби иймон нишони дурур...»), ояту ҳадисларда зухур этган инсон, ахли аёл, ватан аталмиш бошариф калималар – бирламчи маънавий қадриятлар жойлангандир.

Навоийнинг шеърий куллиётіда ватан мавзуидаги сатрлар талайгина. Не ажабки, хаёлни бузруквор шоирнинг она шаҳри – Ҳиротта бағишилаб битилган байтлари ўзига тортади. Инчунин, «Ҳирий» зикр қилинган сўзонли мисраларда мажоз ва ҳақиқат ақида-сининг ажойиб ўйғунлиги ўзгача ларзали оҳангда тараннум этилган:

*Навоий, биҳишт ичра фарогат йўлини сурдунг,  
Намудоридур онинг Ҳирийнинг хиёбони.*

Навоий учун она Ҳирот хиёбонлари – жаннат йўлларига монанд. Уларнинг кўриниши – манзараси («намудори») ўзиёк шоирга илоҳий «фарогат йўлини-суриш»дек ажаб сафобахш кайфият, майли, армонлари йўғрилган илҳомий рух ато этгандай бўлади. О, жаннатий меваларию дилтортар манзарали набототи – шамшоду санавбарлар, сунбулу суманлар, анвойи гуллар шукухи, виқори, атру бўйи билан, товусу қумрилари, шифобахш ҳавоси, тоза сувлари билан ороланган боғлар, сайргоҳлар, хусусан, «Ҳирийнинг хиёбони!.. Муаззам шаҳарнинг шимолий ҳудудида – ўша кадрдон Инжил ва Жўйи Нав соҳиллари узра ё қадимий Намозгоҳ – Мусаллонинг муборак йўлларида, алалхусус, Навоий ўзи бино килдирган тижорат, маърифат, хайрия бинолари атрофидаги жаннатмонанд оромгоҳу манзилгоҳларда устоз ва анис мусоҳиблар билан бирга ўтган дамлар файзу сафосининг нисбати борми дунёда? Улар Навоийнинг бир умр чанкок рухини, қалбини не чоғлиқ қондиролган экан? Ҳаёт ва нафосат оламининг сўз билан таърифлаб бўлмас буюк шайдоси, ошуфтаси, набиуллоҳ мақомига етган бу но-дири даврон нега, масалан, дунё саёҳатидан, ҳатто мусулмони комил учун энг муқаддас сафар – Байтуллоҳ зиёратидан «Ҳирий янглиф... ер»ни афзал деб билганини, ҳар қалай, тушунса бўлади: «Навоий, айш учун дайру риёзат чеккали Каъба, Гар истарсен, бу

ики ишга йўқтур ер Ҳирий янглиғ». Бундай кутлуг орзу, буюк армон, сўнгизсиз ҳасрат йўғрилган, айни чоғда иймон-эътиқодга айланган муҳаббат ва ифтихор ҳислари мавжланиб турган сатрларда маҷоз ва ҳақиқат ғоялари Навоий қаламининг мўъжизакор кудрати-ла ўзгача маъно, ўзгача қиммат касб этади...

«Хуш дар дам, назар дар қадам». Навоий шеъриятида хушдамлик, пок назар, кутли қадам самари бўлмиш «тоза гул»лар («Боғчай даҳрки, юз тоза гул Топти қаёнким назар этти кўнгул»), тўё «жаҳон гул ичинда ниҳон» бўлгандай, бири биридан пурмъяно, нафис тимсоллар, рангин лавҳалар бисёрдирки, улар мунгли-ҳазин мисраларга ҳам босафо рух, умидбахш нур ато этгандай таассурот колдиради. Мана ёркин бир мисол:

*Гулбуни ишратдин узгил барги пайванд, эй кўнгил,  
Гунчадек бўл қон ютуб кулмакка монанд, эй кўнгул.*

Шубҳа йўқки, пири бузруквор Хожа Баҳоуддиннинг: «Хуш дар дам, назар дар қадам» ақидаси Навоийда ўзгача руҳга, бошқача алфозга кириб, ғамноклик хушвақтлик унсури билан йўғрилади. Шу жиҳатдан аввалроқ таҳлил қилинган байтдан қиёс учун тамсилмисра келтириш жоиздир: «Халқдин навмидлик еткурди роҳат кўиглума». Бу, шубҳасиз, Навоийнинг илоҳий ҳақиқатни идрок тиши ўйлидаги «мажоз кўпруги» учун ҳаётий негиз – мустаҳкам тагзамин ҳозирлаганидан ёркин далолатдир. Аслини олганда, Ҳақ таолонинг чин ошиқ бандалари – турли тоифа сулуклар, валийлар, орифлар ичida комилу фозили – захматкаш уста ва устазода, пурхиммат, савобталаб оддий одамлару хос шуаро, уламою киром, амирул умаро зотлар жамоаси – мана нақшбандия тариқатининг таъсир доираси, маърифат-сұхбат ва хайрия меҳвари! Унинг илоҳий фалсафаси, улуспарвар, адолатпеша ахлоқи ва хурфиқрлилик гоялари (бу фазлу камол жамиятининг бошқа тасаввуф оқимларидан фарки – ижодий-бунёдкорлик ишларига маданий ҳаётга яқинлиги – «мажоз»га кучли тамойили ҳам шунда-да! (Навоийнинг илмий ва бадиий тафаккурига қанчалик кучли таъсир кўрсатмасин, у «мустакил даҳо» (Лессинг) сифатида ўзгача-бетакор шеърий усуиллардан фойдаланган, умброкий тимсоллар яратган.

Ҳали серкирра киёфаси – улуғвор сиймоси, мужассам инсонлик ша соҳибқиронлик тимсоли чизилмаган Амир Темур шавқ-рағбати келган лаҳзаларда меҳру ихлос билан тилга оладиган: «Дил ба ёру

даст бакор» ақидаси, не ажабки, Навоий асарларида учрамайди. Лекин бу муборак калима Хожа Баҳоуддин нафасларидан нозил бўлгани учун ҳам Навоий шеъриятида унинг сурати – ҳарфига эмас, сийрати – руҳига яқин байтлар кўп. Мана ўшалардан бири:

*Тенгри эҳсонига шод ўлғон қилур  
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам.*

Шубҳа йўқки, улуғ пири муршид Нақшбанднинг исломият нури билан йўғрилган таълимотидан рагбатланган Навоий бу зариф маънолар байтида биз айрича эътибор ва қиммат бераётган «айни ҳақиқатдур мажоз» ғоясини фавқулодда ёрқин мухтасар шаклда умумлаштирган. Бас, уни Баҳоуддин калимасининг Алишерий тажаллиси деб билишга тўла асос бор. Илло, шоҳбайт замирида бир эмас, бир неча ақоид тадқикига таъминот берадиган фалсафий-руҳий теранлик, маънавий-ахлоқий баркамоллик, чинакам бадиият қирралари жойланган. Чунончи, унда ҳаёт ва умрдек азизу мукаррам неъмат шукронаси учун, кенг маънода, бани одам – инсон авлоди қайғусида (ирқи, элати, эътиқоди, ҳаттоқи ғарибу ҳақирлигидан қатъи назар – бундай тафовутлар Навоий учун аҳамиятсиз) килган «меҳнатидин» хайру баракот топган мусулмони комилнинг қўпкиррали тимсоли чизилган. Хусусан, «Тенгри эҳсони» – ёруг дунёга келмоқлик баҳоси – ўзгача; бу иноятга «шод ўлған» ҳар бандаи мӯъминнинг шукrona туйғуси, шахсий баҳтиёрги – ўзгача; «ўзини шод» этиш билан «элни ҳам» хушнуд қилиш савоби ва шарафига доҳил бўлиш – ўзгача; ниҳоят Навоий талқинида бир неча маъно ташиган «меҳнат» ташбеҳи яна ўзгача ғоя-мақсадга хизмат қиласиди, бу сўзлар жамулжамидан истанг «камар дар миён, сано ба забон», истанг «хуш дар дам, назар бар қадам»; истанг «дил ба ёру даст ба кор» хотирга келиши мумкин. Мана муқаддас калима («мажоз ҳақиқат қўпруги»)дан бошланган фалсафий-руҳий-маънавий силсила ҳалқалари. Илохий илдизлару уларнинг дунёвий шажаралари самари...

## АСРЛАР ҚАЪРИДАН САДО

Дардима дармон иноят айлагил...  
Алишер Навоий

Ўзбек ғазалиётининг мумтоз намуналари, биринчи навбатда, "фасоҳат мулкининг соҳибқирони" ҳазрати Навоийга, сўнгра, "ўз замонининг маликулкаломи" Мавлоно Лутфийга, шунингдек, камида уч туркийзабон шеъриятнинг муштарак суханвари Фузулийга мансуб деб билсак, ўзбек рубоиётида, шак-шубҳасиз, Бобур ўзгача, сарбаланд мақомни эгаллади. Бунинг далолати учун бир неча мўътабар омилни келтириш мумкин: авваламбор, буюк жаҳонгашта шоир рубоийлари не-не мушкилотлар, пурталотум ҳодисалар билан чирмалган ҳаёт йўлининг баъзан файзу сафоли, аксар жабру жағоли манзиллари билан бевосита боғланади – айни ҳақиқатни тажассум этади; сўнгра, мумтоз шеъриятимизда муайян қонуният ва сабабият тақозоси-ла кенг анъянага айланмаган ватан мавзуи, ҳаёт, умр сабоқалари каби ижтимоий масалалар Бобур рубоийларининг жон риштаси, юрак томири сифатида ажralиб туради. Ва ниҳоят, арузнинг маҳсус "тарона" баҳрига мансуб қўйма тўртликлар шахсан Бобур инкишоф этган бадиият буржлари – маънавий ва лафзий санъат намуналари: хоҳ нозик рамзу мажозлар, истиоралар, бетакрор тимсоллар, хоҳ ҳалқона содда-равон нуктадонликлар усулида юксак санъат билан "тарошланган" (Чўлпон).

Толеъ йўқи жонимга балолиг бўлди,  
Ҳар ишинки айладим – хатолиг бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,  
Ёраб, нетайин, не юз қаролиг бўлди...

Бу машхур рубоийнинг нафақат дарднок мисралари, балки истисносиз, ҳар бир сўзида улут үлуспарвар шоир, ҳиммату адолатда, меҳр-шафқату дину диёнатда тенгсиз султон ва инсон қисматининг бутун зиддиятлари – зоҳирий (жисмоний), ботиний (рухий), илолий, дунёвий, шахсий ва ижтимоий алам-армонлари, фожеалари тажассумини кузатиш жараёнида уларнинг моҳият ва сабабиятини чуқурроқ идрок этиш мумкин... Тўғри, шоир бу муҳтасар шеърда лаҳзали кечинмалар, сирли-пинҳоний руҳий ҳолатлар сувратини чизмайди, кутилмаган истиора ё мажоз воситаси-ла ғаройиб-мўъ-

жиз манзара, харир лирик лавҳа яратмайди. Аксинча, нотинч, ғавғоли замона, суронли, хатарнок воқеалар синовини бошидан ўтказиш жараённида туғилган аччиқ-аламли таассуротлар – шафқатсиз ҳақиқат сабоклари, не ажабки, шунчалар аёвсиз "балолиғ", "хатолиғ", "юз қаролиғ" (жафокаш элимиз энг мушкул кунларда тилга оладиган, бир-биридан фузун маломат сўзлари!..) ташбеҳлари орқали ифода этилади, уларда Бобур Мирзо ҳёти, кисмати, шахсиятига бевосита ва билвосита алоқадор қанча ғам-андух, изтироб, ҳасрат-надомат, ўкинч, армон, соғинч, пушаймонлик, осийлик, тавбатазарру, тангрига муножот туйғулари умумлашма тарзида зухур этади!..

Мазкур тарихий, том маънода ҳакқоният умумлашмаси бўлган шеър мазмунини мумкин қадар чуқурроқ, талқин ва таҳқиқ этиш истаги уни сатрма-сатр, ҳатто бирикмага ажратиб шарҳлашни тақозо этади.

*Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди...*

"Толеъ йўқи..." Аввало, бу – шоир зоти учун факат шахсий ғам ифодаси эмас. Ҳолбуки, санъаткор шоир ва шоҳ Бобурнинг шахсияти – ўзлиги бошқа аҳли шуаро ва салтанат соҳиблари (ё даъво-гарлари)дан жиддий тафовут килувчи аломатлари билан ажралиб туради. Сўнгра, "толеъ йўқи..." бу – нафакат "дашт эли" – кўчманчи ўзбек уруғлари босқинини дафъ этолмаслик, ёгий кучларига бас келолмаслик алам-изтироблари далолати ("Бобурнома"да, балким, мағлубият азобининг зўридан сахройи турк кавмлари – кипчок ўзбеклари ҳақида водий маданияти, ободонлиги ёвлари сифатида омонсиз ҳукм юритилади), ёки бу – ҳамюрт амиру беклар, бузғунчи-фитнагар темурийзодалар – худпараст хиёнаткорлардан етган ранжу озорларнинг муҳтасар ифодаси. Энг огири, бу – икки ўт ўртасида, аросат исканжасида қолган, жаннатмонанд воҳаю водийлари ҳаробазорга айланган, умид, нажот йўлларидан мосуво, айниқса, муқаддас илоҳий, руҳий-маънавий қадриятлари, бебаҳо маданий обидаларининг тақдири хавф-хатар остида қолган улус, ватан қайғусининг мунгли тимсоли мужассами... Шу тарзда, икки сўз бирикмаси ўзининг анъанавий маъно-мантиқ доирасидан чиқиб, тарихий шахс фожеасининг шеърий ифодаси сифатида кутилмаганда фалсафий теранлик касб этади. Бошқа жиҳатдан олиб қараганда, шунчалар серташвиш, балокаш (айниқса, қисқа) умр давомида кўриб кечириб, яратиб-эришиб улгурганлари – беназир ва

бенисбат ижодий, илмий мероси, тарихий жасорати эътибори-ла, Бобур Мирзони "толеъ йўқи" дейиш, ҳаёт ва бадиият мантиқига тўғри келармикин?.. Илло, Бобурдек улуғ зотларнинг тортган барча жабру жафолари, аччиқ армонлари алал-оқибат унинг ўзи мансуб бўлган халқ, муборак Ваган шаъни эътибори-ла, ватандош авлодлар – ворислар тасавурида бебаҳо маънавий баҳра, руҳий таянч, миллий гурур тимсолларига айланса не ажаб!..

Мисра таркибидаги "жонимга балолиг бўлди" иборати англатгани маъно – шахсий ва ижтимоий кулфатларнинг ҳадди-поёнини, маъно-моҳиятини баҳоли имкон шарҳлашдан аввал махсус иловага зарурат сезилади. Мумтоз рубобий (лирик) шеръириятимизда ошиқ, ориф, қаландар (Бобурда яна бир тоифа – жаҳонгашта-сайёҳ) тимсолларидаги зуҳур этувчи қаҳрамон дунёсини "жисм", "жон", "кўнгул", "кўз", "бағир", "бош", "оёқ" ("Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик аёғига, олиб бу бошни, эй Бобур, аёқ етканча кеткаймен...") каби ташбеҳлар орқали ифодалаш анъанага айланган. Улардан, айниқса, "жон" – илоҳий "ал-аксир" (Навоийда "иликсир") жавҳари; тириклиқ, умр ғаниматлиги, муҳаббатнинг бокийлиги ғояларини гоҳ ҳазин-ўйчан, гоҳ умидбахш, жозиб-хаёлий лавҳа-образларда ифодалайди ("Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз...", "Лаълиға жонимдин ўзга жонни қурбон айлама...", "Ҳар кимки бирав ишқига бўлса дилбанд, Жон риштасидин қилса керактур пайванд" – Навоий)... Бас, мазкур рубойида жон азоблари охироқибатда "балолиг" сўзига нисбат берилиши беихтиёр "Бобурнома"даги бағоят драматик бир вазият тасвирини эсга солади. Чунончи, 1527 йил воқеаларига бағишлиланган бобда Бобуршоҳнинг заҳарланиши хақидаги мана шу сатрларни ўқиймиз: "Жон мундоғ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим. Ул мисра борким: "Ким, ӯлар ҳолатқа етса, ул билар жон қадрини..." Ҳар қанча бу воқеа ҳойла хотиримга келса, бехост ҳолим мутаҳаййир бўлур. Тангри таолопининг инояти бор экандур, менга яна бошдин жон бағишлиди – мунунг шукрини не тил билан қилгаймен... Агарчи тилга, оғизга сиққусиз, қўрққудек воқеа эди, шукр Тенгрига, яна кун кўрарим бор экандур!! Алалхусус, ватан ғурбатида ёруғ жаҳон зимистон бўлиб туюлган бениҳоят тору танг, мушкил кунларда заҳарланиши воқеаси Бобур учун "жонга балолиг" даражасида таърифланишида унинг ўзидан бошқа бироннинг тасавурига сиғмайдиган теран маъно – тубсиз дард-алам бор... Иккинчи мисра шарҳига ўтамиз.

*Ҳар ишиники айладим – ҳатолиг бўлди.*

Ажабо, Бобурдек буюк шоир, мутафаккир ва султон англастынан "хатолиғ"лар... Биз уларни тушунмакка, озми-қўпми идрок этиб кўрмакка ўзимизни ҳозир ва қодир деб ҳисоблай оламизми?.. Не тонгки, Бобур Мирзонинг гўё катта узрхоҳликдай эштилидаган, моҳиятда ўта аламнок иқорнома сўзлари ҳақида одатий таомилда мулоҳаза-муҳокама юритиш жуда мушкил юмуш бўлиб туюлади: наинки, маъсум болалик чоғларидан фикри-ҳаёлини банд этган бобомерос мулк манфаатлари, муборак Ватан тақдири, шеърият, илму ирфон рағбати – яратиш, яхши от қолдиришдек эзгу мурод-мақсад йўлида бир умр событқадамлик билан, мислсиз сабот, жасорат билан қилган саъий-ҳаракатлари – "ҳар иш" фақат "хатолиғ" бўлиб чиқса!.. Беадад алам билан, куюниб айтилган надомат сўзлари на тарихий ҳақиқат, на ҳаёт ва бадиият мантики талабларига тўғри келади! Шунга қарамай, ўз зиддияти билан кишини ўйга толдирадиган бундай "хатолиғ" замирида аллақандай таскинли, айни пайтда ибрат-сабоқ бўларли маъно бор: бу фоний дунё "иш"ларига ҳакирона шикасталик билан ёндошиш – барча яхши-ёмон, Ҳак таолога итоаткор ҳолатни кечиришдек исломий эътиқод, эҳтимол, Бобурга энг мушкил соатларда руҳан мадад бергандир. Шу маънода, одамзотнинг асли ҳақибу ожизлиги, бандай ғофиллиги аломати (беайб – парвардигор), аксари унинг инони-ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, шу важдан марғубу номарғуб амаллари хатодан ҳолий эмас, деб билиш фақат валиуллоҳ зотларга хос хусусиятдир. Албатта, "ҳар иш", "хатолиғ" каби ортиқ ҳасратнишин тафсил-ташбехлар замирида аввал – биринчи мисра шарҳида қайд этилган, Ватанинг дарди-фироки билан боғлиқ, ҳар гал шоир эсга олганида вужудини қақшатгувчи битмас оғриклари ҳам англашилиб туради. Лекин, барibir, муқаддас "тавбаи комил" (Навоий) оятидай тийрак ҳақиқат сўзларини тақдири илоҳий хукми деб билган Бобур ҳар қандай қаллоблик ва ёвузликка юзма-юз – тик қараганидек, турфа "хатолиғ"ларни ҳам, маломатлардан чўчимасдан очиқ ифшо этадики, бундай жавонмард ошкоралик улуг шоирнинг номи шарифига заррacha ғубор юқтирамайди, бильякс, унинг сиймосини, биринчи навбатда, мусулмон оламида сарбаланд этади... Учинчи мисра шарҳига ўтамиз.

Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим...

Водариг! Ватаннинг ҳар бир зарра – аносири, ҳар буржини муқаддас билган, комил заковат, ўтли эҳтирос билан назмий, настрий, излумий таъриф-тасниfinи битган улуғ шоир, мутафаккир ва шоҳ Бобур учун "Ўз ерни қўйиб" каби мислсиз ҳасрат-надомат сўзларини хаёлан кечириш ва қоғозга туширишдан ортиқ азоб, юрак-багрини хуни бийрон қилғувчи бошқа бир мушкилот бўлган-микин? Мўъжиз шеърий ижод лаҳзаларининг гўё уч лахча чўғдай ёлқинли сўз-тимсолларга ўтган руҳий ҳолатини, шубҳасизки, ўша аснода шоир қўзларида беихтиёр равишда ҳалқаланган ёшлини, қўлам-хома тутган қўлларию Ҳаққа сано айтгандай пичирлаган лаблари титроғини, ич-ичидан тўлиб келган, соғинчу ғам-андух мавжларини ўз исмига монанд мислсиз иромда кучи билан баъзўр қайтарган самовий бир ҳолатни бугун биз нечоғлик тасаввур этишимиз мумкин?.. Бу нолавор сўзлар замирида нафакат Бобуршоҳ шахсияти – ақл-закоси, қалби, хилқати, саъжияси билан боғлиқ тўзимсиз ҳасрат-надомат оҳантлари, балки ватан, эл-улус тақдирига шунчалар лоқайд қараган бузғунчи-тарафкаш амиру амирзодалар, айниқса, қавм, жамоа, шаҳар-кишлек дарғалари, иймонсиз дин арқонлари учун, қолаверса, турли табака, турли тоифага мансуб, майдонга отилиб чиқишига номуносиб ҳамюртларнинг асло кечириб бўлмас журъатсизлиги, ўта худпарастлиги учун ҳам алам-изтироб туйгулари зухур этса не ажаб?.. Балким, ўша ўқинч-пушаймон сўзлари қоғозга тушаёттан кезда "Шайбокхон" (Бобур ибораси) бош кўчманчи-истиличилар қолдирган мудҳиш асорат-оқибатларни ўйлаб (яна "Бобурнома" саҳифалари эсга тушади!), эски дард-оғриклиари янгилангандир!..

"Хинд сори юзландим". Бу сўзлар ҳам нафакат учинчи мисра таг-мазмуни, унинг бутунлиги учун хизмат киласи (ихтиёrsиз тарқи ватан ҳасратини ифодалаш билан кифояланади), балки кенг маънода, шоир Бобур ҳоҳ шеърий, ҳоҳ настрий йўлда, турли оҳангларда арз этган "ҳасби ҳоли"га ҳам дахлдорлиги, шубҳасиз. Бу дайвони қўйидаги байтлар билан далиллаш мумкин: "Ёраб, яна миҳруму хонимон қилдинг, Ёраб, яна овораи жаҳон қилдинг"; "Күнгли тилаган муродига етса киши, Ё... бошин олиб бир сорига кетса киши". Бу мунгли сатрларнинг ҳақконийлиги – ҳаётий жониба сири шундаки, Бобур ўзининг ҳос табиати, ҳос саъжияси тикозоси-ла ҳар бир айтган сўзига бамисоли номай аъмол ёзуғидай қиймат берганми?! Шу маънода, учунчи мисра моҳиятидан буюк

тарихий шахс фожеасигина эмас, балки қисмати илоҳий хоҳиш-иродаси олдида ("Ҳеч нима тенгрининг хостидан ўзга бўлмас" – "Бобурнома") "ихтиёри йўқлиги" – чорасиз ҳолати ҳам англашилади... Ва ниҳоят, сўнгги мисра шарҳи.

*Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди"...*

Мумтоз шеъриятимиз дуржи – лугат сандигида "юзи қаро" янглиғ оғир аламнок сўз кам топилса керак ("Юз қаролиғ онча бўлмиш жаҳл ароким, кўзумга килди оламни қаро" – Навоий). Бобур Мирзодек ғуруру орият бобида яктолардан, табиатан ўта нозик кўнтил, зурафою фузало ахлининг хуштабъ, солим хилқат мусоҳиби – буюк шоир ва шавкатли шоҳжи, "юз қаролиғ" иборатининг не ҷоғлиқ шармисор, оғир-зил зарбига дош бериб, майли, тўзимсиз изтироблар сўзонида ёниб-ўртаниб, бундайин заҳролуд насиби қисмат учун Ҳақ олдида тазарру туйғуларини кечирар экан, бунда мўъжиз ҳикмат бор. Юқорида зикр этилган, бири-биридан ёмон икки золим – ички ва ташки ёвлар ўргасида таланганд, поймол этилган ситамдийда Ватанинг нажотсиз аҳволи – ваҳшатангез, ваҳмзор манзараларини лоақал тасаввур қилиш ўзи қийин эмасми?!. Бобомерос заминнинг бундай қаттиқ, қисматидан сўнгсиз армонли темурийзода – соҳибқироннинг ғурури қанчалар таҳқирланган экан?!. Унинг ҳар пора-қатрасини, ҳар бир тирик жонзоту сирли мұйжизотини тахайюлу хотиротида эҳтиётлаб ва ардоклаб олиб юрган Бобур қалбида, тафаккурида не тутғону не талотумлар кечган экан?!. Бобурнинг, айниқса, "Ёраб!" дея илоҳийга килган илтижоли нидосидан бу покдоман инсон, даҳо шоирнинг аҳволи рухиясини озми-кўпми англагандай бўламиз (моҳияти-ла тахкиқ этиш фақат тангрига-ю Бобур Мирзонинг бокий руҳига ҳавола...) тахқиқ этиш фақат тангрига-ю Бобур Мирзонинг бокий руҳий ҳавола...).

## МЎЪЖИЗОТ МУССАВИРИ, ЗАРОФАТ ШОИРИ

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳайратдан "ақл боши айланар" (Навоий) ажаб бир дунёси бор. Бунга амин бўлмок учун мутафаккир шоир ва адабнинг икки китобини назардан ўтказмоқ кифоя: биринчиси – комил инсоннинг орифона, ошиқона, риндана дардлари дакику зариф санъат билан йўғрилган рубобий шеърлар

девони; иккинчиси – шон-шухрати жаҳон бўйлаб тараалган “Бобурнома”дирким, мумтоз адабиётимиз, табаррук маънавий меросимиз хазинасида баҳоси йўқ бу “Вақоёс”нинг қомусий мушоҳада лавҳалари хоҳ табиий хилқатнинг ғаройиботларга бой манзаралари тасвири, хоҳ бевосита ҳаётий-дунёвий ҳақиқатлар зухур этган хоҳ руҳий-ботиний олам тажаллиси бўлмиш саҳифаларни вараклаганда ҳар гал ўзгача ҳайрат, шавқ, ғурур ҳисларини кечирамиз, зиддиятли, изтиробли хаёлларга толамиз...

Менинг тасаввуримча, коинотдаги сингари сўз даҳолари дунёсининг, шу жумладан, Бобур ижодиётининг ҳам мўъжизий буржари бор. Масалан, унинг шеърият меҳварини бир неча мавзу доирасида тасниф этиш мумкин ҳаёт васфи, ишққ дарди, вафо шеваси, ватан соғинчи, кўнгил мулки, толеъ армонлари, умр сабоклари, илоҳийга муножот нидолари... Уларнинг ҳар бири алоҳида рисонлага ё камида унинг бобига татигулик маҳсус тадқиқоту таҳлилга таъминот беради. Зеро, бу буюк шеърий ҳасратноманинг ҳар бир қўшиғи ўз даромадига, хос савту навосига, мисралари, ҳатто тапибих-тимсоллари замерида, яъни уларнинг ҳар гал ўзгача садо ва акс садо тўлқинларида, мусикий-оханг тебранишларида рамзий-мажоний ранглар жилвасида, фасоҳатли истиораю кинояларга хос нукгадон кирраларда, не ажабки, илоҳий, руҳоний-ботиний, фалсафий, маънавий, мантиқий бадиий маънолар яшириндирки, бунинг таҳқиқи ва шарҳини, албатта, маълум даражада маърифатли, хуштабъ, иаковатли муҳлисларгина идрок этиши мумкин.

Хусусан, “Бобурнома”нинг бенисбат ранги тафсил-тамсиллари замерида мутафаккир шоир дунёсининг бири биридан жозиб аломатлари билан ошно бўлиш, уларнинг маъносини идрок қилиб, биҳоли имкон таҳлил этиши ғоят мароқли машғулотdir.

Не тонгдирким, Шарқ ва Ғарб маданияти тарихида бекиёсу поёб бир ҳол: жаҳонга машҳур шоҳ ва саркарданинг нодир адабий истеъоди, ҳайратомуз теран заковати, азалий ва ногихоний зиддиятларга тўла, серқирра фаолияти баробарида гўзал шахсияти, ношик саъжияси, турли тоифа одамлар (аксарият тарихий шахслар), суронли воқеалар ҳақидаги мушоҳадаларида, ҳукм ва баҳо мезонида инсоф, номус-диёнат тақозоси-ла баъзан юз-хотирсиз рўйростлиги-ҳақиқат юзига тик қараши, ўзига ҳам, ўзгага ҳам бирдай ташаббучан муносабати... Бунинг каби жиҳатлари билан назири йўқ ютлардан бўлмиш Бобур Мирзо ҳақида фикр юритиш қанчалик

хузурбахш бўлса, шунчалик масъулиятли ҳамдир. Бунинг боиси, эҳтимол, Бобур сиймосида бир неча “мустақил даҳога хос” (Лессинг таъбири) аломатлар уйғуниликда тажассум килишида. Мана уша “Тенгри эҳсони” (Навоий) бўлмиш иқтидор ва заковат киррали (маънавий ахлоқий фазлу камол жилолари бундан мустасно): шоир, носир, шеършунос, мунаккид, тиљшунос, муғаний, руҳшунос, ахлоқшунос, ориф-ҳаким (ислом ва тасаввуфда, “улуми зоҳирий ва улуми ботиний”да зукко), муаррих, мутаржим, воқеана-вис-солномачи, хотиранавис-мемуарист, табиатшунос, сайёҳ, географ, геолог, маъданшунос, этнограф, фольклорчи, генетик, социолог, сиёсатшунос, давлат арбоби, саркарда, соҳибқирон... Эҳ-хе, “Бобурнома”да шунчалар аниқ, тугал тафсилоти, тафсири шарҳлари билан қайд этилган турли тоифа-табақотга, ург-насабга, касб-кору мартаба-mansabga мансуб маълум ва машҳур шахслар (уларнинг зоти, саъжияси, ҳаёти, маишати, саргузаштлари, фазилату кусурлари – номаи аъмолигача), жутрофий-топонимик номлар, ижтимоёт, иқтисодиёт, наботот, ҳайвонот ва илми гайб – мўъжизот дунёси, ҳалқ ижодиёти, мусиқаси, амалий санъати, урф-одату анъаналарига оид атамалар, тафсил-тамсил ва ривоятлар... Агар уларни изчил тартиб-тизим асосида тасниф килиш, турли маъноларини, хос қонунияту мебўрларини тадқиқ этиш учун нафақат тарихий-миллий меросимизга оид, эндиғина ёруғликка чиқкан фанимиз ютуқлари билан, шунингдек, бизгача турли оғатлардан омон қолиб етиб келган бошқа босма ва кўлёзма манбалар билан қиёсан ўрганиш тақозо этилади.

Биз ҳозирча маънавий меросимизнинг бу қомусий мажмуудан баъзи жиҳатларни, чунончи: айрим шеърларнинг бевосита туғилиши тарихи – ҳаётий заминига даҳлдор, Бобур Мирзо шахсан кузатган, унга маълум маънода туртки ёки сабоқ, имтиҳон сифатида хизмат қилган қатор мўъжизавий ҳодисалар, фараҳбахш ё аччик хотирилар шарҳи, таҳлили билан кифояланамиз.

Айни мушкул кунларда Бобурга хиёнат килиб Шайбонийхон томонга ўтган лашкарбопшилардан Аҳмад Танбалга қарши Ўратепа ва Ҳўжанд оралигига бўлиб ўтган катта талофатли жангдан сўнг... тугалланган бир шеър ҳакида “Бобурнома”да шундай сатрларни ўқиймиз: “...Келиб Турон чорбогига тушулди. Ул газалким, ушбу кун, ушбу юртта туттим. Ул туганган ғазал будур:

*Жонимдин узга ёри вафодор топмадим,  
Кунглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим”.*

Вазн-бахр, қофия-радиф, оҳантг-услуб каби поэтика қонунлари эъти-  
бори-ла, айниқса, мусиқа боғланиб, ашула тарзида тарагиб, ман-  
зуро машхур бўлган бу шеърнинг ўзгача маърифий қиммати шун-  
даки, лоақал унинг ҳазин оҳангидан ёки айрим ташбихлари (чунончи,  
анъанавий, “жон”, “кўнгул” тимсоллари) шоир хаёлхонасида аввал-  
роқ туғилганмиди ё йўқми, бундан қатъи назар, ғазални Ўратепа-  
Хўжанд ҳудудида, даштдаги хатарнок бир вазиятда (“ушбу кун,  
ушбу юртта”) бошдан кечирилган нажотсиз ҳолат, аламнок кайфият  
самари деб ҳисоблашга асос бор. Лекин, не ажабки, бу шеърнинг  
(ҳамда қўшиқнинг) жонсўз, ларзакор мисралари, тимсолларидан  
қанчалик мутаассир бўлмайлик, қайсиидир жангу жадалга, унинг  
оқибатига бирон-бир ишорани сезмаймиз. Аксинча, шахсий-маҳрам  
кечинмалар дунёсига чўмамиз. Эҳтимол, ошиқ кўнгил нолалари,  
ҳасратлари акс садосини тинглагандай бўламиз. Ҳатто ғазалга бош-  
қача тераплиқ, сирлилик беришимиш мумкин (масалан, шоир қаҳра-  
мони шоҳдик мартабасида бўла туриб, ошиқ сифатида умидсиз ва  
нажотсиз, ғарибу ҳақир қисматга рози бўлиши ушшоқ аҳли учун  
ажабланарли ҳол эмас, дея талқин этсак-чи?)... Айни чоғда, “Бобур-  
нома” шаҳодатидан аён бўладики, рубобий шеър, айниқса, ғазалдек  
шоирнинг кўнгил сирлари, руҳий кечинмалари ифодаси-субъектив  
жараён ҳам ташки муҳит-объектсиз воқеъ бўлмас экан...

Шуниси қизиқки, “Бобурнома”да Хуросон адабий муҳити ва-  
килларидан бўлмиш, кейинчалик Шайбонийхон девонида нуфузли  
шоир мақомини олган Муҳаммад Солих шеърияти ҳақида зикр эти-  
лар экан, хунхор ёғийлардан Аҳмад Танбал ҳақида мазкур шоирдан  
бир ҳажвий байт келтирилади:

*Бўлди Танбалга ватан Фарғона,  
Килди Фарғонани танбалхона.*

Ҳазил-мутойиба йўғрилган, киноя усулида тарихий шахснинг  
номарғуб-салбий тимсоли чизилган. Эсада қоларли бу шеърий лавҳа  
бир йўла ҳар икки шоир табъи назмининг хос қирраси ҳақида аниқ  
тасаввур туғдира олади.

Бобур Мирзо жанинатмонанд бобомерос мулки-муқаддас ватан  
ҳудудидан хижрат қилиб, бош олиб кетишга сабабкор, бузғунчи  
амиру беклардан етган жабру жафолар ҳақида дил-дилдан куйиб-  
ўрганиб, жисму жони тўлғаниб ёзадики, ҳар гал эслаганда эски  
дарлари янгилангани шундоқ сезилиб туради. Чунончи, Бобур

Ҳисор хукмдоридан кўрган зулму ситамлар тўғрисида: “Бизга етганда саҳоват била машхур бўлган эл ҳасис бўлур, мурувват била мазкур бўлган элнинг муруввати унтилур... Ҳисравшоҳим, саҳоват ва қарам била маъруф ва машхур эди, бизнинг абнойи жинсимиз (кимларни фарзанди эканлигимиз) демакки, балки навкари мизча бизни кўзга илмади”, деб ёзади-да, айни кезда битган ғазалининг матлаъи-аввалги байтини келтиради:

*Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли замондин яхшилик,  
Кимки ондин яхии ийӯқ, кўз туттма ондин яхшилик.*

“Бобурнома”нинг бошқа бобида ўқиймиз: “Ҳисравшоҳ бадбаҳт кофири неъмат салтанат дабдабаси билаким, салтанат андоғ иокас, беҳунарларга не навъ етгай! Не асл, не нараб, не хунар, не ҳасаб, не тадбир, не шиҷоат, не инсоф, не адолат! Бойсунғур Мирзони беклари била ту tub... муҳаррам ойининг уни эдиким, мундоғ хуштабъя ва пурфазилат ва ҳасаб ва нараб била ораста подшоҳзодани шаҳид қилди”.

Демак, комил ишонч билан айтиш мумкинки, “яхшилик” радифли ғазалнинг, биринчи қарашда, мазмунан бир бирига зид – марғуб ва номарғуб маъно кутбларини акс эттирувчи байtlари нафақат хиёнат, юртбузуқилик, талон-тажовуз ийӯлига ўтган хукмдорлар, саркардалар туфайли Бобур кечирган сарсонликлар аламини, балки анису аҳбоб деб, элатдошлардан етган турфа озору бедодликларни, эҳтимолки, шахсий ўқинч ва армонларни, айни чоғда, мутафаккир шоирнинг улут зотларга хос лутғу қарам, меҳр шафқат, саҳоват туйғуларини ҳам мужассам ифодалайди. Шуниси эътиборлики, “Бобурнома”да матлаъи келтирилган мазкур ғазалнинг Бобур Мирзо таржимаи ҳоли билан бевосита боғланганини воеаларнинг насрый тавсифидан ташқари, маҳсус шеърий тимсоли руబой ҳам берилади. Мана ундан бир байт:

*Ҳар ким бу “Вақоев”ни ўқур, билгайким,  
Не ранжсу не меҳнату не гамлар кўрдум.*

“Бобурнома”да Самарқанд, Марғилон, Тошканд, Хўжанд, Ахсикат, Андижон музофотларида (аксарият улар оралиғида) юз берган танглик, сарсонликлар ҳақида шундай азоб-изтироб йўтирилган сатрлар бор: “Бормоққа не маскан муюссар, турмоққа не давлат муқаррар... неча кун ул навоҳида ўз ишимизга ҳайрон, борартураримизни билмай саргардон... Уч кеча ва кундуз тинмай, тавақ-

құф қилмай (тұхтамай) йигирма тұрт-йигирма беш йиғоч йүлни келдук, не отта мажол қолибтур ва не кишида. Бу ердан не навъ ёнилгай (кетилгай), ёниб ҳам қай сорига чикилгай... Ҳеч нима Тенгрининг хостидан ўзга бўлмас”... Бобур Мирзо бошдан кечирған, мислсиз сабру сабот билан олишиб, алал-окибат ғолиб келган бундайин мушкилоту аросат азобларини шарҳлашга қалам ожизлик қиласди... Ҳам буюк, ҳам пурдард воқеаноманинг истаган бобидан келтириш мумкин бўлган бундай ҳасратсаро жумлалар Бобур шеърларида “Тенгрининг хости” (хоҳиши)га рози-ризолик аломати – Ҳак таолога муножот тимсолларига айланади:

Ёраб, яна маҳруму хонумон қилдинг,  
Ёраб, яна авораи жаҳон қилдинг...

“Бобурнома”да турли воқеа-ходисалар, саргузаشتлар тағсиятоти ғоятда жонли, жозибали услуб, лутфона – чин фасоҳатли тил билан бериладики, улар ҳам маърифий, ҳам ахлоқий-таълимий, ҳам бадиий қиммати билан ажралиб туради. Санъаткор шоир оддий бир ҳодисага сирли-сехрли тароват бағишилаганидай, айрим ғаройиб-мўъжизий тушунчаларни ҳаётий, одатий бир ҳолдек аниқ, ишонарли тарзда ифодалайди.

“Бобурнома”дан бошқа бир ҳазин-фожеъ оҳангдаги лавҳа – Бобуршохнинг заҳарланиши хусусида: “Жон мундоғ азиз нима ёмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким: Ким ўлар ҳолатка етса, ул билар жон қадрини... Ҳар қанча бу воқеани ҳойла хотиримга келса, бехост ҳолим мутағайирир бўлур. Тенгри таолонинг инояти бор экандур, манга янги бошдин жон бағишилади. Мунунг шукрини не тил била килгаймен... Агарчи тилга, оғизга сиққусиз, қўркудек воқеа эди, шукр тенгрига, яна кун кўрорим бор экандур...”

Шубҳа йўқки, Тангрига саною тазарру руҳидаги қуйидаги рубоий ўша мудхиш кунлар хотиротидан (боз устига, ватан ғурбатида кечган азоб – изтиробли ўйлардан) туғилгандир:

Ё қаҳру газаб бирла мени тупроқ қил,  
Ё баҳри иноятингда мустагроқ қил,  
Ёраб, сенгадур, юзум қаро, хоҳ оқ қил,  
Ҳар навъни сенинг ризонг эрур – андоқ қил.

“Бобурнома”дан қуйида қўчириладиган насрый ва шеърий парча Бобурнинг сўз мулки, унинг маънавий қиммати, бадиий фасоҳатига нисбатан хос нуқтаи назари ҳақида ёрқин тасаввур тут-

диради: “Мундин бурун яхши ва ёмон, жид (жиддий) ва ҳазл ҳар не хотирға этса эди, мутойиба тариқи била гоҳи манзум бўлур эди. Ҳар нечук қабих ва зишт (хунук) назм ҳам бўлса марқум (ракам) бўлур эди ва ҳазин кўнгилга мундоқ эттиким, хайф бўлғай ул тилдинким, мундоқ алфозни дарж (кайд) килғай, яна фикрини қабих сўзларга ҳарж қилғай ва фариг бўлгай ул кўнгулдинким, мундоқ маоний зухур этгай, яна зишт хаёллар анда хутур этгай (хотирга келгай)...

*Не қиласин сенинг била, эй тил,  
Жиҳатингдин менинг ичим қондор,  
Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър,  
Бириси – фахшу бири – ёлғондор.*

Гар десанг қўймайин бу журм (гуноҳ) била Жилвангни бу асардин ёндуру (аросатдан қайтар). На чораки, вафосиз замону аҳли замондан, бебаҳо дунёдан ҳасрат-надоматлари арзу самони гутган пурармон шоир қанчалар аччиқ кинояли сатрлар битганига карамай, ҳажвияни том маънодаги шеърий санъат – зариф сўз мақомида қўриш ва ижобий баҳолашдан узоқдир. Ҳар қалай, юз-хотирсиз шеър жанрини “бириси фахшу бири ёлғондор” дея “қабих сўзлар” сирасига қўшишнинг бирон-бир сабаби бўлиши керак... Эҳтимол, буни Бобурдек улуғ санъаткорнинг ўта нозик табълиги далолати сифатида истисно бир ҳол дея талқин қилиш мумкиндири. Эҳтимол, “мундин бурун...мутояба тариқи била гоҳи манзум айтган шоир бирор фавқулодда ҳодиса туфайли” тамом, энди бизга ҳазил ҳаром!” дея тавба-тазарру қилгандир. Ҳазрати Навоий ҳам Биноийнинг беҳаё мутоибаларидан қаттиқ изтиробга тусиб, минбаъд алҳазар, деб ўтганлар-ку! Ҳар қалай, шоир зотининг тоза хилқати, нозик саъжиясини тушунмоқ керак. Юқоридаги каби камёб тамсиллар эса шеър ва шоир дунёсини, унинг ўзгача, хос сир-синоатини ўрганиш ва таҳқиқ қилишга хизмат қилиши эътибори-ла аҳамиятлидир.

“Бобурнома”да улуғ санъаткор ижодхонасига доҳил тансик лавхалар мавжуд. Мана улардан бир тамсил – намуна: “Якшанба куни ойнинг ўн олтисида сабуҳий қилиб, хушёр бўлиб, маъжун ихтиёр қилғонда Мулло Ёрак панжгоҳда мухаммас даврида боғлағон нақшини ўткарди. Яхши нақш боғлабтур. Неча маҳал эди, мундоқ нималарга машғуллуқ қилмайдур эдим. Манга ҳам дағдаға бўлди – бир нима боғлагаймен. Бу тақриб била чоргоҳ савтини боғладим, нечунким, маҳаллида мазкур бўлғусидир”.

Мазкур лавҳа-хотирот маърифий эстетик қимматга молик му-  
шоҳада ва мулоҳазалар учун таъминот бериши мумкин: Бирин-  
чидан, Бобур Мирзога замондош, унинг юришларида ҳамроҳ ва  
хамдам, нашъу намою ижод лаҳзаларида ҳамроз ва ҳамсоз маслақ-  
дошларидан Мулла Ёрак отлиғ мутриб ҳамда созанд ҳақида ноёб,  
эҳтимол, ягона маълумот оламиз. Мирзо Бобурдек хуштабълик ва  
қарифликда якто шоири ориф зотгаки манзур бўлган экан, демак,  
мулла Ёракнинг бастакор ва муғаннийлик истеъоди шубҳа туғ-  
дирмайди. Иккинчидан, Бобуршоҳнинг гоҳида куй басталашга рағ-  
бат қилгани ҳақидағи аввалдан маълум тасаввуримиз аниқ далил  
билин асосланади. Ниҳоят, учинчидан, бадий ижод (жумладан, му-  
сиқа яратиш) жараёнидек мӯъжиз ҳолат ҳақида, аникрофи, янги  
исарнинг туғилиши олдиғаги ўзгача, санъаткорнинг ўзигагина аён  
шавку рағбат дақиқалари (“Манга ҳам дағдаға бўлди – бир нима  
боглагаймен”) ҳақида Бобурона тароватли кечинма ва унинг мух-  
тасар ифодаси – дастхат намунасини кузатамиш...

“Бобурномадаги” яна бир лавҳа ҳам маърифий, ҳам бадий  
қиммати-ла жазб этади. 1504 йилнинг Наврӯзи ийди муборак –  
Қурбон ҳайити билан деярлик баробар келгани айтилади: “Ийд на-  
мозини Тўмал рудининг ёқасида ўталди. Наврӯз ул ийдка евук  
(яқин) келиб эди, тафовут бир-икки кун эди, ул тақриб била бу ға-  
шими айтиб эрдим:

*Юзи наврӯзи фасли ийдини, Бобур ганимат тут,  
Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз Наврӯз байрамлар.*

Даставвал, “юз”, “наврӯз”, “ийд” ташбеҳлари воситаси-ла мұ-  
жиян этилган тажниси том санъати (уч сўзнинг маъно кирра-  
шаридан бу гал олти лавҳа – образ яратиш усули) ҳақида. Бу – юз (руҳсор)  
билин юз йил мобайнода бир неча авлодга тақрор-тақрор  
(ҳар баҳорда) қувонч, умид-орзу, нажот, таскин, дармон, рағбат  
ињом этиши мумкин бўлган уйғониш, янгилаш расми – бир сўз-  
ниш турли маъно жилvasи; бу – маҳбуба чехрасининг жозибаси  
табиатнинг энг латиф, сафобахш мавсумига муқояса (“юзи наврӯзи  
тарзидা”) этилиши; ниҳоят, бу – муҳаббат қисматининг энг толеъ-  
бихи, эҳтимолки, илохий маънода камёб тухфаси – висол айёми  
(" fasli ийди")нинг муқаддас байрамга нисбати. Воажаб! Маҳбуба  
юзининг баҳорий таровати, гул-гул очилиб, яшнаб туриши бу қа-  
шим дунёнинг наврӯз айёмига, не интизорлик, ширин орзу-хаёллар

билан кутилган васл қувончининг қутлуғ исломий байрам – ийди Курбонга нисбат берилишида қанчалик бадий-мантикий уйғунлик – табиат келинчак фасл, янги йилбоши – Наврӯз ва илохий эътиқодруҳият муштараклиги бор... ҳолбуки, жаҳонгашта Бобур Мирзонинг қисматига битилган муҳожирот юришлари ҷоғида наврӯз билан ийди Курбон бир-бирига “Ёвук” (яқин) келмаганида, шубҳасиз, мазкур ғазал яратилмас эди...

1507 йил баҳоридаги Қобул музофоти табиатидан илҳомланиш жараёни “Бобурнома”да шундай тасвирланади: “Баҳорлар Борон ёниси ва Ҷоштӯба дашти ва Гулбаҳор юманаси (этаклари) бисёр ҳўб бўлур, Сабзаси Қобул вилоятининг ўзга ерларига бока хили яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур. Бир қатла анвоини буюрдимким, санадилар: ўттиз тўрт навъ лола чиқти, нечукким, бу ерларни таърифида бир байте айтилиб эди:

*Сабзау гуллар била жаннат бўлур Қобул баҳор,  
Хосса бу мавсумида Борон ёзисию гулбаҳор.*

Бошқа бир саҳифада ўқиймиз: “Бу кентлардин қуији доманада тоғ била Борон сувининг оралиғида икки парча ҳамвор (текис) дашт воқеъ бўлубтур ... Бирини Курраи Тозиён дерлар, яна бирини Даشت Шайх ... Бу доманада рангоранг ҳар навъ лола бўлур. Бир қатла санаттим: ўттиз икки-ўттиз уч навъ ғайримукаррар (бетакрор) лола чиқти. Бир навъ лола бўлурким, андин андек қизил гул ҳиди келур, лолаи гулбўй дер эдук. Даشت Шайхда бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас, яна ушбу доманада, Дарвондин қуйирок садбарг лола бўлур...” Беназир хуштабъ шоир ўзи кузатган ажаб муаттар бўйидан ҳайратланиб илк бор “лолаи гулбўй” деб ном қўйилган олис Даشت Шайх чечагига ҳам ўша тарихи қайдномадек “баҳтли тақдир” битилган бўлса-я! Аслида бу мўъжазгина, лекин гаройиб бир мисол ҳам Бобурнинг фасоҳатга бой ҳилқати учун кутилмаган ҳоллардан эмас...

Кўчирилган лавҳаларда мутафаккир шоирнинг хуштабълиги икки жиҳатдан эътиборни тортади: авваламбор, ададсиз ранжу аламлар, муборак армонлар мулки – жаннатмакон Фарғонадан кувғин бўлганига қарамай; табиатнинг наврӯзий эҳсони – нафосат шайдоси бўлган кўнгилнинг ҳамдами – анвойи гул-лолалар сайри аввалигидай хаёлни банд этади. Бу ҳам кифоя қилмайди, шоирга ўзгача шавқ баҳш этган фусункор манзара “ўттиз икки – ўттиз уч”, ҳатто

“Ўтгиз тўрт навъ лола”ни инкишоф этиш имконини берадики, гўё бу билан ватан ғурбати ҳам маълум фурсатта чекингандай бўлади...

Баҳорий “тоза гул”лар сайдидан ўзгача фараҳбахш рух олган Бобурнинг табъи назми илоҳий бир холатни – янги шеър яратиш кайфиятни кечиради. Шоир: “Ушбу сайд келганда бу ғазални тұгатдим” дейди ва унинг аввалдаги байт матлаъни келтиради:

*Менинг кўнглумки гул гунчасидек таҳ-батаҳ қондур,  
Гар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур.*

Мумтоз шеърий санъатлар – ташбехи том (тўла ўхшатиш) ва ифрот (фавқулодда муболаға) воситаси-ла бечора ошиқнинг бирор маҳрами асрор топмаган озурда кўнгли гул гунчасига муқояса этилиши, гунчадек кўнгил “юз минг баҳор ўлса очилмоғи” душворлиги – мухабbat мавзуида анъанавий тасвир усули. Демак, зоҳиран кўчирилгани байтда бадиий кашфиёт – янги, тутилмаган шеърий тимсол ажралиб турмайди. Лекин биз учун муҳими – ғазалнинг шоир ҳаёти, таржимаи ҳоли билан бевосита ва билвосита алоқадорлиги. Биринчидан, мазкур шеър – буюк жаҳонгашта шахсан шоҳиди бўлган Туркистону Хурросон, Афғону Хинд мулкларининг, мўъжизаларга бой табиати – неча баҳор гуллари илҳоми самари. Айни пайтда унда мутафаккир шоир ва комил инсоннинг алам, ўқинч, армонлари – моҳияту сабабияти, драматик, ҳатто фожеъ зиддиятлари, бошқа оғрикли жиҳатлари, сир-асрори ёлғиз Бобурнинг ўзига ва Аллоҳга аён бўлган беназир тарихий шахс тимсолига дохил ёрқин чизгиларни кузатамиз. Улар ғазалнинг анъанавий ташбехларига ўзгача жозиба баҳш этади. Бундай табиий, ҳаётий, айни пайтда сирли-жозиб, зариф ва нуктадон маъно қирралари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг рубобий шеърлар китобига ҳам, “Бобурнома”га ҳам хос аломатлардир.

### **“МУҲАББАТ ОСМОНИ”НИНГ ЁРУФ ЮЛДУЗИ**

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдимку,  
Асрлик тоши янглиз бу хатарлик йўлда қотдим-ку.*

Ибтидо, бу шоҳбайт-матлаънинг хос ташбиҳлар – бадиий курилмаси ўзига тортади: “муҳаббатнинг саройи кенг”, “йўлни йўқот-

дим", "асрлик тоши", "бу хатарли йўлда қотдим" каби жозиб ифода бирикмалари, хаттоти "экан", "-ку" каби воситачи унсурлари (улар ажаб бир сирли оҳанг яратиш хизматини ўтайди) беихтиёр равища эътиборимизни жазб этади... Чунончи, "муҳаббатнинг саройи". Аникроғи, "сарой" сўзининг муҳаббат тимсолига нисбатини олайлик (ҳар ҳолда, бу – шеъриятда кам учрайдиган ҳодиса). Эҳтимол, қачондир, қай бир шоир бундай нисбатлаш усулидан ўзича фойдалангандир ё кимдир: "муҳаббат йўли – хатарли йўл" дегандир. Бироқ бу саройнинг шунчалар "кенг" лиги-ю, ошиқ аҳлидан бири "йўлини йўқотмоғи", айниқса, "асрлик тоши янглиғ... йўлда қотмоғи" бу фақат Чўлпоннинг қаҳрамони – ошиқ-қаландар (вола шайдо – йўлчи) кечирган, йўлда лолу ҳайронлик асиригидан тик котган – ортиқ умидсиз ахволи руҳияси шунчалар аниқлиги ва бетакрорлиги билан жозибали, том маънода лирик-драматик лавҳа... Менимча, шоҳбайтнинг иккинчи сатрини кенгроқ шарҳлаш эҳтиёжи бор. Асли, ҳалқимизнинг бадиий тафаккури тарошлаган "йўлни йўқотдим" ибораси билан шоир инкишоф этган "йўлда (тошдек) қотдим" бирикмаси уйғунлигидан факат Чўлпон қаламига хос "ярқ" этиб турувчи драматик манзара яратиладики, биз дардли-ҳазин, айни чоғда, ўйга толдирувчи бу бетакрор лавҳадаги ошиқ-йўлчининг ҳам суврати, ҳам сийрати ҳақида анчайин аниқ ва тиник бир тасаввурга эга бўламиз (матлаъ-байтданок ғазал фожиъ-трагик йўналиш – асл маъносини англаб оламиз). Беихтиёр равища Чўлпоннинг ғаразгўй мунаққидлар маломатига жавобан: "Ҳа, мен Ҳофизни ўқийман. Агар Ҳофизни ўқииш айб бўлса, бу айбимни бўйнимга оламан..." деган ортиқ аламнок сўzlари ёдга тушади (Моҳиятнан, бу – шоирнинг дилдилидан жой олган сўнгсиз ғам-тусса, нола, қаҳр, исён туйғуларига йўғрилган пинҳоний раддиянинг ўзига хос киноявий ифодаси, яъни аникроғи, чорасиз шоирнинг ўзгача муҳофаза-ҳимоя усули эди...). Зотан, ҳазрат Навоий талкинича, Ҳофиз Шерозий "ҳақиқат асрорига мажоз тарикин махлут (омухта- восита) қилган – бир йўла "икки жаҳон" ишқини ўзида тажалли буюклардан буюк шоирлар табақотига мансубдир (шубҳасиз, Чўлпон ана шу тоифадаги мумтоз сўз санъаткорларининг сўнгти, ёрқин издош – ҳалафларидан бири эди). Бу табақага мансуб (ҳам дунёвий, ҳам илоҳий муҳаббат куйчилари) бўлмиш ҳассос ҳурфикр шоирларда ҳар бир сўз-тимсол нуктадон, теран, кўпкіррали маънога эга. Чунончи, "асрлик тоши" зоҳирлан қадимий карvon йўллари ё тириклик сўқмоқларининг бири-

да мангуликка ўрнашиб қолгани (балки, унинг ости – бизга кўринмас қисми замин қаъри билан туташган) боис, қанчадан-қанча азалий ва ногиҳоний ҳодисалару не-не сойир дунё кезувчи муҳожирларнинг тилсиз гувоҳидир. Эҳтимолки, кимгадир бир неча лаҳзали қўналиға – "нафас ростлаш" воситаси бўлган бир маъдан парчаси, аслида, шоҳбайт контекстида: поёнсиз қисмат йўлининг қайсиdir манзилига, кай томондан, не сабабдан келиб қолгану қаерга борарини билолмай боши "қотган" мусофири-йўлчи тимсоли орқали, ниҳоят шоирнинг қаҳрамони – нажотсиз ошиқ-қаландар аҳволига муқояса-пайрав сифатида келишида (бунда силсилали ўхшатиш – ташбихи мусалсал санъати мавжуд) қанчалик ҳаётий ва бадий мантиқ, дунёвий ва илоҳий маънолар уйғунлашиб кетган...

Иккинчи байтда Чўлпоннинг дунё ошиқлари, барча "дард аҳли" ичиди яктоси, беназири – волаи шайдо қаландар энди замин – қуруқлик йўлларидан... қиёслаб бўлмайдиган даражада "хатарлик"-роқ, яъни: на орқа-олди, на сўли-соғи, на адогу қирғоғи маълум бўлмаган, бирор таянч нуктасиз, аниқ кароргоҳ – манзилгоҳсиз муаллақ макону замон мужассами "денгиз" тимсоли билан алмашадики, бу муҳаббат олами учун ажабланарли ҳол эмас:

*Караашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордур,  
Ҳалокат бўлгусин билмай, қулични катта отдим-ку.*

Даставвал, биринчи мисра замиридаги ғаройиб зиддият – ҳам бевосита муҳаббат туйгуларига, ҳам билвосита Чўлпоннинг бадий тафаккурига хос ажид тафовутли ҳолат эътибори-ла, "караашма", "нозлик" ташбеҳлари ўзаро мувофиқ-ҳамжинс маъно англатгани ҳолда, айни ўша, аён сезилиб турган ҳамоҳанглик руҳида, кутилмаган тарзда тазод санъати яширинганини илғаб олиш қийин эмас (юкорида қайд этганимиздек, бу мумтоз шеъриятимизга хос аломатлар сирасидан бўлиб, сўз-тимсолнинг рангин кирраларда жилонашиши мисолидир)... Муҳаббатнинг "караашма денгизи" шунчалар сирли, алдамчи-афсунлидирки, унинг тўлқинларида на ўзига ром тувучи жозиба – нозу истифно, на эҳтимол тутилган бирор хавф-хатир, кўркув-ваҳм бор: у хушёрлик, эҳтиёткорлик туйғусидан мосуво бўлиб, ўзини авайлаш, маҳфуз этиш ҳақида асло қайғурмайди. Бундай ҳол ҳақибу шикаста табиат ошиқни иложсиз ғоғиллик домига солади, гёёки денгизни унинг бандогоҳи шиддат билан бостириб келувчи асов тўлқинларини унутади... Шу тариқа, иккинчи мисра мазмунига бадий-мантиқий замин ҳозирланади: "Ҳалокат бўлғу-

син билмай, қулични катта отдим-ку..." Бу – фақат денгиз табиатининг хос қонуни, фақат денгиз ҳудуди такозо этадиган ички парадокс зиддиятли маънолар ҳақиқати... Ҳолбуки, Чўлпоннинг лирик қаҳрамони – сойир-ошиқ дунёни кезиб (шубҳасизки, нафакат муҳаббат дунёсини!...), ўз маҳбубини, эҳтимол, ўша маъсум болалик чоғларидан ўз тасаввурнига гавдалантирган, бора-бора бор вужуди, дили, жони қуйиб-ўртаниб орзу-хаёл қилган Ишқ маъбудини, баҳт юлдузи, ҳақиқат қуёшини ахтарган мажнунвор қаландарнинг қуруклик ҳудудидаги тошли-тиконли, пасту баланд йўлларда, унинг иссик-совуқ, сувли-сувсиз манзиларида тинка-мадори қуриган нотавону бесомон аҳволига... кутилмаганда, энди чексиз ва шафқатсиз дengiz стихияси – буҳрони билан юзма-юз қолган танҳо йўлчи ҳолини киёслаб бўлмайди (фақат дengiz қонунларини яхши билган, унинг синовларида тобланган балиқчилар ё ғаввосларгина ўз имкониятларини эҳтиётлаб-тежаб харакат қилиши, тўлқинларнинг ногаҳоний мавжи – ҳамласидан фавқулодда жасорат ва ҷаптдастлик билан сақланиши мумкин... Хуллас, "кулични катта отдим-ку" ҳалқона, миллий мушоҳада заминидаги шеърий бирикма фақат Чўлпон қаламига хос бадиий тафаккур маҳсули бўлса-да, уни, масалан, Навоий орзу қилган комил инсоннинг тимсоли мужассам – Фарходнинг дengиз тӯфони чоғида кўрсатган мислсиз жасорати – жавонимардлик рамзи билан қиёслаб бўлмайди... Бильҳакс, шиҷоатда тенгсиз забардаст зотлар ҳам "фалокат бўлғуси" муқаррарлигини била туриб, муҳаббат "дengизи" гирдобларида ҳалок бўлишлари, жон фидо қилишлари мумкин. Шу маънода, шоир яратган, ўз зиддияти билан кучли бадиий қашфиёт, бетакрор, шеърий мантиқ, бизни боз ҳайратга солади...

Учинчи байт улуғ армонли шоиримиз ҳали ҳаётли йилларида ҳам, ҳатто "ёмондан ёмон" (Навоий) қатағонлар замонида турли (аксари азобли – ноҳуш) турли мулоқот жабҳаларида қувгин, таъқиб, маломат ғовларини базур ёнгил ўтган қанотли – ҳикматли ибора (шубҳасизки пинҳони исён!) – "ажаб дунё" тимсоли билан бошланади:

*Ажаб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,  
Бу дунё деб, у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку*

Бу байтда, аввал қайд этганимиздай, ички зиддият ўта қалтис, айтиш мумкинки, исёнкорона тус олган муқобил маънолар – "икки жаҳон" фалсафаси... кутилмаганда ғоят тафовутли ҳакикат талқи-

шыға айланади. Чунончи, "дунё" ташбөх түрт марта тақроран келиб, ҳар гал ўзгача маъно англатиши бежиз эмас. Байтнинг биринчи сатри нисбатан аниқ-равшан: у – "ишқ дунёси"нинг ҳайрати ҳақида. Бутун аламнок рух, аёвсиз, аччиқ ҳаёт ҳақиқати иккинчи мисрага жойланган: "Бу дунё деб у дунёни... Аввалги фалсафий бирикма-ибора ("бу дунё деб...")дан икки маъно англанилди: бунда ҳам объектив борлиқ – бизга аён назаргоҳ, ҳам субъектив – "ишқ дунёси" умумлашма тарзида келадики, бунда мумтоз ийҳоми тазод санъати яширинган. Лекин иккинчи сатрни, чукурроқ идроқ этиб түрганимизда бори сир аён бўлади; бунда шуур, ақл, калб, тафаккур, ҳаёл, хотирот – бутун инсоний хилқат вужудимиз ларзага келади! "Ҳайҳот, ўзинг асрар!" деб юборамиз ихтиёр-бейхтиёр ҳолатда. "Ўзи нима гап?" дей сиз ҳам ҳайрону таажжуб билан савол берарсиз... "Ишқ дунёси" қаршисида нафақат бизнинг ўткинчи-фоний дунёмиз, ҳатто "у дунё" ҳам, боқий ҳақиқатлар, жамики муқаддас даҳлисиз қадриятлар мутлако қадрсизланса, "баҳосиз пулга соғилиса" – бундай даҳшатли мұждани, қай йўсинда қабул қилиш мүмкин?! Лекин бокий бир таскин: албатта, табиатан хурфиқр, исёнкор шоир Чўлпоннинг бундай аёвсиз ҳукм-хулосага келиши исоссиз ва заминсиз эмас. Не ажабки, бунинг руҳий-илоҳий ва тарихий илдизлари, фалсафий, ижтимоий, бадиий-мантиқий асослари йўқ эмас; бу – моҳият ва сабабият қонунлари билан, балким бошқа жиҳатлар билан боғлиқдир... Яна "мутафаккирлар мутафаккири, валийлар валийси" ҳазрат Навоийга, унинг сўз даҳосига мурожаат қилимаси: "Сўз келиб аввал, жаҳон сўнгра, не жаҳон, кавн (замон) иша макон – сўнгра". Ўша, илоҳий ибтидо – "сўз" сирасида "Ишқ" ижлимаси ҳам борлиги хабар берилади абадият китоби "Лавхул маҳфуз"да!.. Бу "нури Мухаммад" – Холиқул-зулжалол амри-ла Арши Аълода битилган дастлабки муқаддас сўзлардан... Сўнгра, Навоий ёзди: "Ошик ўлғон кечти мангу номидан. Миллату иймону динни исломдан". Бас, бул "ажаб дунё"нинг, лоакал зоҳирий, суврат птибори-ла бор жозибаси, шавқи-ҳайрати олдида... тириклик деб италган бутун моддий хилқат, ҳатто унинг мӯъжиз, сирли-сехрли жиҳатлари ўз мазмуни, қиммати ва аҳамиятини йўқотиши ҳеч гап мас!... Унинг сийрати – моҳияти, шубҳасиз, бокий ҳақиқат – илоҳий қудрат билан пинхоний алоқада яшайди... Миллий Уйғониш даврининг "ориф ул-адиб" санъаткорларидан бири Абдулҳамид Чўлпон биз баҳоли имкон қайд этиб ўтган дунёвий ва илоҳий мавриғатдан баҳраварлиги билан ажралиб турувчи забардаст заковат

соҳиби эди. Чўлпоннинг улуғ маслақдоши Абдулла Қодирий ҳам комил илохий ишқнинг фидойилик гоясини Анвар ва Ръйнолар учун ягона умид, илинж, улуғ таскин сифатида талқин этмаганмиди?.. (Анварнинг Солих маҳдум боғчасидаги видолашув оқшомида мажозий ва илохий ишқнинг чин маъносига оид сўзларини эсланг...)

Тўртингчи байтда бадиий нисбатлашнинг мумтоз усули – бул-бул тимсоли ҳам шоирнинг фожиъ кисматли қаҳрамон – ошиқ-йўлчининг ўша маҳзун, нолавор аҳволи руҳияси "бағр қони", "кўз ёши" тимсоллари орқали, аввалигидан фузунроқ алам-андуҳ билан ифодаланади – анъанавий тимсоллардан бўлмиш – "маломат булбули"га айланади:

*Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,  
Кўзимдан ёшини жўй айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.*

Васлсиз муҳаббат қисматининг мумтоз шеъриятимиздан мерос зиддиятлар фалсафаси: гул шайдоси, гулистон воласи бўлмиш хушилхон булбулнинг, зоҳиран мушоҳада этганимизда, шавққа тўлиб, гўё ўзига сифмай, мастона кайфиятда жўшиб-тошиб "чаҳ-чаҳлашиб" бечора ошиқ дардига бироз малҳам, соғинган, интизор кўнглига бир кадар таскин-юпанч, тушкун руҳига салгина мадор бўлиш ўрнига... аксинча, уни қон-қон йиғлатади. Нега?.. Бунда қандай сир-синоат борки, булбулнинг гўё дунёда энг ғамсиз-қайғусиз жонзот рамзи сифатида фақат хушнуд-кувнок кайфият билан хоннип килиши... моҳиятда бехуда-абас амаллардан эканини на гул, на чаман билолмаслиги – зинҳор-базинҳор парво қилмаслигини булбулнинг ўзи англамайди. Чор атроф – муҳитнинг бундайин лоқайд ва беписандлиги, "бемехр ва бевафо"лиги ушшоқ аҳли учун, хусусан, Чўлпоннинг жаҳонгашта қаҳрамон наздида ноҳуш, ҳатто таҳкирли бир ҳолдирки, на унинг шайтони лаъян фириби ва хуружидан фориғ, "зодани табъ"и (Навоий) – нозик саъжияси, эзгу умид, комрон орзулар маскани – кўнгил мулки чархнинг адолатсиз муносабати билан асло келиша олмайди... Ошиқ-қаландар бундай "шафқатсиз ҳақиқат"ни дил-дилидан англаб етгани учун ҳам "булбул ўқиган" китоб – рамзий-мажозий муҳаббатнома бунчалар кучли, "аламлар ичра" ғарқ этувчи таассурот қолдира олмас эди... Бас, бу кўхна дунёning "дард аҳли" учун муҳаббат "гулзори" зоҳирдан гўзал, мафтункору жозибадор назаргоҳ, жаннат қушлари ватанидай туялса-да, аслида бу Чўлпон англаб етган, буюк шоирлардан мерос

муҳаббат қисматида фақат мажозий ибтидо (түё бахтиёр висол хаёлидаги, аслида алдамчи-фоний умр)дан иборат бўлиб, моҳиятда ҳажр отлиғ ададсиз ҳасратлар оламининг бу ёруғ дунёга сифмас, сиддириб бўлмас фифонлари замирида илохий интиҳо ("ишк ҳақиқат") асрори яширингандан эмасми?!..

Алкисса, мумтоз шуаро аҳлининг муқаддас армони: хаёл фариштаси, орзу малаги – фақат кўнгил мулкига сultonлик қилган, фазлу камолда тенгсиз маҳбуби, уни не ҷоғлиқ интиқлиқ билан, овораи жаҳон (моҳиятда, қалқона "икки жаҳон овораси") барибир, топилимасилиги айни ҳақиқатдир "*Бир шўҳки, ул (кўнгул) тилар, топилимас, нетайин?*" (Навоий). Яна ўзгачароқ талқин, тенги, нисбати йўқ армонли шоирнинг сеҳр-жозибаси сира камимас рубобий (лирик) қаҳрамон, балки бу алдамчи (маҳбуб)нинг акл-хушни оладиган афсунли ўйинларидан ортиқ куйиб-ўртанганининг сабаби, кенг маънода, бу вафосиз дунёнинг адолатсиз тизим-тартиботи, шафқатсиз, андишасиз тамойилларига мослашмаганлиги, мослаша олмасниги сири шунда эмасмикин?!..

Бу машҳур ғазалнинг бешинчи байтида сойир-ошиқ (йўлчи), асли бу дунёда бор дунёда бор ё йўқлигини ҳар қачонгидан яхшироқ ҳис қилиб, идрок этиб, қанча манзилларини босиб ўтган муҳаббат йўлнинг яна бошига – аввалги нуқтасигиқайтиб келувчи дарбадар дарвеш (бундай қисмат фақат чинакам фидойи ушшоқ аҳлига раводир) суратида намоён бўлади:

*Қанчадардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,  
Яна кулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтдим-ку.*

Қанчалар мунгли-қайгули бўлмасин, шунчалар ҳаққоний бир қисмат эгасининг "хасби ҳоли" мухтасар ифодаланган сўзлар: хаёлшаги танҳою якто ёри – ғамгусорини излай-излай топмай, яна ўша гариблик уйига – "кулбаси"га қайтиш насибаси, ҳасрати, арзи-ниёши!.. Бироқ беихтиёр равишда шундай савол туғилиши табиий: "Қанчадардек... дунёни кезиши"дан чин мурод нима? Наҳотки, бу – ўша ҳиёлдаги маъсума ва бокира, нодира ва комила (идеал) маҳбуба – том маънодаги ёру ҳабибни, ҳар қандай мушкул кунда дарддошу маслақдош матлубани излаб ўтишдангина иборат бўлса?.. Ҳа, бу мутлақо самимий, "дили поку, кўзи поку ўзи пок" (Навоий), чин фидойи зот – ҳақиқий ушшоқ аҳли назарида нафақат сўнмас умид юлдузи, барча улуғ шоирларнинг муқаддас армони-ку!.. Ва эҳтимолдан узоқ эмаски, бу – Чўлпон тасаввури, тахайули, борингки,

ижодкорлик таҳаййури – ҳайрати яратган қаҳрамоннинг сувратда вали (Аллоҳнинг дўсти), ҳакиру факир; сийратда покдомонлар покрўйи ва фидойи зотнинг мажозий (дунёвий) ишқдан топган хузур ҳаловати, эришган, етишган давлати – нақдина неъмати... Ана шундай теран маъноли мажоз, анчайин кинояомиз талқин орқалигина иккинчи мисра ("Яна кулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтим..."") замиридаги зоҳиран (Ҳақиқат "машина"си) навмид-фожиъ ҳақиқат аён бўлади. Аммо, не ажабки, унинг кучли истеҳзоли-кинояли оҳангидан ошиқ ҳасратларида тақдирдан шикоят, айни чогда, ўзи кўнгил боғлаган, бори-будини баҳшида этган муҳаббат ҳакки, алам-андуҳлари қанчалик пурзиёд бўлмасин, бу дарднинг қийноқ ва изтиробларида ёлғиз дард ахлигина биладиган, ажиб бир руҳий каноат, самовий хурлик, умид-орзулар эркинлиги яширинганилигини, бундайин нурли-ёруғ дарднинг ҳақиқий маъносини, лаззати ва баҳосини ҳеч қачон тушуна олмайдиган дардсиз зотларга нисбатан ҳайфли-таассуфли, ботиний исён оҳангি-кўнгил ниドоси зухур этади...

Ва ниҳоят, ғазалнинг сўнгги байти. Бу – Чўлпон шеърияти, шоир қисмати, шоир дунёсининг умумлашиши – тимсоли мужас-сам. Ҳуррият ғоялари муҳибларининг дилида ўчмас хотираға айланган, 20-30-йиллар авлоди тилидан тушмаган, ҳатто кейинрок 60-80-йилларнинг дам журъатсиз, дам иккиланувчи-иштибоҳли очиги анчайин риёкорона мухитида улуг ҳурфикс шоир номи ошкор айтилмаган кезларда ҳам, хуфиёна-пинҳоний мулокотларда аҳён-аҳёнда бўлса-да қалб шивири или тақрорланиб турган муборак шоҳсатрлар:

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Күёшининг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.*

Бу руҳий фарёд сўзларими ёки "айби" бўлган ва бўлмаган XX аср авлодларигами, келгуси наслларгами даҳлдор ва даъваткор, бамисли "ишқ ояти" (Навоий) янглиғ, ҳадис монанд муборак шеърий қалималарни, улар неча-неча бор тақроран айтилмасин, сокин-осо-йишта ҳолатда, армонли ва аламнок кўнгил ларзаларисиз ўкиш осон эмас, албатта: Улар, муқаддас қасам сўзларидай кўнгил руҳ туғёни-ҳаттоқи илоҳий шавқат шиддат билан янграса, жарангласа не ажаб?!.. Бильзакс не ҳасратки, мумтоз ғазалиётимиз ва рубоиётимиз (айтайлик, Бобур мисолида) шоҳбайтлари билан бемалол беллаша оладиган бу ўтли-сўзонли сатрлар замиридаги пурдардлик маъносини – ибтидосидан интиҳосигача таҳқиқ ва таҳлил қилиб

Бериш имконсиз эмасми?.. Менинг назаримда, Чүлпон талқинида мұхаббат мавзуи, борингки нисбий маңнода олганда ҳам, катта, кенг миқёсли, имконияти чексиз фанга бұлсада оз имкониятга эга: бу инсон дүнәсіни, инсон тәқдирини, унинг үзлигини, миллатни, милиитимизни, унинг хурлигини – том маңнодаги хурфиксиялығын, шахсий ва жаһоний дардларини ифодалаш йўли, усули, тарзи, йўсурни, оханд ғана ранглари мақомидаги энг сара, энг кучли, энг ёрқин ифода воситаларидан!.. Бас, шу биргина мақташ (хулосавий) – байтда, анъанага биноан, шоир таҳаллуси қайд этилишининг үзида шакл-шамойилига нисбатан, кенг миқёс бор, теран, юксак-сарбалайд, кўпкіррали маңнолар мужассам... Лоақал, назири йўқ шоирнинг ҳам шахсий, ҳам ижтимоий-фожеаси: бу – бир неча асрда; Ҳақ Таоло инояти, эҳсони сифатида туғилиши мумкин бўлган ноёб истеъод соҳибининг айни йигит ёшига тўлганда нобуд бўлишигина бўлмас, балки ҳали тирик ҷоғида ҳам "ҳақорат ва сафолатлар" – чида бўлмас тазијку маломатлардан, муттасил камситиш ва чеклашлардан келган, ёлгиз шоирнинг үзига ва Аллоҳагина аён бўлган қайгуаламлар, виждан ва иймон қийноклари; бу дилдан изҳор этолмаган осий бандалик тавбалари, (Алишернинг таврос шакли ҳатто ӯз жонкуяр яқинларига ҳам ёрилиб айттолмаган кўнгил сирлари, дарду ҳасратлари, мукаддас улуғ орзу армонлари!.. Сўнгра. Бу – Истиқлониятимиз, хурриятимиз, хусусан, миллий адабиётимиз, миллий тилимиз, жумладан, назм-насримиз, саҳна санъатимиз) истиқболи йўлида, умуман миллий маданиятимиз, маърифат ва бадииятимиз учун ўринини ҳеч қачон тўлдириб бўлмас, қадри-баҳосини қайта тиклаб бўлмас мислсиз йўқотини – "жафокаш ва балокаш" (Навоий) ҳалқимиз тарихининг энг дардли, энг маломатли ҳақиқатларидан бири тўгрисида гўё шоирнинг ӯзи олдиндан қўриб, англаб етгандай... Ҳа, ўтган ортиқ суронли, ортиқ шафқатсиз аср фожиаларидан!..

Алқисса: Чўлпон адабий таҳаллусининг лугавий маъносига қайгадиган бўлсак, кўхна Машриқ уфқидан ҳали анча олисдаги куёш (Навоийда "мехри ҳоварий" тимсоли) тун зулмати қаърини астасла ёра бориб, уфқ чизиги ортидан самовий тоқи – гумбази узра иввалига билинар-билинмас тарзда, илк ёғдуларини (аникроғи, ёғдуларнинг акси – зарравор жилоларини) тарата бошлаган илк сахаргоҳ асносида гоҳо ёниб-порлаб, гоҳо паришон титраб-ӯчиб, кўздан оҳиста-оҳиста яшириниб, ниҳоят, сирли суврат ила ғойиб бўладиган тонг юлдузи каби (на хушки, очиқ ҳаволик кунларда, ҳар суб-

хидам олдидан бундай ғаройиб-сафобахш, мўъжаз нурафшон манзара тақрорланади) Абдулҳаммид Сулаймон ўғли Чўлпининг эндилиқда боқий шеърият осмонига кўчган Юлдузи, иншооллоҳ, бири-биридан улуг сиймолар, пири комил-муршидлар, номи ўчмас поку порсо аждодлар каҳкашонида... майли, армонли, лекин кутлуг-муборак хотирот рамзи бўлиб қолгусидир...

## ШЕЪРИЯТНИНГ ҲУРРИЯТ БУРЖИ

Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг таркибан уч сонетдан тартиб берилган «Абдулҳаммид Сулаймон Чўлпон» шеъри («Тавба» китоби, «Ёзувчи», 2000) асли ёзилган 1974 (!) йилдан то ўз номида, бутун ҳолида босилиб чиққунича мураккаб йўлни босиб ўтди. Аввал «Сабр дарахти» тўпламида (1986) ношир билан муҳаррир «таҳрири» муҳофазаси орқали «Шоир қисмати» дей номланган бўлсада, дархол муҳлису муҳиблар тилига тушди...

Холбуки, ўша пайтларда Чўлпон номи ҳамон сир тутиларди. Тақдир экан, камина ҳам ўша чала-ярим ошкоралик вазиятида ғойибданми, журъат топиб (шубҳасиз, адабий ҳафталикнинг муҳаррири шижаоти билан) «Шоир образи» («Бир шеър шарҳи») сарлавҳали мўъжаз мақола эълон қилиб эдим. Ха, таажжуб ҳол шундаки, мана бугунгача улуғ фидойи шоиримиз ҳақида қанча яхши гаплар айтилди ва ёзилди... Лекин, ялангтӯш, ҳақсевар боболаримиздан мерос жасорат ила биринчи бўлиб майдонга чиқкан ўша ҳурфикс, мағрур шеър ҳақида ё унинг иймон-эътиқоди событ ўз сўзли муаллифи тўғрисида ҳеч кимдан садо чиқмади...

Мазкур шеър бори вужуди-ла миллий шоиримиз Чўлпон руҳиятининг муҳтасару мужассам тимсоли, нафис сўз – фасоҳат мулкининг сарчашмаси, миллат эрки. Ватан мустақиллигининг сарзамини – қадим туркий тилимиз шаънига баҳшида шоҳ мисрадан бошланади:

*Она тилим сен – руҳимнинг қаноти...*

Ҳеч шубҳасиз, муқаддас қасамдай янграгувчи. байни Ҳурриятимизнинг Биринчи оташнафас куйчисининг забардаст овозини эслатиб тургандай наърадор, айни чоғда пурмаъно сўзларни рамзан Чўлпон монологи – шеърий нуткининг аввали (мусиқа тилида даромади, ўзига хос аккорди) деса бўлади. Рауф Парфи армонлари беадад, буюк эркесевар шоиримиз тилидан миллий истиқлолият фидо-

йилари хотироти – сўнмас руҳиятини дастлаб анъанавий ташбеҳлар – мажоз тилида ифодалайди:

*Порлоқ осмонингда қузгунлир учди...*

Йўқ, кейин шоир тарзи тақозоси-ла ошкор исёнкор руҳ ҳутиёжини сезади – моҳиятда халқнинг ўзи кашф этган ёвузлик рамзи («қўзгунлар» мажози) инсоният тарихида мисли кўрилмаган даҳрий худобехабарлар хунрезликлари даҳшатини рўйрост очиб беролмаётгандай туюлади – шаклан одам киёфасидаги, лафзан риёкор (қаллоб ва сароб «коммунизм» ғоялари билан маккорона никобланган), табиатан ёвуз, дажжол тоифа «рахнамо»лар ўйлаб топган қирғинбарот усулларни энди ташбеҳларсиз, бевосита – «ёғийлар яғоси» тарзида ифодалашни афзал кўради:

*Эвоҳ, ёғийларинг солди яғомони,  
Ёғийларинг жигар-қонингни ичди.*

Фақат большевизм «даҳолари» ишлаб чиқсан «қизил террор» – ҳарбий-инқилюбий трибунал жазо усуслари, мустабид замонлардан қолган «қатли ом»нинг тарихда мисли кўрилмаган қатағон (репресия)лари жаҳон афкор оммасини ларзага келтирди... Рауф Парфи буни «зодаи табъ»и – ўз истеъдодига монанд кутилмаган истиорашар тилида, ўзгача тафаккур тарзига мувоғик ғаройиб нисбатлар орқали ифодалайди:

*Жигар-қон жаранги тутди жаҳонни...*

Шундан кейин яна анъанавий ифода тарзига ўтилади, аникрофи, қутимаганда халқона сатр – пурхикмат лавҳа яратилади:

*Онасен. Кечирдинг. Қонидан кечдинг...*

Беихтиёр равишда: «Воажаб!» дея ёқа ушларсиз: наҳотки «қизил террор» жаллодлари ё ўз элига, миллатдошларига сотқинлик қилиганлар... «қонидан кечиб» бўлса? Буни одамлар, халқ кечирган тақдирда ҳам, башарият ва тарих кечиравмикин? Аслида-ку бу – сибр-бардош бобида «тенги кам» (Миртемир), тийиклилик, кечириклилик ҳадисини бамисли суннат ибодати деб билган халқимизнинг «одамияти» (Навоий) – кенг феъллигининг ёрқин, умумлашма мисоли бўлиб, фақат Рауф Парфи табъи назмининг аломатларидан бири, эҳтимолки, сонет поэтикасининг ўзига хос лаконизми тақозосидир... Зотан, шеърият мантиқи, шеърият бадиияти учун кутил-

маган янгиланиш-ўзгаришлар, бир руҳий ҳолатдан – бошқа тусдаги эврилишлар жарайёни ажабланарли эмас: ҳассос шоир ўкувчига аввал анчайин бадиий-мантикий сакталиктай туулган мушкүлотни «тузатмоқ» тараддуди биланми ё азалий зиддиятлар қонунига итоат қилибми... яна донишманд халқимизнинг ҳаёт тажрибасидан, ҳақиқат синовларидан ўтган бошқа бир аёвсиз фикри – одилона ҳукмини ўша содда (лекин теран, пурмаъно) муҳтасар шаклдаги умумлашма ифодасини яратади:

*Бироқ кечирмадинг асло ёлгонни...*

Ҳа, не-не қаро кунларни, вахшат балоларини бошидан кечирмади жафокаш ва балокаш халқимиз! Буни лоақал, буюк ҳақиқараст шоиримиз Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага», «Кўнгил», «Кишан», «Ер асиralари», «Яна ўт» каби шеърлари, ҳеч ким, ҳеч қачон рад этолмайдиган «шафкатсиз ҳақиқат» тамсилларида умумлашма ифодасини топган ташбеҳлари ҳам, муҳлису муҳиблар «ўзлаштириб» олган ёрқин тимсоллари ҳам исботлаши мумкин. Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, дейди доно аждодларимиз. Бас, юкоридаги шоҳсатр шеърнинг биринчи рақамли сонетидан чиқарилган ўзига хос мантикий хулоса бўлиб, бу – барча шуаро ахлиниңг муқаддас қуроли – сўзга, моҳиятда эса: «Она тилим, сен руҳимнинг қаноти» сатрида умумлашма ифодасини топган, шеърдан кузатилган асосий мақсад – бош ғояга санъаткорона ёндошишнинг муҳтасар мисоли – намунаси эди.

«Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон» шеърининг баравж пардаси – юқори, кулминатсион нуқтаси 2-рақам билан берилган сонетда ўзининг тимсоли мужассамини топган. Унда жафокаш халқимиз тарихининг миллий уйғониш, том маънода ислоҳотлар, эркин ривожланиш ва равнақ йўлига кириш даври дея буюк умидлар билан яшаган пешқадам сўз санъаткорларидан Чўлпоннинг бадиий образи бор бўй-бости, салмоғи-салобати-ю миллатпарвар салоҳияти ва заковати билан, алалхусус, тўзимсиз армонлари, дард-ҳасратлари... бори «намудори» (Навоий)нинг ёрқин зухури, ўтли-ёлқинли аломатларила ажралиб, барқ уриб туради:

*Дунё оқ эмасдир, иўқ, қора бардош,  
Куйиб ёдимиздан кечганлар айтсин.  
Сўзларида заҳар, кўзларида тош  
Элидан, тилидан кечганлар айтсин.*

*Тұнлар босиб келар дүнё ҳасрати,  
Күнлар гизли түгён, босиб келар шеър...*

Айни шу нүктада – иккінчи сонет иккінчи бандининг тенг ярмида бироз тин олиб (пауза қилиб), дастлабки шарҳга навбат берамиз: айниңса, шоқ сатрлараро мусиқа-оқанғ тебранишлари шеърга бошқача жозиба баҳш этади; чунончы, мени тақроран келған «айтсін» радифига юкланған интонатсион ургу – шоир топған ташбекнің қайсідір хиёнаткор кимсаларга қаратылған, дөг-ала-ми дилдан, хотиротдан кетмайдиган, мубхам интиқомгами ё түзимсиз армонларга, ағсус-надоматларгамы дахлдор аччик киноявий маъно сөхри ўзига банд этади... Сүнгра күчирилған уч байт мазмұнан қанчалик озор-андуҳли, ҳасратнишин бўлмасин, мумтоз маънодаги шоир дүнёси, унинг хос хилқати, оромсиз, безовта саъжияси ҳакида, хусусан, моҳиятига етиб бўлмас руҳият олами ҳакида, жумладан, унинг эътиқод ва эътимодига хиёнат қилған юртдош, миллатдош «дўстлари» туфайли тортган ададсиз изтироблари ҳакида шундай ботиний баҳс очиладики, бу – чегара билмас, бардавом ички мунозара – гоҳ мусоҳаба, гоҳ аёвсиз ҳукм-хулосалар сираси сифатида шаклланған кучли, ёрқин сурат (чуқурроқ идрок қилиб, тафаккур этиб кўрсак – сийрат) лавхаларидир. Күчирилған нарчадан: «*Тұнлар босиб келар дүнё ҳасрати, Күнлар гизли (?) түгён, босиб келар шеър*» байтининг матнини, тўғрироғи, матн остидан англашилған маънони бир қадар аникроқ, шарҳлаб бериши осон эмас. Сүнгра: «*Күйиб ёдимиздан кечгәнлар...*», «*Элидан, тилидан кечгәнлар...*» – кимлар? Наҳотки, улар донишманд, тоғбардош ҳалқимиз сўнгиз аламу надоматлар ила таъбирлаган: «*ўзимиздан-ичимиздан чиқкан бало*» – иймону эътиқоддек муборак туйғудан маҳруму мосуво, нафратга, мазаллатта маҳкум қўрқоқлар, сотқинлар бўлса!... «*Империя мустабидлари*» (Чўлпон) маҳаллий хиёнаткорлар гурухини қидириб топиб, маҳсус синовдан ўтказиб, ишга солмаганмиди?.. Уларда заррача инсонийлик, мусулмонлик унсури сақланиб қолганида эди, мудхиши ёлғонлар, мутлақ маломат бўхтонлари қулига айланмаган, ҳеч йўқ, энг бухронли-танг вазиятда сукут сақлай олганларида, эҳтимолки, улуғ сиймолардан кимдир ўша «*қатли ом*» балосидан омон қолиб, сургуnlар азобини торта-торта, охир бир кун она юртга қайтиш кимгадир насиб этармиди (масалан, машҳур рус шоир-адиблари орасида «*илиқ насимлар*» шароитида ёруғликка чиққанлар ҳам бор-ку). «*Бандининг боши – Аллоҳнинг гоши*» дейди ҳалқимиз, яна ким билади, дейсиз...

Мазкур (иккинчи) сонетнинг кейинги байт ва бандларида «шоир қисмати» каби тамомила бошқа ҳаёт, инсон умрининг аччиқдан аччиқ, сабоқлари, шоир зотининг мислсиз, балким ўжар катъияти, унинг хос саботидай илоҳиёна қудрат («Тилар қўнглум қуши Анқодин ўтса нари – юз водий, мунунгдек сайр этарга Қофдин ортиқ саботим бор», дейди ҳазрат Навоий), бугина эмас, ўша сабот «жавҳари» шоир мансуб бўлган халқ, миллат тақдирни билан нафақат тил, сўз воситаси-ла, балки жон риштаси, қалб ва руҳиятнинг сирли-ботиний олами билан боғлиқ ҳам ҳаётий-дунёвий, ҳам ғаройиб-илоҳий жиҳатлари ҳайратомуз мухтасар шаклда, яна аниқроғи, рауфона вазндору кенг миқёсли ва сервиқор тимсоллар тилида ифода этилади:

...Нечук қисмат эрур шоир қисмати?  
Тушларимни бузар ҳазрат Алишер.  
Йиллар баҳоримни учирди чалқиб,  
Музларга кўчирди ўтлиқ ёзимни.  
Ахтардим муҳитда хас каби қалқиб,  
Мен ўз Юлдузимни, ўз Күёшимни.  
Юлдуз – сен, Күёш – сен, сен – она халқим,  
Сен учун синдиридим синмас созимни.

Карангки, аслан халқона содда, табъи равон бир услубда. Шунчалар пурдард, сеҳрли сўз-тимсоллар, қанчалик ҳасратсаро руҳий нидо лавҳалари кимнинг номидан айтиляпти? Бу улут армонли шоиримиз Чўлпоннинг, Мирзо Бобур тавсифича, ҳазрат Навоийнинг муборак назари тушган (Самарқанд мадрасаларида таҳсил олиб, сўнг устоз мақомига етган андижонлик шоиру воизу мутриб – фазлу камол аҳли билан яқин мусоҳиблик таъсирида) «тили қалам била росттур» дея ҳаққоний баҳосини топган Фарғона Андижон лаҗжасини эслатиб турмайдими?

Шак-шубҳасиз, ҳар бир сўз-ташбех, истиоравий бирикма, маҷозу тимсол («баҳорим», «ўтлиқ ёзим», «ўз юлдузим», «ўз күёшим», «синмас созим»...), ҳар бир мисра, байт асли кимнинг қайси туғёну сўзонли, исёнкор шоирнинг нафасини эслатувчи, ўзига беихтиёр жазб этувчи оҳанрабо, ўзбекона мағрур ва ўқтам суханварлик самари эканлигини англаб олиш қийин эмас... Рауф Парфининг санъаткорона маҳорати... ана шу сирли калитни тополгани, Чўлпоннинг сўз дуржи – қулфи дилини зарифона дид билан очиб беролгани, шоир тилидан унинг ўз монологини яратса олга-

нида... Бугина эмас. Мен ҳайратимни яширолмайман: «Ҳазрат Алишер»га мөхр-ихлосим жуда баланд бўлганиданми, юкорида келтирилган саккиз сатрнинг биринчи байтидан англашилган маъно миқёсини шунчаки шарҳлаб ё кенгрок таҳлил қилиб, борингки, таҳқик, этиб, интиҳосига етолмасам керак, деб ўйлайман:

*Нечук қисмат эрур шоир қисмати?  
Тушларимни бузар ҳазрат Алишер!..*

Халқимизнинг: «Уйқум бузилди, уйқум кочиб кетди» каби узоқ хаёл, аксари изтиробли хотиротни образли-истиоравий тилда ифодалаган ибора-нақллари борлигини билардим. «Тушларимни бузар» – янада ғаройиб анчайин мураккаб руҳий жараёнлар ифодаси эмасми? Шунинг учун ҳам мен байт охирида ундов аломати билан кўпшуқта кўйишга журъат этдим. Рауф Парфи эса ҳатто элюарча услубда, яъни тиниш белгиларисиз ҳам ўқувчини зиёдроқ жазб эта олади!.. Аввалги сўзимга қайтаман: «Ҳазрат Алишер»нинг барча шуаро ахли орасидан тенги топилмас номини бугун биз эмас, балки Чўлпон каби, энди ўзи ҳам сирли бир дунё бўлиб қолган буюк шоиримиз чексиз ифтихор ила тилга оляпти (дарвоҷе, Рауф Парфи ўз ижодий йўлиниң деярлик бўсағасида – 1965 йилда «Она тилим» шеъридаёк, фавқулодда масъулият ва қатъият ила баралла айтган ёди: «Шоир, Сўз айтмакка сен шошма фақат улуг Алишернинг кутлуғ тилида». Юкорида кўчирилган парча мисраларини шарҳлашда давом этамиз: «Ахтардим мухитда хас каби қалқиб, мен ўз юлдузимни, ўз куёшимни». Бизни беихтиёр равишда азобли саволлар чўлгаб олади: тўзимсиз маломатлар – «ҳақорат ва сафолатлар» мухитида Чўлпон «ахтарган... ўз Юлдузи, ўз Күёши» унинг таҳайиур ва тахаййул оламига сафобахш ёғдулари-ла нечоғлиқ кучли таъсир кўрсата олиши, шоир рағбатига рағбат бағишлиши мумкин ёди!.. Шоирнинг «ўз юлдузи» унинг ҳам волаи шайдо, ҳам ортиқ озурда кўнглига мадору малҳам, букилмас иродасига кувват, тушкин руҳига нажот берган бўлмасмиди, эмин-эркин орзу қилинган бонқача шароитда... Чўлпон ва чўлпонлар хаёли яратган – шоирнинг «ўз куёши»дан ёғилган, ҳиммату саховат бобида бебадал ва бенисбат неъматлар-чи? Айниқса, шоир зоти тасарруфидаги «насаб ва ҳасаб» (аслий-туғма ва шахсан ўзи интилиб-изланиб эришган) имкониятларини теран англаб етган соҳибкамол, забардаст шоирнинг ўша мустамлака қарамлиги шароитида (эрксизлик сиқуви мухитида туғёну исён шиддати-ла ғазабнок тусга кирган, чинакам

футувватли-журъаткор кайфиятда... «Ўз қуёшини ахтариши»ни қай тил билан айтиб тугатиб бўлади?.. Айниқса, сўнгги байт замирига жойланган, унинг ташбеҳу тимсоллари руҳига сингдирилган, ҳам умидвор-таскинли, айни чоғда, ҳам ҳазин-мунгли оҳанглар парда-сида – ўз зиддияти-ла кучли лирик-драматик лавҳани («Юлдуз – сен, Күёш – сен, Сен – она ҳалқим, Сен учун синдиридим синмас созимни...») фақат зоҳиран – умумий тарзда, асосан, муштарак маъно англатувчи, анъанавий такрир санъати намунаси сифатида шарҳлаб қтиш мумкин. Ва ниҳоят, сўнгги – учинчи сонет андоза-сида яна ўша сирли-гаройиб дунё – шоир қисмати тавсифи даражасида (гарчи аввалги қисм байтлари каби баравж пардаларда бўлма-са-да, ҳатто улуғ ижодкорларнинг барча байтлари бирдай салмоқ-дор жозиб-пурвиқор бўлиши имконсиз), ҳар қалай, Чўлпон услуби-га монанд салмоқдор ҳикматлар – ҳалқона равон, ҳаётнинг ўзидай рўй-рост, муқобил фалсафий нисбатлар тилида ифодаланади:

...Завқларга тўлар у, Бир Сўзни излар,  
Дунёда ҳеч бир зот билмас, не учун,  
Айрича кулар у, айрича бўзлар...  
Юраги яриму бутун иймони,  
Талотум оламни шивирлаб чорлар.  
Тани омонатдир, нақд эрур жони.

Шоир характеристи – саъжиясининг зоҳиран гуё муқобил кўринган шеърий нисбатлар («Завқларга тўлар у – Бир Сўзни излар»; «айрича кулар у – айрича бўзлар»; «юраги яриму – бутун иймони»; «тани омонатдир – нақд эрур жони»), умуман, шоир дунёси, хусусан, Чўлпоннинг шафқатсиз ва золим замона зайли билан рўй-рост лав-ҳаларда битилган қисмат китоби ҳақидаги муайян тасаввуримизни тиниклаштиради бу гал энди ортиқ ҳаяжон-ҳайратга солмаса-да, беихтиёр ўйга толдиради. Мазкур бўлим бандларида ҳам ўз ҳалқининг «тили ва дили», номуси ва виждони саналган ҳақиқий шоирга ножинс ҳасадгўйлар, ғаразли ғаламисларнинг ёвузларча муносабати миллатимиз шуурида, қалбида битмас заҳм-жароҳат яратган ғояти совук, нафратли маломат тамғаси («ҳалик душмани») ...бу сафар ўша нияти қора нокасларнинг ўзлари устидан чиқарилган тарих ҳукмидай ғазабнок оҳангда янграйди:

*Йўлсизлик йўлдоши, толеъи нигун,  
Ҳеч қачон тўярми ахир ёвузлар?!*

*Бу – халқ душмани, деб тұтсалар бир күн,  
Барып, у халқнинг номидан сұзлар.*

Гаройиб бир зиддият (асли юононча «парадокс» сўзининг рауфона топқирлик маҳсули (мудҳиш уйдирма-маломатли сўз бирикмаси-нинг кутилмаган ҳолда марғуб талқини: «халқ душмани... халқи-нинг номидан сұзлар»), бу – мумтоз поэтикамизда «тазоди ийхом» деб юритилади. Аллоҳга минг-минг шуқрлар бўлсинки, ҳақ жойига қарор топди: халкнинг асл, довюрак, ҳалол-пок, фидойи фарзандлари худобезори даҳрий каззоблар бедодлиги, жабру жафосидан ҳам, уларнинг турфа хил, ёвуз-бадном асорати «тамға»лари ҳақо-рат-маломатидан ҳам бир йўла халос бўлди! Агар бу ҳакрост, журъаткор мисралар ҳали 1974 йилда яратилганини, борингки, 1986 йилда «Сабр дарахти» китобининг, юқорида қайд этиб ўтилган айрим эҳтиёткорона-маҳфуз «ислоҳотлари»ла эълон қилинганини ўтиборга олсак, Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг ҳам ижодий, ҳам инсоний ва фуқаролик эътиқоди аввал-бошдан усту-вор (мустаҳкам, пойдор) бўлганидан далолат бермайдими?!

Илло, қадим-қадимдан то ҳануз жафокаш юртимиз, балокаш ҳаққимизнинг том маънодаги сўз санъаткорлари каби Чўлпоннинг ҳам:

*Бошида қора қиши, оптоқ баҳорлар,  
Талотум оламни шивирлаб чорлар...*

*Кўкрак қафасида ловуллаб порлар  
Буюк муҳаббатнинг қонли нишони...*

Ҳассос ҳақгўй шоир, рухият мусаввири – Рауф Парфининг бу янглиғ хосу рост сўзлари – ташбеҳу тимсоллари, рамзу мажозлари, кутилмаган истиораю киноялари, дақиқ тажнислари – фақат шеъ-рият мантиқи кўтара оладиган нуктадон маъно жилолари, хаёл но-зиқликлари сирига биз ўзимизни бақадра имкон тайёрлаб бораётта-нимизни аста-аста идрок эта бошласак, масалан: «талотум оламни шивирлаб чорлагувчи» рухий хилқат ҳам, «кўкрак қафасида ловуллаб порлагувчи» сирли кудрат ҳам (зоҳиран мажозий, моҳиятда ҳақиқиий-илоҳий), бу – «буюк муҳаббатнинг қонли нишони» – шоир юраги эканига, «фақат унинг ўзига, ўзлигига мансуб қалб мулки, яғона бойлиги ва ғурури» (Гёте) эканига мутлақ амин бўламиз...

Алқисса, «Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон» – нафақат Рауф Парфининг ижодий такомилида эзгу ва муқаддас ҳақиқатнинг му-

жассам тимсоли – «Бир Сўз»ни барадла айтишга (майли, ўша чала-маҳдуд «ошкоралик» арафасидаёқ) астойдил чоғлангани, ахийри, ғойибданми, журъат топгани эътибори-ла, бу – ўтган XX аср ўзбек шеърияти каҳкашонида, ҳеч муболағасиз, бурилиш нуктаси – янги инкишоф этилган «мигти юлдуз» (А.Орипов)лардан бири сифатида, ўзининг муносаб ўрни ва баҳосини олажагига ҳеч кимда шубҳа-иштибоҳ қолдирмаса керак...

## "СЎЗ ГУҲАРИ"НИНГ ҚАСИДАВОР ВА ПУРВИҚОР ҚИРРАЛАРИ

Шеъриятни "Тенгри эҳсони" (Навоий) – хос мўъжизот дунёси деб билган, ижобий кисмат мақомида англаган истеъододли шоирларни икки тоифага ажратадилар: биринчилари, халқнинг хурмат-эътибори ва ардоғидаги ҳассос санъаткорлар; улар анъанавий шеърий тафаккур, ижодий мушоҳада меваси – шавку ҳайрат ва нозик хаёллар тухфасини, ҳаётнинг ҳаққоний таассуротларини синалган бадиий-мантиқий мезонлар-силлогизмлар тилида ифодаласалар, иккинчилари, қўпроқ рамзлар, истиора ва мажозлар, баъзан сирли-гаройиб олам – руҳий мулоқотларнинг ноанъанавий тили – услубида ёзишга мойил бўлиб, ўзгача – хос нисбатлар, ранг ва оҳанглар тизимини яратадилар...

Не ажабки, Мирза Кенжабек, кутилмаган истиоралар, рамзу мажозлар тилида ҳамда мумтоз поэтикамиз маърифати заминида – хар икки усулда муваффақиятли ёзаётган иқтидорли шоирлардан биридир.

Биз шарҳимиз учун туркийзабон шеъриятнинг муштарак суханвари Махтумкулиниң фарзона қўшиқларидан бирига ижобий пайров тарзида ёзилган "Ўзбекнинг" қасидасини танладик. Мана унинг кўхна тарихимиз обидаларига бағишлиланган аввалги банди:

*Тарихларга қўмдим мен ҳам ўзимни,  
Халқим, сенга берган экан тўзимни.  
Дедим тунлар тинглаб "Қаро кўзим"ни:  
Битармикин ҳеч достони ўзбекнинг?!*

Биринчи байт, ноанъанавий ҳикматнома оҳангига, халқ донишмандлиги, табъи равонлиги маҳсули сифатида беихтиёр дикқатни тортади. Айниқса: "Халқим, сенга берган экан тўзимни" назмий

жумласи – ирсоли масал санъати-ла музайян мисра қасиданинг умумий руҳига киришга ёрдам беради. Иккинчи байт матни – ташбесхлардан бир қирраси мумтоз ғазал баҳрида, айни ўша кирранинг мусиқий жилvasи "Сегоҳ" мақоми тармоқларидан бири бўлиб, шу шеърнинг шоҳбайтлари мазмуни-ю мумтоз навонинг багоят кучли гаъсири доирасида канча дунёвий, яна қанча илоҳий ҳакиқатлар тухур этишини ким аникроқ айтиб, чуқурроқ талқин этиб бера олади? Ҳолбуки, "Қаро кўзим"ни тинглаш... фақат биринчи сабаб, майли, ортиқ завқланиш, узоқ ўйга толиш воситаси. Уни англаш, чуқур пидрок этиш жараёнида халқимизнинг ҳеч қачон... битмас, айтиб та моммлаб бўлмас "достон"ини, қай тил билан сўзлаб, лоақал, муҳтасар баён этиб бўлади? Эҳ-ҳа!.. "Ўзбекнинг достони", ҳатто умумий тарзда тавсифлаб ададига этиб бўладиган буюк тарих, тақдирнома дейиш ўзи кифоя қиласидими? Қолаверса, бу – дину иймон, эътиқод барқарорлиги, устиворлиги (мустаҳкамлиги), демак, хилқат поклиги, луқма ҳалоллиги тенгсиз заҳматкашу тенгсиз собирлиги, "одамийлар одамийси" (Навоий) – ҳиммат, саховат бобида дунёда "тенги кам" (Миртемир), ҳақири факир сифотини ҳатто ғайри дин кишилари холисанлилоҳ эътироф этган шу халқ руҳияти, маънавияти дегани эмасми?!.. Бу ҳам кифоя эмас. Мен беихтиёр равишда Навоий ҳазратлари ғазалини эсладим: "Ўз ишмидан бульажаброқ достоне топмадим". Беназир шахсияти ўзи халқ тимсоли бўлган бу набисифат зот буюк ифтихор ҳамда чексиз армон билан шундай фахрия сўзларни айтар экан, бас, шу халқ алалхусус, байналмилал-жаконий ҳамдўстлик, ҳамкорлик доирасида тарихан сарбаланд марта ва мақомга мушарраф бир миллатнинг "достони" – номаи аъмолини фақат Аллоҳнинг ўзигина билади... Шунинг учун шахсан мен қасиданинг биринчи бандидан ушбу иккинчи шоҳбайтни, эҳтимолики, тожбайтни камида "Мирза Кенжабек шеърияти" деб аталган (бу бўстон аро "гул кўп, чаман кўп" – яна ҳазрат Навоийдан) бир боғнинг айрича викорли – "тоза гули" дан деб таърифлагим келади. Ҳа, мен бу дурбор мисрани тақрор-тақрор айтса, куйга солса, жўровоз бўлиб куйласа, балким Ватан ҳақидаги янги бир қўшиқ учун нақорат килиб олса арзигулик, пурмъано-нуктадон, нағису пурвиқор матн намунаси деб баҳолаган бўлардим. Фақат шу қадар доною камтарин, боз устига шу қадар маърифатлигу щикаста кўнгил шоиримиздан узр тиляб, ўша жазб этувчи-соҳир шоҳбайтнинг биринчи ва охирги сўзларига кичик пардоз (косметик) ислоҳ киритиб, қайта кўчиришга журъят этаман:

*Дегум тунлар тинглаб "Қаро кўзим..."ни:  
Битармикан ҳеч армони Ўзбекнинг?!*

(Яна) менга қолса, худди шу “тожбайт”нинг ўзини имкон қадар – бақадри меъёр муфассалроқ шарҳи билан сўзимни ҳам тутатган бўлардим (матн мазмунан бунга етарли асос беради). Аммо, начора мақсадимиз-бошқа; бутун бир шеър шарҳидан иборат. Фақат мазкур биринчи бандга оид яна бир жумла-шарҳ жоиз деб биламан: ўзаро қофиядошлиқ нисбати бўлган уч сўз-ташбеҳ ("ўзимни", "тўзимни", "Қаро кўзим..."ни) радиф-накорат ўрнидаги умумлашма тимсол ("Ўзбекнинг") ила шунчалар уйғуллашиб, вобаста бутунлик яратиши бандга ўзгача фалсафий теранлик, ажаб бадиий сехр-оханграбо жозиба бағишлайди.

Иккинчи банд шарҳига ўтайлик.

*"Олтин ёруқ"<sup>1</sup> сочган туркий садолар,  
"Хўби"<sup>2</sup> битик тошидаги нидолар.  
Бугун буюк тимсол бўлган имлолар –  
Кечмишлардан бир нишони ўзбекнинг.*

Олис мозий – “кечмишлар” шоҳиди бўлмиш қадимона-этнографик обидалар ”тажаллиси”, балки ўша Абуттурк шажараси илк бор бунёд этган кўхна дунёнинг турмуш тарзи – моддий ва маънавий маданият асарлари, поёнсизу сарҳадларсиз Турон заминида кечган, мисли сел тошқинидай бостириб келган кўчманчи қавмлар ва қисмат, аста-аста ўртоқлашган элатлар ҳаёти, касб-кори, амалий санъати, “айтиб-совумас” (Навоий) кўшиқ достонлари, илк ўйтномаю жангномалари – буларнинг ҳаммасини шоир ижодий умумлаштириб, муҳтасар шакл-шамойилда “туркий садолар”, “битик... нидолар”, “тилсим... имлолар” каби рамзлар тилида ифодалайди. Бошқа бир бандда “тариҳларга кўмилган” халқимиз тақдирида буюк бурилиш – Амир Темур салтанати даври зиддиятлари каламга олинади.

*Мағрибга ҳам етган дунё талашиб,  
О, Йилдирим! Ҳолинг недур адашиб?!..  
Тарих ичра келди доим алмасиб,  
Гоҳ тантана, гоҳ армони ўзбекнинг.*

Амир Темур номини зикр қилишда "тил... тутун" (А.Орипов) бўлган йилларда ёзилган қасиданинг айрим бандларида шоир қанчалик қийналаётгани аён сезилиб турибди... Шунга қарамай, юқорида кўчирилган тўрт сатр шарҳига мумкин қадар холисона ёндапшинос мөқ учун, лоақал, икки нуктага эътибор эҳтиёжи бор: бу – "дунё талашиб" бирикмаси ва охирги мисра мазмуни тақозо этган, ўзаро зид маъноли нисбатларнинг биринчиси: "гоҳ тантана" (иккинчиси – "гоҳ армони"). Шеър ёзилган замонни юқорида эслатиб ўтдик, шунинг учун баҳс-мунозараға асосимиз йўқ, фақат шахсий мулоҳаза: айниқса, тарихий ҳакиқат тимсоллари қанчалик аниқ бўлса, шунчалик яхши...

Куйидаги бандга ҳам ўша даврнинг маҳдуддик муҳри босилгандай:

*Хоҳ Коҳира, хоҳи Лондон кезгайдир,  
Ҳиндистонда ўз-ўзини излайдир,  
Мозий кезиб, келажакни кўзладайдир,  
Неча Ҳамид Сулаймони ўзбекнинг.*

Тўғри, бундаги хорижий атамалар буюк жафокаш ва жаҳонга шарлота аллома, устоз Ҳамид Сулаймоннинг мислсиз ва унутилмас хизматлари (асли бу миллатпарвар зотнинг номи қатағон қурбонлари қаторида айрича эъзоз ва тақдирга муносибдир) эътибори-ла жуда шартли деса бўлади. Аслида юқоридаги банд тагматнининг маъноси кенг, моҳияти чукур, ундан шоир кузатган мақсад, айниқса, бугунги кун нуктаи назаридан бошқа характеристерда. Асосан, Россия империясининг марказий шаҳарларига аввал Октябр тўнтаришпитача, кейин шўролар зўравонлиги (хусусан, йўқсиллар диктатурасининг биринчи ўн йилликларида) гоҳ сурбетларча очик-ошкор, гоҳ пинҳоний-риёкорона йўллар билан олиб кетилган ноёб кўлёзма, тошбосма китоблар, моддий ва маънавий (шу жумладан, муқаддас, руҳий-илоҳий) маданиятимиз ёдгорликлари, улуғ аждодлардан қолган мўътабар мерос манбалари, фан учун, унинг ислиқболи учун, бебаҳо тарихий-этнографик, фундаментал-назарий хужжатлар... то камёб шахсий буюмларгача – улар ҳалқимизнинг цунё хазиналарига бергусиз миллий бойлиги, миллий ифтихори хисобланади – мана бутун баралла айтилмоқда. Хуллас, мазкур банднинг иккинчи байти охирги сатри ("Неча Ҳамид Сулаймони ўзбекнинг") матнида барча заҳматкаш матншунос, қадимшунос, ўл-

кашунос, муаррих, мусиқашунос, музейшунос, кутубхонашунос, таъмирловчи хаттот, рассом, лаввоҳ, саҳҳоф, наккош, заргар (заршунос) – халқ амалий санъати, хунармандчиллиги усталари, бениҳоя камтарин, камсукум, ўз касбининг фидойи зотлари дунёси, саъжияси, қисмати бадиий умумлаштирилган.

Энди қасиданинг айрим шоҳбайтлари шарҳига навбат берамиз.

*Юртга қасос уругуни экмишлар,  
Жисми билан ҳар ўғлони ўзбекнинг.*

Бу байт қасиданинг учинчи бандида қайд этилган фотиҳ Искандарга ва Чингизийлар яғмосига мардона карши туриб, Ватан шарафи, келажаги йўлида жон фидо қилган узрушонлар ва сарбадорлар мисолида, барча замонларнинг жасур ўғлонлари хотиротига бағишиланган, муқаддас қасам янглиғ ёднома шеърий лавҳалар яратилади...

Куйидаги шоҳбайтга ғоявий-бадиий замин сифатида хизмат қилган бир бандда Аллоҳ инъом этган "зодаи табъ" (Навоий) – туғма истеъододи турли асарларда турли тоифа золимлар зулми билан "завол топган" халқ санъаткорлари – ҳофизлари, мутрибу муганнийлари, аввал халқнинг маънавий раҳнамоси бўлган пири комулмуршид, уламо аҳли, беминнат, камтарин хизматлари учун муносиб тақдирланиш ўrnига, ёвуз маломат қурбони бўлган бегуноҳ зоти киром сафлари, ўз халқининг дили ва тили бўлган, Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетган ҳурфикр шоирлар мисолида миллатнинг "зир қақшаган" вужуди, моҳиятда тоабад ўлмас руҳияти мавзуи қаламга олинади:

*Ер юзида шаҳид бўлса бир шоир,  
Ҳануз қақшар устихони ўзбекнинг.*

Яна бир шоҳбайт мазмунан халқимизнинг энг дарднок-огриқли жиҳатларидан баҳс очадики, шунинг учун ҳам буни "Ўзбекнинг" қасидасининг умуртқа бўғим-бандларидан бири деб аташ мумкин.

*Бир Ватанни пароканда айлади,  
Неча беку неча хони ўзбекнинг.*

Улуғ Навоий камоли куйиб-ёниб, тўлғаниб, бундайин бузғунчи фитнагар тоифани, нокас-ножинс зотларни қушлар жамоаси орасига ниғоҳ-низо солувчи тажавузкор (уришқоқ) қуш, яни "чуғз"га қиёслаган эди. Чуғзсиғат юртбузиқилар ёвузылларидан ўzlари завқланиб, ситамдийда мазлум-мақтуллар фожиасида базм қуриш-

шари, қора қўзғунлар каби ўз димоғларини чоғ этишлари ажабланарли ҳол эмас.

Ва ниҳоят, мудҳиш инқилобий "тажрибалар", инсоният ўз бошидан кечирган даҳшатлар даҳшати – иккинчи жаҳон муҳорабаси (унинг келиб чиқиши сабаблари – туб илдизлари, машъум оқибату асоратлари нуқтаи назаридан бири бошқасидан қолишимас икки жаҳоний оғат: қонсираган нацизм ва худосиз-шаккок большевизм – иккала бало-қазо, хусусан, афкор омма учун мислсиз алданиш – саробга айланган, тарихнинг энг шафқатсиз ва тўзимсиз ҳақиқати заминида яратилган қуйидаги умумлашма байт:

*Қачон ёлгиз ўзиники бўлубдур  
Бу дунёда ширин жони ўзбекнинг?!*

Ибтидо, шоҳбайтнинг биринчи сатри англанган залворли савол бизни бирданига сергаклантиради: (Хўш, қани айтинг:) қачон ёлгиз ўзиники бўлибдир?! Сўнгра иккинчи мисра замиридаги шунчалар нурдард маъно, шубҳасиз, шоир узоқ изланишлар жараёни ниҳоясида топган, аникроғи, яратган, асли безовта, ларзакор ўй-хаёллар про каашф этилган (аслида ҳалқимизнинг миллий тафаккури маҳсулни бўлган), шунчалик оддийлиги билан сирли-сехрли, том маънодла мўъжиз сўз бирикмаси, янада чуқурроқ идрок этиб кўрадиган бўлсак, бунда улуғ мумтоз шеъриятимиз ва тасаввуф адабиётининг муқаддас истилоҳларидан “жон”та, ҳалқ тилининг жозиб луиф рамзиаридан “ширин”ни пайванд этиш самари бўлмиш “ширин жони”...

Шоир ҳайратини ва хаёлотининг ажаб тухфасини кўрингки, қасиданинг радиф-нақорати “ўзбекнинг” тимсоли билан бирикуқидан... шеърнинг аввалги банди мақомидаги (“Битармикин ҳеч достони ўзбекнинг”) янги образ лавҳа яратилади... Эҳтимол, бу шўх сатр-тимсоллар, тожмисра, борингки, тожсатр, тожбайтлар мақоми-маргабасида тақдирлаш, тадқик ва таҳқиқини топарки, бу “Ўзбекнинг” қасидаси учун ажабланарли назмий жиҳатлардан эмас! Шак-шубҳасиз!!!

## **РУҲИЯТНИНГ МУСАВВИРОНА ЧИЗГИЛАРИ**

Шоир Азиз Сайд оламини имкон қадар аниқ-равшан идрок тинш, асосли баҳолаб, матлуб фикр айтиш учун маълум байт ё банд маъносигагина эмас, борингки, ҳар бир сўз-ташбеҳ руҳига разм

солиш тақозо этилади... Фақат «ўз-ўзига ўхшайдиган» (М.Светлов) бу иқтидорли шоир хоҳ вокелик объектига, хоҳ шахс дунёсига бўлсин, кўнгил нигохи, ботиний укув ила муносабат билдирав экан, синалган анъанавий тасвир тарзидан (масалан: Э.Вохидов, А.Ориповлар, шубҳасизки, ҳар бири-ўзича, ўз истеъоди, табии назми, қаламининг қудратига қараб ижодий ўзлаштирган) санъаткорона «тарошланган» (Чўлпон) пурҳикмат шеърий силлогизмлар услубидан фарқли ўлароқ, байналмилад жаҳон шеъриятидан кимгадир (балким, Рауф Парфигами) эркин пайров йўлида, кутилмаган ва тутилмаган, «кечинма-образ» – хосу гаройиб истиоравий (метафорик) ифода тарзини маъкул ва мақбул кўради. Бу – бамисоли офтоб нилуфарзор оралаб ўтганда, сув ва гул акси – жилолари ҳосил қилган афсонавор-сирли бир манзара каби оламнинг фақат шеър-фасоҳатли сўзлар кўзгусида тажалли этадиган ҳам нурафшон, ҳам гулфом кирралари... Бундай зариfu нозикхаёл даъвонинг биргина далили:

*Юрагимдан ўтдингми –  
Оёгинѓа ол хина...*

«Воажаб!».. дейману баногоҳ-беихтиёр равища, камида уч туркийзабон шеъриятнинг муштарак суханвори Фузулийнинг бир шоҳ сатри ёдимга келади (бу оний ҳолатдан ўзим ҳайратда қолдим):

*Лабинг акси кўзум ёшини лолагун этди...*

Келинг, азиз ўқувчи, зурафою фузало аждодларимиз мақомидаги мархум устозлар (улар жумласидан: чин фидойи, миллатпарвар сиймолардан Ҳамид Сулаймон) ўзаро тансиқ сухбат-мушоиралар чоғи ардоқлаган Фузулийнинг назмий чаманида саҳароҳ таровати ва сабоҳатидан нодир нишонадай яратилган юқоридаги шоҳ мисрадан... ҳали йигит ёшидаги шоир-замондошимиз кашф этган тимсол-лавҳага қайтайлик. Ҳассос қаламкаш укамиз хаёлидаги ўша «бераҳм, бевафо...» гулрўлардан бирининг табиий ҳуснига табиий пардоз бериб, ўзбекона-миллий оро баҳш этувчи «хина» ташбехини ўлмас тимсолга айлантириш қайғусида канча ошиқ шоирлар юрак қўрини, бағир конини сарф этмаганлар!.. Азиз Сайд қаҳрамонининг шўху шаддод, маликасифат ғурури баланд ёш маҳбуби ўз волаи шайдосининг ёнгинасидан бепарвою беписанд одим отиб, бир бор киё боқмай кетиб бориши... бунинг тўзимсиз алам-азоби нақ «юрагидан ўтган» – юрак-бағрини қон қилган бўлса не ажаб? Эҳ-хе,

нафақат умидсиз, нажотсиз ҳакири факир ошиклар, балки шайдо шох-султонлар магрур бошини бир хурлиқ оёқларига қўйиш хаёлини (қачондир висолига етиш баҳтини) улуғ армон деб билган бўлсалару (сиз Бобур Мирзо байтларини эсланг!..), бизга замондош шоир ҳаёлидаги ошиқ йигитнинг «юрагидан ўтган» севимли «оёқ»лар изи – «хина» бетакрор истиорага айланса, бундан нега ҳайратга тушмас эканмиз?..

Ана энди асосий кузатган мақсадимизга – «Паганини...» шеърининг шарҳига ўтайлик.

*Ҳали ухлар эди малоиклар жсим,  
Faflat елларидан чодирлар тикиб.  
Ҳали ухлар эди ёсуман гаддор  
Нафрат кўйлагининг ярмини бичиб...*

Танланган мавзу – мусиқа ва мутриб-дахонинг ўзи каби мўъжиз, гаройиб олам – боқий маъсумлик, поклик, хурлик ва илоҳий ишқ тимсоли «малоикалар» ва уларга муқобил бори ёмонлик, ёвузликлар рамзи «ёсуман гаддор» нисбатлари-ла чизилган экспозитсия – шеърий ибтидонинг ўзиданоқ бу фоний дунё зиддиятларидан муҳаббат ва нафрат фалсафаси ҳақида, Паганинининг фожеъ қисмати мисолида дастлабки таассуротга эга бўламиз (бунга муаллиф шарҳи ва шеър унвони: «Паганинининг сўнгти концерти» гўё воситачи хизматини ўтайди).

Мусиқа тилини сўз билан таърифлаб бериш нафақат мушкил иш, балки бу – абас, бехуда уриниш бўлур эди. Ягона имконият: факат шартли, билвосита, умумий ё нисбий-талкин; жуда бўлмаса, қиёсий-параллел тамсилларга, балки қадимона афсоналаргами, тарихгами, фалсафагами, руҳшуносликками мурожаат қилиш, ғайб оламидан мадад олиш... Хайриятки, қаллоб-алдамчи, даҳриёна-шаккок ҳаёллар, уйдирма ғоялар, сароб идеалиар домидан ҳолос бўла бошладик. Биз гўё яхши билдим деб ўйлаган зоҳирий дунё – моддий назаргоҳга таққослаб, тенглаштириб бўлмас даражада улуғ, поёнсиз, сирли-мўъжизакор хилқат: мутлок Руҳият, бокий ҳақиқатиар оламини эндиғина тан ола бошладик. Улуғ аждодлардан ёдгор буюк руҳий-маънавий ва маърифий меросга ворислик ғурури ва шукуҳи даставвал «тавбай комил» (Навоий)дан бошланишини ҳам ингизай бошладик...

Шу тарика, гаройиблар гаройиби бўлмиш, илоҳий ибтидо билан бөвсисита боғланган мусиқа ва улуғ машшоқ-мутриб дунёсини ба-

холи имкон таҳқиқ этиш ниятида ёзилган шеър тимсолларини, юқорида қайд этилганидай, шартли-нисбий шарҳлашга уриниб кўрамиз.

*Сўнгги бор кулди-ю боладай созининг торини тоблади.  
Кўзини юлди-ю (!) дунёдан – тўйдинг деб пойига ташлади...*

Мусиқа дахосининг «сўнгти бор кулиши» маъноси нимада эканни ким айтиб, бир қадар аниқ шарҳлаб бера олади? (Эҳтимол, буни шоирнинг ўзи ҳам билмас, билолмас) Лекин инсон зоти, бари-бир, билишга интиқ сабабий ибтидо қандай эди? Паганини «боладай... сўнгти бор кулгани»дан бурун ўз бошидан не савдоларни кечирган экан? Асли «Тенгри эҳсони» (Навоий) бўлмиш даҳо санъаткорга нима учун фожеъ қисмат рўзи насибага айланди? Тўғри, «сўнгти бор кулиш» – даҳонинг ҳаётга, қисматга, оламга ўзига хос исёни эди, деб талқин килишимиз бу – мушкил саволга энг осон ва содда жавоб ҳисбланиши мумкин. Лекин «кўзини юлиши» ва ўз кўзига сен энду бу «дунёдан тўйдинг» дейиши ва уни қон аралаш «пойига ташлаши» ва алал-оқибат «созининг торини тоблагани»... борига – жони, жаҳони бўлмиш скрипкасига, қалби, руҳи, иймон-эътиқоди бўлмиш мусикага, моддий ва руҳий оламнинг барча рушноликлари-ю, алам-армонларига абадий видоси эдими?!.. Бундай ғайришуурый жасорат, мислсиз фидойилик азми-қарори факат Паганини каби зотларга хос, сабаби факат унинг ўзига ва тангригагина аён, мутглоқ сирли холатdir. Паганини каби мусика даҳолари ҳақида қанча ўлмас асарлар (шеърий, насрый, саҳнавий, мусиқий, гасвирий, ҳайкалтарошлиқ дурдоналари) яратилмаган дейсиз? Ўзимиздан-чи? Биз билган, билмаган, қанчадан-қанча кўзи очик ё амо (ожиз) мутриб-мағаний, навосозу навозандалар ўтмаган. Уларнинг халқ рухиятига, маънавий бадиий меросига айланган ҳаёти, тақдирли, эзгу армонларини қачон, ким таҳқиқ этади?!!..

Шеърни шарҳлашда давом этамиз:

*Машиюқ бешикдай кўйди-ю елкага созни...  
Энг нозик пардада дунёга келган  
Энг нозик оҳангни ўраб сеҳрга  
Узатди...  
Узатди.. Кўллари муаллақ қолди.*

Бу банднинг: «энг нафис пардада», «энг нозик оҳангни», «сеҳрга... ўраб узатди», «кўллари муаллақ қолди» бирикмали лавҳаларини мусиқанинг шеърий тафаккур андозасига солинган (майли, шартли-нисбий) суратлари дейишимиз мумкин.

Кейинги икки бандни эса мусиқанинг соҳир тилини фақат шеърият тилига «таржима килиш» (Усмон Носир) санъати деб баҳолаш мумкин:

*Куй эмас эди бу – хаёл қушларин  
Дилағион гулларнинг косаларидан  
Нам ичган чоғдаги  
Сайрогои эди.  
Куй эмас эди у – тонг йиртигидан  
Гўдаклар кулгисин ўғирлаб чиқсан  
Кўшиги эди.*

Бу – биз юқорида айтиб ўтган шартли талқин-шарҳнинг бир кўриниши – қиёсий тамсиллар воситалигига, яъни боқий мўъжиза, гўзаликнинг ёндош, ҳамжинсу ҳамоҳанг жиҳатларидан фойдаланиш орқали, ҳар қалай, нисбий ҳақиқатни топса бўлар экан: бу – «гуллар косасидан» сув ичиб, шавқка тўлган «хаёл қушлари... сайрогои»; «тонг йиртигидан гўдаклар кулгисин ўғирлаб чиқсан булоқлар қўшифи» (қанчалар табиий, нафис, тароватли нисбатлар!)

Айни шу оҳанг усулидаги яна бир банд руҳига сингдирилган боқий фалсафа: «ел, замин, осмон» унсурлари яратган лавҳа, шубҳасиз, бизни ўйга толдиради:

*Куй эмас эди бу – муждакаш елнинг  
Яралмоқ сирини билмоқлик учун  
Заминдан осмонга сўрогои эди.*

Эҳтимол, оддий ўқувчига куйнинг кутилмаганда фалсафий «сўроқ» тарзида қўйилиши анчайин мушкуллик туғдирипни мумкин. Лекин мантиқан мусиқа даҳоси назаридаги (айни шундай шеърият, тасаввуф ё тасвирий санъат даҳолари тасаввурнида) бундай муштоҳада миқёси: «заминнинг осмонга сўрогои» ҳар субҳ ё оқшомда тарајгувчи ҳасрат садолари эмасми?...

Шеърнинг кейинги бандлари (унутманг: бу – Паганини инкишоғ этган, унинг ўзи «яшаган», кечирган руҳий дунё) ҳайратимизни зиёда этади, лекин ортиқ ажаблантирамайди:

*Миллион йил излагай – топа олмаган  
Юраклар эшишиб ўз овозини  
Кўзлардан паришилаб учеб чиқдилар.*

Даҳолар (алалхусус: фалсафа, сўз, мусиқа, бошқа соҳа санъатдаҳолари) учун «миллион йил излаб – топа олмаслик» ҳам, «юрак-

лар... ўз овозини эшитиши» ҳам, бу сирли-гаройиб овознинг кутилмаганда «кўзлардан ... учиб чиқиши» ҳам ортиқ ҳайрон коларли ҳолат эмас. Зотан, ишонамизки, Азиз Саид мумтоз поэтикамиздан етарли даражада маърифат олгани учун, бир йўла уч турдаги санъат: ифрат (ўта муболага), истиора (омонатга олинган нисбат), ташбеҳи мусалсал (салсилали ўхшатиш) усулларидан санъаткорона фойдаланган.

Мухтасарлик тақозоси зарурати-ла ҳажман каттагина бу шеърнинг қатор бандларини қўя туриб, ўзим ажратиб олган бошқа сатрларни шарҳлашга ўтамиз.

*Машиоқ чалар эди ўзини ўзи  
Гулхандан сачраган чўгдай ушалиб.  
Машиоқ чорлар эди ўзини ўзи  
Умрининг йўлига гулдай тўшалиб*

Шоир: «Машшок чалар эди ўзини ўзи» деганида санъаткор учун қанчалик гаройиб туюлмасин, айни чоғда шунчалик табиий бўлган ижодий-руҳий ҳолат ифодалаётганлигини англаб олиш кишин эмас, албатта. Бирок кейинги байтнинг «Машшок чорлар эди ўзини ўзи» сатри замиридаги нимагадир даъваткор садо, яна аниқроғи, «ўзига» қаратилган ботиний-руҳий нидода нима сир-синоат бор экан? Чиндан ҳам жаҳон мусиқа санъати дурдоналари – шоҳ асарларида (жумладан миллий «шашмақом» имизнинг бири биридан теран, афсунли наволарида бирламчи уч омил: «зодаи табъ» (Навоий) – туғма истеъдод, махсус мусиқий маърифат ва муайян маҳорат-тажрибага эга бўлган етук мутахассис ё закий, хуштабъ тоифа мухлислар bemalol идрок этадиган нимагадир, балким, нималаргадир даъваткор теран маънолар, нуктадонликлар бўлиши мумкинки, буни факат ўша мутахассис ё муҳибнинг ўзи билади. Бас, «машшок ўз-ўзини чорлар эди» сатри ҳам ҳар ким ўзи биладиган сирли жиҳати, бошқалар учун пинҳон қолиши билан жозибалидир...

Шеърни шарҳлашда давом этамиз:

*Машиоқ қўлларини кўтариб кўкка  
Газабнок, пардага урди зарб билан...  
Сўнгги кучлари-ла зарб урад машшоқ,  
Ўзид ташламоқчун сознинг қилларин*

*Нимадир суринди,  
Нимадир кўринди,  
Нимадир тўлди,  
Нимадир бўлди...*

Шу тариқа, сирли-сехрли мусиқа тили (хусусан, Паганини скрипкаси пардалари) ифода этган оламнинг азалий зиддиятларини даҳо машшоқ мутриб-ўзича, уни том маънода фидойилик билан кечирган, ҳассос шоиримиз ўзича, шеъриятнинг хос тилига ижодий табдил қилган ғаройиб ҳолатлар манзарасини, биз – ўз билганимизча, чунончи, «икки жаҳон» аро сирли кўприкнинг шеърий тафаккурдан танқидий мушоҳадага кўчган нисбий ҳақиқат сувратлари деб талқин этишимиз мумкин.

Ниҳоят, шеър интиҳосига тобора яқинлик аломати кўрина бошлиайди: эсланг-а, аввалги «бешикдай» ташбеҳи ўрнига:

*Машиоқ тобутдай қўйди-ю елкага созни  
Гулханлар гувлаган оловларига,  
Дарёлар қуриган ўзанларига,  
Дараҳтлар тўкилган хазонларига  
Айта олмаган марсиясини  
Бошлиди...*

Паганинининг вужудидан-юрагига туташган ва жонидан-руҳиятига ўтган ғаройиб куй, унинг «тобутдай... сози» пардаларида охироқибат даҳшатли ва ваҳшатангез садоларга айланиб, бамисли уммоннинг пурталотўм тўлқинларидаи асло-тўсиб, қайтариб бўлмас мавжвор шиддат-ла гулханлар... дарёлар... дараҳтлар... марсиясини бошлилагани», бу – шоир илоҳий бир «дағдага» (Бобур) билан яратган шеърнинг баравж нуқтаси – кульминатсияси бўлса ажаб эмас.

*Бошлиди... Оҳанглар созининг бўғзида қолди  
Ва дарднинг энг узун ришиласин тоблаб –  
Эшилган ягона торда юргурган  
Бармоқда мусиқа йиглади.  
Ва қалбнинг энг чуқур қаърига йиллар  
Яширган муножжом ўрлаб фалакка  
Сўз бўлиб, сўз бўлиб қулади...*

Воажаб! Энди гўё «сўз бўлиб» саҳна ўзра мангулик томон йиқилиган, йўқ, бу – боқий мусиқий садою акс садо тўлқинлари, бенинм товуш-оҳанг тебранишлари... гўё яна бир мўъжиза содир

бўлганидай, мусиқа шеърий сўзлар, бандлар лавҳасига битилгани, бу – «Паганинининг сўнгги консерти» шеърининг бардавом авж шардаларидан бирими ё ўша бокий мусиқанинг сўзга кўчган шеърий интиҳоси – хотимасими эканини билолмай лол бўлиб, ўйланиб қолдим:

– Эй, менга олқишу санолар айтиб,  
Пойимга бош урган ожиз бандалар!  
Эй, менга санъатда худосан, деган  
Бехишт қувгиниси – гуноҳкор пуштлар!  
Айтингиз – қаердан қуёши ва зулмат,  
Қаердан муҳаббат, қаердан нафрат?  
Кўзингиз яширманг, айтинг – бошланар  
Қаердан дўзаху қаердан жаннат?...

**"НУРИ ИЛХОМ" ҲАЙРАТИ**

*– Иним, айбга буюрмасанғиз, сизга бир саволим бор, айтсам.  
Камина хаёлчан нигоҳингиздан Илхом нурини ўқидим!..*

(Педуниверситет бекатида нафас ростлаб ўтирган  
улугсифат, зиёли сийрат бобонинг дил сўзидан)

1. О, Сиз – мутабаррак зот, аввали, иймон ҳаққи,  
Шу гойиб дийдорлашув – "Тенгридин эҳсон" ҳаққи,  
Муборак рӯзи насиб-чун, дил-дилдан ташаккурим,  
Бахшида бўлсин Сизга – бу назмий шавк-сурурим!  
Сиз янглиғ фариштали "аҳли маъни"га эҳтиром,  
(То иймони комиллар ибрати бўлгай бардавом!)  
Ўзингиз лутф айлаган Илхом нуридан нажот,  
Шояд, келтирса нафъ ҳар солим, ҳалол – пок зот!..
2. Шоирона сўз айтдингиз дилҳоҳ тавозеъ била,  
Мисли кўнглим овладингиз Сомирий икки жоду била...  
Таъзим-ла жавоб қилдим: "Бош устига!" – беихтиёр,  
Яхши сўзнинг гадоси – мен, эдим худ баҳтиёр...  
Не ҳасратки, дилдан сухбат... бизни тарк этиб борар  
(Эҳ, ғайри тамойиллар бир-биридан ўтиб борар!..)  
Сизки, пок ният ила мудом кўрсатиб сабот,  
Не чоғлиқ жон кўйдирманг, ўз йўлидан қолмас ҳаёт!..
3. Дарвоқе, саволингиз... Чуқур ўй-андеша билан  
(Замона талаби бу... Кенгфесъл пеша билан)  
Ёндошмок одобини пурдон "савод этасиз".  
Воажаб! Сиз, "Алишерий" савол иршод этасиз:  
"Бундайин сирри ниҳонни... менга ҳам ифшо қилманг –  
То дўст-душман кўзида боз билмай, хато қилманг!"  
Бул огоҳосо наклдан гўё бўлиб хирадманд,  
Шукруллоҳи лутф айтдим: "Доим бўлинг аржуманд!"
4. "Алишерий" жавобимдан ҳайрат, ризо муштарак:  
"Балли!.. Мен – янглишмабман!" (Ортиқ баҳо на керак?)  
Эҳ, мураккаб мавзуда ҳам... сакланса шу таомил,

Зотан, доно аждод сухбати: "мажлиси комил"  
Қанийди – покрав мусоҳиб, сохиби зурафо қавм,  
Аржумани турмаъно, пурандиша – фузало қавм,  
Кошки, хоҳ – кенг, хоҳ – тор; давра ё жуфти анис сухбат  
Худком иддаолардан фориғ бўлсайди факат!..

5. Сиз, эй "нури Илҳом", "Ишқ ояти" янглиғ мўъжиз,  
Сиз-чи, «кавкаби иқбол» олисдан жазб этасиз.
6. Кимки, сиздан баҳравар, ҳеч шубҳасиз, беармон!  
Не ҳасрат, ким бебаҳра – бунинг азоби ёмон...  
(Энг ёмони: риё, тухмат – кечириб булмас гуноҳ,  
Мисли хунрезликни авф этмаганидай Аллоҳ!...  
Ҳей, илҳомни эъзозлаган холис хайриҳоҳ бобо,  
Сиз – мен учун даҳонамо зотлардан фузун-аъло!)
7. Шу нур боис, балким комрон ахлида ҳайрат  
(Шундан: голеъ ёр жуфтлик, зот жавҳари: муҳаббат)  
Шу нурдан қувват олган олим фикрида... равнақ,  
Санъаткор изланар тун-кун, шоир "исёни" – чин, ҳақ!  
Шу нур борки, кексалик... қадди расо, сарфароз,  
Мурғак хаёлотда ҳам баланддан – баланд парвоз!..  
Бас, дарду ўту рағбатсиз битгайму "тоза гул"лар,  
Бергайму чаманга оро хушилхон булбуллар?!
8. Ҳамоно, "нури илҳом", бу – илоҳий нур демак  
(Ҳар мўъжиз ҳол таҳқик-чун қалб идроки керак!)  
Ҳа, бу – кўнгил идроки... Моҳиятан – кудсий туйғу  
Зотан, толеъ юлдузини ким ҳам қилмайди орзу?..  
Илҳом нури-ла мунаввар ҳар мусаллам истеъдод –  
О, асрой олсайди уни йиллар... балким, умрбод!  
Илҳом ва қалб ҳамсозлиги, бу – бобомерос мурод,  
Тики, улар "яққалам" – олам мушкили кушод!
9. Бу руҳоний қудратдан "ақли кулл" ҳам ҳайрон – лол:  
"Қалб идроки" – ҳавос бир ҳол, илҳом нури – ғойиб фол...  
Бири – "кўнгил мулки", иймон ихтиёрида,  
Бири – "Аторуд"дан, "қилки Сунъ" қарорида!  
Ҳар икки қутбда синоат: ўз меҳвари, буржи бор;  
Сўзу Овоз, Рангу Оҳанг – ўз дунёси, дуржи бор!..  
Бу руҳий уммонлар... "икки жаҳон" тасарруфида,  
("Жонлар сенга бўлсин фидо!" – боқий нидо руҳида!)

## **ТАВБАЙ КОМИЛ**

*Одам бўлдимми менам?..*

Миртемир

1. Саҳарлар қилган тазарру ёши – гирёним,  
Бевош-бебок йиллар ёди... уртар виждоним,  
Надоматлар домидаги икки жаҳоним,  
Сўнгти нафас бирла борар дину иймоним,  
Бору будум – Рухи шарифингиз фидоси,  
Во ҳасраго! Ўқинчларим йўқ интиҳоси,  
Қайда умр баракоти, файзу сафоси –  
Бўлмаса Ҳақ маҳфирати, Она ризоси?!...

2. Аллоҳ изжобат айламиш кутлув ройингиз –  
Даргоҳида қабул этиб илтижойингиз:  
Она, умид ўлдузингиз, куёш, ойингиз,  
Орзу боғи, хаёл қасри – “оқ сарой”ингиз...  
Еру кўкка ишонмаган ёлғиз болангиз,  
Овораи жаҳонингиз, шайдо – волангиз,  
“Камолингни кўрсам!..” деган нидо – нолангиз,  
“Ёдгорим сен!..” Унсиз видо – дил ҳаволангиз...

3. Кўнглим лавҳида битилмиш худ оғриқ сўз: “армон”,  
Йўқ, армонмас, бир умрлик тўзимсиз фигон:  
Насиб этмади, водариғ, на жонингизга оро,  
На кўнглизга ором, дардларингизга шифо!..  
На шафқатли келин, на қудалар сурори,  
“Ёлғиз ўғил” шукронаси, жужуклар ғурури!..  
Мехмоннавоз мулокоту манзират фарогати,  
Рўшнолик дуолари, кексалик ибодати...

4. Шукр, ўша тилаб олган аҳадингизман,  
Ибтидодан то интиҳо... ададингизма,  
Фоний дунё сафарида сарҳадингизман,  
Навмид ўтмасликка имдод-мададингизман...  
Она, балким, дилшикасталар қисмати шудир:  
Сиз тилаган орзу ўғли... “ҳақир ул-фақир”.  
(Не ажаб, дил йиғлар хун-хун, жилмаяр зоҳир).  
Сизсиз ноком бу маконда мен ҳам мусофири!..

9. Она, хануз қулоғимда мунгли нидо – ун...  
Фақат, айтинг: тушларимга кирмайсиз нечун?!

Таскин берарлар акрабо: “Оромда рухлар...  
Рухи поклар то Маҳшаргох тинчгина ухлар”  
Заҳматкаш аждоддан мерос – лукмаи халол,  
Гарчанд замон бошқа, Ҳақдан – номаи аҳмол...  
Сўнгги имкон қадар олгум бар то уйғок иймон,  
Рухлар тинчи – ризолиги муборак армон!...

## ТАМАННО

*(Таманно-ю ўтичиларим)*

*Басе иссиқ, совуқ кўрдим замонда  
Басе аччиқ, чучук тоттим жаҳонда...*

Алишер Навоий

Менга умр иморати омонат – Сизсиз,  
Боги биҳишт, қасри олий на ҳожат – Сизсиз?  
Сизсиз – қайдан меҳмоннавоз даргоҳда файз,  
Зариф, закий суханпарвар лутфида тамиз?..  
Сизсиз – кўзларимни тарқ этгуси ҳайрат,  
Сўзларимда завқ-шавқдан, дардан жозиб ҳолат!..  
Банд этолмас, «боғи жаҳоноро»лар – Сизсиз,  
Тонг кушлари «соз айлаган наво»лар – Сизсиз...

Сиз хур фикр волидайин умид юлдузи,  
(Мудом қулоғимда таҳсин «онанинг ўзи!»)  
Аллоҳ тақдир этмиш қатор аза, қатор тўй,  
Қанча яхши-ёмон кунлар, бори ташвиш-уй...  
Сен, эй Ҳаёт! Мунча ширин рўшноликларинг?!  
Водариғо! Мунча аччиқ жудоликларинг?!  
Айта берсам – узок достон, сўнгсиз ҳикоят,  
Равомиди Сизсиз менга бу синов-қисмат?!

Эсимда: лайлатулқадрдай ўтиб узун тун,  
Ногоҳ келиб эди сахар ғойибдан бир ун –  
Рұхафзо бир мужда – жону дилимга дармон,  
Юрак таниш одимларни сасидан сезар.  
(Не тонг, болани шоштирас доим хушхабар)  
Ва Сиз кириб келардингиз!.. Мўъжиз бир ҳолат:  
Гуё фариштага тўлар эди олти жихат!

Мунир эсталиклар. Мехру вафо – адосиз,  
Шу эмасми «умри азиз?» Дамлар – баҳосиз...  
Хай, тақдирдош, бир ўтингчим: беринг ихтиёр –  
Риёзатга интиқ фикрат топмасин озор!  
Майли, сафҳаларда тинсин кўзим чарчоқдан,  
«Ақл боши айлансин» гоҳ, илож топмоқдан.  
Иймон – илҳом ҳамсозлиги бўлсин бардавом!  
Тирик экан, жафокашга тиламанг ором!

Боз ўтингчим: зинҳор рўйхуш берманг гумонга,  
(Шубҳа – гумон насли шайтон, горат иймонга!)

Тилим бормас дил ниёзим – арзларим бор,  
Сиз англаган, англамаган... ожизликларим.  
Ҳақ мағрифат айлагувси ноқисликларим!  
Бас, ғанимат умр, эмди шукронда фақат,  
Магар нажот шу: «тавбаи комил» ибодат!

## ТЎЗИМСИЗ ИЗТИРОБ

*Ўз вужудинга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсан – ўзингдин истагил.  
Алишер Навоий*

Раббим, инояting чексиз, меҳринг – беминнат,  
Яхшиларга эҳсон этгил тамаъсиз ҳиммат.  
Мен ёмонга кўз туттирма кимсадан шафқат,  
Кўп қадим панд: «Таъналик ош – оғу окибат».  
Ошинолар бор: тилларида шакарқанд таҳсин,  
Дилларида нима ўйу ният яширин –  
Бандаларинг сири ёлғиз ўзингга аён,  
Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!  
Азалий ҳол ва сирли фол: эврулар дунё,  
Ногоҳ ҳаёл – вокеъ, ногоҳ ҳакиқат – рўё...  
Дош беролмас салтанатлар тўлса паймона,  
Аҳбоб ғанимга айланар, ўзлар – бегона.  
Ха, аёвсиз зиддиятда раҳмон ва шайтон,  
Таҳдид сола олмас ғафлат то уйғоқ иймон.

Магар кўнгилда иштибоҳ, азобли армон:  
Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!  
Аҳли салоҳда йўқ риё, аъмол – ўзгача,  
Кимнинг дилу хилқати пок, афъол – ўзгача...  
Бу жафокаш мулк паноҳдир яхши, ёмонга  
(Она бирдай ғамхора-ку оқил, нодонга),  
Истеъдодлари «тенги кам», эй туркий замин,  
Даҳонамо тоифадан Худо асрасин!  
Куръон бурҳон: фориг эмас хатодан инсон,  
Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!

Одамлар бор: яхшиликка ёмонлик тилар  
(Ер кўтариб юрган турфа худобехабар).  
Не ҳасратки, залолатни кўриб, алҳазар,  
Ҳатто беҳбуд зотлар... тағофилга борарлар.  
О, хуш сурат лоқайд қавмдан ўзинг халос эт,  
Рўзу манзил узра мудом раҳмонни хос эт,  
Мени аросат кунжида қолдирма ҳайран,  
Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!

Яхши – ёмон нисбатида энг мубҳам жиҳат:  
Баҳо мезони-ку... қайда ўша ҳақиқат?  
«Одамийлар одамийси» – аҳли саховат,  
Бильякс, ёмонлар ёмони – зоти разолат!  
То Саховат буржи событ – ҳаёт мунаvvар,  
Тўртта арзолнинг касридан жаҳоний хатар...  
Бас, кутбларки юзма-юз довлашган замон,  
Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!

О, азалий зиддиятлар, боқий қароргоҳ!  
Сирингиздан факат рухи уйғоқлар огоҳ...  
Орифлардан ўтиб ҳеч ким айтольмас, рости:  
Тақдирда не битилмасин – «Худонинг хости»  
Инсон қадри гоҳ сарбаланд, гоҳ ҳақибу хас  
(Кўнгил хушининг қисмати ё эрк, ё қафас...)  
Майдон ичра кимдир мағлуб, ким ураг жавлон,  
Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!

“Аҳли тамиз” – расо, порсо зотлар эмас оз,  
Хўблар даврасида, шаксиз, улар сарафroz...

Гарчанд бугун қадр бошқа, ўзга – эътибор,  
Дунё – янги, ҳатто бошқа эрку ихтиёр...  
Нахот қадриятда – ислоҳ, ўзгача мезон?!  
Аҳли салоҳга эҳтиёт... бамисли қалқон?  
Тангрим, янги синовми ё: «баҳоли имкон»?  
Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!

Боқий ўлан: «Бир яхшига – бир ёмон, ёр-ёр»  
Қанча замонлардан ёниб ўқилур алёр...  
Не ҳикмат бу: кайғу билан йўғрилур қувонч,  
Бул ажаброқ: иштибоҳдан яралур ишонч!  
О, ким айтар: қайси яхши, қайси – ёмони,  
Қайда умид, нажот; қайда – озор, армони?  
Бас, ғанимат умри инсон – олий имтиҳон,  
Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!

Яхши – ёмон китобини ўқидим бисёр –  
Тахайюлда на бир таскин, на дилда карор...  
Тангрим, валийларнинг сўзи бўлса ҳакикат –  
Яхши одам қай сарига борар оқибат?  
Хўб англадим: «Ямон зоҳиру яхши – ниҳон».  
Фақат лолман: «Яхшиси – бори ёлғон!»  
«Ўзни ямон – яхшидин ўткардим» алъамон –  
Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!

Яхшилар бор, шукр, умр азиз, мукаррам,  
Яхшилар бор – мушкул осон, ҳавфсиз ғам-алам.  
«Ёмон одам» огоҳ рамзи бўлслайди фақат  
(Не ҳасратки, ҳукми қисмат баъзан бешафқат),  
Даргоҳинг кенг: мағфиратда бўлгил, Илоҳо –  
«Яхши одам» шевасидан этма мосуво!  
Мендан ўзга бир дилишикаст демасин нолон:  
«Бу оламда яхшилардан алданмак ёмон!»

## ТҮЙМАДИМ, ЙЎҚ, ТҮЙМАСМАН!..

1. Бу жон сенга бўлсин фидо! – дегум токи умрим адо,  
Сўзим бўлса ёлғон – хато, ўтай оламдан бенаво...

Мен ҳақирнинг дилдош сўзим: сенинг Мехрингга, эй дунё,  
Бул ажабки, тўймадим ҳеч, тўймадим ҳеч, тўймадим ҳеч!..

2. Magар яхши-ёмонингга, аччиқ-чучук, армонингга,  
Ҳақдан рўзи насиб – эҳсону шоён армуғонингга,  
Шукронай неъматинг, тақдир этган ранж, фифонингга,  
Бул ажаброқ: тўймадим ҳеч, тўймадим ҳеч, йўқ, тўймадим!..

3. Берган суур, шавқ-рағбатинг, мажозий муҳаббатингга,  
Мурғак чоғимдан баҳш этган беадад раҳматингга,  
Раво кўрган синовларинг, мағфирату шафқатингга,  
Боз ажаброқ: тўймадим ҳеч, тўймадим ҳеч, йўқ, тўймадим!..

4. «Алишерий» Сўз сехрига, илоҳ маъно сехрига,  
Ҳарчанд кеч уйғонган комрон, «улуғ мудда» сехрига,  
Бош узра чарх урган хаёл – рухафзо садо... сехрига,  
Не ҳасратки, тўймадим ҳеч, тўймадим ҳеч, йўқ, туймасман!..

5. Аҳли саховатпеша ҳиммати – ҳалоскор нажотига,  
Аҳли зариф зотига, соҳиб малоҳат сифотига,  
Ҳар «тоза гул»нинг атрига, Иффат, Ҳаёл наботига,  
Мен волаи бесомон: тўймадим, тўймадим, тўймадим!..

10. Аслий ватан – хўб соғинган «байтулҳазан» жалолига,  
Шоҳ Бобур васф айлаган биҳиштосо мулк жамолига,  
Армонга айланган тоғ, «Жаннатарик» файз – камолига,  
Хай дариф!.. Тўймасман ҳеч, тўймасман ҳеч, йўқ, тўймасман!..

11. Ватан! Ер – осмонинг таратган нур – сафобаҳш рангларга,  
Тонг қушлари, сой – ариқлар, «Чор»гоҳлар жўр оҳангларга,  
Илк саҳарлар ялангтўш эрлар уйғоқ кутган тонгларга,  
Мен хокпойинг: тўймасман ҳеч, тўймасман ҳеч, тўёлмасман!.

12. Миллиятим! Кўнгли уммондай тин билмас, кенглигингга,  
Хоҳ улуғ, хоҳ кичик, шоҳ-гадо муштарак, тенглигингга,  
Қаторларда: майдон, давра, жавлонгоҳда – «мен»лигингга,  
Ифтихорим! Тўймадим ҳеч, тўймадим ҳеч, йўқ, тўймасман!.

13. Назаргоҳда кўп викорли, мавжар ажойиботингга,  
Пурхикмат ҳар «олти жихат» – жозиб мўъжизотингга,  
Алалхусус, руҳий хилқат – ғойиб гаройиботингга,  
Мен лол, мутахайиринг: тўймадим, тўймадим, тўймасман!..

14. Сен, эй собиru событ, жафокашу балокаш элим!  
Наслидан ёдгор, Ҳиротда сайқал топган тилим,  
Уврату сийратда – комилим, ал-кисса: Жону Дилим,  
Боқий меҳрингга тўймасман, тўймасман ҳеч, йўқ, тўймасман!..

### ***КЎНГИЛ КАЪБАСИ***

Ун ёғий бор: нафс, ҳасад, риё – этар зоеъ умрингдан огоҳ...  
Уч оғат бор: кибр-ҳаво, шубҳа, ғафлат – килур донони гумроҳ,  
Уч раҳмат бор: ҳакиқат, иймон, исмат – Аллоҳдан паноҳ,  
Каъбаи хосим – ўзинг, эй Кўнгил, сен яхшиларга саждагоҳ!..

*Шифохона, 2003 йил, декабр.*

## СУХБАТЛАР

### **ЁШ АВЛОДНИНГ МАЊНАВИЙ ҚИЁФАСИ**

(Мунаққид М.Маҳмудов билан сұхбат)

*Maҳкам МАҲМУДОВ.* Фан техника тараққиёти бекиёс күламларда ривожланаётган, моддий неъматларга қизиқиш беҳад ортган ҳозирги даврда кишиларнинг мањнавий савияси кай даражада? Бу саволнинг зиддиятли томони шундаки, ахлоқий, мањнавий эҳтиёжларни аниқ рақамлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлмайди. Соддароқ қилиб айтганда, илғор корхоналаримиз одамларга аъло сифатли нон, сут, шириналар, кийим-кечак, уй-рўзгор жиҳозлари етказиб бериши мумкин. Аммо одамларга ким етарли миқёсда одамийлик, виждон, гўзаллик, яхшилик, мардлик, олижаноблик, ҳалоллик, соғдилийлик, севги ва руҳий-мањнавий фароғат етказиб бера олади? Маълум мањнода “дефицитлашиб” бораётган, шоир Абдулла Орипов айтганидай, “Қизил китоб”га ёзилаётган бундай мусаффо туйғуларсиз эса инсон баркамол бўлолмайди. Назаримда, биз ҳамма нарсадан ҳам кўра кишиларнинг мањнавий камолоти ҳакида кўпроқ ўйлашимиз керак.

*Ботирхон АКРАМОВ.* Алишер Навоийнинг лирик, лиро-эпик ва насрый асарларида “фазлу камол” ёки “камолу фазл”, “зежни солим”, “табъи мавзун” каби пурмаъно таъбир-ибораларни учратамиз. Бунда улуғ шоир “фазл”да, асосан, инсоннинг ахлоқий мањнавий дунёсини, “камол”да унинг ақлий заковатини, шунингдек, “солим”-да тафаккур бутунилигини, “мавзун”да туйғулар, майллар нозиклиги ва уйғуналигини кўради, кўзда тутади. Навоий интеллектуал-мањнавий дунёнинг бундай муҳим жиҳатларини, кўпинча, ёнма-ён кўяди, уларни бир бутун билади... Биз ҳам бугунги ёшлиқ, хусусан, талабалар дунёсига бир-бири билан узвий шу икки жиҳат – мањнавият ва заковат тушунчалари орқали ўз муносабатимизни билдирусак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

*Maҳкам МАҲМУДОВ.* Ботирхон ака, бу саволингиз жуда чукур бўлгани учун уни атрофлича мулоҳаза қилиш керак бўлади. Ақлий, интеллектуал ривож ҳакида гапирадиган бўлсак, бугунги ёшлар ҳар қачонгидан ақдлироқ. Улар ҳар куни газета ўқиёди, телевизор кўради, радио эшитади, китоб ўқиёди, турли фанларнинг муаллимларидан сабоқ олади. Шунинг учун ҳам, устоз Абдулла Қаҳҳор ўзи-

нинг болалик йиллари ҳақида ёзганида, у давр одамларининг соддатигини тасвирлар экан, булар энди “утмишдан эртаклар”га ўхшаб колди, деган эдилар. Ҳа, ҳозирги ёшлар жуда кўп нарсаларни билишади. Аммо бу билимлар уларнинг фазлу камолини орттирияптими, нуқми, деган савонли ўргага ташлаш пайти келмадимикин?

Ақлий билимлар, ақлий онгни оширади. Ахлоқий ва бадиий билимлар маънавий онгни оширади. Бизнинг маориф тартиботимизнинг ҳозирги даражасида, асосан, болаларнинг ақлий билимларини, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий билимларини ошириш эътибор марказида турибди. Мактаб боласи ёшлигига ёқ ҳатто ота, бобоси билмаган Жеймс Уаттнинг буғ машинасини, Стефенсон парвозини, Ньюуазъе тажрибаларини, Ньютон биномини, Эйнштейннинг нисбийлик назариясини, квантлар ва лазерларни озми-кўпми билади. Аммо у баъзан оддий нарсани – отасини, онасини, ака, укаларини, дўстларини, муаллимларини – умуман, инсонни чин юрақдан ҳурмат килиш кераклигини, одамни оламдаги барча мавжудотлардан шаҳар техника қуролларидан юксалтириб турувчи – кўнгли борлигини, у тоза ва нафис бўлиши зарурлигини билмайди. Ана шу оддий ва шуруйи билимдан хабарсизлиги туфайли ҳар қадамда ота-онасини, унга одамларни ранжитади, қўполлик қиласи, яхши ният билан қилинган ғамхўрликка, жонкуярликка лоқайд қарайди ёки қўрнамаклик қиласи. Ҳа, бу гапларни очиқ айтавериш керак, яширган билан барибир иситмаси ошкор қилиб қўяди.

Аниқ фанлар – физика, химия, алгебра, биология, математика, геометрия, электроника, кибернетика ва ҳоказолар инсоният қўлига курдатли қурол беради. Бу қурол маънавий, ахлоқий онг жиҳатидан старли камол топмаган одамлар қўлига тушиб қолса нима бўлади? Бу ҳақда ҳозирги авлодгина эмас, қадимият мутафаккирлари ҳам кўни ўйлашган. Қадимги инсоният бу ҳақдаги ташвишларини поэтик фантазия маҳсули бўлмиш мифлар, ривоятларда равшан акс эттирган. Зевс бошлиқ Олимп маъбудлари илоҳиётни, юксак руҳий парноузларни тушунмайдиган оддий одамлар қўлига олов беришни абадий таъциклаб қўйишган. Маъбудлардан бири Прометей одамлар мангу зулматда яшамасин, деб илоҳий оловни (бизнингча, илм-фан иёсини) осмондан ўғирлаб, ерга олиб тушган. Прометейнинг бу шинидан газабланган Зевс уни лаънатлаб, мангу қояга занжирбанд ўтишга фармон берган. Шуниси таъсирилики, илм-фан, хунар, оловкорлик маъбути Хефест биринчи бўлиб, Прометейнинг ўзини зан-

жирбанд этиб, унга азоб беришга мажбур бўлади. Тўғри, Прометей инсониятни зулматдан, билимсизликдан халос этиб, улуғ жасорат кўрсатди. Аммо кейинчалик, инсоният ана шу илм-фан олови ёрдамида оммавий қирғин куроллари ишлаб чиқара бошлади. Инсоният худди ақли кирмаган ёш боладай, ўз уйини ёқиб, олов билан ўйнаппа бошлади.

Баъзи ёшлар маънавий билимлардан хабарсизлиги туфайли у журъат, дадиллик нимаю, уят, андиша, хаё, тортиңчоқлик нима эканлигини билмай, бу нозик тушунчаларни чалкаштириб юборишади. Қаерда қайси бирини ишлатишни билишмайди. Эҳтимол, баъзилар бу гапларнинг накадар муҳимлигини англамас. Ана шундай кишиларга тушунарли бўлиши учун бир ўхшатишни келтириш жоиздир. Адолат, ҳақиқат, яхшилик учун каттиқ жанг боряпти. Жангта кирганлар турли куроллари қаерда ишлатилишини билмай чалкаштириб юборди, деб фараз қиласлий. Ундай одамлар олов ёқиши ўрнига сув сепадиган куролни ёки ёнғинни ўчириш ўрнига бензин сепадиган қуролни ишлатса нима бўлади? Шу каби маънавий қуролларни ишлатишни билиш ниҳоятда муҳим, кечикириб бўлмайдиган муаммо деб ўйлайман.

Одамга журъат шундай пайтда керакки, у хўрланаётган малика – Адолатни кучли ёвлар хуружидан асрой олсин. Катта бир мажлисда яхши, ажойиб бир одамни арзимаган хатоси учун кўпчилик ёмонга чиқаряпти, деб фараз қиласлий. Айниқса, ўша яхши одам тўғрисўзлиги учунми, талантлилиги учунми, шу идора раҳбарига ёқмай қолган. Кўпчилик одамлар кўнглида яхши одамни айбисизлигини билса ҳам бошлиқлар фикрига қарши боришга журъат қиломайди. Ё лоқайд, бетараф, индамай ўтиришади ёки бошлиқка яхши кўриниш учун яхши одамга ҳар бурчақдан тош отишади. Шундай пайтда бирор киши журъат қилиб, бу одам жуда яхшилигини, унинг хизматлари кўшилигини, бошликлар шу масалада ноҳақ эканлигини айтиши ва ўз фикрини далиллар билан, ётиғи билан тушуниши керак. Аммо ҳозирги баъзи ёшлар сурбетликни, бефаросат саволларни журъатлилик деб ўйлашади. Булар учун ўтган-кетган қизларга гап отиш, индамай ўз ишини қилаётган камтарин одамни масхаралаш, муаллим қизиқарли мавзуда гапираётганида уни бўлиб, чалғитишни яхши кўрадилар.

*Ботирхон АКРАМОВ.* Сиз баҳсимизнинг бошида: “Инсоният илм фан олови ёрдамида оммавий қирғин куроллари ишлаб чиқара

бошлади... Худди ақли кирмаган ёш боладай ўз уйини ёқиб, олов билан ўйнаша бошлади,” дедингиз. Бу фикрда, менимча, шоирона мантиқ, масалан, Эркин Вохидовнинг “Инсон” қасидаси, Абдулла Ориповнинг “Сўнгги уруш” шеърларига ҳамоҳанг умумбашарий таҳлика бор. Тўғри, биз термоядро урушидек оммавий қирғиннинг реал ваҳми-хатари олдида салгина бўлсин ғофилликка ўрин беролмаймиз. Ҳатто давримизнинг ғоятда кескинлашган сиёсий, мафкуравий, ҳарбий, иқтисодий зиддиятларига – муросасиз, антогонизмiga қарамай, ҳалқаро империализм ва реакциянинг ёвуз мақсадларини қадам-бақадам фош қила туриб, бош масала – тинчликни саңлаб қолиш учун, инсоният тақдирини, ердаги цивилизация ва ҳаёт тақдирини ўйлаб, дунёдаги барча соғлом тафаккур, илғор, объектив заковатнинг кучи, имкониятларини ўз кучимиз ва имкониятларимиз билан кўшган ҳолда, даҳшатли таҳликани камайтириш йўлларини қидираверамиз. Инсоннинг азалий содиқ йўлдоши маърифат ва заковатнинг янги-янги манзилларига интилишда бир дақиқа бўлсин, пайсаллашга ҳам ҳаққимиз йўқ (бу ҳаёт, тараққиёт мантиғига, тафаккур табиатига, азалий идеал – инсонни ҳар жиҳатдан комил кўришдек улут боболарнинг эзгу армонига зид бўлур оди). Шу маънода, ҳозирги оммавий қирғин воситалари – ядро, навзер, кимёвий, биологик ва бошқа хил куроллар қанчалик хатарли бўлмасин, мана шу жиддий аҳвол ҳам, барибир, илмий-техник тараққиётнинг доимий суръати ва шиддатига салбий муносабатни сира оқламайди. Барча яхши ниятли, соғлом фикрли одамлар учун бирдан-бир тўғри йўл шуки, бугун ҳаётнинг ўзи илмий-техник тараққиёт тенденцияларини; унинг перспективаларини ҳар қачонгидан яхшироқ, асослироқ билишни – феноменал заковатни, истиқболли маърифатни тақозо қилмоқда. Энг мушкул вазифа шундан иборатки, бундай заковат мантиқан маънавиятга зид келмасин, аксина, улар бир-бирини тўлдирсин, бойитсин. Умидсизликка сира урин бермай, мана шу мураккаб муаммони ҳал қилиш йўллари, имкониятларини қидиравериш керак. Агар бунда инсоний фазлу камолнинг биринчи устози иймон, эътиқод ўзи мададкор, нажоткор бўлса, фафлат, иштибоҳ, ҳорғинлик чекинади. Ақл ва қалбнинг кутилмаган, сирли-сехрли космик кенгликлари, теранликлари, юксакликлари бир-бир аён бўлаверади. Зоро, инсон Эркин Вохидовнинг “Гирик сайёralар”ида шоирона нақл килинганидек, “Унинг ўзи сирли бир дунё”, “Дунё эса фақат заррадир”. Шоир инсонларни ҳар

канча улуғвор ишлар қилган бўлса-да, коинот олдида зарра эканлигини эслатиб, камтаринликка чақирмоқда.

*Маҳкам МАҲМУДОВ.* Ғарб мумтоз адилари, шоирлари, мутафаккирлари Жан Жак Руссо, Лессинг, Ҳердер ва бошқалар инсонларни табиатдан ўрнак олишга, турли низо, жанжал, қирғин урушлар, сиёсий найранглар қилиш ўрнига, табиат қучогида, табиий, самимий яшашга дъяват қилганлар. Руссо “Фанлар ва санъат-хунарлар равнақи одамлар хулқини яхшилашга ёрдам берадими?” номли асарида, Шарль де-Монтескье “Форс мактублари” асарида хулқ ёмонлиги, ахлоқий таназзул жамиятни таназзулга учратишини исботлаб ёзганлар. Одамларнинг хулқидаги ҳайвонларга хос, гоҳо улардан бадтар тажовузкорлик, ёвузлик, очкӯзлик, худбинлик (факат ўз фойдасини ўйлаш) ички ва ташки, ҳалқаро низоларни ҳам келтириб чикарган. Руссо “Коллектив (жамоавий) келишув” асарида барча инсонларни ижтимоий, сиёсий, иктисадий тажовузларга қарши аҳиллик, бағрикенглик, толерантликни, ижобий маънода муросасозликни тарғиб қилган. Шу қаби инсонпарварлик, табиий, эркин, озод яшаш ҳақидаги ғояйлари туфайли Руссо асарларини кейинги адиллар, шоирлар, мутафаккирлар Гёте, Байрон, Лев Толстой, Р.Тагор ва бошқалар севиб ўқиган ва унинг ғояларидан руҳланган эдилар.

*Ботирхон АКРАМОВ.* Маҳкамжон, сиз кутилмагандан жуда муҳим масалани ўртага ташлаяпсиз. Аввало, ўз ҳалқининг, кўшни қардош, тақдирдош ҳалқларнинг тарихини, қолаверса, бутун башарият тарихини мумкин қадар яхши билиш – баҳсимизнинг асосий мазмуни ва мақсади – том маънода маърифатли, заковатли бўлиш орқали маънавий камолот касб этишнинг ғоятда муҳим, ҳаётий ва мантикий асосларидан биридир. Россия Ёзувчиларининг VI съездидан машхур шоир Е.Евтушенко ўз нутқини Л.Толстойнинг кўйидаги пурмаъно сўзларини келтириш билан бошлади: “Мен Тарихга эпиграф сифатида: “Ҳеч нарсани яширмайман” деб ёзган бўлардим. Бунда тўғридан-тўғри, лафзан ёлғон гапирмасликнинг ўзи кифоя эмас. Ҳатто сукут қилиш йўли билан – салбий маънода ҳам ёлғон гапирмасликка интилиш керак”. Нафақат Россия ва Ғарб тарихини, фалсафасини, балки Шарқ тарихини, ҳатто тасаввуф фалсафасининг турли оқимларини то Махатма Ганди таълимотигача яхши билган Толстой тарихни била туриб сукут саклашни, ҳақиқатни яшириш ёки бузиб кўрсатишни инсон заковатига, маданиятига зид,

зарарли тамойил деб ўйлайди. Бу жиҳатдан бизнинг аҳволимиз жуда фожиали: аксари тарихимизни яхши билмаганимиз учун ҳам унга нодонларча маломат тошларини отамиз ёки виждонини, диёнатини йўқотмаган одамлар уни яхши билмагани учун сукут сақлайдилар... РСФСР Ёзувчилари ўз анжуманида инсоннинг тарихийлик туйгуси, тарих тарбияси (“воспитание историей”), Ватан тарихининг сабоқлари, буюк аждодлар мероси, ўлмас ёдгорликлар, манғу маданий-маънавий ҳазина – она тили, миллий ва умуминсоний аиъналарни авайлаш ҳақида, замонавий арzon-гаров, шармсиз, ғоясиз, принципсиз, ғайри ахлоқий руҳдаги “Эркин дунё” маданиятининг янги модаларидан ҳазар қилиш ҳақида ёниб, куюниб гапирдилар.

Тўғри, бизда ҳам – бугунги ўзбек адабиётида, жумладан, шеъриятида маънавий оламнинг турли соҳаларига, ҳаётнинг ўзи илгари сурайтған муаммоларга ҳар қачонгидан фаол, дахлдор муносабат аён сезилади. Аскад Мухторнинг адабий ҳафталигимиз Янги йил анкетасининг сўнгги саволига жавобида Пиримқул Қодировнинг “Мерос” қиссасида кўтарилган муаммо – маънавий мерос бугун алоҳида аҳамият касб этиши, Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик орасида” романида урун даври вокелиги орқали ҳаяжонли ифодашанган инсонга меҳр-шафқат туйгуси бугун ўзига хос акс садо бериши мухтасар тарифлаб ўтилган. Зулфия ва Аскад Мухторнинг янги туркумларида (“Тонг билан”, “Олтин нурларингда тебрат дунёни”), Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Рауф Нарфи, Жамол Камол, Усмон Азим, Машраб Бобоев, Хуршид Ҷаврон, Йўлдош Эшбек, Сирожиддин Сайид каби ҳақиқий истеъоддод эгаларининг ҳақпарамаслик, иймон бутунлиги, виждан соғлиги, баҳтнинг чин маъноси, маънавий мероснинг табаррук ва муқаддаслиги каби ҳар қачонгидан замонавийроқ мавзулардаги шеърларида самимий, ошкора, дил-дилдан айтилган гашлар, ҳар бири ўзига хос характердаги, тавсиф-схемадан ҳоли, бетакрор ва умумлашма, лавҳа ва образларда ифодаланганини кўрамиз. Шуниси дикқатга моники, ҳақиқий мстеъоддод эгалари – шоирлар, носирлар, шу жумладан, ёш каламкашлар ижодий ҳалоллик, рўй-ростлик принципига имал қилиб, сиз айтганингиздай, ҳаётдаги негатив ҳоллар узул-кеシリ очиб ташланмасидан анча илгари бундай иллатларнинг айрим унсурларига қариши муросасиз кураш бошлаган, улар ахир бир кун қораланишини, тавқилаънатга маҳкум эканлигини бадиий прогноз

қилган эдилар. Афсуски, бугунги кунда жамиятимизнинг турли қатламларида республика қалам аҳли хозирги ялпisisiga янгиланиш, покланиш талаблари даражасида ижодий активлик, гражданлик жасорати, ғоявий-бадиий юксаклик намунасини кўрсатмоқда де-йишга ҳали-хозир етарли асосга эга эмасмиз. Эҳтимол, бунга сунъий говлар ҳам сабабчи бўлаётгандир. Е.Евтушенко бир нутқида талантсизлик, соҳта ватанпарварлик йўлини доим қизил светофор билан тўсиш ёки аксинча, – ҳақиқий талантлар учун “шлагбаум” психологиясини бекор қилиш вақти етганини баралла айтди. Ҳали ҳам ўткир, жанговар шеърнинг босилиб чиқишидан бехудага чўчимиз деб яхши айтди. Нотиқлардан Мустай Карим, Сергей Викулов, Василий Белов, Валинтин Распутин, Анатолий Ланниковлар ҳам шунга ҳамоҳанг сўзларни айтдилар.

*Маҳкам МАҲМУДОВ.* Русия адиларида эркин фикр айтишга интилиш кучлироқ, уларнинг А.С.Пушкин, И.С.Тургенев, Ф.Достоевский, Лев Толстой ижодига ва шахсига ҳалқ эҳтироми, раҳбарларнинг ҳам ҳурмати баланд бўлган эди, ҳозир ҳам шундай. Бизда эса, мумтоз шоирларимиз Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Амир Умархон, Нодира ижодини сал мақтасак, золим феадалларни идеаллаштиридинг деб камчи билан урап эдилар. Ўзбеклар, туркистонликлар, умуман, Шарқ ҳалқлари менталитетига хос вазминлик, андиша, мулоҳазакорлик, гоҳида мутеълиқ ва журъатсизлик бадиий ижодда ҳам кўзга ташланади. Фарб ижодкорлари эса анча эркин фикрлайдилар. Далада омочининг пичоги билан сичқон уясини бузгани учун инглиз шоири Роберт Бёрнс кечирим сўраб ёзган шеърини, Пьер Беранженинг Франция министрларининг сотқинлиги, хоинлигини ҳажв қилган шеърини, Белгия адаби Морис Метерлинкнинг “Кўзи ожизлар” драмасини, “Гуллар ақл идроки” бадиасини ўқиб, бу миллатларнинг вакиллари фаҳрланадилар. Сиёсий арбобларнинг ҳалққа қилган яхшиликлари ҳам, шоир, адиларнинг санъати, асарлари ҳам мангу тарихда қолади.

*Ботирхон АКРАМОВ.* Бугун ҳалқимиз ҳақиқат юзига тик қарашга, куруқ сафсатабозликка, кўзбўямачиликка, қалбакиликка карши принципиал кураш бошлашга, сўз билан иш бирлигига даъват этаётган экан, моҳият эътибори билан ўша “мехнаткашилиги” фақат сон-миқдор билан ўлчанганд (демак, замирида худбин шахсиятпрастлик ётган), ҳатто истеъоди ҳам маҳдудлик қобиғига ўралган баъзи олимлар, ижодкорлар, бошқа таифа зиёлилар, ҳақиқий зако-

ватдан маҳрум, яхшироқ разм солганда, инсоний эътиқод ва масшаги заиф, иймони ногирон кимсалардир. Аён бўладики, бунда канадайдир мантиқий зиддият эмас, балки никобланган ёлғон – машъум қалбакилик жамоат фикрини чалғитади, энг хавфли томони – айрим ёнилар, жумладан, талабалар онгини заҳарлайди, уларда нотўғри, пообъектив, номарғуб тасаввур туғилишига сабаб бўлади...

*Маҳкам МАҲМУДОВ.* Ботирхон ака, яқинда марказий телевидениядан атоқли рус ёзувчиси Даниил Гранин асари асосида ишланган уч серияли “Картина” деган телефильм намойиш қилинди. У ерда жуда муҳим ва дадил муаммолар кўтарилган. Фильмда ватанга муҳаббат мавзуи, мамлакатимизнинг гўзал, хушманзара, тарихий жойларини асрар қолиш ҳақида гап боради. Йигирманчи йилларда улиб кетган талантли рус рассомининг асаридан таъсиранган Никово шахри партия комитети секратари халқ фикри, истагини хисобга олиб, ҳалиги хушманзара жойни музей ва дам олиш зонасига айлантириб асрар қолишга интилади. Лекин бу яхши интилиш обком секретарига ёқмайди. Ўша меъморий ёдгорликни бузиб, боғдаги ажойиб дарахтларни кесиб, шу ерга ЭҲМ заводи қуриш лойиҳаси тасдиқланган, яъни қонун тусига кирган. Бу лойиҳани ўзгартириш қийин. Ватан тарихини эслатувчи эски жойни сақлаб қолиш обкомдаги ўртоқларга, горкомдаги баъзи ходимларга жуда аҳамиятсиз қўринади. “Хўп, заводлар қурилишлар яхши, аммо шуларнинг ҳаммаси нима учун? Нимага халкнинг орзу-истакларини хисобга олмаймиз?” деган саволга обком секретари жавоб беролмай қолади. Чунки у сиз айтгандай жуда ғайратли, ишchan, партиявий раҳбар, аммо интелектуал камолоти фақат аниқ фанларга асосланган. Аниқ хисоб-китоблар асосида ишлагани учун унга “машина-одам” (“компьютер”) деб лақаб қўйишган. Фақат ишлаб чиқаришни фантехника ривожини, турли маъмурий тадбирларни ўйладиган, мажнисларда расмий гапларни яхши кўрадиган баъзи ғайратли-раҳбарлар борки, улар жуда илғор кишилар саналса ҳам, энг муҳим нарсани, инсонларни қадрлашни билишмайди. Устоз Асқад Мухтор ҳам “Чинор” олманида маънавияти заиф фирмә котибларини, тоталитар тузумни, халкини менсимаган раҳбарларни тасвиirlаб, ҳақиқатни айтган.

*Ботирхон АКРАМОВ.* Мен адолатсизликнинг бошқа хил кўришиларини ҳам асли эътиқод – дунёқарашнинг чекланганлиги, ҳақиқий интелектуал савия – улуғ боболаримиз эъзозлаган заковат-

нинг “хом ва нотамом” (Навоий)лиги ёки умуман, номавжудлиги – ноумидлик, жаҳолат билан изоҳлар эдим. Бундай иллатнинг турли кўринишларини учратиш қийин эмас: сунъий, носамимий мулозаматлар, сохта, зўраки хатти-ҳаракатлар, хушмуомалалик, муғомбира на табасум пардасига ўралган ёвузлик, бирон бир тамаъ, илинж, ғараз тақозоси билан боғланган, хаттоки таҳқири, ҳақоратомуз ҳолат ва вазиятлардан ҳам ҳазар қилмайдиган ёки хушомад, ялтоқлик билан ниқобланган тубанлик, демогогик чиранишлар, сохта билим-донлик, сохта маданийлик – олифталик ва шуларнинг синоними бўлган замини носоғлом, заарали – юқумли, айниқса, навқирон авлод – ёшлар, талабалар учун хатарли бўлган ижтимоий иллатлар – ёмонлик уруғлари...

Адабиётимиз ҳозирги жамиятимизнинг олға боришига, ривожига ҳалакит берувчи мана шундай ижтимоий иллатларга қарши кескин ўт очмади. Бу қаращдан, албатта, адабиёт ва санъат арбоблари четда туриши мумкин эмас. Ҳозирги ёзувчи, шоирларимизнинг асарларида мана шу адолатли кураш қандай аксини топяпти?

*Маҳкам МАҲМУДОВ.* Адабиёт, саъатнинг асосий вазифаси ҳамма замонларда инсон камолоти учун ҳизмат қилиш, ҳақиқат, адолат учун кураш, “кичик” софдил, ёруғликка, эзгуликка ташна одамларни ёвуз ва разиллик оламидан ҳимоя қилишдан иборат бўлган. Бу олижаноб вазифани олимлар илмий тилда адабиёт, санъатнинг гуманистик пафоси дейишади. Ҳозирги наср, шеърият ва драматургиямиз ўзининг шу муқаддас вазифасини қандай бажарайпти? Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, Асқад Мухтор (“Чорраҳа”), Пиримкул Қодиров (“Нажот”, “Яйра институтга кирмокчи”), Неъмат Аминов (“Сувараклар ёки ёлғончи фаришталар”), Абдулла Орипов (“Жаннатга йўл”), Эркин Воҳидов (“Сўнгти кема”), Ўткир Ҳошимов (“Нур борки, соя бор”), Ўлмас Умарбеков (“Ўз аризасига кўра”), Абдукаҳҳор Иброҳимов (“Зўлдир”), Машраб Бобоев (“Ер томири”), Шароф Бошбеков (“Тиконсиз типратиконлар”) ва бошқа ёрқин истеъододли адибларимиз мухим ижтимоий, ахлоқий муаммоларни улкан анжуманлардан олдин, кейин ҳам ўз асарларида юксак бадиият билан тасвирлаб, жамоат, ҳалқ эътиборига ҳавола қилган эдилар. Аммо мавзунинг муҳимлиги бадиий саёз ва ҳом-хатала асарлар ёзишга ҳеч қандай хукуқ бермайди. Аксинча, ҳалқ дилида тутилиб қолган орзу-армонлар ҳақида чукур туйғу билан, олижаноб дард билан ёзиш керак.

*Ботирхон АКРАМОВ.* Кейинги йилларда умумиттифоқ наслидаги каби ўзбек наслида ҳам тарихий – ватанпарварлик мавзуига ётибор анча кучайди. Миркарим Осим хикояларидан, Одил Ёкубовнинг “Улутбек хазинаси”, “Кўхна дунё” сидан, Мирмуҳсиннинг “Меъмор” идан кейин Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, Мақсуд Кориевнинг “Спитамен”, Хайридин Султоновнинг “Саодат соҳили”, Эркин Самандарнинг Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги романи, Исфандиёрнинг Искандар ва Спитамен ҳақидаги “Қасам” қиссаси ва бошқа тарихий асарлар пайдо бўлди. Бу асарлар сўзсиз, она ватанимиз тарихидаги энг муҳим, оловли саҳифалар билан ҳалқимиз маънавий хазинасини бойитишга хизмат қиласди. Аммо буларнинг ҳаммасини ҳам бирдай юксак савияда ёзилган дейиш қийин.

*Маҳкам МАҲМУДОВ.* Шунга қарамай, бундай асарларнинг пайдо бўлиши ҳалқимизнинг тарихий онгини ўстиришга, она Ватанимизни янада яхшироқ севишга ўргатади. Севимли адабиёт газетамизнинг янги йил саҳифасида Озод Шарафиддинов ёш мунаққид Аҳмад Отабоев билан сұхбатида бу адабий жараённинг муҳим аҳамиятини тўғри тушунтириб берган: “Ўзбек наслида кейинги йилларда тарихий тематикада баркамол асарлар яратилаётган экан, масалага умумманфаат нуқтаи назаридан ёндошиш керак”. Бунга қўшимча мен яна шуни таъкидлашни истардимки, тарих ҳамма ҳалқларнинг ота, онасидир. Тарихга ҳурматсизлик, ота, онага ҳурматсизликдай ахлоқсизликдир. Айни вақтда, биз ота, онамиздан барча камчиликлари учун воз кечмаймиз-ку. Ота, онанинг фазилатлари ва камчиликлари ҳақида эса қўполлик билан эмас, маданият, назокат билан гаплашиб керак. Бутун мамлакатимиз тан олган яхши тарихий асарларимиз билан фахрланиш ўрнига катта минбарлардан туриб, уларни коралаш учун одам камида хис-туйғусиз бўлиши керак. Йескин бу асарларнинг ютуқлари ва камчиликлари ҳақида ҳовлиқмай, оқилона фикр юритиш муҳим ва зарур, деб ҳисоблайман.

*Ботирхон АКРАМОВ.* Кейинги пайтларда ўзбек поэзиясида маънавий, ахлоқий изланишлар янада кучайиб, теранлашиб бораётти. Шу ҳақда нима дейсиз?

*Маҳкам МАҲМУДОВ.* Кузатишингиз тўғри. Буни ҳозир қўпчилик эътироф этяпти. Рауф Парфининг умуминсоний фалсафий изланишлари, Маъруф Жалилнинг инсонлар қўнглидаги жавоҳирни инсонликни излаши, Миразиз Аъзамнинг оламга болаларча бегу-

бор нигохи, Чўлтон Эргашнинг эркка ташналиги, Ихтиёр Ризонинг дунё халқлари тақдирига дардошлиги, Усмон Азимнинг одамзодни тубанликка тортувчи иллатларга нафрати, Хуршид Даврон, Азим Суюн, Йўлдош Эшбек, Тилак Жўра, Сирожиддин Сайид, Икром Отамурод, Исмоил Тўлак, Муҳаммад Юсуфнинг беором маънавий изланишлари ўзбек поэзиясининг сермавж дарёси ҳар қачонгидан тўлиб тошиб оқаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу ерда биз тилга олмаган қанчадан қанча ажойиб истеъдодли ёш шоирларимиз борки, уларнинг илк китоблари, афсуски, жуда кечикиб, нашриётларнинг кўп йиллик чангини ютиб, қийинчилик билан юзага чиқяпти.

Сиз айтгандай, ҳозирги ўзбек поэзиясида бадиият юксалиши билан бирга ижтимоий оҳанглар, руҳий, маънавий изланишлар чуқурлашиб бораётгани, инсон камолотини, жамият ривожини орқага судровчи ижтимоий иллатларга қарши кураш руҳи кучайиб бораётганигини кўрамиз.

*Ботирхон АКРАМОВ.* Афсуски, баъзи ёшлар адабиёт, санъат гўзалликларидан, инсонни камолотга элтувчи маънавий жавоҳирларидан бенасиб яшаётганини тушунмайди. Умуман, камолотга интилмай, фақат тирикчилик ташвиши билан овора.

*Маҳкам МАҲМУДОВ.* Жаҳон адабиёти классикларидан бири, австриялик шоир, драматург ва файласуф Морис Мегерлин “Гуллар ақл-идроқи” асарида ер юзасидаги энг оддий ўт-ўланлар, ўсимликлар ҳам камолотга интилиши ҳақида гапириб бундай дейди: “Назаримизда, энг ювош, энг мўмин, борлиғи мулоҳимлик, сокинлик, итоатгўй бўлиб кўринадиган ўсимликлар олами аслида ўзининг оғир кисматига қарши бош кўтаради. Ўсимликнинг энг муҳим аъзоси, унга озиқ берадиган аъзоси – илдизи уни доимо ерга, тупроқ қаърига торгади. Биз инсонлар учун доимо елкамиздан зил-замбидай босадиган қонунлар ичida энг оғири ўсимликни қийнайдиган қонун олдида ҳеч гап бўлмай қолади. Бу қонунга кўра, ўсимлик туғилган кунидан то сўнгги даққасигача – ўлимига қадар жойидан жилмасликка маҳкум этилган. Куч-тайратимизни ҳар ёққа сочадиган биз инсонга нисбатан ўсимликлар бор кучларини қаёқка сарфлашини яхширок билишади. Улар томирларининг коронгу қаъридан ёрутликка чикиб, бор кучларини тўплаб, гуллаб-яшнаб, атрофни гўзаллаштириб юборар экан, бу интилиш нақадар улуғвор эканлигини тасаввир киласлилик. Уларнинг интилиши ягона мақсадга

каратилган – ўсимликлар ер қаъридан ёруғликка чиққач, пастдаги оғир ва зулматли қонунни енгіб үтиб, ер юзасида эркинликка интилиб, тор доира қобигидан чикиб, иложи бўлса қанот пайдо килиб, тақдир абадий муқимликка маҳкум этган макондан узокроққа кетишга, ўзга оламга кетишга, тинимсиз ҳаракатдаги жонли оламга киришга уринади... ўсимликларнинг шу олий мақсадига етишлари бизга гаройибот, мўъжиза бўлиб кўринмайдими? Бу интилиш худди бизнинг тақдиримизда ёзилган вақт чегараларини олиб үтишга, моддиятнинг энг оғир қонуниятларидан қутулиб ўзга оламга етишга урунишимиздай ҳайратланарлидир. Биргина оддий гул қисматга итоатсизлик, жасурлик, сабот, матонат ва изланувчанликнинг буюк намунасини кўрсатмоқда, агар биз боғимиздаги мана шу жажжи гулгина сарфлаган куч-ғайратнинг ярмини сарфлаганимизда ҳам бизни босаётган тақдирнинг тоғ-тоғ юкларидан, чунончи, турил азоб уқубатларидан, ҳатто қарилек ва ажалдан қутилиш мумкин бўлур эди ҳамда бизнинг қисматимиз ҳозирги аҳволимиздан кўра анча яхши бўлур эди ”.

Ушбу фикрлар ботаника билан ҳам мунтазам шуғулланган мутафаккирнинг юқоридаги асаридан бир парча холос. Асарнинг жуда кўп бобларида автор гулларнинг ёруғликка, эркинликка, камолотга интилишини жуда муфассал тасвирлади.

Бир ўсимлиқ, бир гул ёруғликка шу қадар жаҳду жадал билан интилар экан, нега биз инсонлар рухий камолотга интилмай, гарданнимизда адолатсизлик, виждонсизлик, қатъиятсизлик, журъатсизлик, таъмагирлик, хушомадгўйлик, одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларига, орзу-армонларига, лоқайдлик, баҳиллик, ҳасадгўйлик, кўзбўя-мачилик каби ижтимоий иллатлар ботқоғидан чиқолмай, судралиб юрамиз. Мана шу иллатлар одамга вактинча (ёки доимий) қандай-дир бойлик, мансаб, фаровонлик келтирса-да, инсонлик шаънини ерга уришни наҳотки тушунмасак?

Хушомадгўйлик гўё бир қарашда беозор иллатга ўхшайди, аслида унинг замирида жуда катта адолатсизликлар ётади. Хушомадгўй одам ўзидан катталарга ёқиши учун жуда кўп ноҳақ ишларга кўл уради, меҳнаткашларнинг ҳаққи бўлган нарсаларни бошликларига совға қиласди. Хушомадгўйларга ўргангандан бошлиқ уни мақтамаётган, аммо ҳалол ишлаётган бошқа одамларни ёмон кўриб қиласди, уларни хушомад қилмагани учун ҳатто баҳона излаб топиб, жазолашгача боради. Меҳнатсеварларга тегишли моддий-маънавий

нельматларни эса хушомадгүйларга беради. Оқибатда бундай нохакликни күрган ҳалол меңнатсеварлар ҳафсаласи пир бўлиб ишлагиси келмай қолади.

*Ботирхон АКРАМОВ.* Белгиялик шоир Метерлиннинг “Гуллар ақл – идроки” асаридан келтирилган ғаройиб парча менга яна Навоий сўзларини, аникроғи, унинг илк ижоди – болалик лирикасидан ҳайратбахш бир лавҳани эсга солди. Улуғ шоирнинг “Бадоэъ ул-бидоя” мажмуаси дебочасида инсоннинг ижодкорлик, яратувчилик даҳосига, маънавий жасорат ва саҳоватига юксак қиммат берилган шундай мисралар бор:

*Ранж кўрмай киши топарму фарог,  
Кўнгли ўртамайин ёнарму чарог?  
Тухум ерга кириб чечак бўлди,  
Курт жондин кечиб ипак бўлди.  
Лола тухмича гайратинг йўқму,  
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?*

Эътибор беринг-а! Лола уруғи (“тухми”)нинг ўтган фасл ҳазонрезгисида ерга кўмилиб, аввалги жисми йўклиққа айланса-да, она табиатнинг мўъжизакор меҳри ҳимоясида ўзининг асли-зотини – жавҳарини сақлаб қолиб, келгуси баҳор янги чечакка айланиши ёки пилла куртининг ҳаётга, инсонга ипак қувончини баҳшида этиш учун ўзи ясаган уйда “жондан кечиши” – бу гениал мушоҳада ёшлиаримизни бунёдкорликка чакирмайдими? Лекин, ҳайратли жойи шундаки, ҳали болалик ғаройиботлари таассуроти (“Ғаройиб ус-сифар”) ифодаланган, эҳтимол, мўйсафид Лутфий билан юз берган ўша тарихий мулоқотдан аввал битилган юкоридаги мисраларда “гениал бола” бўлмиш Алишер табиатдаги стихияли яратиш, фидоийилик, янгиланиш жараёнларига қиёсан... инсоннинг қиёслаб бўлмайдиган даражадаги буюк тафаккур қудратига, онгли ижодига, олижаноб, эзгу идеаллар учун даъват қилинган заковат ва камолотига фавқулодда талабчанлик билан муносабат билдиради.

Ёруғликка, эркинликка, камолотта интилиш мумтоз адабиётнинг, айниқса, тасаввуф адабиётиниг асосини, мағзини ташкил этади. Мутасавифлар Баҳоуддин Нақшбанд айтган «Дил ба ёру, даст ба кор». Мана шу шиорга кўра улар ўз меҳнати билан кун кўришни, дунёда ҳеч кимдан ҳеч нарса талаб ва таъма қиласликни, ёрдан ўзга оламдан ҳеч кимга итоат этмасликни истар эдилар.

Мирзо Улугбекнинг биринчи муалими, «Жавоҳир ул-асрор», «Саъй ас-сафо», «Туғройи Ҳумоюн», «Ажойиб ул-гаройиб» асарларнинг муаллифи Шайх Озарий, Ҳамза ибн Али Байҳакий подшоҳлар назаридаги жуда катта бойликларни ҳам бир лаҳзали эркинлигига алишмас экан. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий ёзади: «Гулбарга подшоҳлари жумласидан, ҳинд малиги Султон Аҳмад шайх Озарийга эллик минг дирҳам инъом этди... Бунинг шукронаси учун Шайхдан Подшоҳ ҳузурига бориб, бошини унинг оёғига куйиншини талаб этдилар. Шайх бу инъомни олмади ва подшоҳга сажда қилишига кўнмади» (Бўривой Аҳмедов таржимаси). Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, шоир Озарий жуда кўп шоҳлар ва сultonларнинг мукофотларидан юз ўтириб, жаҳонни сайр этиб юрган. Аксинча, қаерга борса, шоҳлару вазирлар уни ҳурматлаб, зиёратига келиб ҳол-ахвол сўрашган экан.

Мумтоз адабиётимиздан бундай мисолни келтиришдан мақсадим шуки, бизнинг айрим замондошларимиз ижоди билан халққа, ватанга хизмат қилишни олий бурч деб билмай, кўпинча, арзирарзимас ишларига мукофотлар таъма қилиб юришади. Бундай таъмагирлик билан ижодкор ўз қадрини ерга ураётганини тушунмайди.

Холбуки, чин инсон турли мол, дунё йигиш, мансаб ва обруни таъма қилишни эмас, аксинча, руҳий эркинликни, халқ, ватан олдидаги бурчи ва масъулиятини, ўзининг ва жамиятнинг камолотини ўйлаши керак.

**ПРОФЕССОР БОТИРХОН АКРАМОВ  
ИЛМИЙ ИШЛАРИНИНГ КИСҚА БИБЛИОГРАФИЯСИ**

1. Шеърият гавҳари (монография). – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт, 1979. 8 б.т.
2. Оламнинг бутунлиги (монография). – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт, 1988. 9 б.т.
3. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 10 б.т.
4. Навоий шоҳбайтлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. 2,5 б.т.
5. Шеъриятда маъно салмоғи, ифода санъати // Шарқ юлдузи. – 1969. №5. 1,0 б.т.
6. Шеъриятга ўтган ҳаёт // Гулистон. 1970, № 5. 0,7 б.т.
7. Ҳассос санъаткор // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1970. № 3. 0,6 б.т.
8. Исёнкор ёшлиқ туйғулари // Шарқ юлдузи. – 1971. № 8. 0,7 б.т.
9. Ғазал зарурати ва масъулияти // Шарқ юлдузи. – 1973. № 4. 0,8 б.т.
10. Назокат ва камолот куйчиси // Гулистон. – 1975. № 5. 0,8 б.т.
11. Оламнинг бутунлиги // Шарқ юлдузи. – 1976. № 7. 0,8 б.т.
12. Ларзакор мисралар / Ўзбек жангномаси. Тошкент: F.Фулом номидаги нашриёт, 1977. 1,5 б.т.
13. Рухий олам образлари // Шарқ юлдузи. – 1978. № 8. 1,0 б.т.
14. Рационалистик – лирик образлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1980. № 6. 0,8 б.т.
15. Сўзи алёр, қўшиғи сел санъаткор // Шарқ юлдузи. – 1980. № 11. 0,8 б.т.
16. Шеъриятда рост сўз зарурати // Ёшлиқ. – 1983. №3. 0,7 б.т.
17. Қалб саховати керак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1983. Май. 0,6 б.т.
18. Шеъриятда ҳақикат мезони // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1983. Декабр. 0,6 б.т.
19. Шеърий мантиқ бузиларкан // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1984. Июл. 0,7 б.т.
20. Тархи тоза, беандоза мисралар // Шарқ юлдузи. – 1985. №7. 0,7 б.т.
21. Шеъриятда сўзни кадрлаш санъати // Ёшлиқ. – 1986. 0,8 б.т.
22. Шеъриятни тақдир деб билиб... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1986. Июн. 0,6 б.т

23. Шоирнинг Аторуд билан сұхбати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987. Апрел. 0,6 б.т
24. Моҳият ва руҳият образлари // Шарқ юлдузи. – 1987. № 9. 0,8 б.т.
25. Соҳир шеърият / Адабиёт ва санъат (тӯплам). Тошкент: Ўзулом номидаги нашриёт, 1987.
26. Бадиият – образли тафаккур демак // Гулистон. – 1987. № 10. 0,8 б.т
27. Ошкоралик – ҳакиқатнинг уйғоқлиги // Шарқ юлдузи. – 1988. № 1. 1,0 б.т
28. Куйиниб айтилган ҳакиқат // Ёш куч. – 1988. № 2. 0,7 б.т.
29. Шу лаҳзалар ҳакиқати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1988. Май. 0,6 б.т
30. Ҳакқоният ва таҳлил уйғунлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1988. Ноябр. 0,7 б.т.
31. Шоир образи (бир шеър таҳлили) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1989. Июл. 0,6 б.т.
32. Шеъриятнинг эрк манзили // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990. Апрел. 0,6 б.т.
33. Чўлпон чиндан мураккабми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1990. Июл. 0,8 б.т.
34. Аторуд равон айлаган қалам // Ёшлиқ. – 1991. № 2. 0,8 б.т.
35. Накшбанд ва Навоий // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1993. Феврал.
36. Илоҳий калимот тимсоллари // Маърифат. – 2004. 7 феврал.
37. “Сўз гуҳари”нинг илоҳий баҳоси // Жаҳон адабиёти. – 2005. Февраль.
38. Кўнгил чашмасидаги қатралар // Шарқ юлдузи. – 1966.
39. Навоийни англаш машакқати // Марказий Осиё маданияти. – 2002. №13.
40. Навоий лирикасида миниатюр образлар // Шарқ юлдузи.
41. Курашчан ёшлиқ туйғулари // Шарқ юлдузи. 1971.
42. Мўъжизот мусаввири, зарофат шоири // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1993.
43. “Муҳаббат осмони”нинг ёруғ юлдузи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997.
44. Шоирнинг муқаддас армони // Ўзбекистон адабиёт ва санъати. – 1998.

45. Асрлар қаъридан садо // Шарқ юлдузи. – 1993.
46. Шеъриятнинг ҳуррият буржи // Мохият.
47. Ҳурликнинг мужассам тимсоли // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997.
48. “Яна бир ҳалқ ярот” деб бўлмас...//Ёзувчи. – 1997. 24 сентябр.
49. Шеъриятимизда қўтаринкилиқ туйгуси // Шарқ юлдузи. – 1988.
50. Поэтик истеъдод ва поэтик маҳорат // Шарқ юлдузи.
51. Ният яхши, лекин.... // Шарқ юлдузи. 1969.
52. Табиат рангларидан лирик образларга // Шарқ юлдузи. – 1986.
55. Шеърият уфқлари // Совет Ўзбекистони. – 1972. №26. 1 феврал.
56. Газал мулкининг сultonи // Ёш ленинчи. – 1974. Феврал.
57. Мунаққиднинг поэтик туйгуси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1982. №3. Январ.
58. Қалб саҳовати керак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1982. №21. Май.
59. Жавобгармиз бу дунёга // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1984. №42. 19 октябр.
60. “Камалак” жилолари // Ўзбекистон маданияти. – 1984.
61. Миллий тафаккур тимсоли // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1993. №3. 15 январ.
62. Навоий сўзини ўқиш санъати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1993. №25. 18 июн.
63. Фасоҳат сирлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1996. №37. 13 сентябр.
64. Меросга муносиб рисола // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1997. №22. 30 май.
65. Самовий малак орзуси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997.
66. “Сўз лавҳи”га битилган мўъжиза // Шарқ юлдузи. – 2012. №2.

Ботирхон ака ва Моҳираҳон ая



Домла кексалик пайтларида





Тошкент Миллий университетида



Ўш шаҳридаги ўрта мактабда



Кафедра йигилишида



Кафедра аъзолари даврасида



Талабалар даврасида



Лазиз Қаюмовнинг хотира кечаси



Кафедра мажлисидан сүнг



Домла дарсда



Оила даврасида



Бобур Мирзонинг авлоди Зайниддин Мавлонов билан  
оила даврасидаги учрашув

Ботирхон Акрамов  
рафикаси Моҳираҳон ая билан



Домла шогирди Набижон  
билин Шоҳимарданда



Зиёраттоҳда



Маданий дам олиш



## ЗАМОНДОШЛАР НИГОХИДА

Худойберди Тұхтабоев,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

### ПОКИЗААМАЛ ОЛИМ

Мен Ботирхон Акрамов билан бир неча йил бирга ишлапш бахтига мұяссар бўлғанман. “Халқаро олтин мерос” хайрия жамғармасини тузиш ҳақида Президентимиз Фармони бўлгандан кейин биз ўйлаб кўрдик: Хўш, шу йўналишни юзага келтирадиган бўлсак, аввало, унга таъриф берайлик. Олтин меросимиз нималардан иборат бўлади, қадриятларимизга эътибор қай даражада бўлади. Шу масалада биз бир неча олимларимизга мурожаат қилдик. Кимdir битта йўналишни ёзib келди, кимdir айтайлик, археология йўналишини ёзib келди, яна кимdir ер усти маданий ёдгорликларини ёзиди. Лекин биз “Халқаро олтин мерос” номидан гапирадиган бўлсак, ушбу йўналишни дунё миқёсига олиб чиқадиган бўлсак, қадриятларимизни кенг маънода, бутун кўлами билан чукур ўрганишимиз керак экан. Мана шундай мураккаб вазифани Ботирхон ишлаб чиқди. У йигилган барча материалларни йигиб-жамлаб берди. Ботирхон ўз йўналишида нималарга эътибор қаратди? Шуни айтиш керакки, бизнинг миллый қадриятларимиз беҳад даражада бисёр экан. Ер ости бойликларимиз ҳам шулар қаторига кирап экан. Моддий қийматларимиз ҳам қадриятларимизни ташкил қиласар экан. Хулк-ахлок, урф-одат, расм-русларимиздаги йўналиш, янги пайдо бўлаётган ва йўқолиб бораётган унсурларимизнинг ҳаммасини Ботирхон бир неча муддат ишлаб бир неча олимларимиз қилиб бериши керак бўлган нарсани жамлаб бир ҳолатга келтириб берди.

Мен яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни хоҳлайман, яъни колективимиз руҳиятига таъсир қилган бу кишининг одатларини, камтарлигини айтмоқчиман. Ўтакетган камтарлик, ўтакетган покиза амал эдилар, ана шундай гўзалликларни кўрганимда, аввало, ўзим маҳлиё бўламан, ўзим маҳлиё бўлган жиҳатларни бошқаларга, болаларга бергим, ёзгим келади. Ана шу маънода мен Ботирхондан анча-мунча нарсаларни олдим ва ўргандим. Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналарида 13-маош деган тушунча бор. Шу маош тақсимланаётган куни Ботирхон ҳаяжон билан кириб келдилар:

- Худойберди ака!
- Нима гап? Нима бўлди?

— Ҳали иш бошлаганимга 9 ой бўлди-ю, сиз 13-маошни ёзib кўйибсиз. Йўқ, қоида бўйича бу маош 12 ой ишлагандан кейин берилади, мен буни қабул қилолмайман. Улар худди жиноят килгандек, каттик хаяжон билан гапиради. Ботирхон, сиз 9 ой ишладингиз, тўғри, лекин натижаси жуда унумли бўлди, худди 2 йил ишлаганга тенг бўлди. Сиз бу маошга лойиксиз. Ботирхон эса йўқ-йўқ, бу ишни бундан кейин қила кўрманг, — дедилар.

Бир ҳолатга тушдим ва бир неча кун шуни ўйлаб юрдим, бу инсоннинг қалбидағи тозаликка тан бердим. Иккинчи бир ҳолат юз берди. Бу киши Ўшлиқ эканлар. Ўша пайтларда қариндошларидан бири касал бўлиб қолди ва тўсатдан жўнайдиган бўлдилар. Ботирхон, мен сизга командировка ёзib берай, ҳозир йўлкиралар қиммат, самолёт, поезд йўқ, йўлга ишлатарсиз, — дедим. У киши менга нега командировка ёзасиз? — деди. Ахир ўша ерда бирор киши билан учрашарсиз, кўлёзмалар оларсиз, — дедим. Йўқ, мен қариндошимни кўргани кетяпман, командировкани бунга мутлако аралаштира кўрманг. Мен бунаканги пулни олиб ўрганмаганман, — дедилар. Ботирхон, бунинг ҳеч айб томони йўқ. Бошқаларга ҳам қилипман. Сиз ишлайпсиз, бунга ҳаққингиз бор.

Йўқ, Йўқ! Мен қариндошимни кетяпман, — дедилар. Иккинчи ҳолат ўтди...

Мен учинчисиниям айтаман. Ҳалиги бажарилган ишлар учун Президент девонидан юқори баҳо олдик. Шунда мен мукофот ёзib беришга қарор қилдим. Шунда Ботирхон: “Йўқ, ҳали у чала. Ҳеч ким бунинг поёнига ета олмайди. Охиригача етилмайди. Мен бунга мукофот ололмайман”, — дедилар. Хуллас, учта ҳолатни кўриб рухиятимда қандайдир тасаввур пайдо бўлди. Мен “Гулхан” журналига умрини виҷдон амри билан, ҳалол, пок яшаган инсон ҳақида бир ҳикоя ёзib бердим.

Менинг хulosам шундан иборатки, эҳтимол, навоийшунос сифатида бу олим томонидан буюк ишлар қилинаётгандир. Лекин покиза бир инсон сифатида босиб ўтган умр йўлини ҳамиша ҳалол бўлиб, минглаб-миллионлаб одамларга намуна сифатида Ботирхонни ҳамиша яхши кўрдим. Аллоҳ менга қанча умр берса, бундан кейин ҳам унинг шахсини улуғлаб яшашга ҳаракат қиласман.

Ана шундай одамларнинг борлиги — миллатимизнинг бойлиги, ана шундай одамларнинг борлиги миллатнинг ривожига Аллоҳ томонидан берилаётган неъмат ҳисобланади.

Шунақа одамлар, олимлар кўп бўлсин, шулар билан ишлаш бизларга насиб қилсин!

## **ИККИ ЖАБҲАДА**

Таниқли навоийшунос, филология фанлари доктори, профессор Ботирхон Акрам билан 1963 йилдан бери ошно эдим. Ўша йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек адабиёти кафедрасига аспирантура учун 2 та ўрин берилди. 9 киши давогарлик қилдик. Улардан Ботирхон Акрам билан мен барча имтиҳонларни “аъло” ва “яхши” баҳоларга топширдик. Натижада аспирантурага қабул қилиндиқ ва у кишига замонамиз алломаси Ҳамид Сулаймон, каминага Шарқ адабиётининг донишманди Натан Маллаев раҳбар этиб тайинландилар.

Университет илмий кенгаси Ботирхон Акрам ҳозирги замон ўзбек лирикасида классик шеърият анъанаси билан боғлиқ муаммони номзодлик диссертациянинг мавзуси этиб тасдиқлади. Аспирантлик ўқиши – тарих, фалсафа ва чет тили дарсларида ҳаммадан кўра синчков, баҳсталаб Ботирхон Акрам вужуди билан ҳозирги ўзбек шеърияти муаммосига шўнғиб кетди: бирин-кетин Миртемир, Уйғун, Ҳамид Олимжон,Faфур Гулом, Собир Абдулла Ҳабибий, Восит Саъдуллалар бисотида анъана ва ўзига хослик, анъанавий образларнинг янги маъно, моҳият касб этиб бориши ҳақида илмий мақолалар эълон қилди; Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Мирза Кенжабек, Тўра Мирзо ижодини назардан ўтказди. Натижада замонавий шеъриятининг нуктадон манаққиди сифатида тан олинган Ботирхон aka фан номзоди бўлди. Назаримда, адаб илмимизда Рауф парфи билан Шавкат Раҳмон ҳақида Ботирхон Акрам даражасига етказиб фикр айтган мунакқид бўлмади.

Ўзаро сұхбат давомида “мен Навоийни яхши кўраман, унинг лирикаси ўзгача олам” деб юрадиган Ботирхон Акрам кейинчалик Навоий шеъриятининг ўзига хос поэтик хусусиятлари ҳақида докторлик ёздилар, “Навоий шоҳбайтлари” рисоласини яратдилар, зуқко навоийшунос сифатида эл ардоғига мушарраф бўлдилар. Гарчи узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУда фаолият кўрсатган бўлсалар ҳам Ботирхон Акрам ўзларини педуниверситет жамоасисиз тасаввур қила олмасдилар. Шунинг учун ҳам умрлари-

нинг охиригача бу даргоҳда дарс бердилар; санъат, тарих ва табиёт факультетларида Навоийнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳакида маҳсус курс ўқидилар, аспирант ҳамда магистрларга ўта меҳрибон маслаҳатчи бўлдилар. Бир сафар Ўзбек адабиёти кафедраси қошидаги илмий семинарда устоз Навоий лирикасининг мавзу кўлами ҳакида маъруза ўқиётиб, бир-икки байт таҳлили жараёнида кўзла-рида ёш тирқираб, ўпкалари тўлиб келди. Йигилишдан сўнг сұхбат асносида:

– Ака, маъруза пайтида бирон нохуш воқеа ёдингизга тушдими, ўзингизни тутолмадингиз, – дедим.

Дарров маъруза матнини олиб:

– Ахир, мана бу байтларни йиғламай ўқиб бўлармиди? Булар тошбағирларни ҳам эритиб юборади-ку! – дедилар.

Орадан бир неча йил ўтгач, бир куни Табийёт факультетининг декани Фаридахон Мирҳамидова:

– Кафедрангиз ўқитувчилари ғалати экан. Профессор Ботирхон Акрам нуқул йиғлаб дарс ўтармишлар, – деди.

У киши ўзлари шеърларни ўқиб, таҳлил қилиш жараёнида образга киришиб тўлқинланиб кетсалар керак, дедим-да деканатга кириб, гуруҳ журналини қарасам, сўнгги икки дарсда “Навоий лирикаси” ўтилган экан. Ҳақиқий олим адабиётни, шеъриятни ана шундай қалбидан ўтказиб ҳазм этади.

Устоз ўзаро сұхбат, илмий баҳсларда ҳам ғаятда ботамкин, се-рандиша, одобли эдилар. Баъзан тортишувларда: “Йўқ, бу фикрингиз нотўғри, аслида мана бундай бўлади” дердилар-да, мунозарага нуқта қўярдилар. Афтидан, бундай кезларда у киши Навоийнинг “Хирадманд рост сўздин ўзгасин демас, vale ҳар чин ҳам дегулик эмас” ҳикматига риоя қиласардилар.

Устозларимиз изидан бориб, биз ҳам ака-уқадай бўлиб кетдик. Бир-биримизнинг илмий ютуқларимиздан фахрланиб юрардик. Бир куни “Кўхна Шарқ дарғалари” китобимни ўқиб, таассуротларини гапираётиб, “лекин дарғалар сўзини мен ҳазм қиломмадим” деганлари ҳали эсимда.

Ҳа, Ботирхон Акрам нозиктабъ олим, жонфидо педагог, ёшларнинг беғараз меҳрибон мураббийси эдилар. Биз адабиётшуносларининг кўпчилигимиз тор ихтисослигимиз билан чегараланиб юрамиз: фольклоршунос фақат ҳалқ оғзаки ижодини билади ва унинг таҳлили билан машғул. Ҳозирги адабиёт тадқиқотчилари

мумтоз адабиётни жиддий ўрганишни исташмайди. Профессор Ботирхон Акрам бўлса ҳар икки жабҳада ҳам закий эди. У киши Бобур ёки Машраб шеъриятини қандай тушуниб талқин этса, ғазалинг зоҳирий ва ботиний моҳиятини илгаса, эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърларини ҳам ана шундай теранликда таҳлил қиласади. Демак, Ботирхон Акрам ҳамкаслари, кўпсонли шогирдлари орасида поктийнат ИНСОН, садоқатли дўст, покруҳ раҳнамо сифатида ҳамон сафдош. Зеро, дунё адабиётининг буюк сиймоси Ҳофиз Шерозий бу дунёда ким яхшилик-ла умргузаронлик қилган бўлса, у мангу тириқдир. Чунки кейинги авлод ана шу яхшиликларни зикр этиб, уни ўзлари билан тирик олиб юрадилар, деган эди:

*Зиндаи жсовид монд ҳар ки нақўном зист,  
Ки аз оқиба зикри хайр зинда қунад номро.*

*Ёқубжон ИСХОКОВ,  
филология фанлари номзоди*

### ДИЛИ ВА ТИЛИ БИР

Ботирхон Акрамов билан биз иккаламиз ҳам улуғ инсон Ҳамид Сулаймоннинг шогирдлари бўлғанмиз. Сафарларда бирга бўлдик, бир оз муддат бир даргоҳда ишладик. Бу олим ўз сўзи ва амали бир инсон сифатида менда катта таассурот колдирган.

Ботирхон Акрамов Ҳамид Сулаймонга иккинчи аспирант бўлдилар. Биз кейин 1964 йилда Санкт-Петербургдаги Осиё Ҳалқаро институтига 12 киши қўлёзмаларни қидириб, ўрганиб, таҳлил қилишга борганмиз. 1968 йилда Ғулом Каримов менга телефон қилиб айтдиларки, “Шунақа, Ёкубжон, сиз Ҳамиджоннинг шогирди экансиз, энди бизга адабиёт тарихидан битта яхши мутахассис керак. Озод Шарафиддинов ва Муҳсинжон ҳам сизни тавсия қилишди”, – деди. – Мен ўйлаб кўрай, – дедим.

Кейин ўзим Ғулом Каримовга телефон қилиб:

– Домла, устозлар жиндак хафа бўляпти, – дедим.

Шунда Ғулом Каримов:

– Ўзингизнинг кўнглингиз тўладиган бирор одамни тавсия қила оласизми? – деди.

Мен:

— Ботирхон Ақрамов – ёш, иқтидорли олим, шу кишини тавсия киламан, – дедим. Кейин Ботирхон университеттега бордилар.

Мен бу кишининг характерини айтиб берсам, эмоционал, ҳиссиётли инсон эдилар. Шоирлик табиати кучли бўлиб, маданий меросимизга нисбатан муҳаббати юқори эди.

Масалан, Шўро даврида Аҳмад Яссавий ҳақида гапирилганда, албатта, қоралаб, танқид қилиб ўтиш керак эди. Унинг маърузалирида талабалар савол берган: “Аҳмад Яссавий қанақа шоир бўлган, нима учун биз уларни ўтмаймиз, ўрганмаймиз?” – деб. Ботирхон саволга чиройли жавоб қайтаргандар. Дастурдан чиқиб кетганлар. Бу нарса маъмуриятга етиб борган. Унинг устига университетнинг тўртта талабаси “Тошкент оқшоми” газетасига савол берган: “Аҳмад Яссавий ҳақида маълумот берсангиз”, – деб.

Тошкент Давлат университети талабалари номидан қўйилган бу савол дарҳол шов-шув бўлиб кетди. Ана энди бу ҳолатни текшириш, суриштириш ишлари бошлагандан кейин маълум бўлдики, Ботирхон Ақрамов Яссавий ҳақида ижобий таърифлаб дарс ўтар экан. Шунда ғалва бошланиб кетди, нозик гаплар бўлди, оқибатда Ботирхонни университетдан бўшатишиди. Бу киши бир неча йил Политехника институтида ишлаб юрдилар.

Мустақиллик давридан кейин Ботирхон яна университеттега кайтиб, ўз фаолиятини давом эттириди. Ана шундай олижаноб, муҳитга мослашмасдан виждан амри билан яшайдиган, тўғрисуз, фидойи олим эдилар. Ҳаётда унга тикилиб турсангиз кўзларидан бутун бир тарихий жараёнларни ҳис қиласар эдингиз. Бу домланинг маърузалирини эшитган талабалар ниҳоятда мамнун бўлиб юрардилар. Дили ва тили, сўзи ва амали бир бўлган, ҳеч қандай сохталик бўлмаган.

Ботирхон Ақрамов кўп шеърий машқлар ёзган, улар чукур фалсафий маънога эга. Навоий “Хамса”сининг муқаддималари бор-ку, худди шунга ўхшаб, шарҳ билан ёзилган.

Университет даргоҳида кўришиб қолганимизда узоқ сухбатлашиб, жудаям бир ҳузур қиласар эдик...

*Омонулла МАДАЕВ,  
филология фанлари номзоди, доцент*

## НАСЛИГА СОДИҚ ОЛИМ

Инсоннинг ҳақиқий қиёфасини билмоқчи бўлсанг, бирга сафарга чиқ, деган ҳикмат бор. Бахтили тасодифни қарангки, мен устоз Ботирхон Акрамов билан асосан сафарда танишганман. 1969 йил давлат ўқув дастури бўйича фольклор экспедициясини Ўш шаҳрида ўтказиш режалаштирилган эди. Таниқли олимлардан Аҳмад Алиев, Умарали Норматов, Карим Назаров, Ёрмат Тожиев ва мен экспедицияга раҳбар килиб тайинландик. У пайтларда ҳалқ оғзаки ижодини ўрганиш ва шевалар бўйича маълумот тўплаш бир йўналишда амалга оширилар эди. Шунинг учун тилшунос мутахассислар ҳам хизмат сафаридаги иштирок этишарди. Ботирхон Акрамовда ўқув юкламиши бўлмаса ҳам Ўш ва бу шаҳар атрофидаги Арслонбоб, Ўзган, Аравон, Новкот, Жалолобод каби бир катор қадимий аждодларимиз яшаган масканларда маълумот тўплашимизда бир ой биз билан елкадош бўлдилар. “Елкадош” дейишимизга ажабланманг, чунки бу сафар фавқулодда воқеаларга бойлиги билан ажралди. Шу вакт давомида икки-уч марта милиция ходимлари билан учрашишга тўгри келди. Қиз бола талабаларимизни маҳаллий йигитлардан муҳофаза килдик. Ана шундай мураккаб вазиятда Ботирхон ака ёрдамига суюндин. Мен, айниқса, бу инсоннинг биз билан ҳамкорликда ёканида ўини айбдор деб ҳис килишига қойил қолдим. Ўзлари ўшлик бўлғанликлари сабаб у ердаги кўнгилсизликларда кўпроқ устоз азият чекаётганликлари аник сезилиб турарди. Хулас, хизмат сафаримизни бир амаллаб якунладик, аммо устоз билан яқинлигимиз куртак отди, гуллади, ҳосил берди. 40 йилдан ортиқ вакт давомида ижодий ҳамкорликда яшадик, ака-уқадек муносабатда бўлдик.

Ботирхон ака бизлар учун илмда, хаётда, талабалар билан бўлган муносабатда, хизмат жабҳасида иикинчи даражали ҳолат бўлмаган. Бадий ижод билан шуғулланадими, илмий тадқиқот олиб борадими, маъмурият томонидан берилган топшириқни бажарадими ҳамиша масъулият ва аниқ ҳисоб-китоб бу инсон учун мукаддас ҳисобланган.

Факультетда Алишер Навоий музейини ташкил этиш ғояси билан чиқдилар. Қисқа фурсатда шоир асарлари тўпланди, зарурый

тасвирлар топилди, режалар тузилди, фақат соғликнинг ёмонлашуви, кейинчалик вафот этганликлари яхши ниятнинг амалга ошинаслигига сабаб бўлди. Ҳозирги пайтда устознинг шогирдлари бу ҳаракатни давом эттироқдалар.

Ботирхон акада табиий покизалик ўзининг олий даражасида намоён эди. Мен бу инсонга бўлган ижобий муносабатни ҳам, баъзан рўй берадиган кўнгилсиз ҳолатлар сабабини ҳам улардаги табиий покизаликда деб биламан. Хусусан, улар бирон марта ўз исмларига “хон” кўшимишаси қўшилмаган пайтни сингдирмаганлар. Қайта-қайта насл-насад ҳакида, аждодларининг эшонзода, хўжаларга кондошлиги ҳакида сўзлар эдилар. Муҳими, ана шу эътиқод ва инончга сидкидилдан амал қилганлар. Ҳеч ёдимдан чикмайди. Онам Азизахон ая, дадам Мирзаканон ота билан соатлаб сухбат қуришган. Бу сухбатлар мавзу жихатдан серқуламлиги билан мени доғда колдирган. Агар онамдан катта бувилари Увайсийнинг дугонаси эканини эшишиб, улардан колган адабий мерос тақдирини сўрасалар, дадамдан Тошкент шаҳри, Чорсудан ўтган анҳор, 1916 йилда сув тошқини окибатида ундан бешик, тўсинларнинг окиб келганини аниқлар эдилар. Ора-чора нималарни дидир дафтарларига ёзив ҳам кўяр эдилар. Ҳар бир янгилик хоҳ адабиёт йўналишида бўлсин, хоҳ майший ҳаёт ҳакида бўлсин олим эътиборидан четда қолмаган. Айниқса, Азиза аянинг Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Нодира бегим, Увайсий ижоди юзасидан билдириган мулоҳазаларига алоҳида эътибор билан ёндашар эдилар. Ота-онам вафот этган кезлари Ботирхон аканинг уларга бўлган ҳурмати самимий эканига яна бир ишонч ҳосил килдим. Янглишмасам, уйимизга биринчи кўнгил сўраб келган инсон Ботирхон Акрамов бўлганди. Таъзия кунларида ҳам мени холи қолдирмаганлар. Ўз наслига содик олим Ботирхон Акрамов хотираси ҳамиша ёдимда.

*Зиёдулла ҲАМИДОВ,  
ЎзМУ доценти*

## **НАВОИЙ “СЎЗИ”ГА ОШУФТА ОЛИМ**

Ботирхон Акрамов билан талабалик, стажёр-тадқиқотчи, аспирантлик даврларида устознинг илмий мақолалари, Навоийда мажозий образлар билан боғлиқ тадқиқотлари орқали таниган бўлсан,

1999 йилдан Ўзбекистон Миллий университетига йирик навоийшунос, кафедра профессори лавозимига ишга қайтганларидан кейин яқиндан танишдик ва тез-тез кўришиб турадиган бўлдик. Айниқса, домла билан Корақамиш даҳасида бир маҳаллада яшаганмиз, ишга бориб келиш йўлимиз бир эди. Домла билан йўл-йўлакай узоқ сұхбатлашиб қолар эдик. Сұхбатимиз асосан Навоий асарлари шархи, шоир бадииягини англаш, тушуниш, ботиний ва зоҳирий маънолари, мутафаккир ички дунёсига хос сир-синоатлардан хабардор бўлиш, илоҳий каллимотлар-муқаддас оят, ҳадислар бевосита “сўз лавҳи” – шеърий сатрларга кўчганлиги, шоирнинг исломий фалсафа, ахлок, шеъриятнинг самовий буржларини буғунги кунда ҳам шарҳлаш, таҳқиқ ва таҳлил қилиш кечикириб бўлмайдиган масалалар сифатида устоз томонидан куюнчаклик билан тушунтириларди. Устоз илмий салоҳияти юксак, айниқса, Куръон таълимотидан, арабий илмидан яхшигина хабардор эдилар. Навоий асарларида Каломуллоҳ оятлари келтирилган иқтибосларни ҳам шундай шарҳлаб берар эдиларки, шоир қўллаган оятларнинг асл мазмунини, ҳам мантиқий, ҳам бадиий маъноларини айнан шарҳлаб беришади. Умуман, домла бадииятни, мумтоз адабиётни – Навоийни теран тушунар, шоир шеъриятидан қўплаб байт-мисраларни ёддан билар, араб, форс, қадимги туркий тилларнинг теран билимдони эди. Хуллас, устоздан жуда кўн ўгит, насиҳатлар олганман, Аллоҳнинг марҳамати, илм шарофати ила у кишидан жуда кўп баҳраманд бўлганман. Устоз ахли башар – инсон, хусусан, илм аҳлларининг барчасини ўзларидан баланд ҳисоблар эдилар. Сұхбатимиз йирик тилшунос профессор Шамсиддин Шукуров ҳақида боргандা, туркий тиллар тарихи, хусусан, феъл тарихига оид тадқиқотларига юксак баҳо берар, эҳтиром билан юртдошим, деб катта заҳматкаш олим эканликларини таъкидлар эдилар. Тилшунос олимнинг Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида келтирилган 100 та феълнинг қиёсий таҳлили, туркий тилларда тутган ўрни, умуман, феъл туркумидаги сўзлар барча тилларда асосий ўрин эгаллаши каби илмий мулоҳазаларга кенг, батафсил тўхталар, баҳс-мунозара қилар эдилар. Устоз луғат, луғатшунослик соҳасига ҳам катта қизиқиш билан карар, ҳар қандай соҳа илмини луғатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, деб таъкидлар эдилар.

Кунлардан бир кун устоз билан яна йўл-йўлакай сұхбатлашиб, Навоийда ранг билан боғлиқ “Сабаъи сайёр” достонидаги бир байт устида тўхталдик.

*Жонон кияр гулнора тўндин куйдим,  
Лимуий ранг терлик аниңг остиндадир.*

Мазкур байтни биргалиқда шарҳладик. Мазмуни: гўзал аёллар киядиган парча-парча, катта, турли-туман (кизил, кўк, сарик, жигарранг) гулдор тўн (чопон) остида лимуий ранг, яъни лимон (сарик) рангли терлик (ички кийим) гўзал маҳбубага яна-да хусн, чирой бериб турибди.

Устоз эхтирос, хаяжон билан: “Қаранг, қаранг, лимон (сарик ранг) сўзи Навоийда борлиги гўзал туркий терлик (ички кийим)номи бугунги кунда унтутилган. Уни тикилаш керак, кундалик турмушда кўллаш зарур”, – деб қайта-қайта таъкидлардилар.

Домла бу байтга дуч келмаган эканман, аммо ранг билан боғлиқ “Табиат рангларидан лирик образларга” (“Шарқ юлдузи”, 1986), “Мўъжизот мусаввири, зарофат шоири” (ЎЗАС, 1993) номли мақолалар ёзганликларини эсладилар.

Муҳтарам устоз Ботирхон Акрамов йирик олим, илм ахлларига хос ниҳоятда камтарин, пок, тўғри сўз инсон эдилар. Устознинг адабиёт ва тарихга ёшлиқдан қизиқиши, камтарона илмий фаолияти вилоят педагогика билим юрти Ўш ўқитувчилар институтида ўқиб юрган чоғларида шакллана бошлади. Сўнгра Тошкентта келиб, Низомий номидаги педагогика институти аспирантурасида ўқишни давом эттириди. Мақсад Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Натан Маллаевдан “муттасил таҳсил, таълим, маърифий ва маънавий сабоклар” олиб, “алқисса “Навоийни англиши” жараёни шу тариқа шоир асарларида мажоз, айниқса, мутафаккирнинг “сўз”ига қизиқиши, уни шарҳлаш аста-аста, оҳиста-оҳиста содир” бўла бошлади. Домла Навоийда “Одамийлар одамийси” деб тавсифланган саховат, химмат – нафъ еткурмак, “халқ ғами”, “вatan” йўлида жон фидо килишдек олий сифат васф этилишига асосий эътиборини каратади. Бу борада, биринчи навбатда, улуғ мутафаккир, гуманист шоирнинг “барча эл”га макбулу манзур, аникроғи, назаргоҳда аъён (олти жиҳот ва тўрт унсурига мансуб) ҳодиса ҳолат ва алломатларни яхши билиб, англаб олмоғимиз лозим бўлади<sup>1</sup>, деб ниҳоятда чуқур синчиковлик билан ёндашар эдилар.

Зукко навоийшунос олимнинг аксарият илмий кузатишлари Навоий “сўз”ининг мазмун ва мантиқ доирасида кенг қамровга эга-

<sup>1</sup> Акрамов Б. “Сўз” гуҳарининг илохий баҳоси (кўлёзма).

лиги билан дикқатни тортади, таъриф ва тавсиф этилади. Мутафак-кирнинг “сўз”и ҳақидаги илмий мулоҳазаларнинг бальзи жиҳатлари навоийшунос олимлардан Воҳид Зоҳидов, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Ботир Валихўжаев, Алибек Рустамов, адабиётшунос олим Ҳасан Қудратиллаевлар томонидан фикр билдирилган.

Фидойи олим Ботирхон Акрамов Навоий “сўз”ига қуйидагича таъриф берган эдилар: “Сўз гуҳари” намуналари ҳақида баҳоли имкон мусоҳаба (ҳамсухбат) ва мубоҳаса (баҳслашмоқ) юритмоқ учун, аввало, комил эътиқод, шайдойи муҳиб назари лозим бўлади. Колаверса, маҳсус маърифий ҳозирлк, зарифона баланд дид – күштаъблик, шоирона низик хаёллик – ўзгача сўз туйғуси, эҳтимол, хос воизлик салоҳияти, нутқ санъати тақазо этилади...<sup>2</sup>

Сўз таърифида улуғ шоирнинг ўзи эътироф этганидек: “Ишим ўлмишdir эҳтиёт этмак, нуктанинг тару пудига етмак” каби мазмунда шоир сўз калимаси хусусида ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиб, ўзининг илмий мулоҳазаларини ўртага ташлайди, унга бир олам мажозий маънолар юклаганлигини исботлайди. Навоий “сўз”нинг тарихи, унинг маъносига жиддий эътибор бериб, ўзининг “Ҳамса” достонлари бошида, яъни “ҳамду наҳд”дан кейин “сўз таърифида” тарзида маҳсус боб ажратади. “Сўз”нинг янада пурмазно фазилатларини санаб ўтади. Айниқса, Навоий сўзни оламнинг яратилиши билан бир пайтда “аммо сўзнинг ўзи эмас, овоз, товуш найдо бўлди” дейди. Устоз Ботирхон Акрамов ана шундай Навоий Сўзи ҳақида ўзининг қатор тадқиқотларини ниҳоятда зукколик билан “калимот тимсоллари”га бағишланган эдилар: “Фасоҳат мулкининг соҳибқирони” (Т.: Ўзбекистон, 1991. 10 б.т.), “Навоий шоҳбайтлари” (Т.: Янги аср авлоди, 2007. 2,5 б.т.), “Шеъриятда маъно салмоғи, ифода санъати” (Шарқ ўлдузи. – 1969. № 5. 1,0 б.т.), “Шеъриятда рост сўз зарурати” (Ёшлик. 1983. №3. 0,7 б.т) ва бошқалар.

Устоз Ботирхон Акрамов Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг намояндалари бадииятига бағишлиланган қатор йирик-йирик илмий монографиялар чоп эттирилиши билан бирга Бобур, Чўлпон, Усмон Носир, Миртемир, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Шарфи, Азиз Саид ва қатор шоирлар ижодини ҳам тадкиқ ва таҳлил ўтганлар, илмий танқидий мақолалар газета ва журнал саҳифаларида эълон қилинган. Устоз кўп таъкидлар эдилар: “Янги ижодий

<sup>2</sup> Ўша асар.

иштиёқ дафъатан, каминада уйғонган орифона шеър дағдағаси (Бобур) ва қасида – достон рағбати, балким бу – қалам маъбуди Аторуднинг илк муждасидир”.

Устоздан эълон қилинмаган, чоп этилмаган жуда кўп илмий-ижодий мероси қолди. Келгусида бу мерос маҳсус илмий ўрганилиши, олимнинг ноёб фикрлари тадқиқотчилар назарига тушмоғи лозим.

*Йўлдош ЭШБЕК,  
шоир*

## **ДОМЛА БОТИРХОН АКРАМ ЁДИ**

Илм ва санъат оламида (жумладан, адабиётда ҳам, лекин мен адабиёт ва санъат деб ёзиши хуш кўрмадим ва хуш кўрмайман, лоақал ва хусусан, шу ўринда, чунки бадиий адабиёт тўғрисида гап кетаётган экан, демак, санъат ҳақида гап кетаётир, “биз санъаткорлар” дея сўз бошловчи, даражаси нўноқ ҳаваскорларнидан нари ўтмаган кимсалардангина эмас, балки улардан сал юқорироқлардан ғашланишим туфайли ҳам қавс ичи чўзилганига ҳайрон бўларсиз, гап шундаки...) шундай одамлар бор ўзини ярқ этказиб яқол намоён этади ёки эттириради, булар “танқидчи”ларнинг доимий нишонига – объектига айланади, буларнинг ичиди истеъдод даражалари турличаси бор, деярли бир қаторда, бир даражада, бир оҳангда макталади, шундай бўлгач, аксариси истеъдодли бўлгани ҳолда бундай ҳолга, бундай кўйга тушган танқидчи ва танқидчиликни қўштироқсиз ёзиш нотўғриликка, балки адолатсизликка яқин бўларди. Энди иккинчи тоифа... ўзини тезда намоён этолмайди (истеъдод даражаси биринчи тоифага teng ва ҳатто бაъзилари устунроқ ҳам бўлгани ҳолда, кизиқки, икки ижодкор даражаси мутлоқ teng келмайди чоги, бу тоифа ҳам хилма-хил истеъдод ва жанр жиҳатидан, орасида камроқ бўлса-да, танқидчи ва адабиётшунослар ҳам бор, лекин улар қандайдир, қандайлигини ҳозирча билмадим, тезда бу тоифадан кутулиб, биринчисига ўтиб олишади, қандини урсин! Лекин, бу иккинчи тоифанинг Рауф Парфи каби буюк вакиллари ўз ўрнига содиқ қолади. Мактаб барпо этса-да, бу мактабни ертўласидан туриб бунёд этади. Санъат яратган бундай зотлар

тэнгкүр жўралари қўридан, даврасидан яшаш санъатини билмаган, билса-да, эгалламаган “лодонлар” сифатида четлатилади. Улар устидан кулишади, ҳазил-мазахлар тўкишади. Бошга кўтарса арзигулик сўзи камлик қиласидан төғдай бардошли бундай зотлар тиконли, михдай қиррали йўллардан ғарир пойафзалларида ўтишади, ҳарир бўлса-да кийими бор, оёқ яланглар эмас. Булар давр қаҳрамонларидир. Улар ўзларини нисбатан кеч, лекин кечикмасдан намоён этадилар, яъни қолдирган излари секин, лекин узок, давомли намоён бўлаверади, чунки улар намояндаларнинг асли ва ҳакикий-сидир. Айтайлик, бир уйга аҳли таниш-нотаниш, мажлисга кирдингиз, кимнингдир гўзалиги ярқ этиб, бирдан ўзига торгади, кимдир секин-аста билинади ва унинг доимий муҳлисига, ихлосмандига айланасиз. Нега секин шахсий томонларга ўтмоқдасиз, деган мулоҳазали савол каминада ҳам, сизда ҳам бўлиши мумкин. Аввало, ёднома табиати буни такозо этади. Бу бир ибрат. Қолаверса, ёшли римиз бу майдон ичра ҳам марду номард борлигини, кам эса-да, адолат ҳақида куйлаб, адолатсиз давранишин санъаткор бўлгани ҳолда дўст ҳолига томошабин бўлиб қолишини ва бу адолатсиз-никни ширин сўз, ширин табассум, рангин, гуногун майлар билан шардалашларини билиб, шунга тайёргарликлар кўриб, кўркмасдан бу тиконли йўлга қадам босишини истамаймиз. Ижод ва шахс, тил ва дил, исп ва сўз айролиги ҳам бор гап. Ижодкор учун дунё дарвозаси муҳташам ва мустаҳкам таҳририятга ўхшайди, юқорига: “Муаллиф фикри таҳририят фикридан фарқ қилиши мумкин” дея айиқнинг терисидан ҳам калин ҳарфлар билан ёзib қўйилган, чунки ичкарида катта кизб ўтирибди, кичик мунофиқ билан, бу мунофик ўзини ночорлик пардасидан, кизб эса улкан дарвоза ва улкан ҳарф билан ўраб олган. Иккиси ҳам хиёнаткор, бири ошкор иккинчиси ростдан ҳам ночор...

Инсон дарёдан ўз қайиғи билан ўтади (гап ижодкор ҳақида). Ўзи ўтган, қайиқ оғаники, демак, асло ўтмаган. Нечун, ватан ҳақдаги асарни биринчи қаторга, тепага оласиз, юқорига чиқарасиз? Озодлик ва ишқ ҳақидагиси баландроқ-ку, ижодкорнинг барча асари ватан ҳақидадир, демак, асар юқорига муаллиф билан, мавзу билан эмас, савия билан кўтарилади. Ишингиз қоп-қора тунни, кечаги кунни эслатмайдими? Нима бу, мафкурами, ёшлар тарбиясими? Фалон метод билан ёндошингиз деган даврлар ўтмадими? Асар тутқунлик ҳақида, озодлик деган бир сўз йўқ ичida, лекин

тинимсиз озодликдан “сўзлайди”, демак, эрк қадри ҳақида, демак, ватан ҳақида, асар бахтсизлик ҳақида, аслида катта шодлик ва бахт қадри ҳақида, тутқун-озод пайтларда ҳам ватан-ватандир. Дунё пайдо бўлгандан буён тўғридан тўғри баҳт ва шодлик ҳақидаги асарларни йигсангиз нари борса сизнинг бинонгизча бўлади, фамташвиш, бахтсизлик, кайғу ҳақидаги асарлар эса диёрнинг ўзича, дунёнинг ўзича бор, демак мамлакатлардан улканрок, чунки ватангадолик тўғрисидаги асарлар ҳам асли ватан ҳақидадир. Лекин мен ватанин тушунмайман, тушуниш мушкул. Мен уни сезаман ва севаман, яхши иш деб ҳис қиласман ватани.

Ҳа, ватан яхши иш. Камина ҳикоясини келтироқчи бўлган қаҳрамонимиз Б.Акрамов ўз ватани учун яхши, гўзал ишалр қилган олим, ижодкор ва асл одам, ҳақиқий маънодаги инсон эди. Муқаддимамизнинг чўзилишига сабабларимиз бор, биринчидан, услубимиз шунаقا (ёқмаган бўлса, узр), иккинчидан, айтганларимизнинг яхши жиҳатлари Ботирхон акага тегишли, қолган жиҳатларини муборак бошларидан кечирган. Чунки, ватан яхши иш. Яхши ният. Яхши ҳис. Мехрибон, она, қариндош, дўст-ёр, жаннат, боғ-роғ, Жамол. Дийдор. Баҳт деб кўрилган баҳтлар, ватан баҳти деб чекилган шарафли баҳтсизликлар, шарафли азобу қийноқлар, улуғвор қийноқлар, улуғ қувончлар, мусибатлар барчаси ватан. Барчамиз шу айтилганлар ва айтиб тугатиб бўлмайдигилар ичida яшаймиз, бу “ич”лардан ҳеч ким ўзини хоҳиш ва ихтиёр билан тортиб ололмайди. Не эзгу, не яхши ва яқин ватандир. Бу гўзал ва гўзалликдир. Уни тубига етиш, туви билан тушуниш мушкул, ҳиссиётимиз даражасида.. у... дунёни эса, мақтаниш деб юрманг тағин, мен салпал, афсуски, тушунмайман. Лекин ҳеч тушунгим, ҳатто ҳис қилгим келмайди. Лекин, кейингиси менга боғлиқмас шекилли, ўзини сездира бошлайди ҳам. Дунё ва одам муносабати. Муҳаррир ва тортинчоқ ижодкор мусибати. Ӯхшаш эмасми?! Икки ҳолда ҳам ҳақиқий инсон изтироб соҳиби эмасми, балки тобеъсидир. Ватанин ҳар қачон севамиз. Дунёни... яхши томонлари ҳам бор-ку, дерсиз. Мен эса йўқ, уни яхши томон, яхши жиҳат айлаган ўша изтиробли яхши инсон дейман. Шундай инсон эдилар домла Ботирхон Акрам. Шулар ҳақида гаплашар эдик. Баҳслаша-баҳслаша дунё талабчан, қаттиқўл эмас, балки шафқатсиз муҳаррир дер эдик ва бундан шикоят ҳам тортмасдик. Тортиб ҳам қаёқقا олиб борарадик. Дунёни чидаганга чиқарган, ишлаш керак, дердилар домла. Кўплаб мақола-

лар, шеърлар ёзардилар. Шеърларининг бироргасини матбуотда учратмадим. Чиқаролмаган мақолаларини кўрдим, иншооллоҳ, ишонаман, улар чиқади. Чунки чиққан-чиқмаган, ҳали ўзини тұла намоён этолмаган, ёзилажак – ҳали ёзилмаган гүзал асарлар ҳам, ўзимиз ҳам ватанмиз. Миллат – ватандир. Мана, шулар ҳақида Ҳазрат Яссавий, Ҳазрат Навоий ҳақида баъзан қисқа, баъзан узун сұхбатлар қиласы әдик домла Ботирхон Акрам билан, сұхбатларимиз баъзан жуда секин, паст овозда, баъзан баралла бўлар әдиким, бу атрофга ва вазиятга кўра ҳам эди. Чунки, ватан ҳам, унинг тушиунчаларимизга, даврларимизга, давраларимизга, вазиятларимизга, амалларимизга кўра, қисқариб узаяр, кенгаяр эди. Чунки ватан бир нозик нуқта каби қисқа, шаффоғ ва қоронғудир. Чунки ватан давлатлардан, мамлакатлардан, фазолардан кент, буюк ва бепоёндир. Чунки, ватан миллатdir. Шавқ ва дийдордир. Миллат. Бошидаги ҳарфлар қисқартирилиб “лат” еганда ҳам у “миллат” эмас, фазолардан улкан порлоқ қуёшдир. Миллат ҳазрат Яссавийнинг муборак номларини кўксига азизлаб, баъзангина шивирлаган кунларнинг бирида Ботирхон Акрам домла дорилғунун болаларига, талабалар шуурига тинмай куйилаётган бир пайтда “Ҳазрат Яссавий маънавиятимиз, миллатимиз осмонида порлоқ юлдуз” экани ҳақида баралла маъруза қиладилар. Лекин у пайтда Ҳазрат Яссавий даъватли ижоди билан үлкаларни маърифатга, дину диёнатга бошлаган бекиёс кутблардан эканини билибмизми? Бу ҳақда Ботирхон Акрам сўзи ҳам, қаҳрамонимизнинг қаҳрамонлиги, жасорати ҳам бекиёс эканлигини... Дарсхона лол. Чунки мамлакатнинг ўзи ҳам улкан аудитория каби лолу караҳт эди. Талабалар кўнглида нимадир портлаб, нимадир порлаб тарқаладилар. Алмашган бошқа бир домла яна Ҳазрат танқидини бошлаганда дарсхона гувранади, Ботирхон аканинг фарзандидай бўлиб қолган яхши бир талаба савол тарзида Ботирхон ака бу гапнинг зиддини айтганлигини билдиради, яъни билмасдан, атайин эмас, савол тарзида... “сотиб” қўяди, лекин бунда хиёнат йўқ, чунки талаба тоза кўнгил (мен уни билардим), лекин бу борада ҳали “бола”, домланинг кўнгли ҳам боланикайдай пок ва ўzlари ҳам боладай мусаффо, содда эдилар. У зот маъруза қиласы қисқартирилиб, жасорат кўрсатяпман деб ўйламаганлар, кўпчилик билардики, домла жасоратга эмас, меҳр-муҳаббатга ташна эдилар ва қалби меҳр-муҳаббата лиммо-лим эди. Муҳаббатда лойиҳа ҳам, режа ҳам, мўлжал ҳам бўлмайди, буларни билмайди (бий-

лаётган эканман, демак, менинг мухаббатим нүқсонли, комил эмас), мухаббатда булар бўлмайди. Муҳаббатда баҳтиёрик азоб бўлмайди (орасида тиниш, таниш-нотаниш белги ҳам) бўлмайди! Азоб баҳтиёрик бўлади. Ишқ буларни билмайди. Муҳаббатда муҳаббат бўлади. Фақат ишқда фақат ишқ бўлади. Биз одамларни тоифага ажратмасликни тарғиб этамиз, бу рост, лекин ижодлар, қаҳрамонлар, жасоратлар, қаҳрамонликлар, уйғонишилар, уйғотишилар, муҳаббатлар орасида фарқ-тафовут борки, беихтиёр одамлар тоифаларга ажраладилар, биз ажратмаймиз, билъакс ораларида меҳр-муҳаббат бўлишини тарғиб қиласмиш, лекин аҳли ишқ олдида ишқибоз ҳам бор. Энди ўзимиз кетаётган йўлга қайтайлик, алмашган домла буни кимга, ким эса “юқори”га етказади. Тафовут, тоифа бўляптими? Бўляпти. Лекин биз шартли равиша (одам ажратиши мақсадида эмас), “иккинчи тоифа”га мансуб Ботирхон aka “биринчи тоифа”га эмас, биринчи қаторга кўтарилади. Жасоратлиларнинг биринчи қаторига, чунки аслан шу қаторда бўлган, фақат бизнинг қарашибиз турли томонларда, турли томонлардан бўлган. Чунки, биз ҳали “бала”лар қаҳрамонлик – жасоратни кўпроқ жисмий – моддий тушунгандирмиз. Ёки унчаликмас деб ўйлагандирман. Бу ўй баъзиларимизда ҳозир ҳам бор. Уйғонишилар, уйғотишилар турли даражада дедик. Уйғотувчи бадиий юксак асарлар бор, фақат уларда етук ижодкорларимиз маърузаларида тузум рухсат берган номларгина иштирок этар, ҳали улар Ҳазрат Яссавий ва Чўлпон ҳакида нуқтадай кичик даврада паст овозда айтилар эди. Шундай бир пайтда Ботирхон Акрам барадла сўз айтдилар. Айтганда ҳам кўп талаба қаршисида, катта аудитория минбаридан. Кейинчалик бу аудитория юрт қадар кенгайди. Унчаликмас дегувчилар энди рози бўлар. Фақат биз домланинг бу гўзал ишлари ҳакида ёзмадик. Домлани ишдан олдилар. Лекин домла адо этган иш секин-аста, лекин жуда узокларга кетади ва етади, эшитилади. Уйғонишида уйғониш, уйғотишида уйғотищ бор. Секин-аста унчаликмас дегувчилар ҳам Ботирхон аканинг бу иши чинакам қаҳрамонлик эканига қўнадилар. Агар замондошлиари қайд этса, дундай маъруза, миллатга етук асар каби хизмат қилишини, зиёда уйғотишини кўрдик. Бошқа юрт зиёлилари, ҳамкасларимиз буни чукурроқ англайдилар. Қайд этадилар. Ўшанда аудиторияда бўлмаганим учун афсусланаман. Кейинроқ сарлавҳасини “Домла Ботирхон Акрам” кўйиб, тўрт қатор битдим:

*Қаҳрамонлик – ўнта танкни портлатмоқ,  
Үруида үлдирмоқ, мажсақламоқ ҳам,  
Тинч күринган замонга ҳақсұз айтмоқ,  
Тенгсиз қаҳрамонлик эрүр ложарал!*

Ботирхон аканинг нурли күриниши, рости ҳар кимга ҳам насиб этавермасди, келинг, раҳматлини ҳеч курса шундай сифатлашдан бизни маҳрум этманг. Қолаверса, юқоридаги сұхбат рост, бұлған гап. Мана, яна биттаси: улкан шоир Чүлпон Эргаш. “Домла Ұш драма театрида у киши Ҳазрат Навоий, мен Мұмін Мирзо ролини ижро этдик. Домла билан театр раҳбари ҳам тортиниб сұхбатлашарди. Бир кун ижрода хатога йўл қўйдим, мен – Мұмін Мирзо Ҳазрат Навоийнинг муборак иякларининг жуда ҳам тагига бориб қўйибман, ролдаги Ботирхон ака, шу қадар қаттиқ тикилдиларки, қўркиб кетдим ва хатоимни англаб, таъзим килган ҳолда икки-уч қадам үзимни ортга олдим, чиройли бир тарзда қусримдан чиқдим, томошабин қарсак билан узоқ олқишилади”. Иккалаларига буни эслатдим. “Мен Театр қопидаги тўгаракка қатнашардим (ё раҳбари бўлгандим)” дедилар Ботирхон ака. “Унда, Йўлдош, сиз домлангизинг меҳнат дафтарчаларига қаранг, – деди Чүлпон Эргаш. Шу-шу Домланинг оила азолари йигилганда ҳам узул-кесил жавоб ололмадим, лекин улар ўша воқеаларни элашиб, кўзларига ёш олдилар ҳамда гўзал бир тарзда завқландилар. Лекин негадир Домла актёр бўлганини яширишга ҳаракат қилас, қанча ҳаракат қиласин, қиёфа ва ҳаракатларида бу намоён бўлар ва бу ҳол у зотга ярашарди. Бир кун ўша пайтларда талаба, лекин жуда истеъододли Тўра Мирзо хушхабар билан уйимизга келиб қолди: “Домлангиз Театр ва Раскомлик институтида бизга дарс беряпти, қаранг, нима бўлди, биринчи кундан ҳаммамизни мафтун этди ва ҳайратта солди Ҳазрат Навоий ғазалини полга қоғоз ёзиб, ўтириб ўқидилар” (Мен айнан келтиромадим Тўра Мирзо “Ҳазрат Навоийдан ғазал ўқир эканлар, полга шартта қоғоз ёздилар, шартта ўтириб олдилар ва гўзал бир гарзда ғазал ўқишида давом этдилар” деганди шекилли, чунки унинг айтиш оҳангига юмшоқ бир шиддат сезилиб турарди). Мен буни гушунаман. Ҳар ерда талабалар Домлани яхши кўриши табиий, домла талабаларни яқин олар, муомалалари гўзал ва расмиятчиликдан йирок бўларди. Тўра Мирзо айтган ҳол ҳам гўзал – бир инсонда олим, шоир, актёр, ўқитувчи мужассам, бунинг устига яқин, меҳрибон дўст, ака. Яратган раҳматига олган бўлсан. Бу гапларни

келтиришимиздан максад чехраси очиқлик (бу нурлилик), ташки кўриниш юз-кўз мусаффолиги, бу ботиннинг акси эканини муболага этишдир. Лекин сўзларда воқеаларда муболага йўқ. Айтайлик, бир одам дала ҳовлисида гўзал хаёллар оғушида шу кадар нигоҳи паришонки, ҳатто эшиги тагидаги булокнинг булбулдай шилдираши ҳам унинг паришонлигини паришон этолмайди, ҳалал беролмайди, у ўзи суюниб турган кўринмас, шаффоф, гўзал, нозик, олмос бир нуқтани излайди. Йўғасам, эмасам, у чашмаи зилолни севади. Зоҳирий гўзаллик ботинда бўлса билинади. Йўқса, одамга булок лой, кум устидаги бир кўлмакча, эмаса у оқаяпти, қум тагида қайнати, демак, кўлмакмас, шилдираб куйлаяпти. Шоирнинг энг гўзал шеъридай. Чунки булок – ернинг илоҳий илҳомидир. Лекин бадбин одам тер қотган пайпоғини, кир оёғини булок сувига ювади. Булоқ боши лойқаланади, лекин ҳаром бўлмайди, зилолланади. Яъни ҳар ҳолда ҳам ички олам муҳим. Инсон сифатида гўзал тоғ, булоқ манзарасини орзулаб ўтса-да, Ботирхон ака деярли шаҳардан чиқолмадилар. У ўша олмосдай жилвагар рангоранг товланувчи, жуда ҳам кичик, нозик, ўзи суюниб турган, шаффоф нуқтани излаб ўтдилар. Йўқотдилар, топдилар. Топдилар, йўқотдилар. Ўз кўзим билан кўрган, бирорлардан эшитган, ҳозирда ҳам, худога шукур, уларнинг кўпчилиги ҳаёт бўлса-да, сиз эътиroz этмасангиз-да, эътиroz этилаётгандай (бу балки ўзимнинг ички қандайдир бир қоник маслик туйғуси бўлса ажаб эмас) сал ошириб битаётгандай туюламан. Хўш, гапнинг дангалроғига ўтсак, савол беришингиз мумкин: “Домланинг маколаларини, китобларини ўқиганмиз, нега фалон мунаққид каби, пистон адабиётшунос каби машҳур бўлиб кетмадилар?” Мен ҳам саволингизга жавоб бераман: “Нега дастлаб Рауф Парфи, кейин Тилак Жўра, Шавкат Раҳмон бошда айтилган кўшиқчи шоир каби машҳур бўлиб кетмади?” Рауф Парфини кейинчалик машҳурлашди, шунда ҳам оммавиймас, шунда ҳам қўшиқчи шоир каби эмас. Тилак Жўра ва Шавкат Раҳмон ҳам бора-бора машҳурлашди, лекин уларнинг ҳам шуҳрати ўша қўшиқчи шоир машҳурлиги каби бўлмайди. Уникидан узокроққа кетади. Ботирхон Акрам Домла ҳам шунга ўхшаш. Тарихда ҳам бундай ҳоллар бор ва ибратли. Масалан, Ибн Сино қайсарроқ, Беруний келишувчанроқ ёки вазиятта кўра иш тутувчикор бўлганлар. Ботирхон Акрам ва Рауф Парфи домлаларнинг асарларини Муҳаррир, ҳаётларини Дунё муҳаррир тинмай қайчилаб туришган. Бадий Муҳаррир ўзгарса-да,

Дунё мухаррирнинг ўзгариши маҳол. Балки иккаласи ҳам буйруқ, эҳтимол, ҳукм ижро этишар. Ботирхон Акрам ва Рауф Парфи домлалар афсонаси, ижоди, жасорати шўро давридан бизга ва биздан кейинги авлодларга етиб боради. Мухаррирсиз, диссертацияларсиз, бизнинг битикларимизсиз. Чунки Рауф Парфи китоблари дунё бўйлаб тарқалмоқда, Ботирхон акага эса Ҳазрат Яссавий руҳонияти мураббий эканлигини у кишининг ҳаётлари давомида кўрдик. Кўп қийинчилик кўрсалар-да, омон-эсон яшадилар.

### **КЎРСА-ДА**

Қанчалаб довулу чақин,  
Бағри хазинага бўлса-да ўчоқ,  
Не учун борсангиз ҳамиша яқин,  
Эгилиб тургандай бўлади бу тоғ, –  
Буюклар тимсоли чўққилар учи...  
Мағрур атайдилар тоғларни нечун,  
Бойликлар, тиллалар тинмай таширлар,  
келбатин камайтмас ёки оширмас,  
нечун ташбиҳлашар: “кўксини керган” –  
мос тушмас. Мехрибон, улуғ кучоклар...  
Минглаб шогирдларга таълим – нур берган,  
Ботирхон акага ўхшар бу тоғлар.

### **УСТОЗ**

Боғ ҳовлини орзу қилиб ўтдик биз,  
Тоғ ҳовлини орзу қилиб ўтдик биз,  
Иншооллоҳ, шаффоғ жаннат тоғига,  
Ва боғига Сиз аввалроқ етдинғиз.

\* \* \*

Яхши кўрар эди Рауф Парфини –  
Ёд оларди ҳар шеърин, ҳар ҳарфини.  
“Ўзбекистон нафас олар сўзида!”  
Туркистон дент, дер эдим мен. Кўзида  
Шодон маъно сочиб нурлар ёрқини,  
Йўллар эди кулгич бўйлаб ёлқинин,  
Парфий шеърда нафас олиб Туркистон.  
Дарёлари сув ичарди беармон,

Сафоланиб дур күчарди кўксидан,  
Бугун кўйчи қамишлари ўксиган!  
Нок тарзида дил новдасин безарди,  
Танбурга, юракка, ёшга менгзарди,  
Созу ёшни жам этса гар дил ғамнок  
Қандай чидар дунё кардил ҳам нопок,  
Зулумот ичинда ундириди нур у,  
Хайдади лаззатни, энди хур у!

*Тожихон СОБИТОВА,  
филология фанлари номзоди, доцент*

## НАВОЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ БИЛИМДОНИ

Дунё, инсон, маънавият, қадрият...

Дунё бунёд бўлибдики, инсон дунё юзини кўрибдики ва ўзини инсон сифатида англабдики, у ўзини борлиқнинг энг мукаммал мавжудоти сифатида таниб келади. Инсон онги, тафаккури ва маънавияти туфайли шундай устунликка эгадир. Ер курраси чарх уриб айланаверади, вақт олдинга караб илгарилайверади, инсонлар дунёга келиб кетаверади.

Инсонлар бор дунёга келадилару кетадилар, улардан ном-нишон қолмайди, ҳётнинг маъносига, қадрига етмайдилар. Инсонлар бор – мана шу келиши билан кетиши ўргасидаги “умр” деб атальмиш вақт мобайнида чақмоқдай, чақнаб ўзларидан ёркин из қолдирадилар. Бу из ҳеч қачон ўчмас бўлиб асрлар оша йўқолмайди. Мана шундай – ўзидан кейин яхши асарлар ва солиҳ фарзандлар қолдирувчилар маънавий юксак инсонлардир. Шундай инсонлардан бири филология фанлари доктори, профессор Ботирхон Акрамовдир. Устознинг ҳамма фарзандлари ва набиралари Ватанимизнинг, турли жабҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда ва улар халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Жамият тараққиётини зиёлиларсиз, устозларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки бутун маънавий бойлик улар қиёфасида акс этади. Ҳар қандай инсон қалбида ўзининг зукко билими, салоҳияти, нозик таъби билан из қолдирган ва чуқур эҳтиромга сазовор бўлган устози бўлади. Ана шундай устозларимдан бири филология фанлари

доктори, профессор Ботирхон Акрамов Навоий шеъриятини ниҳоятда чукур нафис ва теран тушунар эди. Домладаги талабчанлик, ўз устида ишлаш, тинимсиз меҳнат қилиш ва ақл заковади кишини ҳайратга солар эди. Устоздаги ўзига талабчанликни мен 1973 йил июл ойида Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)да кўрган эдим.

4-курс тталабалари ва устозлари билан (доц. А.Ашрапов, доц. С.Низомиддинова) билан амалиёт ва илмий сафарга боргандик. Домла Ботирхон Акрамов Салтиков-Шчедрин кутубхонасида эрталабдан кечкурунгача тиним билмай ишлаганинг гувоҳи бўлган эдим. Чунки битта ётоқхонада турган бўлсак ҳам домлани 10 кун давомида атиги 2 марта гина кўрган эдик-да.

Ҳа, илм йўлида қурбон килинган вакт ўз самарасини беради. Устоз докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди, халқимизга кўпгина илмий мақолалар ва китобларини ҳадя этдиларки, қуйида келтирмоқчи бўлган асарлариданоқ унинг билим салоҳиятини илғаб олиш мумкин. Жумладан, “Шеърият гавҳари”, “Фасоҳат мулкининг соҳибқирони”, “Меросшунослик”, “Навоий шоҳбайтлари” ва бошқа илмий-адабий асарларида кўриш мумкин.

“Олимлик тафаккурлар майдони” дейди халқимиз.

Ботирхон Акрамовнинг тахайюл парвози, фикрий кенгликлари, айниқса, унинг “Навоий шоҳбайтлари” асарида яққол кўзга ташлаиди. Навоий шеъриятининг нафосату назокатини теран англаб стиш, улуғ шоирнинг бадиий салоҳиятини сехрию, сўз жозибасини идрокини мана шу рисолада кўришимиз мумкин. Жумладан, ушбу парчада муаллиф Навоийнинг фикрини шундай таҳлил қиласди: «Илло, устоз салафларнинг улуғ “Хамса”лари (“Хамсатайн”) факат мазмун-маъно ва қадр-баҳода нисбати йўқ достонларгина эмас, балки ўзининг худудий миқёси-ла “икки жаҳон” моҳияти ва сабабиятидан баҳс қилувчи тақдир китоблари, беназир бадиий солномашар эдики, улар кўтарилиган улуғ мартаба мақомидан туриб, Навоийнинг “Алишерий” тахайюл ва таҳайюр кўзгусида янги мўъжизоту гаройибот оламини, жумладан, дунёвий ажойибот мулкини кашф идди».

Ботирхон Акрамов ушбу китобнинг “илоҳий миръот-тажаллийтнинг “Алишерий” тимсоллари бўлимида зеро “ишқ” хусусидаги шеърларни хақиқий олимона, чукур фалсафий теранлик ва позитивлик билан таҳлил қилиб берган. Навоийнинг “ишқ”, “мажозий

ишиқ”, “ишиқ ҳақиқати” ҳақидаги фикрларини нихоятда чиройли талқин қилғанки, бу олимнинг соҳаси бўйича жуда катта билим эгаси эканлигини кўрсатиб турибди.

Айниқса, ушбу рисоладаги 20 та Навоийнинг шоҳбайтларининг талқини ва таҳлили профессор Ботирхон Акрамовнинг етук олим ва шеърият талқини оламида юксак маҳорат эгаси эканлигини кўрсатиб турибди. Нозик қалби илмга лиммо лим тўла, меҳри дарё, маънавий юксак ва олижаноб устозга охиратингиз обод бўлсин, деймиз.

*Мирзо КЕНЖАБЕК,  
шоур, таржимон, публицист.*

## АҲЛИ ДИЛ ИНСОН ЭДИЛАР

*Бисмиллаҳур-Роҳманир-Роҳийм.*

Ботирхон Акрам домла ҳиссиятли, хушхулқ, хушфеъл, камтарин, ҳамиша яхшиликка мойил, инсоф ва адолат тарозусига тош қўювчи инсон эдилар. Қалблари завқли, таъсирчан, сухбатдошининг айтмоқчи бўлган фикрини тез илғаб, тез муносабат билдиришга ошиқадиган, бегаз, холис зот эдилар. Камина, муболага қилмасдан, бу ўринда қалбимдагини ёзаман.

Домлани олим, доктор, профессор, адабиётшунос, хусусан, навоийшунос олимлардан деб билсак-да, ижод аҳли, айниқса, шеърият аҳлига у кишини яқин килиб турган бошқа хислатлари ҳам бор эди. Чунончи, самимий ватанпарварлиги, кенгфеъл миллатпарварлиги, миллий-тарихий ҳақиқатларга содиқлиги, қалбларда яширин, асл ижодкорлар сўзи замираida пинҳон, яъни ишоратлар билан ифода этиладиган эрк ва озодлик ғояларига хайриҳоҳлиги, турли маънавий курашлар ичida ҳақиқат тарафида собит туриши ижодкорлар орасида у кишининг иззат ва обрўйини оширган хислатларидан эди.

Камина домланинг олдида ўзимни қарздор ва бурчли ҳис этаман. Ўтган XX асрнинг 80-йиллари ўртасида бир гуруҳ ижодкорлар мустабид тузумнинг баъзи ноҳақликларига қарши ошкора кураш бошладилар. Бу кураш кейинчалик асл истиқтол курашларига айланниб кетди. Ўшанда нашриётларда китоблари чиқиши режлаштирилган шоирлардан бир қанчасининг китоби нашрини тўхтатиш мақсадида уларнинг кўлёзмаларига ички – маҳфий такризлар уюш-

тириш, яъни улар ижодидан сиёсий, ғоявий нуқсонлар излаш ишлари бошланди. Бу хуфёна такризлар имзосиз эди. Лекин услуб ва ифодаларидан кимлар ёзганини билар эдик. Каминанинг нуқсонларга тўла “Муножот” китобимга сиёсий хушёр, машхур ва заковатли бир мунаққид тақриз ёзди. Унинг қўйган сиёсий айблари 30-йиллардаги мафкурачи қотилларнинг айбномасидан кам фарқ қиласи. Шунда шеърият бўлимининг мард, ватанпарвар мудири Шавкат Раҳмон қўлёзмаларни бошқа шоир, олим ва мунаққидларга ички тақризга бериб, айбномаларни рад этишга уринди. “Муножот” қўлёзмасига шоир ва адаб Омон Мухтор, адабиётшунос олим Ботирхон Акрам ижобий тақризлар ёздилар. Фидойи, миллатпарвар олим Иброҳим Ҳаккул маҳсус раднома ёзди. Домла “Ватан минтакаси” деган достонимга маҳсус тўхталиб, ундан бир қанча фазилатлар қидирган эдилар. Бунга сабаб шуки, маҳфий тақризда айнан шудостондан нуқсонлар ва сиёсий айблар қидирилган эди. Гарчи у достонга нисбатан ўзимнинг ҳам танқидий карашларим бўлса-да, домланинг бу шижаоти иккимизнинг ўртамизда бир маънавий яқинлик ва яқдиллик пайдо қилди.

“Ўзбекнинг” деган назира-шеърим ҳақида мақола ёзишларига оса худди шунга ўхшаш бошқа воқеа сабаб бўлганди. Ўша вақтда ёш бир мунаққид “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Муножот” китобим ҳақида тақриз чоп эттириб, унда айнан “Ўзбекнинг” деган шеъримни танқид қилди. Вижданан айтсан, унинг баъзи танқидий мулоҳазалари хийла ўринли эди. Лекин бу тақриз унинг адабий мухитда беобру ва маҳжур бўлишига сабаб бўлди. Кўплаб ёшлар унга маънавий “хужумлар” қилиб, маломатлар ёғдира бошлади. Чунки, гарчи фикрларида асос бўлса-да, унинг бу феълида жуда улкан хиёнат ва маккорлик яширинган эди. У мунаққид бу тақризни айнан мустамлака тузумининг мафкурачи золимларига керак бўлиб турган вақтда ёзди. Ва шубҳасизки, яширин ишорат ва буюртма билан ёзди. Шунда Ботирхон Акрам домла мазкур шеър ҳақида мақола ёзил, уни матбуот учун тайёрлади. Бу билан ёш мунаққиднинг хиёнатига жавоб бермоқчи бўлди.

Бугунги истиқлол кунларида бу воқеаларни эслашнинг қандай аҳамияти бор? дерсиз. Аҳамияти шундаки, асл ватанпарвар, миллатпарвар қалбларни таниш, қадрлаш, ҳеч бўлмаганда, уларни ноҳақ тухмат ва маломатлардан химоя қилиш, эзгулик, адолат ва ҳақиқат тамойилларида ҳамиша событқадам туриш, абадий долзарб

масалалардандир. Қалам тұғри ва шарафли нарасадир, уни эгриликка хизмат килдириш виждон ва иймон ҳақиқатига хилоф ишdir. Ботирхон Акрам домла бу борада ўз виждон ва иймон ҳақиқатини намойиш этган әдилар.

Мұмтоз зотлардан Амир Алишер Навоий, Бобур Мирзо ижидан биттан ҳайратлари, Абдулжамид Сулаймон Җұлпоп, Усмон Носир, Миртемир, Зулфия ҳакидаги бадиа-мақолалари, айниқса, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи ва бошқа күплаб шоирлар ижодини тадқиқ ва таҳлил этувчи мақолалари домланинг ҳалққа ва Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатининг ҳужжатларидир.

Домла ҳазрати Навоийнинг фидоси, шайдоси әдилар. Ёзилган ва ёзилмаган мақолалари орасида Навоий шеъриятидан саралаган шоҳбайтлари улкан миқдорни ташкил этганини қўрдик.

Домла ўзаро сұхбатларда ҳам, мажлис ва йигинларда, ижодий учрашувларда, талабалар хузурида ҳам, албатта, Навоийдан байтлар айтар, бирор мулоқотдан Навоийнинг байтисиз чиқмас әдилар.

Навоийнинг бир байтини доим зикр қилас, бу байт билан Яратганга дуо қилас әдилар:

*Нақди жсон чиққанды иймон гавхарин күнглумга сол,  
Айлагил жсондин жудо, лек этта иймондин жудо!*

Домланинг ҳозирча әлға маълум бўлмаган бир жиҳати у кишининг зукко, нозиктаъб ва сўзшунос шоирлигидир. “Хайратлар олами” шеърий китоби нашр этилгач, шеърсевар диллар устознинг нозик истеъдодидан баҳраманд бўладилар.

Домланинг вафотидан кейин асарларини тартиблаш ва нашрга тайёрлаш мақсадида қызылари, фидойи муаллима Гули опа ва набиражлари Музаффаржон бизнинг хонадонимизга бир неча марта ташриф буюрдилар. Мулоқотлар асносида Опамиз неча марта кўзлари ёшланиб, домла, камина ҳаждан қайтганимдан кейин зиёратга келишишга чоғланганлари, ундан кейин ҳам бир неча марта йўқлашга уринганларини айтиб, йиглаб олар әдилар. “Мана шундай келиб кетар эканмиз, нима учун домла ҳаётлигига у кишини олиб келмадик!” – деб армон қилас әдилар. Бу сўзлар биздек тўрт девор ичидагу ўз-ўзига машғул бўлиб қолган муҳлисларга танбех ва армондир.

Тўғриси, ўлим ҳақ бўлса-да, ҳамиша одамни ғафлатда қолдирди. Ҳиндистондаги улуғ бир муҳаддис олим шогирдларига танбеси

ҳан: “Булар мени ҳеч қачон ўлмайди, деб ўйладиди”, дер эканлар. Ўлим, эътиқодан, доимо ўз вакгиде келса-да, ҳар гал бевакт келган-дек туловаверади.

Азиз устоз, ҳассос олим, мутафаккир инсон, ҳайратли шоир Ботирхон Акрам фоний дунёни тарк этдилар. Чин қалбдан Яратган Эгамизга илтижо қилиб: “Охиратлари обод бўлсин, Аллоҳнинг раҳмати, жаннати ва жамолига мушарраф бўлсинлар!” – деймиз.

Улуг ўзбек Ватани ва ҳалқи учун умрини фидо қилиб ўтган юртпарвар олимнинг маънавий мозори – ҳалқнинг қалбидадир.

*Тўра МИРЗО,  
Халқаро Фузулий мукофоти совриндори*

## УСТОЗ ҲАҚИДА ЙЎҚЛОВ

Миллатнинг шундай устунлари борки, орадан йиллар ўтга, унинг буюклиги яққоллашиб бораверади. Алишер Навоий туркий ҳалқлар танглайини кўтариб қўйган ана шундай улуғ шоир. Жаҳон шеъриятининг шубҳасиз энг йирик устунидир.

Ботирхон Акрамов домламиз Навоий ҳақида қўп ва хўп ёзган олим сифатида ҳар сухбатда, ҳар мажлисда бобомизнинг ўтлиғ мисраларини ёддан ўқиб, кўпчиликни ҳайратга солган олим ва ижодкор эдилар.

Ўтган асрнинг 70-йилларида мен таҳсил олаётган Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида ўзбек адабиётидан дарс берган эдилар. Навоийдан завқ билан шеър ўқиганларида бўлгуси актёрлар ҳам тан бериб, жон қулоғи билан тинглардилар. 20 кишилик аудиторияга дарсга кирсалар, камида 50 одам ўтирган бўларди. Мен бирор марта домланинг дарсини қолдирмаганман. Дарсдан кейин ҳам соатлаб Навоий, Чўлпон, Рауф Парфи ва шеъриат ҳақида сухбатлашардик. Менинг илк шеърларимни кўриб, далда ва маслаҳатларини аямаган бағри кенг инсон эдилар Ботирхон устоз.

Кейинчалик Чўлпонпарастларнинг куни туққаҷ, домла яна ЎзМУда дарс бера бошладилар. Мен домла ҳақида иккита шеър ёзганимдан ҳали хаёт эдилар. Аммо кўрсатишга иймандимми, кўнглим тўлмадими, билмадим. Иккинчисини вафот этганларидан сўнг ёздим. Устоз Рауф Парфи вафот этган-

ларида ғассолга ўзим сув қуиб берган эдим. Устоз Ботирхон Акрам мен ичкаридан чикқач, улуғ иш килдингиз деб қучоқлаган эдилар. Афсуски, устознинг ўтганларини газетадан билдим. Охириг йўлга кузата олмаганимдан азиятдаман.

## ИККИ ШЕЪР

Кўришсак Ботирхон Акром-ла  
Хол-аҳволни сўрамай домла  
Навоийдан бошлайди газал,  
Дер: “Тик туриб шеър ўқиш афзал”.

Завқлар тикка, толган оёклар  
Рӯҳ баланд, кўз атрофга бокар.  
Ўриндиқка домла юрганча  
Дер: “Шеър ўқиш зўр ўтирганча”.

Кўринаркан эски автобус,  
Домла билан тирмашади сўз,  
Тиқилинчга қилмасдан парво  
Дер: “Уловда шеър ўқиш аъло”.

Сув ё ҳаво кемаларида,  
Поездда ё улов барида,  
Борсак домла тўхтамай ғазал,  
Дер: “Сафарда шеър ўқиш афзал”.

Тун-кун Навоийдан шоҳбайтлар айтган,  
Баланд томга кузатдим қанча,  
Домла дерлар ёнбошлиганча  
Навоийдан шеър ўқинг, укам  
“Ўтириб, тик туриб, ётиб ҳам”.

## 2

Чироқчиси кетди Мир Алишернинг,  
Ямоқчиси кетди эл  
била шеърнинг  
Оқчиси, ёқчиси, соқчиси кетди,  
Фироқчиси қолди  
шеърпаст эрнинг.

Дарё мисол устоз кўк ёққа оққан,  
Олис юлдузлардан тунлар  
нур соққан  
Ботирхон Акром-ла  
сирлашган палла,  
Сочдан товонгача  
Ҳаяжон ёққан.  
Юлдузни ой этган,  
сўзни бойитган,  
Навоийдан қолган тоқ мурид,  
Терс шамолга қарс-қарс борар зид  
Кўриб қолса шоир-ҳавоий,  
Тилда зикр, дилда фикр,  
сирида йўқ кир,  
Улканлашар яна Навоий.  
Хофизага олтин  
мисралар қайтган.  
Сафардан қайтдими  
Шогирдлар ичидан  
томчилайди нам,  
Навоий деганинг  
тиkdir даъвойи,  
Ўйласанг, сўйласанг,  
бўйласанг-карам  
Ботирхон Акрам?

*Салимжон СОБИРЖОН ўғли,  
Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, хаттот*

## **ДЎСТЛИК ЁШ ТАНЛАМАЙДИ**

“Маҳалланг – ота-онанг” деганларидек, биз истиқомат килаётган “Бўстон” маҳалласида ҳам ўзаро меҳр-мурувватли, бир-бирига оқибатли бўлган ажойиб инсонлар истиқомат килишади. Домла Ботирхон aka ана шундай инсонлардан бири эдилар.

“Дўстлик ёш танламайди”, – деган экан доно халкимиз. Орамиздаги фарқ ўн ёш бўлса-да, биз дўстлашиб олган эдик. “Камтарга

камол” ибораси уларнинг ҳаётий шиори эди. Ёшу қарига баробар хурмат-иззат билан муомалада бўлар эдилар. Шунинг учун бўлса керак, у кишининг ёру биродарлари ва дўстлари бисёр эди.

Маҳалламиизда ўтадиган тадбир ва байрамларда Ботирхон домла Навоий, Фузулий, Бобур Мирзо шеърларидан ўқиб, шарҳлаб, магзини чақиб берардилар. Биз мароқ билан тинглар эдик. Ботирхон ака иштирокидаги бундай тадбирлар файзли ўтар эди.

Ботирхон акани мумтоз адабиётимиз, айникса, Навоий шеъриягининг билимдони деб танир эдик ва биз қўшни – дўстлари бу сифатларига қойил қолар эдик.

Мумтоз адабиётимиздаги айрим сўзларнинг изоҳини ҳеч эринмай тушунтириб берар эдилар. Шу ўринда улуг шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг куйидаги мисраларини келтириш жоиз деб ўйлайман.

*Бу гулишан ичра йўқтур баҳо гулига сабот,  
Ажисб саодат эрур қолса яхшилик била от.*

Чиндан ҳам бизнинг ажойиб дўстимиз, акамиз, устозимиз – филология фанлари доктори, профессор Ботирхон ака Акрамов минглаб шогирдларга устозлик қилганлар.

У кишининг ёрқин хотираси маҳалладош дўстлари қалбида аллақачон муҳрланиб бўлган ва у асло ўчмайди.

*Абдузоир ЖАЛИЛОВ,  
хукуқшунос*

## **НАВОИЙ РУХИДАН МАДАД ОЛИБ...**

Ботирхон домла бир институт – Тошкент архитектура курилиш институтида 10 йиллар атрофида бирга ёнма-ён ишладик. Институтда "Хукуқшунослик" фанидан дарс бериш билан бирга, ўриндошлиқ асосида адлия маслаҳатчиси вазифасида ҳам ишлар эдим. Ботирхон домла институт маънавият марказини бошқарар эдилар. Домлани доимо бирор иш билан банд бўлганликларини кўрар эдим. Мен у кишига зеҳн согланимда у кишининг чехрасидан илм нури ёғилиб тургандек туюлар эди.

Ботирхон домла ўз қобилияти ва кучи билан ҳеч қандай суюнчиксиз илмнинг юқори даражасига чиқсан одам эдилар. Шуни айтишим мумкинки, домла Навоий илмининг билимдонлари Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Иззат Султон, Алибек Рустамов, Азиз Қаюмов кабиларнинг издошларидан эди.

Домла ўта тартибли ва камтарин одам эдилар, ўзидан бир ёш катта бўлса ҳам у кишини хурмат қилиб йўл берар эдилар. Мен у кишига "домулло, ўтсинлар" деб йўл берсам, у киши менга "сиз менга қараганда битта кўйлакни ортиқроқ йиртгансиз" деб жавоб қиласар эдилар.

Мен ўз фикримни Ботирхон домланинг уч асосий хислати билан изоҳламокчиман:

- 1) У кишининг Навоий илмининг забардаст тадқиқотчиси эканлиги;
- 2) Домланинг тўғрисўзлиги;
- 3) талабаларга меҳрибон, ҳакиқий жонкуяр устозликлари.

Юқорида эслаб ўтканимиздек, домла Навоий илмининг билимдони бўлиш бирга Навоийни ўта яхши кўрар эдилар.

Охирги пайтлар Навоий номини тилга олганлари заҳотиёқ қўзларига ёш олар эдилар. Ботирхон домла ўзининг "Навоий шоҳбайтлари" асарини менга тақдим этган нусхасида ёзган дастхатларида шундай жумлани ўқиш мумкин: "Сизга, аҳли аёлингиз (кутлуғ ҳонадонингиз)га Аллоҳ ёр, Навоийнинг руҳи шарифлари мададкор бўлсин. Омин, ё Раббил оламин" деб дастхат битган эдилар. Қарангки, ҳатто менга қилган яхши тилакларида ҳам Аллоҳ билан бирга Навоий руҳидан мадад тилайдилар.

Мен баён қилмоқчи бўлган домланинг иккинчи хислатлари тўғрисўзлиги эди. Домла дилидаги сўзни ҳеч ўзгартирмай гапирав өдилар, у кишида "тили бошқа, дили бошқа" деган гап асло бўлмас өди...

Мен баён қилмоқчи бўлган домланинг учинчи хислати, талабаларга доимо меҳрибонлиги, қачон у кишининг ёнидан ўтмайин доимо камида 5-6-та талаба бўлар эди. Талабалар доимо у кишининг сұхбатига мухтож эдилар. Ботирхон домла, менинг назиримда, тұғма олим, ажойиб садоқатли дўст, ҳоксор бир инсон эдилар...

## УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ...

Хотира... Олис-олисларга чорлайди ногоҳ... Яхши одамларни эсга солар у. Ҳаёлимда чарх уриб, таниш чехралар, соғинчдан ўкинар армонли кўнгил...

Ииллар ўтаверади, аммо яхшилар хотираси қалбларда яшайверади. Қачонлардир видолашган яхшилар нимагадир, ногаҳон бизда соғинч хиссини уйғотади ва ўз-ўзидан хаёлот оламига етақлади. Уларнинг ҳаётдаги акси, қиёфаси бутун ҳаёлимизни эгаллайди. Шундай яхши устозлардан бири сифатида Ботирхон Акрамов ижодини эътироф этиш мумкин. Устознинг ўз касбига муҳаббати ва фидойилиги унинг маърузаларида яққол акс этарди. Ҳали-ҳамон эсимда, устоз Навоий ижоди орқали биз талабаларга гўзал хулқ, одоб-аклоқ ҳақида тушунча бериб бошқа шоирлар шеърларидан ҳам парча келтирадилар. Шундай шеърлардан бирини, яъни Шайхзоданинг “Ҳар сонияда...” шеъридаги ушбу сатрларни ҳеч эсимдан чиқаролмайман:

*Бир нафар чилангар кўз юмса агар  
Ўрнига туғилар учта чилангар.  
Ёки ўлиб кетса битта муаллим.  
Ўрнига туғилар донишманд олим.  
Аммо ўлган икки абраҳаға эваз  
Бири ҳам туғилмоқ асти шарт эмас...*

Хотирот олим таъбири билан айтганда, инсоннинг чин инсонлигини, унинг руҳий илдизлар, маънавий асослар билан алоқа ришталари узилмас эканлигини, имон-эътиқоди бутунлигини кўрсатувчи эзгу, муқаддас қадриятлардан. Умрини, қалб-қўрини, борини адабиётшуносликка, хусусан, ўзбек шеъриятига, қолаверса, Навоий ижодига баҳшида қилган меҳрибон устозимиз Ботирхон Акрамов хотираси доимо мангу. 1945 йили, Ҳамид Олимжон хотираси күнларида: “Кокиндик... Сени жуда соғиндик...” деб ёзган эди Мирте мир. Мана, фалак айланиб, унинг ўзи – бокий шеърият чаманзорининг хушилхон куйчиларидан яна бири муҳлисларини “жуда соғинтириб” кетди. Том маънодаги ҳалқ шоирининг ўрни жуда йўқ

ланяпти, – деб ёзган эди олим ўзининг “Оламнинг бутунлиги” китобида. Шу жиҳатдан устоз бутун бизни “жуда соғинтириб” кетди, уларнинг ўрни жуда ҳам йўқланяпти ва сезиляпти.

*Дунё оқ эмасдир, йўқ, қора бардош.  
Куйиб, ёдимиздан кечганилар айтсин.  
Сўзларида заҳар, кўзларида тош.  
Тилидан, элидан кечганилар айтсин.  
Тунлар босиб келар дунё ҳасрати.  
Кунлар гизли тугён, босиб келар шеър.  
Нечук қисмат эрур, шоир қисмати?!  
Тушларимни бузар ҳазрат Алишер...*

Бу сатрларнинг аламнок охангидаги шоир қисмати она халқнинг тарихий тақдиди билан, унинг азалий орзу-армонлари, дардлари билан узвий боғланган, деган теран маъно ётади... Рауф Парфи кўзланган ниятни, зоҳиран қараганда, оташин шоирнинг мураккаб ҳаёт йўли, унинг фожиали интиҳоси тақозо этган оғир-ҳазин оҳангда ифодалаётгандай бўлади. Аслида, ўша безовта, аламли оҳанг замира, мисралар моҳиятида бир киши драмасига нисбатан кенг ва теран ижтимоий дард бор. Шоир қисматининг бутун зиддиятларини – унинг шахсиятида машрабона ҳурфиксрилик билан халкона шикастаҳоллик; ҳаёт кувончларига ошиқона шайдолик билан дард-аламларига куюнчак муносабат; умумбашарий ташвишлар – “дунё ҳасрати” билан кўнгилнинг хос, сирли-маҳрам кечинмалари омухта ғанини – булар битта тирик вужудга, бир бутун оламга айланганлигини ким тушунади, ким қадрлай олади?..” (280-б.) Таҳлилда олимнинг шеъриятга бўлган ихлоси кузатилади ва маҳорати акс ётади.

Адабиёт инсонни покликка, комилликка, эзгуликка, олийжабобликка, руҳан тозаришга етакловчи восита ҳисобланади. Шундай даражага эриша олган устозлардан бири эдилар... Камтарин, сахонатнеша, диёнатли, сабр-қаноатли, олиҳиммат, заҳматкаш навоий-шунос олимни бутун умри фаолиятида тўғри ва ҳалол меҳнат қилгани азиз инсон сифатида хотирлаймиз. Устознинг юксак ахлоқий фазилатлари бизга намуна, ўрнак бўлиши керак, албатта. Адабиётнинг вазифаси ҳам ана шунда. Инсон руҳиятини тарбиялашдек мураккаб вазифани ўз олдига қўйган адабиёт замира, аслида, кечинмалар яшайди. Устоз назарларидаги самимилик, адабиётга

бўлган мұхаббат, шижаат нималарнидир таъкидламоқчидек туюлади, туюлади-ю, бирдан улар сабоғи, фасоҳат мулкининг соҳиб кирони Навоий шоҳбайтлари хаёлдан кечади:

*Ёрур холинг хаёлидин оқаргон кўзларим, гўё:  
Кўйубтур килки Сунъ ул нуқтани кўзлар қаросидин.*

*Муяссар УМИРОВА, мұхаррір*

## **ОДАМ ОДАМИЙЛИК БИЛАН ОБОД**

Ботирхон акага куда бўлганимизга салкам қирқ йил тўлибди. Бу оиласнинг аъзолари биз учун ҳамиша қадрдон инсонлар эдилар. Таникли олим, эл ардоғидаги инсон бўлишларига қарамай, Ботирхон акага юксак инсонийлик ва ўта камтарлик хос бўлган. Одатда куданикига меҳмон бўлиб келганда баъзилар нихоятда иззатталаб бўлишади. Лекин Ботирхон ака бундай иллатлардан йироқ эди. Куни кечагидек ёдимда, ҳар сафар Кўқонга келганларида, раҳматли дадам меҳмоннинг шарофати билан барча қариндош-уруғларимизни бир дастурхон атрофига йиғишини хуш кўрардилар. Бундай пайларда Ботирхон ака энг азиз меҳмонимиз бўлишига қарамай, ҳеч қачон дастурхоннинг тўрида ўтирмасдилар, ширинсухан, даврада ўтирганларга жуда эътиборли эдилар. Шунинг учун ҳам у кишини қариндош-уруғларимизнинг барчаси илиқ сўзлар билан эслашади.

Дадам билан Ботирхон ака ҳар хил феъл-атворга эга инсонлар бўлса-да, кўп томонлари ўхшаш ҳам эди, аникроғи уларнинг табиатида кучли ирода ҳукмрон бўлиб, камтарлик, олижаноблик ва қандай лавозимда бўлишидан катъий назар, одамларни қадрлап, уларга эзгулик улашиш каби хислатлар мужассам эди. Шунинг учун бўлса керак, улар ўргасидаги куда-андачилик жуда самимиш бўлиб, то умриларининг охиригача давом этди. Дадам Комилжон Солиев ўша пайларда Кўқондаги йирик ташкилотлардан бириниш раҳбари, хизмат тақазоси билан тез-тез Тошкентга келиб турардилар. Ҳар сафар келганларида Ботирхон ака билан Моҳирахон ая уларни албатта меҳмонга чакиришарди. Мен ҳам ҳар сафар (ўша пайлар ТошДУнинг юридик факультетида ўқирдим) дадамга кўшилиб уларникига бирга борардим. Бу гўзал ва обод хонадонда бўлганимда қандайдир бетакрор файз ҳукм суришини ҳамиша ҳис килганман ва улардан ибрат олишга интилганман.

Ота-онам вафот этгандаридан сўнг ҳам оиласаримиз ўртасидаги ўзаро иноқлик, яқинлик давом этиб, яхши-ёмон кунларда камарбаста бўлиб келинди.. Бундан тўрт йил олдин бошимга оғир мусибат тушиб, умр йўлдошимдан ажralган пайтларимда Ботирхон aka билан Моҳирахон ая ота-онамнинг ўрнини билинтирмасдан менга далда бўлиб, маросимларда туриб берганларини ҳеч қачон унутмайман.

Ҳамкасбим эмасми, Ботирхон aka билан жуда кўп мулокотда бўлганман. Мен уларни ўз соҳасида жуда катта тажрибага эга бўлган забардаст олим, шу билан бирга ўта маданиятли, дўстларига содик, беғараз, кўлидан келганича бошқаларга яхшилик қилишга интиладиган инсон сифатида танидим. Касбим тақазоси билан бир неча маротаба Ботирхон акани ҳамкаслари ва у кишининг кўлида таълим олган шогирдларига дуч келдим ва бир нарсага амин бўлдимки, улар билан мулокотда бўлган ҳар бир инсон улар тўғрисида фақат яхши ва илиқ фикрларни билдиришади. Уларни тинглар эканман, мен эл-юртда ўз фидойи хизматлари орқасидан хурмат ва ѡтибор топган бу инсонга хурматим ошар эди. Ҳа, Ботирхон aka ана шундай эл ардоқлаган, юзларидан нур ёғилиб турадиган бир олижаноб инсон эдилар. Дейдиларки, “Одам – одамийлик билан обод”. Илоҳим жойлари жаннатда бўлсин!

Ботирхон aka ҳаётда яхши ном қолдирди, шу билан бирга одобу андишада беназир бўлган, маърифатли аёл – Моҳирахон ая билан баҳти умр кечириб, биргаликда тўрт фарзандни тарбиялаб вояга стказишиди. Уларнинг бари имон-эътиқодли, олийжаноб инсонлардир. Мана салкам қирқ йилдирки, Ботирхон аканинг тўнгич қизлари келинойим – Гули Акрамовани ота-онаси фахрланишига лойик инсон эканлигининг шоҳиди бўлиб келмоқдаман. Келинойим ота-онасининг тарбиясини олганлиги унинг маърифатпарварлиги, ўз устида тинмай ишилаши, оиласа вафодор ёр, меҳрибон она, яхши қайнона ва набиралари учун севимли бувижон эканликларида билишиб туради. Ҳа, ҳалқимизда бекорга айтишмайди “Таги-тахтини суриштир” деб.

Ўйлайманки, шогирд-у, фарзандларининг саъй-ҳаракатлари билан тайёрланаётган “ўзбек адабиёти намояндадар” туркумida шанр этиладиган ушбу китоб ҳам хотираси эъзозланаётган шахс – Ботирхон Акрамовнинг 80 йиллигига муносаб тухфа бўлади. Инсон кўнглини нозик маънавиятга, меҳр-оқибатга ундовчи, эзгулик ҳеч қачон изсиз қолмаслигидан далолат берувчи бу китоб ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасизdir.

## **МИР АЛИШЕР НАВОЙ ФИДОЙИСИ**

*Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажсаб саодат эрур яхшилик била қолса от.*

Гарчанд адабиётшунос бўлмасам ҳам Ботирхон Акрамовнинг порлоқ хотираси хурмати қисқача ёзib ўтишга жазм этдим.

1978 йилнинг май ойида Қорақамиш мавзесига милиция бўлими вакили қилиб тайинланганимда кўп қаватли иморатларда яшайдиган 2-3 нафар нуроний отахонларга кўзим тушди. Улар орасида Ботирхон ака бор эдилар. Шу пайтлардан бошлаб Ботирхон акамиз билан чин инсонийлик муносабатларимиз бошланди. Улар мени шеъриятта, айникса, Алишер Навоий шеърларига зўр қизиқишим борлигини билиб, ўқишга китоблар бериб, маъноларини ҳам тушунириб берардилар.

Ботирхон ака билан шунчаки дўст бўлиб қолган эдик десам но тўғри бўлар эди. Улар менга Навоийдек пири устоз ўрнида бўлган инсон сифатида гавдаланди. Улар ҳар бир ҳодисага ва шароитга Алишер Навоийнинг шеърларидан дарҳол мисол тариқасида байт айтардилар. Шу шеърларнинг қайси бирларини ёзив ололмадим. Шулардан бири:

*Ўз вужудинга тафаккур айлагил,  
Ҳар неники истасанг ўзингдин истагил.*

2007 йили Ботирхон аканинг “Навоий шоҳбайтлари” китоблари босилиб чиқди. Шу китобларини менга тақдим этарканлар, дастхат ёзив менга яхши тилаклар билдириб: “Яратганинг ўзи – ёр, Навоийдек пири муршидлар руҳи мададкор бўлсин! Омин! Ҳар субҳу шомда Сизнинг дуогўйингиз “факир ул-ҳақир” оғанғиз” деб эдилар. Мен учун бу дастхат накадар азиз ва бебаҳодир. Ўз сўзларида улар ўзларини “факир ул-ҳақир” деб таърифлаганлар. Навоийнинг ижодини шу даражада чукур ўрганиш жараёнида улар Навоийнинг улуғворлигини, камтарлигини ҳам ўзларига қабул этганлар десам муболага бўлмас. Драп пальто, кора шляпа ва жигарранг портфелни кўтариб, қишининг аёзли кунларида автобусларда Низомий номидаги педагогика институтга ва Миллий университетга қатнардилар.

Бир куни мен уларга савол бериб: “Инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг энг юкориси самимият бўлса керак-а?”, десам, “йўқ, поклик” – дедилар. Навоийдан байт келтирдилар:

*Дили поку, сўзи поку, ўзи пок.*

Ўзлари ҳам энг пок инсонлардан эдилар, негаки улар ҳеч қачон бойликка ва мансабдорликка интилмасдан, фақат илм ва маърифатга хизмат қилиб яшадилар.

Саъдий Шерозий сўзлари билан айтганда:

*“Қорун ҳалоқ бўлди, ки бор эрди ганжи том,  
Нўширавон ўлмади, қўйди яхши ном.*

Ха, Ботирхон ака ҳам бу дунёда яхши ном қолдирган “одамийлар одамийси” эдилар.

*Дилбар ВАЛИЕВА,  
ўқитувчи*

## УСТОЗ

Мен Акрамовлар оиласини салкам 30 йилдан бўён биламан. 196-мактабга раҳбар этиб таинланган эдим. Ишга тушган биринчи кунимдан бошлаб мен Акрамова Моҳира опа исмли ўқитувчига назарим тушди. Моҳира опа бошка устозлардан гайрати, меҳнатсеварлиги, ширинасабатлиги билан ажralиб туришини дарров сездим. Раҳбар сифатида мен бу ўқитувчини мактабда олиб бораётган ишпини кузатар эканман, шундай инсонлар ичida ишлаётганимдан жудажуда фахрланар эдим. Секин-аста мен ходимларим оилалари билан таниша бошладим.

Моҳира опанинг чакконлиги, уйда ҳам, мактабда ҳам чинакам моҳирлигини куриб, мен ҳайратга тушар эдим. Аёл кишининг давлат ишида, эл-юрги хизматида хотиржам меҳнат қилиши учун уйдаги шарт-шароитнинг аҳамияти жуда муҳҳимдир. Худди шундай кулай шароитни Моҳира опам учун уларнинг умр йулдоши Ботирхон ака яратиб берганларини мен аниқ биламан.

Шаҳар миқёсидаги семинар ва очиқ дарсларга улар албатта кўмаклашар эдилар, болалар учун кичик-кичик шеърлар ҳам ёзиб берардилар. Ёзги таътилларни эса улар туғилиб ўсган Ўш шаҳрида,

Москва, Ленинград ёки чет элларда биргаликда ўтказар эдилар. Ботирхон ака чинакам жаннати инсон эдилар. Энди билсам, моҳир устоз Моҳира опам меҳмондўстликни, шириңсўзликни, меҳнатсеварликни, фидойиликни ва ҳоказоларнинг барчасини турмуш ўртоғи Ботирхон Ақрамовдан ўрганган эканлар.

Домла уларнинг нафакат турмуш ўртоғи, балки том маънодаги Устози ҳам бўлган эканлар.

*Бахтиёра АБДУЛЛАЕВА,  
Кўқон педагогика институтининг ўқитувчиси*

## НАВОИЙ ИХЛОСМАНДИ

Мен биринчи бор Ботирхон акамни роппа-rossa 60 йил аввал кўрганман. У пайтда мен 7 яшар кизча эдим. Ҳали-ҳали эсимда, Моҳира опамни Ботирхон акамнинг уйига узатиб борганмиз. Куёвнинг гўзаллигини кўрган аёллар ҳайратга тушганлар. Бу саҳна худи «Ўткан кунлар»даги Отабек ва Кумушга ўхшарди, ҳамма ҳавас билан қараган. Ботирхон акам келишган, баланд буйли, кўзлари катта-катта, айниқса жилмайганда худи Отабекнинг ўзи эди.

Тўйларидан аввалги саҳналар бироз бошқача бўларди. Ботирхон акамнинг кўлида атири гуллар, деразамизнинг тагида ҳар доим мўлтиллаб турадилар. Лекин Моҳира опам оиласиз аъзоларидан уялиб, ҳадеб деразадан қарашга андиша қиласиз эдилар.

Аммо муҳаббат ҳамиша ғолиб деганларидек, улар бир-бирларининг висолига етишдилар, тўрт фарзандли бўлдилар. Ботирхон акам ҳеч қаҷон ўғил фарзанд йўқлигидан ўксинмаган, аксинча, қизлари билан фахрланган. Уларнинг ҳаммасини олий маълумотли қилиб ўқитган, яхши тарбия берган, ҳалол меҳнат билан пул то-пишни ўргатган.

Қатор-қатор туттилган невараларига ўзлари танлаб чиройли исмлар қўйдилар: Гуландом, Гулрухсор, Музффар, Лобар... ва ниҳоят Ақрамхон.

Қадимдан олиму-уламолар ҳаётни саҳнага ўхшатганлар, инсонларни эса саҳна асарининг қаҳрамонлари деб атаганлар. Ҳаммамизнинг суюкли, севимли, ўта истеъоддли қаҳрамонимиз – Ботирхон акамиз қалбларимизда баъзан Отабек тимсолида, баъзан дилкаш сұхбатдош сифатида ва ҳамиша Навоий ихлосманди бўлиб абадий қолади.

## БИЗ АКА-УКАДЕК ЭДИК

Филология фанлари доктори, профессор Ботирхон ака Акрамов билан 30 йилдан бери танишмиз, ёнма-ён бирга бўлиб, ижодий ишларимиз билан ака-уқадек ҳамсухбат бўлганимдан мағурланиб юраман.

Бу ажойиб инсон доимо хушчакчақ, юзидан табассум аримайдиган, ўта зиёли устоз эдилар. Ўша файзли йилларда водийлик дўстларимиз билан оиласвий «гап» – зиёфатларда йигилганимизда доимо суҳбат албатта Алишер Навоий ёки бошқа ўзбек алломалар ҳақида бошланиб кетарди. Зиёфатга йигилган улфатлар Ботирхон акани мароқ билан тинглар, олам-олам таъсуротлар билан кеч тунда уй-уйимизга тарқалар эдик.

Водийга меҳмондорчиликка ёки тўйга бораётганимизда машинада «Куйгай» қўшигини Ботирхон ака бошчилигига хиргойи қилиб кетар, чарчаш нима эканлигини билмай манзилимизга етиб борар эдик.

Ботирхон аканинг уйларида бой кутубхона бор эди. Кабинетларида йигилган бир-биридан ажойиб китобларни вароқлаб ўтириб, илмий ишлар ҳақида баҳслашар эдик.

Бир куни Ботирхон ака шундай дедилар:

– Баҳодиржон, укам! Археолог бўла туриб Далварзинтепа қадимий шахри ўрнида топилган дунёдаги энг қадимий шахмат доналарини, 40 дан ортиқ маҳобатли буддавий ҳайкалларини, қолаверса, тенги йўқ – салкам 36 кг олтин хазинасини топган бўлсангизда, нега докторлик диссертациясини ёзмайсиз!

Мен эса жавобан:

– Эсимда, сиз докторлик диссертациясини ёқлаётганингизда олимлар ўртасида қаттиқ тортишувлар бўлган эди. Мени ҳам шу ҳолатга тушишимни ҳоҳлайсизми? деб кулишиб олган эдик.

– Шўролар мафкураси даврида олимларга мен танлаган мавзу ёқмас, аниқроғи, тўғри келмас эди-да. Ҳа, майли, диссертация бўлмаса унда сизнинг фаолиятингиз билан боғлиқ энг яхши мавзу Япония ва японлар ҳақида илмий-оммабоп китоб ёзинг. Ахир сиз археологлар ичida биринчилардан бўлиб ажойиб япон олими – ар-

хеолог Кюдзо Катони шогирдлари билан 1989 йилда юртимиз жа-нубидаги Далварзинтепада қазилма ишларини бошлаб юборгансиз-лар-ку. Шу билан бирга ҳамкорлик шартномасига кўра ўзбек ар-хеологлари бир неча марта Японияга бориб келгансизлар. Агар сафар эсдаликларини жамлаб ўзбек халқига етказиш учун шу мав-зуда китоб ёёсангиз, зўр иш бўларди-да.

Бу танқид ва маслаҳатдан илҳомланиб Мустақиллик туфайли 2005 йилда «Японлар. Кимлар улар?» деб номланган 188 жилдли илмий-оммабоп китобни чоп эттирдим. Ушбу китобни адабий то-мондан жонли чиқиши учун тақризни ўз бўйнига олган Ботирхон акамнинг хизматлари бисёр бўлди.

Истеъоддли, жонкуяр олим Ботирхон акамнинг порлоқ номла-ри менинг хотирамда доимо сақланиб қолади.

**Барнохон МИРЗААҲМЕДОВА**

## **ЯХШИЛИК УЧУН ЯРАЛГАН ИНСОН**

Бу дунёда шундай инсонлар борки, улар боқий дунёга рихлат этганларидан сўнг ҳам ортларидан тириклигида адо этган хайрли амаллари учун фарзандлари, таниш билишлари самимий раҳмату миннатдорчилак сўзларини эшитиб юришади. Ботирхон амаки ҳам ана шундай соҳоватпеша, улуг ҳислатли инсонлардан эдилар.

Мен 2002 йили Ботирхон амакининг ён қўшилиарининг хона-донига келин бўлиб тушган бўлсам, у кишини ана шу вақтдан та-ний бошлаганман. Озодалик келинлик зийнати эмасми, эрта сахар-лаб кўчаларга сув сепиб, атрофларни супуриб, тозалаб қўйсам Ботирхон амаки деразаларидан қараб туриб – “Барака топинг, ум-рингиз узок бўлсин қизим. Сиз сув сепиб супурсангиз ер ҳар бир қадамингизда саловатлар айтади” дер эдилар. Шунда мен у киши-нинг нақадар пок қўнгилли инсон эканликларини англағандим. Рос-тини айтсам, мен Ботирхон амакининг қандай унвонлари, орденлар ёки қанчалик юқори мансабларда эгаси бўлганларини билмайман. Аммо қанчалик хоксор, камтар, катта-ю кичикка бирдек меҳрибон инсон бўлганликларини баралла айта оламан. Уларни меҳнатсевар, шириңсўз боғбон дегим ҳам келади. Сабаби, кўп қаватли уйда яша-шимизга қарамай кўчамизнинг бир четида кичкинагина экинзор

барпо қилиб, у ердаги митти майсадан тортиб, каттагина мажнунтол дарахтигача алоҳида парвариш қилардилар. Ҳозир ана шу экинзор олдидан ҳар ўтганимда бир воқеа ёдимга тушаверади:

Ёзинг жазирама кунларидан бирида мен кўчамизнинг асфалт ерига гиламларимизни тўшаб юваётган эдим. Аксига олиб гиламни ювиб тушаётган совунли сув тўғри Ботирхон амакининг экинзорларига оқиб кетаётганди. Бундан хижолат бўлиб, гиламни тез-тез ишқалайман-у дарров супургини қўлимга олиб экинзорга кетаётган сувни орқага супурман. Бу ҳолатни гилам ювиб бўлгунимча неча маротаба қайтармадим дейсиз. Бир вақт қарасам Ботирхон амаки деразаларидан караб турибдилар. Мен ҳам хафа бўлиб қолмасинлар дея ҳаракатимни янада тезлаштирудим. Шунда амаки “Кўяверинг қизим, сув кетаверсин, майли, экинларга ўғит бўлади” – деб қолдилар. Мен ана, бироз хафа бўлдилар шекилли деб ўйлаб “йўқ-йўқ, мана ҳозир тозалаб оламан, экинларингиз куриб колишига йўл кўймайман” дебманда шоша-пишиб. Шунда амаки кулиб, “Барнохон мен ростдан айтаяпман, майли ўзингизни қийнаманг, совунили сувнинг экинларга зарари бўлмайди”, дедилар. Кейин билсан бу гапларни чин дилдан айтиётган эканлар.

Бир куни мен ҳам уларга ҳавас қилиб бир чеккага кўкатлар экдим. Эрта тонгдан ишга кетаётиб буни кўрган Ботирхон амаки хурсанд бўлиб мени йўл-йўлакай дуо қилиб кетдилар. Мана шу кичкинагина қилган ишимга катта баҳо бериб, ҳаттоқи ўзлари ҳам эндинина ниш ураётган майсаларни кўриб хурсанд бўлганларининг ўзи уларни қандай ҳокисор боғбон эканликларидан далолатдир. Афсуски, энди у инсон орамизда йўқ. Табиатга ошно, одамларга ҳолис, келажак авлоднинг камоли-ю, эл-юрт ғами билан яшовчи бир улуғ муаллим хотирага айланди. Юзларидан нур, сўзларидан бол гаралаётган Ботирхон амакининг аёли Моҳира аяннинг улуғ ва гўзал кунларни хотирлаганча қолди. Ижодкор инсон хеч бир воқеа ходисага бефарқ қарай олмайди. Моҳира ая ҳам адабиёт ошноси эмасмилар, Ботирхон амакининг шахсий кутубхоналари энди аяга мудом бетакрор хотираларни ёдга солиб туради.

Ботирхон амаки маҳалламизда ҳам ўзларининг зиёли фазилатлари билан ҳам ажralиб турардилар. Ёдимда, қачонки, маҳалламизда ёки қариндош-уругларимизникида тўй-марака, бирон маросим уюптирилса, Ботирхон амаки ҳаммадан олдин бориб, чин дилдан хизматга шайланардилар. Ҳайит, Наврӯз байрамлари бўладими

чин дилдан дуолар, тилаклар айтардилар. Айниқса, күчада үйнаб юрган болаларни күрганларида уларга қараты, “Илм олинглар, болаларим үкиган одам ҳеч қачон хор бўлмайди, ҳар доим қўлларингдан келгунича яхшилик қилинглар, ортингиздан фақат яхши ном қолсин” дея насиҳат беришни кандо қилмасдилар. Шунинг учун ҳам ҳамма уларнинг оиласидаги ҳавас билан қарайди. Ботирхон амакининг дуо-ю насиҳатлари доим бизни нурли ва равон йўлларга чорлади. Уларни таниган-билганлар борки, ибратли фазилатларини бир-бирларига айтиб хотирлайдилар. Ортларидан яхши ном колдирган Ботирхон амакининг охиратлари обод бўлсин.

*Моҳирахон АКРАМОВА,  
муаллима*

## 60 ЙИЛЛИК УМР СУРУРИ

Мен Ўш шаҳрининг энг мўътабар, обрўли, зиёли инсон – Олимхон ҳожи оиласида дунёга келдим. Онам – Нурхон ая чевар номи билан машҳур эдилар. Оиласидаги 8 фарзанд – 6 ўғил ва 2 кизнинг энг кенжаси – эркатойи эдим. Отам ўз маблағларидан мактаб интернат очган. Бу мактабнинг биринчи қалдирғочлари – академик Иzzат Султон, Ҳабиб Абдуллаев, Тўрахон Мирзаевлар бўлишган. 1937 йилда отам уйда ноёб китоблар сақлагани учун ўша даврнинг энг кўзга кўринган маърифатпарвар инсонлар, жадидлар қатори қатагон қилинган.

Ўшанда мен 5 ёшда эдим. 8 фарзандни вояга етказиш, уларни ўқитиши, олий маълумотли қилиш ёлгиз онамнинг зиммасига тушди. Орадан бир неча йил ўтгач уруш бошланди. Онажоним Ватан химояси учун бирин-кетин ўғилларини фронтга жўнатди, сўнг кетмакет «қора хатлар» олди. Аммо фарёд этмасдан бир бурчакда секин-секин йиғлаб олар ва қолган фарзандларининг ўқиши-тарбияси учун туну-кун тинимсиз меҳнат қиласа эди.

Айниқса, кўп эътибор менга берилар эди. Ҳали-ҳали эсимда – акаларим мени қўлма-қўл қилиб ерга қўймай катта қилишган. Йиллар ўтиб мен ҳам отам касбини эгаллаш учун Педагогика билим юртида ўқидим ва мактабда ишлаш учун йўлланма олдим. Менинг биринчи касбдошларим орасида дунёда тенги йўқ меҳрибон инсон-

лар – Олимахон опам ва Валидбек акам ҳам бор эдилар. Улар туфайли уйимиз доимо гавжум булар, ёру-дустлар аrimas эди. Валидбек акам адабиёт фанининг фидойиси, ниҳоятда шеъриятга қизикувчан бўлгани учун уйимизда тез-тез мушоиралар ўtkазилар эди.

Кунлардан бир кун эшикдан бир йигит кириб келди ва акамни сўради. Бошқа меҳмонлардан ажралиб турадиган ўткир нигохи, жарангдор овози ва ширинсўзлиги мени бефарқ қолдирмади, ўзига диққат-эътиборимни тортди. Кейинчалик билсам, бу йигит мен ишлаётган мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Ботирхон Акрамов экан. Ёш бўлишига қарамай, бу киши мактабда катта обрўга эга, қобилиятли педагог, сиёсатни яхши тушунадиган, қатъиятли, берган сўзи устидан чикадиган инсон эди. Оддий боғоннинг фарзанди бўлатуриб, билимга ўта чанқоқлиги, адабиёт ва санъатнинг нозик сирларини дилдан ҳис этиши, ташкилотчилик қобилияти, актёрлик маҳорати каби фазилатлари билан Ботирхон ака ҳаммани ҳайратга солар эди.

Биз турмуш курдик. Ботирхон ака онам учун яна бир ўғил бўлдилар. Биз 4 та фарзанд кўрдик. Фарзандларимиз ҳам бизга ўҳшаб муаллимлик касбини танлади. Отасидан уларга кўплаб ноёб китоблар билан бирга тўғрисузлик, олижаноблик, касб маҳорати, ҳалол меҳнат килиш мерос бўлиб қолди. Мен шу хислатларни қизларимда, набираларимда кўрганимда, қувонаман, кўнглим таскин топади.

Мен домла билан бирга 60 йил баҳтли умр кечирдим. Бу даврнинг ҳар бир куни мен учун азиз. Баҳор кезлари бойчечакка бурканган тоф бағри-ю, сой бўйида юрган ёшлик дамларимизни ҳам, илм-фанга баҳшида этилган умрнинг пасту-баландликларини ҳам, кексалик даври гаштини сурганимизни ҳам асло унутмайман. Мен Алишер Навоий ижодини чукур ўрганган етук олим, қалами ўткир танқидчи, олижаноб инсоннинг рафиқаси бўлганимдан фаҳранаман.

## ОТАЖОН

*Сўз. Сўз дея сўзнинг ортидан кетган  
Эй, азиз мағрур бош, қайда ётасан?*

*Ул азиз жонидан Сўз дея кечган  
Қонлар ютиб, қуёшим, қайга ботасан  
Сулҳида Ёлғиз*

Орзу-ҳаваслари буюк, аммо ҳаммадан яширин, армонлари уммондай, лек сирлигича колган, нодир қалб ва истеъдод сохиби...

Отагинам... Кани энди вақтни орқага қайтариш мумкин бўлса эди... Ҳар бир сўзингиз ҳар бир нигоҳингиз, ишорангиздан, биз англай ололмаган Ҳақиқатингизни энди қаердан излаймиз?!

Факат ижодингиздан, асарларингиздан – шеър ва мақолала-рингиз, тугалланмаган лойиҳа – чизгиларингиздан излаймиз ноёб ҳис-туйғуларингизни... Табаррук изларингизга зор бўлиб бизга таскин берувчи амаллар билан яшаймиз энди...

Ўта хоксор ва ғоят мағрур, жуда содда ва ниҳоята нозиктаъб бу инсонни кимлардир эъзозлади, кимлардир тушунмади... Ҳаётлигида бу ноёб инсонни қадрлаганларнинг ҳақига дуо килиб уларнинг саъй-ҳаракатлари билан Отажонимиздан қолган улкан ижодий меросни кенг жамоатчиликка ёйиш ишларини давом эттиришимиз лозим.

Хадиси шарифда қайд этилишича, ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқи одобдан буюкроқ мерос беролмас экан... Биз тўрт қиз ана шу меросга ҳам эгамиз...

Сиз ва волидай муҳтарамамиз бизга берган тарбиянгиз, илм-маърифатга бўлган эътиқод ва чукур ихлос ҳаётимизни умрбод ёритажак...

Миллатпарвар шоиримиз Рауф Парфининг рафиқаси Сулҳида Ёлғиз шундай хотирлайдилар: “Икки дўст – шоир ва мунаққид олим соатлаб бир-биридан кўз узмай, деярли сўзсиз суҳбат куриб ўтиришарди... Икковларини икки чинорга ўхшатардим...” Ўша чинорнинг биттаси Сиз эдингиз, Отажон. Чинордек улуғвор, чинордек томирлари бақувват, чинордек боқий... Сизнинг шогирдларингиз,

фарзандларингиз, издошларингиз ўша дарахтнинг япроқлари, эзгу ниятларингиз ва амалларингиз эса боқий ва виқорли чинорнинг сояси...

*Сурайё АКРАМОВА,  
ўқитувчи*

*Ёдингиз ёд айлаб, куюндим ҳар дам,  
Руҳингиз шод айлаб, овундим, отам...*

Ажаб... Инсон дунёда энг онгли, идрокли ва шу билан бир вақтда энг онгсиз ва нодон бўларкан. Халқ орасида «йўқотганда англайди қадрин» деган ибора бежизга яралмаганлигини Отамни йўқотганимда тушундим. Қўлимга қаламни соғинч, надомат, ёруғ хотира, аввал ҳеч ўйлантирган ҳислар тутқазди.

Мен нафакат Отамдан, балки файласуф устозимдан, донишманд маслаҳатчимдан, мурғаклигимдан то шу кунгача меҳру-рагбатини дариг тутмаган саховатпеша валинеъматимдан айрилдим.

Шаксиз, ҳар бир фарзанд учун ўз отаси суюкли ва азиздир. Аммо Отам сиймоси кўз олдимга келаркан, назаримда, покликка, комилликка, теранликка даъват қилувчи қиёфа гавдаланаверади ва беихтиёр қалбимда ифтихор билан шундай Отанинг зурриёди эканимдан шарафланиб кетаман.

Бизнинг оиласиз ҳамиша меҳмондўст бўлган. Отам ва Онам бағрикенг, савоб ишларга очиқ инсонлар бўлган. Ҳар куни бир меҳмон келарди, у азиз бўлиб, хонадонимиз файз, ризқ, баракага тўларди...

Биз оиласада тўрт фарзанд бўлиб, ҳаммамиз рус мактабларида таҳсил олдик, сўнг турли олийгоҳларда ўқидик. Аммо энг мураббийимиз, бизга Шарқ ва Farb маданиятини, адабиётини танитиб, уйғунлаштириб, англатган – Отамиз бўлдилар. Отам чукур илим соҳиби бўлибгина қолмай, балки шеърият, миллий ва мумтоз мусиқа, маданият, санъат, адабиёт, урф-одат, сиёсат, замон, дин борасида ўта билимдон бўлганликлари учун биз – фарзандлари тафаккури, дид, дунёқарашимиз шаклланишида бу жиҳатлари катта рол ўйнаган, десам муболага бўлмайди.

Суфизм илмини Отам нафақат ўргандилар, балки ҳаётта тадбиқ этиб, унинг бош мезони бўлмиш – ҳалол меҳнат, адолат ва ҳақиқат учун кураш каби амалларини қўллаб яшадилар.

Отамниг илмини англап ҳаётликларида менга насиб этмади. Отамниг нақадар улуғ зот, юксак иқтидор ва нотиклик санъати соҳиби, Навоий ижодига бутун умрини бағишилаган, унинг шоҳбайтларини таҳлил этиб, шарҳлашида тенгсиз сўз устаси эканликларини тўла англаб етмабман...

Ирсият конунлари устун келиб, менинг қизим – Отамниг нашибраси – Иродахон шеъриятта кириб келди. Бу сирли ва машаққатли оламга илк қадамини қўйиб ўзига хос ширали овози билан, самимий кечинмалари билан биринчи мўъжаз лирик тўпламни эълон қилди.

Отам руҳининг ўзи қўллаб, мададкор бўлгандек гўё...

Сўзимни қизим Иродагинг «Бобомга Марсия» шеъри билан якунламоқчиман...

*Абадият сари йўл олди бир руҳ,  
Боқий дунё кумар, йўллари ёруз!  
Жигарлари гамда чекарлар андуҳ,  
Хайр, файзли инсон, фидойи олим,  
Менинг адив, шоир бобокалоним!*

*Ёронлар сафиға кирдингиз охир,  
Шайхзода, Рауф, Мұхаммад Нодир -  
Орасида энди Акрамхон Ботир,  
Хайр, файзли инсон, фидойи олим,  
Менинг ажисб, камтар бобокалоним!*

*Навоий, Яссавий, сўфий Накшбанӣ,  
Жадидлар руҳлари – Чўлпону, Фитрат,  
Барчалари сиздан розилар абад,  
Хайр, файзли инсон, фидойи олим,  
Менинг ватанпарвар бобокалоним!*

*Ҳақсиз ҳукм бўлса тушиб газабга,  
Адолатли сўз деб, учраб азобга,  
Интишмаган асло обрў-мансабга,*

*Хайр, файзли инсон, фидойи олим,  
Менинг ҳақсұз, ботир бобокалоним!*

*Күзатдик манзилга Рамазон моҳи,  
Барча гуноҳ, хато түкілар чоги.  
Юксак мавом берсін сизга Аллоҳим!  
Хайр, файзли инсон, фидойи олим,  
Менинг чин жсаннатий бобокалоним!*

*Ҳаммамиз Одамнинг авлоди, насли,  
Муддат тез тугаркан Фанода асли..  
Фирдавсда сизга ёр хур ёшлиқ фасли,  
Хайр, файзли инсон, фидойи олим,  
Ризвонларга лойиқ бобокалоним!*

*Кора дөглар қолди кечаги кундан,  
Бобом риҳлат килган шу машъум тундан.  
Дуоларин бизлар ололдикмиカン?!  
Хайр, файзли инсон, фидойи олим,  
Видолашмай кетган бобокалоним!*

*Онам сиймосида кўраман сизни,  
Бувим кўзларида чин севгингизни,  
Ўчиролмас ҳатто вакт ҳам бу изни!  
Хайр, файзли инсон, фидойи олим,  
Муҳаббати мангу бобокалоним!*

*Тирик жон бордурки – Ўлим тотгучи,  
Кабр тор бағрида хар ким ётгучи!  
Тақдирларни ёлғиз Тангри ёзгучи,  
Хайр, файзли инсон, фидойи олим,  
Руҳингиз шод бўлсин, БОБОКАЛОНИМ!*

## МУНДАРИЖА

*Х. Болтабоев.* Навоий баҳридан баҳрамандлик..... 3

*Ботирхон АКРАМОВ.* Мухтасар ҳасби ҳолим..... 5

## МАҚОЛАЛАР

“Сўз гуҳари”нинг илоҳий баҳоси.....	7
“Сўз лавҳи”га битилган мўъжиза.....	21
Илоҳий калимот тимсоллари.....	26
Кўнгил чашмасидан қатралар.....	34
Ҳазрати Баҳоуддин ва Алишер Навоий.....	52
Асрлар қаъридан садо.....	59
Мўъжизот муссавири, зарофут шоири.....	64
“Муҳаббат осмони”нинг ёруғ юлдузи.....	73
Шеъриятнинг хуррият буржи.....	82
“Сўз гуҳари”нинг қасидавор ва пурвиқор қирралари.....	90
Руҳиятнинг мусаввирона чизгилари.....	95

## ДАФТАРДА ҚОЛГАН ЁЗУВЛАР

Нури илҳом ҳайрати.....	103
Тавбай комил.....	105
Таманно.....	106
Тўзимсиз изтироб.....	107
Тўймадим, йўқ, тўймасман!.....	109
Кўнгил каъбаси.....	111

## СУҲБАТЛАР

Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси (мунаққид М.Махмудов билан суҳбат).....	112
--	-----

## БИБЛИОГРАФИЯ

Профессор Ботирхон Акрамов асарларининг қисқа библиографияси.....	126
--	-----

## ЗАМОНДОШЛАР НИГОҲИДА

<i>Х.Тўхтабоев.</i> Покизаамал олим.....	129
<i>Ҳ.Ҳомидий.</i> Икки жабҳада.....	131
<i>Ё.Исҳоқов.</i> Дили ва тили бир.....	133

<i>O.Мадаев.</i> Наслига содик олим.....	135
<i>З.Ҳамидов.</i> Навоий “сўзи”га ошуфта олим.....	136
<i>Йўлдош Эшибек.</i> Домла Ботирхон Акрам ёди.....	140
<i>Т.Собитова.</i> Навоий шеъриятининг билимдони.....	148
<i>Мирзо Кенжабек.</i> Ахли дил инсон эдилар.....	150
<i>Тўра Мирзо.</i> Устоз ҳақида йўқлов.....	153
<i>С.Собиржон ўғли.</i> Дўстлик ёш танламайди.....	155
<i>A.Жалилов.</i> Навоий руҳидан мадад олиб.....	156
<i>П.Кенжасева.</i> Устозни хотирлаб.....	158
<i>М.Умирова.</i> Одам одамийлик билан обод.....	160
<i>Ш.Асқаров.</i> Мир Алишер Навоий фидойиси.....	162
<i>D.Валиева.</i> Устоз.....	163
<i>B.Абдуллаева.</i> Навоий ихлосманди.....	164
<i>B.Тургунов.</i> Биз ака-уқадек эдик.....	165
<i>B.Мирзааҳмедова.</i> Яхшилик учун яралган инсон.....	166
<i>M.Акрамова.</i> 60 йиллик умр сурури.....	168
<i>G.Акрамова.</i> Отажон.....	170
<i>C.Акрамова.</i> Ёдингиз ёд айлаб.....	171

*Адабий-бадиий наир*

Нашриёт мухаррири Файзи Шохисмоил  
Мусаҳҳиҳа Камола Болтабева  
Техник мухаррир Бехзод Болтабоев

Нашриёт лицензияси АI № 103. 15.07.2008  
Теришга берилди: 11.12.2012  
Босишга рухсат этилди 17.12.2012  
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози  
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 10,0  
Шартли босма тобоғи 11,25. Адади 250  
Баҳоси келишилган нарҳда

«MUMTOZ SO‘Z»  
масъулияти чекланган жамиятининг наприёти  
Тошкент, Навоий кӯчаси, 69  
Тел.: 241-60-33

«MUMTOZ SO‘Z»  
масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди. Буортма 19/12  
Тошкент, Навоий кӯчаси, 69  
Тел.: 241-81-20



ISBN 978 9943-398-82-6

A standard one-dimensional barcode representing the ISBN 978 9943-398-82-6.

9 789943 398826